**ЗАКОННОСТЬ** *ж мн. нет* 1. қонунийлик, қонунга мувофиқлик; **законность претензии** да вонинг қонунга асосланганлиги; 2. қонунчилик; **революционная законность** революцион қонунчилик; 3. тўғрилиқ, ҳақлилиқ.

**ЗАКОННЫЙ**, -ая, -ое 1. қонуний, қонунга мувофиқ; **законное право** қонуний ҳуқуқ; **документ, имеющий законную силу** қонуний ҳужжат; **на законном основании** қонуний асосда; **законные приёмы борьбы** курашининг қонунлашган усуллари; 2. **||** ҳақли, ўринли, асосли; **законный упрёк** ўринли (ҳақли) гина; **◇ законный брак** расмий никоҳ, қонуний никоҳ.

**ЗАКОНОВЕД** *м* қонуншунос, ҳуқуқшунос.

**ЗАКОНОВЕДЕНИЕ** *ср мн. нет* қонуншунослик, ҳуқуқшунослик, ҳуқуқ илми.

**ЗАКОНОВЕДЧЕСКИЙ**, -ая, -ое қонуншуносликка оид.

**ЗАКОНДАТЕЛЬ** *м* 1. қонун чиқаручи; амр беручи; 2. **||** қоида ўрнатучи, расм (одат) чиқаручи.

**ЗАКОНДАТЕЛЬНИЦА** *ж қ.* законодатель; законодательница мод янги модалар расм қилучи хотин.

**ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЙ**. -ая, -ое қонун чиқарадиган; законодательный орган қонун чиқаручи орган; законодательная власть қонун чиқаручи ҳокимият; „Верховный Совет Узбекской ССР является единственным законодательным органом Узбекской ССР“ (Конституция УзССР) „Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССРнинг бирдан-бир қонун чиқаручи органидир“ (ЎзССР Конституцияси); законодательная инициатива қонун тузиш (қонун чиқариш) ташаббуси.

**ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО** *ср юр.*  
1. *только ед.* қонунлар чиқариш ва нашр этиш; **вопросы законодательства** қонун чиқариш масалалари; 2. қонунлар, қонунлар тўплами; советское законодательство совет қонунлари.

**ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВОВАТЬ** *несов.* қонунлар тузмоқ, қонун чиқармоқ.

**ЗАКОНОМЕРНО** *нареч.* қонуний равишда; мунтазам, табиий суратда.

**ЗАКОНОМЕРНОСТЬ** *ж* қонуният, қонуний бўлишлик, муайян қонунга мувофиқлик; **закономерность явления** ҳодисаларнинг қонунияти; **соцсоревнование** составляет одну из важнейших закономерностей развития социалистического общества социалистик мусобақа — социалистик жамият тараққиётининг энг муҳим қонунятларидап биридир.

**ЗАКОНОМЕРНЫЙ**. -ая, -ое қонунга мувофиқ, қонуний, муайян, тўғри; **закономерное явление** бўлиши муайян бўлган ҳодиса.

**ЗАКОНОНАРУШИТЕЛЬ** *м* қонун бузучи, қонунга риоя қилмайдиган.

**ЗАКОНОНАРУШИТЕЛЬНИЦА** *ж* қ. **закононарушитель**.

**ЗАКОНОПАТИТЬ** *сов.* 1. тешиқ ва ёриқларни тиқиб бекитмоқ; **законопатить щели в стене** девор тешиқтирқишларни бекитмоқ; 2. *с. т. бегн.* тиқштириб, сиқштириб қўймоқ; 3. *с. т. эск.* сургун қилмоқ, бадарга қилмоқ.

**ЗАКОНОПАТИТЬСЯ** *сов.* тиқиштирилмоқ, сиқиштирилмоқ, тиқилмоқ.

**ЗАКОНОПАЧИВАТЬ** *несов. қ.* **законопатить**.

**ЗАКОНОПАЧИВАТЬСЯ** *несов.*  
1. қ. **законопатиться**; 2. *страд. от* **законопатить** (қ.).

**законопачу**, **законопатишь** *буд. от* **законопатить** (қ.).

**ЗАКОНОПОЛОЖЕНИЕ** *ср юр.* қонун; муайян соҳага доир қонунлар.

**ЗАКОНОПРОЕКТ** *м юр.* қонун проекти, қонун лойиҳаси.

**ЗАКОНОСОВЕЩАТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *юр.* қонун проектларини муҳокама қиладиган; **законосовещательная комиссия** қонун проектларини тузучи ва муҳокама қилучи комиссия.

**ЗАКОНОУЧЕНИЕ** *ср дин.* дин таълимоти (мас., шариат).

**ЗАКОНОУЧИТЕЛЬ** *м эск.* дин муаллими, дин дарсларини ўқитучи.

**ЗАКОНСЕРВИРОВАТЬ** *сов. қ.* консервировать.

**ЗАКОНСЕРВИРОВАТЬСЯ** *сов. қ.* консервироваться 1.

**ЗАКОНСПЕКТИРОВАТЬ** *сов.* конспект тузмоқ, конспектга ёзиб олмақ; қисқача мазмунини ёзиб олмақ; **законспектировать лекцию** лекцияни конспект қилиб ёзиб олмақ; **лекциянинг мазмунини қисқача ёзиб олмақ**.

**ЗАКОНСПИРИРОВАТЬ** *сов. с. т. қ.* конспирировать.

**ЗАКОНТРАКТОВАТЬ** *сов. махс.* контракт боғламоқ, контрактация қилмоқ, шартнома тузмоқ; қ. **контрактováть**.

**ЗАКОНТРАКТОВАТЬСЯ** *сов. махс.* контракт блан боғланмоқ, контрактация қилинмоқ, маълум шартлар блан бирор ишга киришмоқ.

**ЗАКОНТРАКТОВАТЬ** *несов. қ.* **законтрактováть**.

**ЗАКОНТРАКТОВАТЬСЯ** *несов.* 1. қ. **законтрактováться**; 2. *страд. от* **законтрактováть** (қ.).

**ЗАКОНЧЕННОСТЬ** *ж* *мн. нет* тугаллик, мукаммаллик, тўлиқлик, битганлик, тугаганлик, етуқлик; **законченность мысли** фикрнинг тўлалиги (мукаммаллиги).

**ЗАКОНЧЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. тугалланган, тамомланган, битказилган, тамом қилинган; 2. тўлиқ, тўла, мукаммал, ҳар жиҳатдап етишган, тако-

миллашган; он получил законченное высшее образование у тўлиқ олий ма'лумот олди; товариш Сталин создал пельное и законченное учение о социалистическом государстве ўртоқ Сталин социалистик давлат тўғрисида тўлиқ ва мукамал та'лимот яратди; законченный образ тўла образ; 3. камолатга етган, моҳир, етук; законченный художник моҳир сан'аткор, етук сан'аткор; 4. || с. т. ўтакетган; гирт.

**ЗАКОНЧИТЬ** сов. тугатмоқ, тамомламоқ, битказмоқ, охирига етказмоқ; закончить работу в срок ишни муҳлатида битказмоқ.

**ЗАКОНЧИТЬСЯ** сов. тугамоқ, тамом бўлмоқ, битмоқ; охирига етказилмоқ, тамомланмоқ; совещание закончилось к вечеру кенгаш кечкурунга бориб тугади.

**ЗАКОПАТЬ** сов. с. т. 1. кўймоқ, кўмиб қўймоқ, кўмиб ташламоқ; закопать яму ўрани кўмиб ташламоқ; 2. қазийбошламоқ, кавлайбошламоқ; ўра қазийбошламоқ.

**ЗАКОПАТЬСЯ** сов. с. т. 1. кавлайбошламоқ; 2. кўмилмоқ; 3. имирсиламоқ.

**ЗАКОПЁРЩИК** м 1. махс. копёр ёрдами блан қозик қочуци ишчиларга бошчилик қилуци уста, ишбоши; 2. || содд. ташаббусчи.

**ЗАКОПОШИТЬСЯ** сов. қ. копошиться.

**ЗАКОПТЁЛЫЙ**, -ая, -ое с. т. ис босган, дуд босган, қурум босган; закоптый потолок ис босган шип.

**ЗАКОПТЁТЬ** сов. с. т. ис босмоқ, дуд босмоқ, қурум босмоқ; потолок и стены закоптели шип ва деворларни ис босиб кетди.

**ЗАКОПТИТЬ** сов. 1. дудлаб қорайтирмоқ; закоптить стекло ойнани дудлаб қорайтирмоқ; 2. исламоқ, дудламоқ, дудлаб қуритмоқ, қотирмоқ (гўшт ва балиқни); закоптить рыбу балиқни дудламоқ (исламоқ); 3. тутайбошламоқ; 4. дудлайбошламоқ, ислайбошламоқ.

**ЗАКОПТИТЬСЯ** сов. 1. ис босиб кетмоқ, қорайиб кетмоқ; ламповое стекло закоптелось лампа пишани ис босиб кетди; 2. тутаб кетмоқ;

3. дудлаиб (ислаиб) қуримоқ, қотмоқ (гўшт, балиқ).

**закопчу́, закоптишь** буд. от закопты́ть (қ.).

**ЗАКОРЕНЁЛЫЙ**, -ая, -ое 1. томир ёйган, эскирган, суюгига сингиб кетган, маҳкам ўрнашган, урф-одатга кириб кетган, одат бўлиб кетган; закоренёлая болёзнь эски касал; ўнгламас дард; 2. тузалмас, ашадди; закоренёлый преступник ашадди жиноятчи.

**ЗАКОРЕНЁТЬ** сов. 1. томир ёймоқ, ўрнашмоқ, одат бўлиб қолмоқ; 2. ашаддилашиб кетмоқ, бир нарсага қаттиқ берилиб кетмоқ, одатланмоқ.

**ЗАКОРКИ:** на закорки ёки на закорках (с. т.) елкага, елкада; нести на закорках елкага кўтариб бормоқ; сидеть (уког-н.) на закорках бировнинг елкасига миниб олмоқ.

**ЗАКОРМИТЬ** сов. с. т. ҳалдан ортиқ кўп едириб (бўктириб) қўймоқ.

**ЗАКОРУЗЛЫЙ** маҳл. = заскорузлый (қ.).

**ЗАКОРЮКА** ж маҳл. = закорючка (қ.).

**ЗАКОРЮЧКА** ж с. т. 1. илгак шаклидаги нарса; 2. || панжара-гулчин хат; писать с закорючками панжара-гулчин қилиб ёзмоқ; 2. маҳл. тўсиқлик, мони'лик, халақит, халал.

**ЗАКОСИТЬ** сов. қ. х. 1. ўрабошламоқ (галлани, пичанни); 2. бировнинг еридаги галлани ёки пичанни қўшиб ўриб олмоқ.

**ЗАКОСНЁЛЫЙ**, -ая, -ое тузалмас, эпқақага келмайдиган, ўзгармайдиган, қотиб қолган; ўнгламас; закоснёлый бюрократ ўтакетган бюрократ; закоснёлое невежество гирт водонлик.

**ЗАКОСНЁТЬ** сов. қотиб қолмоқ, бир даражада туриб қолмоқ; закоснёть в невежестве водон бўлиб қотиб қолмоқ.

**ЗАКОСТЕНЕВАТЬ** несов. қ. закоستنеть.

**ЗАКОСТЕНЁЛЫЙ**, -ая, -ое қотиб қолган, ивишиб қолган, тўнғиб қолган, акаш.

**ЗАКОСТЕНЁТЬ** *сов.* 1. қотиб қолмоқ, тўнғиб қолмоқ; акашак бўлиб қолмоқ; 2. || ағрайиб, қимирлолмай қотиб қолмоқ; он **закостенёл от ўжаса** у қўрққанидаи ағрайиб қолди; у қўрққанидан қимирлолмай қотиб қолди.

**ЗАКОЎЛОК** *м (мн. закоўлки)* 1. тор кўча, жин кўча; хилват кўча; 2. || пастқам жой, хилват жой.

**ЗАКОЧЕНЁЛЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* совуқдан қотиб қолган, совқотган, ушиган.

**ЗАКОЧЕНЁТЬ** *сов.* совқотмоқ, совуқ ёмоқ, ушимоқ; **у меня закочене́ли ру́ки** қўлларим қотиб қолди (совқотди).

**закошу́, зако́силь** *буд. от зако́сить (қ.).*

**ЗАКРА́ДЫВАТЬСЯ** *несов. қ.* **закра́даться.**

**ЗАКРА́ИВАТЬ** *несов. махс. қ.* **закро́ить** 2.

**ЗАКРА́ИНА** *ж* 1. *махс.* музлаган дар'ё ёки йўлнинг четида эриб, халқоб бўлиб қолган сув; 2. *махл.* дар'ё ёки қул лабига ёпишиб қолган муз; 3. *махл.* қирғоқ, лаб, чет.

**ЗАКРА́ПАТЬ** *сов. с. т.* 1. томчилаи бошламоқ, ёга бошламоқ (ёмғир ҳақида); **дождик закра́пал** ёмғир томчилаи бошлади; 2. *махс.* сачратмоқ, пуркамоқ.

**ЗАКРА́ПЫВАТЬ** *несов. қ.* **закра́пать** 2.

**ЗАКРА́СИТЬ** *сов.* 1. бўяб юбормоқ, бир нарсанинг устига бўёқ суркаб бекитмоқ; 2. бўяй бошламоқ.

**ЗАКРА́СИТЬСЯ** *сов. с. т.* бўяб йўқ қилиб юборилмоқ; **все пятна закра́сились** доғлар бўяб йўқ қилиб юборилди.

**ЗАКРАСНЁТЬ** *сов.* 1. қизара бошламоқ, қизармоқ; 2. қизариб кўринмоқ; **издали закра́снели крьши до́мбв** олидан уйларнинг томлари қизариб кўринди.

**ЗАКРАСНЁТЬСЯ** *сов.* 1. қизариб кўрина бошламоқ; 2. *с. т.* қизариб кетмоқ, қизармоқ.

**ЗАКРА́СТЬЯ** *сов.* 1. яширинча жириб олмоқ, писиб кирмоқ, билдирмасдан кирмоқ, ўгринча кирмоқ;

2. || пайдо бўлмоқ, кириб қолмоқ; **в ду́шу мне закра́лось сомне́ние** юрагимга шубҳа тушиб қолди.

**ЗАКРА́ШИВАТЬ** *несов. қ.* **закра́сить** 1.

**ЗАКРА́ШИВАТЬСЯ** *несов.* 1. қ. **закра́ситься**; 2. *страд. от закра́шивать (қ.).*

**закра́шу, закра́силь** *буд. от закра́сить (қ.).*

**ЗАКРЕ́ПА, ЗАКРЕ́ПКА** *ж махс.* қисқич, тутқич (бирор нарсани қисиб, тутиб турадиган асбоб).

**ЗАКРЕПÍТЕЛЬ** *м тех.* закрепи́тель (фотографияда — олинган суратни, техникада эса — умуман бўёқни, рангни ўчмайдиган, айнимайдиган қилучи модда).

**ЗАКРЕПÍТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* 1. биркитадиган; **закрепíтельный тало́н** биркитиш тало́ни; 2. мустаҳкамлайдиган, маҳкамлайдиган; 3. *мед.* қотирадиган; **закрепíтельное средство** ич қотирадиган дори.

**ЗАКРЕПÍТЬ** *сов.* 1. маҳкамламоқ, маҳкамлаб қўймоқ (мих, арқон ва ш. к. лар блан); **закрепíть верёвку** арқонни маҳкам боғлаб қўй; 2. || мустаҳкамламоқ; мустаҳкам қилиб қўймоқ; **закрепíть завоева́ния револю́ции** революция ютуқларини мустаҳкамламоқ; 3. *тех.* биркитмоқ (фотографияда олинган суратни, техникада эса — умуман бўёқни ўчмайдиган, айнимайдиган қилиш учун уларга махсус ишлов бермоқ); 4. бириктириб (бириктиб) қўймоқ; та'мин этмоқ, банд қилмоқ; **закрепíть тра́ктор за трактори́стом** тракторни тракторчига бириктиб қўймоқ; 5. қотирмоқ (ич кетишни тўхтатмоқ).

**ЗАКРЕПÍТЬСЯ** *сов.* 1. маҳкамланмоқ, мустаҳкамлаб қўйилмоқ (мих, арқон ва ш. к. блан); 2. мустаҳкамланмоқ; ўрнашиб олмоқ; 3. бириктирилмоқ, бириктирилмоқ.

**ЗАКРЕ́ПКА** *ж қ.* **закре́па.**

**ЗАКРЕПЛЁНИЕ** *ср* 1. маҳкамлаш, мустаҳкамлаб қўйиш (мих, арқон ва ш. к. блан); 2. мустаҳкамлаш; 3. қўзғатмай тўхтатиб қўйиш, тўсиш; **закреплёние песков вдоль Гла́вного Туркме́нского кана́ла** Бош Туркман канали бўйидаги қумларни

қўзғатилмайдиган қилиб қўйиш; 4. ич кетишни тўхтатиш, қотириш.

**ЗАКРЕПЛЯТЬ** *несов. қ.* закреплять.

**ЗАКРЕПЛЯТЬСЯ** *несов.* 1. қ. закрепиться; 2. мустаҳкамлаб берилмоқ; «Земля, занимаемая колхозами, закрепляется за ними в бесплатное и бессрочное пользование, то-есть навечно» (Конституция СССР) «Колхозларнинг тасаруфидаги ерлар уларга текин ва бемуддат, я'ни абадий фойдаланиш учун мустаҳкамланиб берилди» (СССР Конституцияси).

**ЗАКРЕПОСТИТЬ** *сов.* 1. *тар.* крепостной қилмоқ; 2. || қулликка солмоқ, қул қилмоқ, асоратга солмоқ.

**ЗАКРЕПОСТИТЬСЯ** *сов.* 1. *тар.* крепостной бўлмоқ; 2. || қулликка тушмоқ, асоратга тушиб қолмоқ.

**ЗАКРЕПОЩАТЬ** *несов. қ.* закрепощать.

**ЗАКРЕПОЩАТЬСЯ** *несов.* 1. қ. закрепощиться; 2. *страд.* от закрепощать (қ.).

**ЗАКРЕПОЩЕНИЕ** *ср* *мн. нет* 1. крепостной қилиш; 2. || қуллик, қулликка солиш, қулликка (асоратга) тушиш.

закрепощу, закрепостишь *буд.* от закрепощать (қ.).

**ЗАКРИВИТЬ** *сов.* 1. *махс.* букабошламоқ, эгмоқ; 2. *с. т.* қийшайтирмоқ, буриштирмоқ;  $\diamond$  **закривить душой** тирриқлик қилабошламоқ.

**ЗАКРИВИТЬСЯ** *сов.* 1. *махс.* букилмоқ, эгилмоқ; 2. *с. т.* қийшаймоқ, буришмоқ (оғиз, бурун).

**ЗАКРИВЛЕНИЕ** *ср* *махс.* 1. *только ед.* эгиш, эгилиш; букиш, букилиш; 2. *букик, қийшиқ, қинғир.*

**ЗАКРИВЛЯТЬ** *несов. қ.* закривлять 1.

**ЗАКРИВЛЯТЬСЯ** I *несов. махс.* 1. қ. закривиться 1; 2. *страд.* от закривлять (қ.).

**ЗАКРИВЛЯТЬСЯ** II *несов. с. т.* ноз қилабошламоқ, ноз-карашма қилмоқ, қичиқлик қилмоқ.

**ЗАКРИЧАТЬ** *сов.* 1. бақириб юбормоқ, қичқирмоқ, чинқирмоқ; 2. *с. т.* додламоқ, бақириб (дод солиб) йиғ-

ламоқ; ребёнок закричал бола йиғлаб юборди; 3. қичқирабошламоқ; ўшқирмоқ, бақирабошламоқ;  $\diamond$  **закричать на ког-н.** (*с. т.*) бақириб дўқ қилмоқ.

**ЗАКРОЕЧНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* закрóй 1, 2. *сўз. сиф.*; бичишга оид; закрóбный цех бичув цехи.

**ЗАКРОЙТЬ** *сов. махс.* 1. бичабошламоқ, бичмоқ; 2. тахта четини ўймоқ, кониш олмоқ.

**ЗАКРОЙ М** *махс.* 1. *только ед.* бичиш, кесиш; 2. бичим, андаза; 3. кониш (тахталарнинг ёнидаги узун ариқча; бинокорликда тахталарни бир-бирига ёпиштириш учун қилинади).

**ЗАКРОЙНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* закрóй 1 *сўз. сиф.*; бичишга оид; бичадиган; закрóйные машины бичиш машиналари.

**ЗАКРОЙЩИК** *м* закрóйщик, бичиқчи, бичучи (кийим ва пойафзал бичучи).

**ЗАКРОЙЩИЦА** *ж* *қ.* закрóйщик.

**ЗАКРОМ** *м* (*мн.* закрóма) *қ. х.* кандук (омборхонада дон, галла ва ш. к. лар учун тахта блан ўралиб ажратилган жой).

закрóю, закрóбешь *буд.* от закрóить (қ.).

**ЗАКРУГЛЕНИЕ** *ср* 1. *только ед.* юмалоқлаш, думалоқлаш; 2. бурилиш, муйилиш, қайрилиш (йўл, кўча ҳақида); 3. || гапни хулосалаш, туғаллаш, лўндалаштириш.

**ЗАКРУГЛЁННОСТЬ** *ж* *мн. нет* 1. юмалоқланганлик; 2. || силлиқлик, лўндалик, равонлик, мантикийлик (сўз ёки фикр ҳақида).

**ЗАКРУГЛЁННЫЙ**, -ая, -ое 1. юмалоқланган; юмалоқ; 2. || силлиқ, равон, тугал, лўнда (сўз, фикр); закруглённая фрэза силлиқ гап.

**ЗАКРУГЛИТЬ** *сов.* 1. юмалоқламоқ; юмалоқ қилмоқ; **закруглить угол** қиррасини олмоқ, текисламоқ; 2. || *с. т.* лўндалаштирмоқ, хуллас қилмоқ; **закруглить фразу** гапни хуллас қилмоқ.

**ЗАКРУГЛИТЬСЯ** *сов.* 1. юмалоқланмоқ, юмалоқ бўлмоқ, 2. || якун-

лаштирилмоқ, хулоса чиқармоқ; охирига етказилмоқ.

**ЗАКРУГЛЯТЬ** *несов. қ.* закру-  
лить.

**ЗАКРУГЛЯТЬСЯ** *несов. 1. қ.* за-  
круглиться; 2. || *с. т.* хуллас қилмоқ  
(гапни, нутқни).

**ЗАКРУЖИТЬ** *сов. 1.* айлантирмоқ;  
гир-гир айлантирмоқ, чирпирак қил-  
моқ; айлантирабошламоқ; 2. айланти-  
равериб гангратмоқ, айлантириб чар-  
чатмоқ; 3. || *с. т.* бошини айлантир-  
моқ, ўзига маҳлиё қилиб қўймоқ, йўл-  
дан урмоқ; 4. *маҳл.* адаштирмоқ;  $\diamond$   
*закружить голову (кому-н.) (с. т.)*  
= вскружить голову *қ.* вскру-  
житьь.

**ЗАКРУЖИТЬСЯ** *сов. 1.* айлана-  
бошламоқ, айланиб кетмоқ, гир-гир  
айланмоқ, чирпирак бўлиб айланмоқ;  
2. айланавериб гангиб қолмоқ, эсан-  
кирамоқ; 3. || *с. т.* ишлаб чарчамоқ,  
ҳоримоқ; *закружился я совсем с*  
*этим делом* бу иш мени жуда чар-  
чатиб қўйди.

**ЗАКРУТИТЬ** *сов. 1.* махс. бураб  
бекитмоқ; бураб қўймоқ; закрутить  
кран жўмрақни бураб бекитмоқ;  
2. ўраб олмоқ; закрутить вóзжи на  
руки жиловни қўлга ўраб олмоқ;  
3. бурамоқ; закрутить усы мўйловни  
бурамоқ; 4. чийрамоқ, эшмоқ, пишит-  
моқ (иш ёки арқонни); 5. қайирмоқ,  
букмоқ; закрутить руки назáд қўлни  
бураб, орқага қайирмоқ; 6. || *содд.*  
ўткир сўз айтмоқ, аччиқни кел-  
тирадиган сўз айтмоқ ёки ёзмоқ;  
боплаб гапирмоқ; 7. || *с. т.* биров-  
нинг бошини айлантирмоқ; йўлдан  
оздирмоқ; 8. чирпирак қилиб айлан-  
тирабошламоқ; вéтер закрутил пыль  
на доро́ге шамол йўлдаги чангни  
чирпирак қилиб айлантирабошлади.

**ЗАКРУТИТЬСЯ** *сов. 1.* яхшилаб  
буралмоқ; гáйка закрутилась гáйка  
яхшилаб буралди; 2. эшилиб (чийра-  
либ, жингалак бўлиб) қолмоқ; 3. ях-  
шилаб ўралмоқ; 4. || *с. т.* гирдоб  
бўлмоқ, айланабошламоқ; *пыль за-  
крутилась по доро́ге кўчада* чанг  
кўтарилиб айланабошлади.

**ЗАКРУТКА** *ж махс. 1.* бурама,  
буралиб ишланган нарса; 2. бураш  
учун махсус асбоб; 3. *только ед.*

бураш; 4. *только ед.* чокни бураб  
қайириб тикиш.

**ЗАКРУЧИВАТЬ** *несов. қ.* закру-  
тить 1—6.

**ЗАКРУЧИВАТЬСЯ** *несов. 1. қ.*  
закрутиться 1, 2, 3; 2. *страд. от*  
закручивать (*қ.*).

**ЗАКРУЧИНИТЬСЯ** *сов. маҳл.*  
гамгинликка тушмоқ, ма'юсламоқ.

**закручу́, закру́тишь буд. от за-  
крути́ть (қ.).**

**ЗАКРЫВА́ТЬ** *несов. қ.* закрýть;  
 $\diamond$  *закрывать глаза́ (на что-н.)*  
кўз юммоқ, кўрмасликка солмоқ.

**ЗАКРЫВА́ТЬСЯ** *несов. 1. қ.* за-  
кры́ться; 2. ёпилмоқ; бекитилмоқ;  
дверь закрывáется неплòтно эшик  
маҳкам ёпилмайди.

**ЗАКРЫ́ТИЕ** *ср 1. только ед.*  
закрýть фе'лининг ҳаракат номи;  
закрýтие вы́ставка кўрғазмининг  
ёпилиши; закрýтие сезо́на мавсум-  
нинг ёпилиши; 2. *ҳарб.* пана, пана  
жой; стреля́ть из закрýтий пана  
жойдан туриб отмоқ.

**ЗАКРЫ́ТЫЙ, -ая, -ое 1.** закрýть  
фе'лининг сифатдоши; 2. ёпиқ, бе-  
кик; берк; семафóр закрýт сема-  
фóр берк; йўл берк; закрýтое со-  
бра́ние ёпиқ мажлис; 3. тўсилган,  
ёпилган, бекилган, қопланган; закрý-  
тое окно́ ёпиб қўйилган дераза;  
4. юмуқ, юмулган; я слóшал мýзыку  
с закрýтыми гла́зми музикани  
кўзларимни юмиб эшитдим;  $\diamond$  *при*  
*закрýтых дверя́х* махфий, яширин,  
бекитиқча; дéло слóшается *при*  
*закрýтых дверя́х* иш ёпиқ мажлис-  
да кўрилади (суд қилинади); *закрý-  
тое голосова́ние* яширин овоз бе-  
риш; *закрýтое мо́ре (махс.)* ички  
денгиз (мамлакат ичкарасидаги ден-  
гиз); *с закрýтыми гла́зми (дé-  
лать что-н.) (с. т.)* таваккал қилиб,  
кўзини шартта юмиб, узоқ ўйлаб  
турмай; *в закрýтом помещéнии*  
уй ичида, усти ёпиқ жойда; *закрý-  
тое учёбное заведе́ние* бирор  
ташкilotнинг йўлланмаси блан ўқу-  
чилар қабул қиладиган мактаб; *закрý-  
тое письмо́* ёпиқ хат: 1) кон-  
вертга солинган хат; 2) фақат му-  
айян ташкилот а'золаригина ўқиши  
мумкин бўлган махфий хат.

**ЗАКРЫТЬ** *сов.* 1. ёпмоқ, бекитмоқ; закрыть дверь эшикни ёпмоқ; закрыть на ключ қулфламоқ; 2. тўсмоқ, пана қилмоқ, қопламоқ; закрыть лицо руками қўлни юзга пана қилмоқ; тўча закрыла луну ойнинг юзини қора булут қоплади; 3. юммоқ; закрыть глаза қўзни юммоқ; 4. тугатмоқ, тамомламоқ; ёпмоқ; закрыть прения музокараларни тугатмоқ; закрыть заседание мажлисни ёпмоқ; 5. тўхтатмоқ, бермай қўймоқ; закрыть воду сув бердирмай қўймоқ; 6. тугатмоқ, битирмоқ; закрыть журнал журнални тугатмоқ; **○ закрыть границу** чегарани бекитмоқ, чегарадан ўтишни тақиқлаб қўймоқ; **закрыть счёт** (*бухг.*) 1) счётни ёпмоқ (муайян бир счётадан пул беришни тўхтатиб қўймоқ); 2) банкдаги омонат қўйилган маблағнинг барчасини тугатмоқ; **закрыть скобби** қавсни ёпмоқ; **закрыть двери дома для кого-н.** бировни уйга келтирмайдиган қилиб қўймоқ; **закрыть глаза на что-н.** кўз юммоқ, ўзини кўрмасликка солмоқ; **закрыть рот** (*ком.у-н.*) оғзига урмоқ, сўзлатмай қўймоқ.

**ЗАКРЫТЬСЯ** *сов.* 1. ёпилмоқ, бекилмоқ; магазин закрылся магазин бекилди; 2. ёпинмоқ; бурканмоқ; закрыться простыней чойшапни ёпинмоқ; 3. тўсиялмоқ, қопланмоқ, пана бўлмоқ; солнце закрылось тўчей қуёш булут блан қопланди; 4. юмилмоқ; глаза закрылись кўзлари юмилди; 5. тугамоқ, тамом бўлмоқ, тугатилмоқ; сезон закрылся мавсум тугади; 6. битмоқ (яра ҳақида); рана закрылась яра битиб қолди.

**ЗАКУЛИСНЫЙ**, -ая, -ое 1. *театр.* парда орқасидаги, сахна ичидаги; 2. **||** яширин, махфий; **закулисные переговоры** махфий музокаралар; **закулисная сторона** дѣла ишнинг яширин (махфий) томони.

**ЗАКУП** *м тар.* қадимги Русьда заминдор бояриндан қарз олиб, эвазига ишлаб берадиган деҳқон.

**ЗАКУПАТЬ** *несов. қ.* закупить.

**ЗАКУПАТЬСЯ** I *сов.* 1. кўплаб сотиб олинмоқ, таги-туғи блан сотиб олинмоқ; 2. **||** улгуржи сотиб олмақ, сотиб олиб ғамлаб қўймоқ; 3. *эск.*

пора берилмоқ, пора бериб ўзига қаратмоқ.

**ЗАКУПАТЬСЯ** II *сов. с. т.* узок чўмилмоқ, чўмилишга берилиб кетмоқ.

**ЗАКУПИТЬ** *сов.* 1. кўтарасига сотиб олмақ, улгуржи сотиб олмақ, харид қилмоқ; **закупить всю продукцию** маҳсулотнинг ҳаммасини сотиб олмақ; 2. **||** сотиб олиб ғамлаб қўймоқ; **закупить дров на зиму** ўтин сотиб олиб ғамлаб қўймоқ; 3. *эск.* пора бермоқ, пора бериб ўзига қаратмоқ.

**ЗАКУПКА** *ж с. т.* 1. кўтарасига сотиб олиш; 2. **||** сотиб олиб ғамлаб қўйиш; харид; **дѣлать закупки** харид қилмоқ.

**ЗАКУПНОЙ**, -ая, -ое *ком.* кўтарасига сотиб олинадиган.

**ЗАКУПОРИВАТЬ** *несов. қ.* закупорить.

**ЗАКУПОРИВАТЬСЯ** *несов. 1. қ.* закупориться; 2. *страд. от* закупоривать (*қ.*).

**ЗАКУПОРИТЬ** *сов.* 1. жипслаб бекитмоқ, тиқиб бекитмоқ; **закупорить бутылку** пробкой шишани пўкак (пробка) тиқиб бекитмоқ; 2. **|| с. т.** бекитиб (қамаб) қўймоқ.

**ЗАКУПОРИТЬСЯ** *сов.* 1. жипсланиб бекилмоқ; тиқиб бекитилмоқ; 2. тиқилиб қолмоқ.

**ЗАКУПОРКА** *ж 1. только ед.* жипслаб бекитиш, тиқиб маҳкамлаб бекитиш, маҳкамлаб ёпиш (мас., шиша оғзини); 2. бекилиб қолиш; **закупорка вен** (*мед.*) венанинг тиқилиб (бўғилиб) қолиши.

**ЗАКУПОЧНЫЙ**, -ая, -ое *ком.* закупка сўз. *сиф.*; харидга, сотиб олишга оид; **закупочная комиссия** харид комиссияси.

**ЗАКУПЩИК** *м* хариддор, кўтара сотиб олучи.

**ЗАКУПЩИЦА** *ж қ.* закупщица.

**ЗАКУРИВАТЬ** *несов. қ.* закурить 1, 3.

**ЗАКУРИВАТЬСЯ** *несов. 1. қ.* закуриться; 2. *страд. от* закуривать (*қ.*).

**ЗАКУРИТЬ** *сов.* 1. ёндириб чекабошламоқ (папирос, чилим ва ҳ. к.

ни); **закурить** папиросу папирос чекмоқ; **2.** чекишга киришмоқ, чекишга ўрганмоқ; чекабошламоқ; **я** **закурй** восемна́дцати лет мен ўнсаккиз ёшимдан чекабошладим; **3. с. т.** чекавериб димиқтириб юбормоқ; **он** **меня** **совсем** **закурй** у чекавериб мени димиқтириб юборди.

**ЗАКУРИТЬСЯ** *сов. 1.* тутайбошламоқ, чекилмоқ, чекилабошламоқ; **2. с. т.** чекавериб ланж бўлмоқ; **3.** тутаб кетмоқ, тутаб бурқимоқ; тутун кўтарилмоқ.

**ЗАКУСАТЬ** *сов. с. т. 1.* қопиб олмоқ, тишлаб, ғажиб ташламоқ, чақиб ташламоқ; **2.** чақмоқ; **комары** **закусали** чивинлар чақиб ташлади; **3.** қопабошламоқ; чақабошламоқ.

**ЗАКУСИТЬ** *1 сов. с. т.* тишламоқ, ғажимоқ, тишлаб олмоқ; **закусить** губу лабни тишлаб олмоқ; **◇** **закусить язык** (*с. т.*) **1)** тилни тишлаб қолмоқ; **2)** **||** индамай қолмоқ; **он** **замётит**, **что** **проговорился** и **закусил** **язык** ортиқча гаплар айти юборганини сезиб, индамай тилни тишлаб қўяқолди; **закусить уюла** **1)** сулуқни ғажимоқ; **2)** **||** *с. т.* ҳаддан ошмоқ.

**ЗАКУСИТЬ** *II сов. с. т. 1.* пича овқатланмоқ, бироз қорин тўйғизмоқ; тамадди қилмоқ; **еб-ичмоқ**; **2.** ичимлик ёки дори устидан емоқ.

**ЗАКУСКА** *ж с. т. 1.* овқат. емиш, егулик; **енгил** овқат, тамадди; **2. только ед.** овқатдан олдин бироз тамадди қилиш; **3.** иштақани очадиган хушхўр овқат; **4.** закуска, газак (ичкилик устидан ейиладиган овқат); **холодные закуски** яхна закускалар; **она закуску** (*с. т. ҳазл.*) провардида, охирида.

**ЗАКУСОЧНАЯ** *ж* закускахона (енгил овқат, закускалар сотиладиган кичкина ошхона).

**ЗАКУСОЧНЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* закуска *сўз. сиф.*; *қ.* закуска.

**ЗАКУСЫВАТЬ** *I несов. қ.* **закусить** **I**.

**ЗАКУСЫВАТЬ** *II несов. қ.* **закусить** **II**.

**ЗАКУСЫВАТЬСЯ** *I несов. с. т.* **тишланмоқ**, **ғажилмоқ**.

**ЗАКУСЫВАТЬСЯ** *II несов. с. т.* **ейилмоқ**, **тамадди қилинмоқ**, **закуска қилинмоқ**.

**ЗАКЎТ** *м, ЗАКЎТА ж маҳл.* **1.** оғил, молхона, қўйхона; **2.** хужра; **омбор**; **3.** **||** чайла, қапа; ертўла, уя.

**ЗАКЎТА** *ж қ.* **закут**.

**ЗАКЎТАТЬ** *сов.* ўрамоқ, ўраб қўймоқ, буркаб қўймоқ; **закутать** **ребёнка** в одеяло чақалоқни кўрпачага ўраб олмоқ.

**ЗАКЎТАТЬСЯ** *сов.* ўранмоқ, ўралмоқ, бурканмоқ; **ёпинмоқ**; **закутаться** в шаль шол рўмоғ ўрамоқ; **закутаться** в одеяло кўрпага бурканмоқ (ўралмоқ).

**ЗАКУТИТЬ** *сов. с. т.* ичкиликка (айш-ширатга) берилмоқ, кайф-сафо қилмоқ.

**ЗАКЎТОК** *м 1.* кичкина оғил, кичкина молхона; **2.** қишлоқ уйида печка ёнидаги бурчак жой.

**ЗАКЎТИВАТЬ** *несов.қ.* **закутать**.

**ЗАКЎТИВАТЬСЯ** *несов. 1. қ.* **закутаться**. **2. страд. от** **закутывать** (*қ.*).

**закучу**, **закутишь** *буд. от* **закутить** (*қ.*).

**закушу**, **закусишь** *буд. от* **закусить** **I, II** (*қ.*).

**закую**, **закуёшь** *буд. от* **заковать** (*қ.*).

**ЗАЛ** *м 1.* зал, катта бўлма (уй); **зрительный зал** тамошо зали; **читальный зал** қироатхона зали; **зал** **встаёт** залдагилар ўринларидан турди; **2. эск.** катта меҳмонхона.

**ЗАЛА** *ж эск.* = зал (*қ.*).

**ЗАЛАДИТЬ** *сов. с. т. 1.* **вайсамоқ**, **жаврамоқ**; **эзмалик қилмоқ**; **бир** **гапни** **ҳадеб** **такрорлайвермоқ**; **2.** **бир** **нарсани** **одат қилиб олмоқ**; **заладил** **к** **нам** **в** **дом** (**ходить**) **уйимизга** **кўп** **келадиган** **бўлиб қолди**.

**залāju**, **залáдишь** *буд. от* **залáдить** (*қ.*).

**ЗАЛАКИРОВАТЬ** *сов. 1.* **махс.** **локламоқ**, **лок сурмоқ**, **лок бермоқ**; **2. ||** **ялтиратмоқ**, **ярқиратмоқ**.

**ЗАЛАМЫВАТЬ** *несов. с. т. қ.* **заломить** **I**.

**ЗАЛАМЫВАТЬСЯ** *несов. с. т.* **1.** **эгиб** (**букиб**) **синдирилмоқ**, **қайрилиб**;

синмоқ; 2. нархи оширилиб юборилмоқ.

**ЗАЛАПАТЬ** *сов. маҳл. қ.* захва-  
тáть.

**ЗАЛАСКАТЬ** *сов. с. т.* эркалатиб юбормоқ; эркалатавериб жонга тег-  
моқ, чарчатмоқ; **заласкáть ребѣнка**  
болани эркалатавериб чарчатмоқ.

**ЗАЛАСТИТЬ** *сов. махс.* силлиқла-  
моқ, тукини бир томонга ўтказмоқ,  
ѐтқизмоқ; **залáстить бáрхат** духоба-  
нинг (хурпайган) тукларини ѐтқиз-  
моқ.

**ЗАЛАТАТЬ** *сов. с. т.* ямамоқ, ямоқ  
солмоқ, ямаб қўймоқ.

**залáшу, залáстишь буд. от залá-**  
**стить (қ.).**

**ЗАЛÁЯТЬ** *сов.* хурабошламоқ,  
акиллайбошламоқ,вовуллайбошламоқ.

**ЗАЛГÁТЬСЯ** *сов. с. т.* ғирт ёл-  
гон гапирмоқ, ёлгончи бўлиб кетмоқ,  
**залгусь, залжѣшься буд. от**  
**залгáться (қ.).**

**залѣг, залеглá прош. от залѣчь**  
**(қ.).**

**ЗАЛЕГÁНИЕ** *ср мн. нет* 1. чў-  
ялиб (узайиб) ѐтиш; 2. жойлашиб  
олиш; 3. *геол.* фойдали қазилмалар  
ва умуман тоғ жинсларининг жойла-  
ниши, вазияти; **глубокое залегáние**  
**гóрных порóд** тоғ жинсларининг чу-  
қур жойлашганлиги.

**ЗАЛЕГÁТЬ** *несов. қ.* залѣчь.

**ЗАЛЕДЕНÉЛЫЙ, -ая, -ое с. т.**  
1. музлаб қолган, яхлаб қолган;  
2. || муздек совуқ.

**ЗАЛЕДЕНÉТЬ** *сов. с. т.* музлаб  
қолмоқ, яхлаб қолмоқ; совуқда қотиб  
қолмоқ, тўнғмоқ.

**ЗАЛЕЖÁЛЫЙ, ая, -ое с. т.**  
1. узоқ вақт ѐтиб қолган; бекор ѐтган;  
2. узоқ ѐтиб бузилган, эскириб қол-  
ган, ишдан чиққан; 3. касод, ўтмай  
қолган; **залѣжáлый товáр** ўтмай  
қолган мол.

**ЗАЛЕЖÁТЬСЯ** *сов. с. т.* 1. кўп  
ѐтмоқ, кўп ухламоқ; **залѣжáться в**  
**постѣли** ўриндан турмай ѐтавермоқ;  
2. узоқ вақт ѐтиб қолмоқ; 3. ўтмай  
қолмоқ (мол); **такóй товáр не за-**  
**лежáтся** бундай мол чаққон кетади;  
4. узоқ ѐтиб бузилмоқ, ѐтиб қолиб  
ишдан чиқмоқ.

**ЗАЛЕЖИВАТЬСЯ** *несов. қ.* зале-  
жáться.

**ЗÁЛЕЖНЫЙ, -ая, -ое қ. х.** зá-  
лежь 2 *сүз. сиф.*; бўз, қуруқ срга  
онд.

**ЗÁЛЕЖЬ** *ж* 1. *геол.* уюм; қатлам  
(фойдали қазилмага ва умуман бир-  
рор тоғ жинсига бой жой); **залежь**  
**ўгля** кўмир қатламлари; 2. *только*  
*ед. қ. х.* бўз, қўруқ ер (унумдорли-  
гини тиклаш учун вақтинча экимас-  
дан қўйилган ер); 3. *только мн.* узоқ  
ѐтиб қолган, қолиб кетган нарсалар;  
**залежи товáров** касод моллар; **зä-**  
**лежи снѣга** уюлиб қолган қорлар.

**ЗАЛЕЗÁТЬ** *несов. с. т. қ.* залѣ-  
зѣть.

**ЗАЛЕЗТЬ** *сов.* 1. тирмашиб, ўр-  
малаб чиқмоқ; **залѣзь на дѣрево**  
**дарахта** чиқмоқ; 2. *с. т.* бостириб  
кирмоқ; кириб олмоқ, кириб кетмоқ;  
3. *с. т.* қўл солмоқ; **залѣзь в чу-**  
**жбóй кармáн** бировнинг чўнтагига  
қўл солмоқ; 4. *с. т.* киймоқ; **мáль-**  
**чик залѣз в отцóвские сапоги** бо-  
ла отасининг этигини кийиб олди;  
**О залѣзь в долги (с. т.)** қарзга бот-  
моқ; **залѣзь в дóшу (с. т.)** биров-  
нинг ичига кирмоқ, бировнинг сир-  
ни билиб олмоқ.

**ЗАЛÉЙ** *пов. накл. от залить (қ.).*

**ЗАЛЕНÍТЬСЯ** *сов. с. т.* 1. ялқов-  
ланиб кетмоқ, дангасалик қилмоқ,  
танбаллашмоқ; 2. эринмоқ, эринчак-  
лик қилмоқ.

**ЗАЛЕПЕТАТЬ** *сов. қ.* лепетáть.  
**залепечú, залепѣчешь буд. от**  
**залепетáть (қ.).**

**ЗАЛЕПÍТЬ** *сов.* 1. чапламоқ, чап-  
лаб қўймоқ, шуваб бекитмоқ; **зале-**  
**пíть дырú** гلىной тирқишга лой  
чаплаб қўймоқ; 2. *с. т.* елимлаб ѐпиш-  
тирмоқ; 3. *с. т.* тўлдирмоқ; **мне за-**  
**лепíло глаzá снѣгом** кўзларимга қор  
тўлиб кетди; 4. *содд.* урмоқ; **зале-**  
**пíть пощѣнину** тарсаки урмоқ.

**ЗАЛЕПÍТЬСЯ** *сов. с. т.* 1. чапил-  
моқ, шувалмоқ, шуваб ѐки ѐпишти-  
риб бекитилмоқ; 2. кўмилмоқ, тўл-  
моқ.

**ЗАЛЕПЛЯТЬ** *насов. қ.* залепíть.

**ЗАЛЕПЛЯТЬСЯ** *несов.* 1. *қ.* залѣ-  
пíться; 2. *ст. ад. от* залеплять  
(қ.).

**ЗАЛѢТ** *м* 1. учиб кетиш, парвоз қилиш; 2. қўниш (учиб кетаётганда); 3. учиб кириш.

**ЗАЛѢТАТЬ** I *сов. с. т.* учабошламоқ, учиб кетмоқ.

**ЗАЛѢТАТЬ** II *несов. қ.* залетѣть.

**ЗАЛѢТѢТЬ** *сов. 1.* баланд учмоқ, парвоз қилмоқ, узоққа учмоқ; учиб кетмоқ; учиб бормоқ; 2. || *с. т.* баланд мартабага эришмоқ; кўтарилиб кетмоқ; 3. *с. т.* хаёл суриб кетмоқ; ширин хаёлга ботмоқ; 4. учиб кирмоқ; в окошко залетѣла птица қуш деразадан учиб кирди; 5. учиб келмоқ, учиб тушмоқ, учиб келиб қўнмоқ; учиб бормоқ.

**ЗАЛѢТНЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* 1. бошқа ердан учиб келган, бошқа ерниги; залѣтная птица келгинди қуш; 2. || қўққисдан келиб қолган, тасодифан йўл-йўлакай келган.

**ЗАЛѢЧИВАТЬ** *несов. қ.* залечить.

**ЗАЛѢЧИВАТЬСЯ** *несов. 1. қ.* залечиться; 2. *страд. от* залечивать (*қ.*).

**ЗАЛѢЧИТЬ** *сов. 1.* даволаб тузатмоқ (ярани); 2. || тузатмоқ; залечить раны, нанесѣнные войной уруш етказган жароҳатларни тузатмоқ; 3. *с. т.* даволайвериб баттар қилмоқ.

**ЗАЛѢЧИТЬСЯ** *сов. 1.* тузалмоқ, битиб кетмоқ (яра, жароҳат ҳақида); рана залечилась яра битиб кетди; 2. || босилмоқ, енгиллашмоқ (дард, ҳасрат ҳақида); 3. *с. т.* узоқ вақт даволанавериб баттар бўлиб қолмоқ.

залечу́, залетишь *буд. от* залетѣть (*қ.*).

**ЗАЛѢЧЬ** *сов. 1.* узанмоқ, чўзилиб, узаниб ътмоқ; ясланмоқ; 2. || писиб ътмоқ, бекиниб ътмоқ; залечь в засаду пистирмада писиб ътмоқ; 3. жойлашмоқ, ўрнашмоқ; рудá залегла на глубинѣ двух метров руда икки метр чуқурликда жойлашган; 4. *фольк.* хароб бўлмоқ, бузилмоқ (йўл ҳақида); 5. *с. т.* битиб (тиқилиб) қолмоқ; в носу залегло бурун бити қолди (тумов ҳақида); 6. || ўрнашиб қолмоқ; в моей душѣ глубоко залегли впечатлѣния дѣтства болалик даврининг таассуротлари кўнглимда маҳкам ўрнашиб қолган.

**ЗАЛѢВ** I *м* кўрфаз, қўлтиқ; Финский залив Фин кўрфази.

**ЗАЛѢВ** II *м мн. нет макс.* чийиллаб вовуллаш (овчи итлар ҳақида).

**ЗАЛѢВАТЬ** *несов. 1. қ.* залить; 2. *содд.* сурункасига ичмоқ, доим маст бўлиб юрмоқ; 3. *содд. ҳазл.* ёлғон гапирмоқ, лоф қилмоқ; это ты, брат, заливаешь огайни, жуда лоф қилиб юбординг.

**ЗАЛѢВАТЬСЯ** *несов. 1. қ.* залиться; 2. *страд. от* заливать I (*қ.*).

**ЗАЛѢВКА** *ж мн. нет 1. тех.* қуйиш; заливка подшипников подшипникларга баббит қуйиш; 2. ямаш; заливка галóш қалиш ямаш.

**ЗАЛѢВНО́Й**, -ая, -ое 1. сув бостириладиган, сув тоштириладиган; заливные луга сув бостириладиган ўтзор (тошқин вақтида сув босадиган кўкалазорлар, ўтлоқ ерлар); 2. *макс.* сув оқишига, қуйишга оид; заливная труба сув оқизиладиган қувур; 3. *фольк.* жаранглаган товуш; 4. сардакли; заливная рыба устига сардак солинган балиқ; 5. *суц.* заливное ср устига сардак солинган балиқ.

**ЗАЛѢВОЧНЫЙ**, -ая, -ое *макс.* эритиб ямаш ёки қуйиб ямаш учун қўлланиладиган нарса.

залижу́, залижешь *буд. от* зализатъ (*қ.*).

**ЗАЛИЗАТЬ** *сов. с. т.* 1. яламоқ, ялаб қўймоқ, ялаб тозаламоқ; зализатъ рану ярани ялаб тозаламоқ (ҳайвонларда); 2. *с. т.* силлиқ қилиб тарамоқ, хўллаб тарамоқ (сочни); 3. пардозлайвериб (силлиқлайвериб) бачканалаштириб юбормоқ; 4. ялайбошламоқ.

**ЗАЛИЗЫВАТЬ** *несов. қ.* зализатъ 1, 2, 3.

**ЗАЛИЗЫВАТЬСЯ** *несов. с. т.* 1. яланмоқ, ялаб тозаланмоқ (ҳайвон ҳақида); 2. *с. т.* хўллаб таралмоқ (соч ҳақида); 3. пардозлайвериб, бачканалаштириб юборилмоқ.

**ЗАЛИПАТЬ** *несов. с. т.* ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ.

**ЗАЛѢПНУТЬ** *сов. с. т. қ.* залипать.

**ЗАЛИТЌЙ**, -ая, -оё *с. т.* = зали-тыйй (*қ.*).

**ЗАЛИТЫЙ**, -ая, -оё *1. сүз* тошган, сув тагида қолган; *2. тўкилган*, қуйилган; *3. бирон нарса тўкилиб булганган*; *4. сүз сепиб ўчирилган*; *5. селав солинган овқат*; *6. ёпиштирилган*, елимланган, елимлаб ямалган, қуйиб ямалган.

**ЗАЛИТЬ** *сов. 1. сүз* босмоқ; река залила луга дар'ё тошиб, ўтлоқ ерларни сүз босди; *2. тўкмоқ*, қуймоқ; *залить чернилами книгу* китобга снёх тўкиб юбормоқ; *3. || тўлатмоқ, тўлғизмоқ, кўймоқ; залить светом комнату* уйни ёпёруғ қилиб юбормоқ; уйни нурга тўлдирмоқ; *4. сүз* сепиб ўчирмоқ; *залить огонь ўтга сүз* сепиб ўчирмоқ; *5. ёгабошламоқ, қуябошламоқ; дождй снóва* залили яна ёмғир қуябошлади; *6. овқатга сардак ёки селаво қуймоқ*; *7. эритиб қуймоқ, ямамоқ, ёпиштирмоқ; ётқизмоқ; ўлицу* залили асфальтом кўчага асфальт ётқизилди; *залить галóши* калиш ямамоқ; *8. || ботирмоқ; враг* залил всю страну кровью душман бутун мамлакатни қонга ботирди; *◇ залить горе (с. т.)* аламни ичкиликдан олмақ, ичкилик блан гамгуссани босмоқ; *залить за гáлстук* = заложить за гáлстук; *қ. заложить.*

**ЗАЛИТЬСЯ** *сов. 1. сүз* тошмоқ, сүз босмоқ, сүз остида қолмоқ; *2. с. т.* булганмоқ (овқат ёки суюқлик тўкилганда); *3. тўкилмоқ; тўкилиб кетмоқ, кириб, тушиб кетмоқ*; *4. с. т.* сардак, селаво ёки шира солинмоқ (овқатга); *5. қаттиқ вовулламоқ (итлар ҳақида)*; *◇ залиться смéхом* қаттиқ кулмоқ, хахолаб кулиб юбормоқ; *залиться слезáми* зор-зор йигламоқ, хўнграб йигламоқ; *залиться пéсней* завқ блан ашула айтабошламоқ; *залиться румя́нцем* юзига қизил югурмоқ; қизармоқ; *хоть* зали́йся жуда ҳам қўн.

**ЗАЛИХВА́ТСКИЙ**, -ая, -оё *с. т.*  
*1. ўтакетган* бебош, таптортмас;  
*2. чапани; залихвáтская пéсня* чапанича ашула.

**ЗАЛО** *ср эск.* = зал (*қ.*).

**ЗАЛО́Г** *1 м 1. то́лько ед.* гаровга қўйиш; *2. гаров; отдава́ть в залóг*

гаровга бермоқ; *под залóг гаров* қўймоқ; *залóг иму́щества* молли гаровга қўйиш; *выкупить из залóга гаровга* қуйилган нарсани қайтариб олмақ; *3. || нишона, аломат, кафолат; далил, исбот; в залóг дру́жбы* дўстликининг исботи учун; *◇ залóг успе́ха* галабанинг гарови, муваффақият қозонишининг шарти.

**ЗАЛО́Г** *II м грам.* даража; фе'л даражаси; *страда́тельный залóг* мажхул даража; *возвратный залóг* ўзлик (қайтиш) даража.

**ЗАЛО́ГОВЫЙ** *I, -ая, -оё залóг I* (1-нчи ма'носида) *сүз. сиф.*; гаровга ёки кафолатга оид; *залóговые опера́ции* бирон нарсани гаровга қўйиб пул олиш ишлари; *залóговая кви́танция* гаров қвитанцияси.

**ЗАЛО́ГОВЫЙ** *II, -ая, -оё грам.* залóг *II сүз. сиф.*; *залóговые разли́чия в глаго́ле* фе'лда даража фарқлари.

**ЗАЛОГОДА́ТЕЛЬ** *м юр.* гаровга қўючи, бирон нарсани гаровга қўйиб пул олۇчи.

**ЗАЛОГОДА́ТЕЛЬНИЦА** *ж қ.* залогода́тель.

**ЗАЛОГОДЕ́РЖАТЕЛЬ** *м юр.* гаровга олۇчи; бирон нарсани гаровга олиб пул беручи.

**ЗАЛОГОДЕ́РЖАТЕЛЬНИЦА** *ж қ.* залогоде́ржатель.

**ЗАЛОЖЕ́НИЕ** *ср макс.* жойла-ниш; ша́хта глубо́кого заложéния чуқур шахта.

**ЗАЛОЖИ́ТЬ** *сов. 1. қўймоқ, солмоқ, тикмоқ; заложить ру́ки за спи́ну* қўлни орқага қилиб юрмоқ; *2. тикштириб (тикиб, қистириб) қўймоқ; я куда-то заложил* нўжне письмó и никак не могу́ найти керакли хатни қаёққадир тикштириб қўйиб, энди сра тополмайман; *заложить карандаш за ухо* қаламни қулоққа қистириб қўймоқ; *заложить шель камнем* тирқишга тош тикиб қўймоқ; *3. тўлдириб ташламоқ, ёйиб ташламоқ; заложить стол* кнйгами китобларни стол устига ёйиб ташламоқ; *4. тўсмоқ, тўсиб қўймоқ, бекитиб, ёпиб қўймоқ; заложить доро́гу брёв́нами* йўлни ходалар блан тўсиб қўймоқ; *5. бирон нарсанинг негизин*

солмоқ (қурмоқ); заложить дом уйнинг пойдеворини қурмоқ; заложить фруктовый сад мевазор қилмоқ, мева дарахтлари ўтқазиб бог қилмоқ; 6. бирор ҳис ёки тушунча уйғотмоқ (ривожлантирмоқ); заложить в душу ребёнка понятие о долге болани ёшлигиданоқ инсофли ва виждонли қилиб тарбияламоқ; 7. || бирор нарсанинг асосини (негизини) солмоқ; русские лётчики первыми заложили основы высшего пилотажа руслар олий учиш сан'атининг негизини биринчи бўлиб қурдилар; Маркс и Энгельс заложили основы диалектического материализма Маркс ва Энгельс диалектик материализм негизларини қурдилар; 8. қўшмоқ (отни аравага); 9. хатчўп солмоқ, белли солмоқ (китоб ёки дафтар орасига); заложить нужное место в книге закладкой китобнинг керакли жойига хатчўп солиб қўймоқ; 10. гаровга қўймоқ; гаровга қўйиб қарз олмоқ; заложить часы соатни гаровга қўймоқ; 11. безл. с. т. битмоқ, тиқилмоқ (қулоқ, бурун); мне уши заложило кулоғим битиб қолди; 12. сиқилмоқ (юрак); грудь заложило юрагим сиқилди, нафасим қисилди; 13. махс. бурма солмоқ; ◊ заложить за галстук (с. т.) ичкилик чичмоқ.

**ЗАЛОЖНИК** м гаров тариқасида ушланган одам, гаров тариқасида қамалб қўйилган киши.

**ЗАЛОЖНИЦА** ж қ. заложник.

**ЗАЛОМ** I м с. т. 1. эгиб синдириш, букиб синдириш; 2. || букилган (эгилган) жой.

**ЗАЛОМ** II м маҳл. залом (катта сельдь балигининг бир тури).

**ЗАЛОМИТЬ** I сов. 1. маҳл. букмоқ, букиб синдирмоқ; 2. с. т. нархни ошириб юбормоқ, жуда қиммат сўрамоқ; ◊ заломить шапку дўппини (шапкани, қалпоқни) яримта қилиб (чекага қўйиб) киймоқ.

**ЗАЛОМИТЬ** II сов. с. т. оғриқ кирмоқ, сирқирайбошламоқ, эти уюшабошламоқ.

**ЗАЛОСНИВАТЬ** несов. қ. залоснить.

**ЗАЛОСНИВАТЬСЯ** несов. 1. қ. залосниться; 2. страд. от залоснивать (қ.).

**ЗАЛОСНИТЬ, ЗАЛОСНИТЬ** сов. с. т. уринтирмоқ, эскиртирмоқ, ягирини чиқармоқ, эскиртиб ялтиратмоқ (кийим ҳақида).

**ЗАЛОСНИТЬСЯ, ЗАЛОСНИТЬСЯ** сов. с. т. кўп кийилиб ягири чиқмоқ, эскириб ялтираб қолмоқ (кийим ҳақида).

**ЗАЛОЩИТЬ** сов. с. т. махс. кудунгламоқ (пардоз бериб ялтиратмоқ).

**ЗАЛП** м ҳарб. залп, бирйўла отиш (бирнеча милтиқ ёки тўпдан бирданига ўқ узиш); дать залп по неприятелю душманга қаратиб ўт очмоқ (бирнеча тўп ёки милтиқдан).

**ЗАЛПОМ** нареч. 1. залп блан; стрелять залпом залп блан (бирданига, бирйўла, баравар отмоқ); 2. || с. т. бирданига, бирйўла, тўхтамасдан, дам олмасдан, бир нафасда.

**ЗАЛУПИТЬ** сов. 1. с. т. шилмоқ, кўчирмоқ, сидириб олмоқ; залупить кожу на пальце бармоқнинг терисини сидириб олмоқ; 2. содд. урабошламоқ, савалайбошламоқ.

**ЗАЛУПИТЬСЯ** сов. с. т. шилинмоқ, сидирилмоқ, кўчмоқ, пўст ташламоқ; краска залупилась бўёқ кўчиб кетди.

**ЗАЛУПЛЯТЬ** несов. қ. залупить 1.

**ЗАЛУПЛЯТЬСЯ** несов. 1. с. т. қ. залупиться; 2. страд. от залуплять (қ.).

**ЗАЛУЧАТЬ** несов. с. т. қ. залучить.

**ЗАЛУЧАТЬСЯ** несов. с. т. алданмоқ, алданиб йўлдан урилмоқ, алдаб чақирилмоқ.

**ЗАЛУЧИТЬ** сов. с. т. қизиқтириб чақирмоқ, ўз томонига ағдармоқ; залучить когб-н. в гости бирор кишини қистаб меҳмонга олиб бормоқ.

**ЗАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое зал сўз. сиф.; зальные окна зал деразалари.

**ЗАЛЬСТИТЬ** сов. с. т. 1. хушмам қилабошламоқ; 2. содд. лаганбардорлик қилиб ўзига қаратмоқ, қўлга олмоқ.

**ЗАЛЬЦЕ** ср кичик зал; қ. зал. зальшў, зальстишь буд. от зальстить (қ.).

залью, зальёшь буд. от залить (қ.).

**ЗАЛЮБОВАТЬСЯ** сов. завқланиб (лазатланиб) қарамоқ, суқланиб қарамоқ; мафтун бўлмоқ, махлиё бўлмоқ; залюбоваться восходом солнца қуёш чиқишига завқланиб қараб турмоқ.

зальгу, зальжешь, зальгут буд. от залечь (қ.).

**ЗАМ** (заместитель) м с. т. ўринбосар, муовин.

замāju, замажешь буд. от замазать (қ.).

**ЗАМАЗАТЬ** сов. 1. сувамоқ, суваб қўймоқ; замазать щели ёриг-тирқишларни суваб қўймоқ; 2. ёпиштирмоқ, ёпиштириб бекитмоқ; замазка-ламоқ; замазать окна на зиму қишга деразалар тирқишини бекитиб ёпиштириб қўймоқ; дераза ойналарини замазкалаб қўймоқ; 3. с. т. булғамоқ, доғ тегизмоқ, ифлос қилмоқ; замазать пальто известной пальтога оҳақ тегизиб ифлос қилмоқ; 4. || с. т. манф. бекитмоқ, ниҳобламоқ, хаспўшламоқ, яшириб кетмоқ; замазать недостатки в работе ишдаги камчиликларни бекитиб кетмоқ, яшириб қолдирмоқ; 5. бўяб, бекитиб юбормоқ; бўяб ўчириб юбормоқ; замазать написанное хатни устидан бўяб, йўқотиб юбормоқ.

**ЗАМАЗАТЬСЯ** сов. с. т. ифлос бўлмоқ, бўялмоқ, булганмоқ, доғ тегмоқ.

**ЗАМАЗКА** ж 1. тех. бинк. замазка (бўр ва алиф мойдан ясалган тамирсимон қоришма); 2. замазкалаш; замазка суртиш; замазкалаб қўчиш; 3. суваб қўйиш, суваб юбориш.

**ЗАМАЗОЧНЫЙ**, -ая, -ое махс. замэзка сўз. сиф.; замазкага ёки замазкалашга оид.

**ЗАМАЗУЛЯ** м и ж с. т. кир, ифлос, исқирт.

**ЗАМАЗЫВАТЬ** несом. қ. замазывать.

**ЗАМАЗЫВАТЬСЯ** несом. 1. қ. замазаться; 2. страд. от замазывать (қ.).

**ЗАМАЙ**: не замай (махл.) тегма, ўз ҳолига (ўз ҳолимга) қўй.

**ЗАМАЛЕВАТЬ** сов. с. т. 1. бўямоқ, бўяб ташламоқ; 2. бўййбошламоқ.

**ЗАМАЛЁВЫВАТЬ** несом. қ. замалева́ть. 1.

**ЗАМАЛЁВЫВАТЬСЯ** несом. 1. с. т. бўялмоқ, бўялиб ташланмоқ; 2. страд. от замале́вывать (қ.).

**ЗАМА́ЛИВАТЬ** несом. қ. замолить.

**ЗАМА́ЛИВАТЬСЯ** несом. с. т. афв сўрамоқ, ёлворилмоқ, сигфинилмоқ, илтимос қилинмоқ.

**ЗАМА́ЛЧИВАНИЕ** ср мн. нет атайин индамай ўтиш; индамай қолдириш; зама́лчивание наших успехов буржуазной печатью буржуа матбуотининг ютуқларимиз тўғрисида индамаслиги.

**ЗАМА́ЛЧИВАТЬ** несом. қ. замолчать II.

**ЗАМА́ЛЧИВАТЬСЯ** несом. ошқора қилинмаслик, бирон нарсани атайин яширмоқ, сукут қилинмоқ.

**ЗАМА́НИВАТЬ** несом. қ. заманить.

**ЗАМА́НИВАТЬСЯ** несом. 1. алдаб келтирилмоқ, алдаб чақирилмоқ; 2. || алданиб қўлга тушмоқ, алданмоқ; жазб этилмоқ; ҳавас қилинмоқ.

**ЗАМА́НИТЬ** сов. 1. алдаб келтирмоқ, алдаб чақирмоқ, авраб чақирмоқ, жазб этмоқ; ҳавасини келтирмоқ; 2. || алдаб қўлга туширмоқ, алдамоқ; заманить врага в ловушку душманин тузоққа илинтирмоқ; заманить (когб-н.) в сети алдаб тузоққа туширмоқ; ◊ *калачом не заманишь (матал)* минг қилсанг ҳам бормайман.

**ЗАМА́НЧИВЫЙ**, -ая, -ое жазб этадиган, қизиқтирадиган, ўзига жалб қиладиган, жозибали, ҳавасни келтирадиган; заманчивое предложение қизиқтирадиган таклиф; заманчивые перспективы ҳавасни келтирадиган истиқболлар.

**ЗАМАРА́ТЬ** сов. 1. ифлос қилмоқ, доғ тегизмоқ; 2. чаплаб (ўчириб) ташламоқ; чизиб ташламоқ; 3. || номини булғамоқ; бадном қилмоқ, қораламоқ; замара́ть (чьё-н.) имя биронни бадном қилмоқ.

**ЗАМАРА́ТЬСЯ** сов. 1. доғ тегмоқ, доғ тегдирмоқ; 2. с. т. шарманда бўлмоқ, расво бўлмоқ, бадном бўлмоқ.

**ЗАМАРАШКА** *м и ж с. т. манф.* кир, исқирт, иркит (одам).

**ЗАМАРИВАТЬ I** *несов. қ.* заморить I.

**ЗАМАРИВАТЬ II** *несов. қ.* заморить II.

**ЗАМАРИВАТЬСЯ I** *несов. I. қ.* замориться; 2. *страд. от* замаривать I (қ.).

**ЗАМАРИВАТЬСЯ II** *несов. I. махс.* бұялмоқ, бұёқ, сурилмоқ (тахта, ёғоч ҳақида); 2. *страд. от* замаривать II (қ.).

**ЗАМАРИНОВАТЬ** *сов. I.* сиркаламоқ, сиркага солмоқ, сирка едирмоқ; сиркада ўлдирмоқ; **замариновать** *грибы* қўзиқоринларни сиркага ўлдириб қўймоқ; 2. *|| с. т.* ишши судрамоқ, чўзмоқ; **замариновать** *важный вопрос* муҳим масалани галга солиб судрамоқ.

**ЗАМАРИНОВАТЬСЯ** *сов. қ.* маариноваться.

**ЗАМАРИНОВЫВАТЬ** *несов. қ.* замариновать.

**ЗАМАРИНОВЫВАТЬСЯ** *несов. қ.* замариноваться.

**ЗАМАСКИРОВАННЫЙ**, -ая, -ое 1. ниқобланган; ниқоблаб қўйилган; **замаскированное оружие** (*ҳарб.*) ниқоблаб қўйилган тўп; 2. юзига ниқоб тортган, маскарад костюми кийган; 3. *||* махфий, яширин, сирли.

**ЗАМАСКИРОВАТЬ** *сов. қ.* маскировать.

**ЗАМАСКИРОВАТЬСЯ** *сов. қ.* маскироваться.

**ЗАМАСКИРОВАТЬ** *несов. қ.* вамаскировать.

**ЗАМАСКИРОВАТЬСЯ** *несов. қ.* замаскироваться.

**ЗАМАСЛИВАТЬ** *несов. қ.* замаслить.

**ЗАМАСЛИВАТЬСЯ** *несов. I. қ.* замаслиться; 2. *страд. от* замаслить (қ.).

**ЗАМАСЛИТЬ** *сов. I.* ёғ тегизмоқ, ёғ тегизиб доғ қилмоқ, мойга белаб ифлос қилмоқ; **замаслить** *книгу* китобни кир қилиб юбормоқ; 2. *|| с. т.* хушомад қилиб кўнгли олмақ.

**ЗАМАСЛИТЬСЯ** *сов. I.* ёғ (ёғли нарса) тегизилмоқ, мой тегизиб иф-

лос қилинмоқ, мойга беланмоқ; 2. *||* ялтирамоқ, чақнамоқ (кўз ҳақида).

**ЗАМАТЕРЁЛЫЙ**, -ая, -ое *эм.* ашадди, ўтакетган, уччига чиққан; **заматерёлый бюрократ** уччига чиққан бюрократ.

**ЗАМАТЕРЁТЬ** *сов. эм.* ашаддиламоқ, уччига чиқмоқ; ҳаддан ошмоқ.

**ЗАМАТЫВАТЬ** *несов. қ.* заматать I.

**ЗАМАТЫВАТЬСЯ** *несов. I. қ.* замотаться; 2. *страд. от* заматывать (қ.).

**ЗАМАХ** *м спорт.* ўқталиш, қил кўтариш.

**ЗАМАХАТЬ** *сов.* силкабошламоқ, силкитабошламоқ; қоқабошламоқ; **проходящие замаха** ли платками кузатучилар рўмолчаларини силки-тиб қолдилар; **птица замаха** ли крыльями қуш қанот қоқабошлади; **он замаха** л рукой, **подзывая** к себе мальчика у қўли блан ишора қилиб болани чақирди.

**ЗАМАХИВАТЬСЯ** *несов. қ.* замахнуться.

**ЗАМАХНУТЬСЯ** *сов.* мушт кўтармоқ, қўл кўтармоқ; **замахнуться** саблей шашир ўқталмоқ.

**ЗАМАЧИВАТЬ** *несов. қ.* замачить II.

**ЗАМАЧИВАТЬСЯ** *несов. страд. от* замачивать (қ.).

**ЗАМАШКА** *ж с. т. манф.* қилиқ; **барские замашки** тўрачилик қилиқлари.

**замашу**, **замашешь** *буд. от* замахать (қ.).

**ЗАМАЩИВАТЬ** *несов. қ.* замостить.

**ЗАМАЩИВАТЬСЯ** *несов. I. қ.* замоститься; 2. *страд. от* замачивать (қ.).

**ЗАМАЯТЬ** *сов. с. т.* чарчатмоқ, қийнамоқ, қийнаб чарчатмоқ, азоб бермоқ, ҳолдан тойдирмоқ.

**ЗАМАЯТЬСЯ** *сов. с. т.* чарчамоқ, қийналмоқ, қийналиб чарчамоқ, азоб чекмоқ, ҳолдан кетмоқ, тинка кўримоқ.

**ЗАМАЯЧИТЬ** *сов. с. т.* узоқдан ялтираб кўришмоқ, кўриша бошламоқ;

вдали замајчили огни гóрода ша-  
хар чироқлари узоқдан ялтираб кў-  
ринабошлади.

**ЗАМЕДЛЕНИЕ** *ср* 1. секинлаш,  
секинлатиш, секинлашиш, сусайиш,  
сусайтириш, пасайиш, пасайтириш;  
2. кечикиш, кечиктириш, чўзиш, чў-  
зилш; без всякого замедления  
дарҳол, кечиктирмай.

**ЗАМЕДЛЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. се-  
кинлаган, секинлаштирилган; сусай-  
тирилган; пасайтирилган; сусти; 2. се-  
кин, аста-секин; мина замедленного  
действия (*ҳарб.*) белгиланган фур-  
сатда портлайдиган мина.

**ЗАМЕДЛИТЕЛЬ** *м тех.* секинла-  
тучи, сур'атни пасайтиручи.

**ЗАМЕДЛИТЬ** *сов.* 1. секинлатмоқ,  
секинлаштирмоқ, сусайтирмоқ, пасай-  
тирмоқ; замедлить шаг юришни се-  
кинлатмоқ; 2. кечикмоқ, кечикиб  
қолмоқ; замедлить ответом жавоб-  
ни кечиктирмоқ; слўчай не замед-  
лил представиться тез орада фур-  
сат келиб қолди.

**ЗАМЕДЛИТЬСЯ** *сов.* 1. секин-  
лашмоқ, сусаймоқ; движение за-  
медлилось ҳаракат сусайиб қолди;  
2. кечикмоқ, чўзилмоқ.

**ЗАМЕДЛЯТЬ** *несов. қ.* замедлить.

**ЗАМЕДЛЯТЬСЯ** *несов.* 1. қ. за-  
медлиться; 2. *страд. от* замед-  
лять (*қ.*).

замёл, замелá *прош. от* заме-  
сти (*қ.*).

**ЗАМЕЛЬКАТЬ** *сов.* узоқдан кў-  
ринабошламоқ, милтиллаб кўрина-  
бошламоқ, кўзга чалинмоқ; кўз ол-  
дидан ўтиб турмоқ; замелька́ли  
огоньки деревушки қишлоқ чироқ-  
лари милтиллаб кўринабошлади.

замелю́, замелёшь *буд. от* замо-  
лобь (*қ.*).

**ЗАМЕНА** *жс мн. нет* 1. олмош,  
олмоштириш, айирбошлаш; замена  
одного спектакля другим бир спек-  
такль ўрнига иккинчисини қўйиш;  
2. || эваз, бадал; ўрнига бериш; най-  
ти себе замену ўз ўрнига одам то-  
лиш; в замену эвазига; служить  
заменой ўрнини босмоқ, ўрнига ўт-  
моқ.

**ЗАМЕНЫМЫЙ**, -ая, -ое ўрнини  
босаоладиган, алиштириб бўладиган,  
ўзгартирса бўладиган, лойиқ.

**ЗАМЕНИТЕЛЬ** *м* ўрнини босучи,  
бирон нарсанинг ўрнини босадиган,  
ўрнига ишлатиладиган; **заменитель**  
кўжи чарм ўрнига ишлатиладиган  
материал.

**ЗАМЕНИТЬ** *сов.* 1. ўзгартир-  
моқ, алиштирмоқ, олмоштирмоқ,  
ўрнига қўймоқ; **заменить** винт  
винтти ўзгартирмоқ (янгиламоқ); **замене-  
нить металл пластмассой** металл  
ўрнига пластмасс ишлатмоқ; 2. ўр-  
нини олмоқ, ўрнига ўтмоқ, ўрнини  
босмоқ.

**ЗАМЕНИТЬСЯ** *сов. с. т.* алишти-  
рилмоқ, олмошинмоқ, ўрнига қўйил-  
моқ; **надо бы мне отдохнуть**, да  
некем **замениться** дам олишим ке-  
рак эди-ю, лекин ўрнига ҳечкимни  
тополмайман.

**ЗАМЕНЯТЬ** *несов. қ.* заменить.

**ЗАМЕНЯТЬСЯ** *несов.* 1. қ. заме-  
ниться; 2. *страд. от* заменять (*қ.*)

**ЗАМЕР** *м макс.* 1. ўлчов; 2. ўл-  
чаш, ўлчаб чиқиш.

**ЗАМЕРЁТЬ** *сов.* 1. қотиб қолмоқ;  
жим бўлиб қолмоқ, нафас чиқармас-  
дан турмоқ; **замереть от страха**  
қўрқанидан қотиб қолмоқ (аграйнё  
қолмоқ); он **замер на месте** у тур-  
ган жойида қотиб қолди; **сердце**  
**замерло** юрагим шув этиб кетди;  
2. || аста-секин йўқолмоқ, босилиб  
қолмоқ, тўхтаб қолмоқ; движение на  
ўлицах **замерло** кўчаларда қатнов  
(ҳаракат) тўхтади; звўки **замерли**  
овози ўчди; 3. касод бўлмақ (савдо-  
сотик ҳақида); 4. || ганиролмай қол-  
моқ; слóво **замерло на его устах**  
гапи оғзида қолди.

**ЗАМЕРЗАНИЕ** *ср мн. нет* муз-  
лаш, яхлаш, тўнгиш; қотиш; **точка**  
**замерзания** (*физ.*) музлаш нуқтаси; **О**  
**на точке замерзания** (*ҳазл.*) бир  
жойда, олдига қадам қўймай, сил-  
жимай.

**ЗАМЕРЗАТЬ** *несов.* 1. музламоқ.  
яхламоқ, тўнғмоқ, қотиб қолмоқ;  
2. тўнғиб ўлмоқ, 3. || *с. т.* совқотмоқ,  
совуқ емоқ.

**ЗАМЕРЗНУТЬ** *сов. қ.* замерзать.

**ЗАМЕРШИЙ**, -ая, -ее музлаб  
қолган, яхлаб қолган, музлаган.

**ЗАМЕРТВО** *нареч.* 1. ҳушсиз, бе-  
ҳуш, беҳуд; 2. || ўликдай; ўлиб қо-

либ; упáсть зáмертво бехуш бўлиб йиқилмоқ.

**ЗАМЕСИТЬ** *сов.* қормоқ, қилмоқ; **замесить** глыну лой қилмоқ.

**ЗАМЕСТЬ** *сов.* 1. супурмоқ, супуриб қўймоқ; **заместі сорв** ўгол ахлатни бурчакка супуриб қўймоқ; 2. босмоқ, кўймоқ; кўмиб ташламоқ, босиб кетмоқ; **снѣгом замелѡ** дорѡгу йўлни қор босиб кетди; 3. *с. т.* супурабошламоқ;  $\diamond$  **заместій след** (*следы*) 1) изини йўқотмоқ; 2)  $\parallel$  айбни яширмоқ (бекитмоқ); **заместі следы** преступлѣния жиноятнинг изларини яширмоқ.

**ЗАМЕСТИТЕЛЬ** *м.* ўринбосар, муовин; **заместитель** дирѣктора директор ўринбосари.

**ЗАМЕСТИТЕЛЬНИЦА** *ж. қ.* заместитель.

**ЗАМЕСТИТЬ** *сов.* 1. ўринни босмоқ, алиштирмоқ; ўрин алмашмоқ; 2. бўш вазифага бировни тайинламоқ; **заместить дѡлжность секретаря** секретарьлик вазифасига одам тайинламоқ.

**ЗАМѢТА** *ж. эск.* 1. замѣтить фе'лининг ҳаракат номи; 2.  $\parallel$  белги, нишон, аломат, қайд; *қ.* замѣтка 3.

**ЗАМѢТANNый**, -ая, -ое 1. *махс.* чатилган, кўкланган, нари-бери тикилган, чатиб қўйилган; **все склáдки уже замѣтаны** ҳамма бурмаларни чатиб қўйилди; 2. *в знач. сказ.* замѣтано *содд.* яхши, майли, иш битди, бўпти.

**ЗАМѢТАТЬ** I *несов. қ.* заместі.

**ЗАМѢТАТЬ** II *сов. махс.* чатмоқ, чатиб қўймоқ, чокламоқ, кўкламоқ, наридан-бери тикиб қўймоқ.

**ЗАМѢТАТЬСЯ** *сов.* тоқатсизланабошламоқ, тўлганaboшламоқ, талпи-пабошламоқ, ўзини уёққа-буёққа урабошламоқ.

**ЗАМѢТИТЬ** *сов.* 1. кўрмоқ, кўриб қолмоқ; **я замѣтил в толпѣ вы́сокого мужч́ину** одамлар орасида бир новча кишини кўриб қолдим; 2.  $\parallel$  сезмоқ, фаҳмламоқ, пайқамоқ, пайқаб қолмоқ, англамоқ, тушунмоқ; **я это сейч́ас же замѣтил** буни дарров пайқадим; 3. ёдда сақламоқ, эслаб олмоқ; **хотирламоқ**, хотирга олмоқ; кўз тагига олиб қўймоқ; 4. қайд қилмоқ;

**ИЗОЛЯЦИЯ** *ж. мн. нет* 1. ажратиб (айириб) қўйиш, яккалаб қўйиш, ҳечкимга аралаштирмай қўйиш; 2. *эл. тех.* изоляция (иссиқликни, электр энергияси ёки бошқа хил энергияни бекор сарф бўлишдан сақлаш учун сим ва ш. к. ларни бирор нарси билан ўраш, қоплаш; изоляция проводов электр симларини изоляция қилиш; 3. шу мақсад учун ишлатиладиган материал; 4. *юр.* жиноятчини айрим хонага қамаш; заключение со стрóгой изоляцией жиноятчини ҳечкимга аралашмайдиган қилиб, айрим хонага қамаш.

**ИЗОМЕРИЯ** *ж. махс.* изомерия (химик таркиби бир, аммо физик ва химик хусусиятлари бошқа-бошқа бирнеча моддаларнинг мавжуд бўлиш ҳодисаси).

**ИЗОМЕРНЫЙ**, -ая, -ое *хим.* изомёр сўз. *сийёс.*; изомёрные тела изомер жисмлар.

**ИЗОМЕРЫ** *мн. (ед. изомёр м)* хим. изомерлар (химик состави бир, аммо физик ва химик хусусиятлари бошқа-бошқа бўлган моддалар).

**ИЗОМЕТРИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *махс.* изометрик; изометрическое черчение изометрик чизма (120° бурчак ташкил қилган учта геометрик ўққа нисбатан тасвирлаш, чизмасини олиш).

**ИЗОМЕТРИЯ** *ж. махс.* изометрия (ҳамма ўлчамлари бирхиллик).

**изомну́**, **изомнёшь** *буд. от из-мнать (қ.).*

**ИЗОМОРФИЗМ** *м мн. нет мин.* изоморфизм (кристаллик хусусиятлари бир-бирига яқин бўлган ҳархил модданинг бир шаклда кристалланиши, мас., ҳархил аччиқтошлар).

**ИЗОМОРФНЫЙ**, -ая, -ое *мин.* изоморфизм сўз. *сийёс.*; изоморфли; шакл жиҳатидан бир-бирига ўхшаш; изоморфные вещества изоморф моддалар.

**ИЗОПРЕН** *м хим.* изопрен (углеводородлар группасига кирадиган органик бирикма).

**изопью́**, **изопьёшь** *буд. от исп-пать (қ.).*

**ИЗОРВАННЫЙ**, -ая, -ое йиртилган, йиртилиб кетган, дабдаласи чиқиб кетган; тилка-тилка бўлиб кетган; йиртиқ, жулдур-жулдур.

**ИЗОРВАТЬ** *сов.* йиртмоқ, йиртиб ташламоқ, пора-пора қилиб юбормоқ; тилка-тилка қилмоқ; дабдабасини чиқармоқ; **изорва́ть оде́жду** кийимини йиртиб ташламоқ; **изорва́ть в ключа́х** пора-пора қилиб ташламоқ.

**ИЗОРВАТЬСЯ** *сов.* йиртилмоқ, йиртилиб кетмоқ, батамом тўзмоқ, дабдала бўлмоқ, пора-пора (тилка-тилка) бўлиб кетмоқ.

**ИЗОТЕРМИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *махс.* изотэрма сўз. *сифл.* изотермик (температураси ўзгармайдиган, температурани бирдай сақлайдиган; **изотермический процесс** изотермик процесс; **изотермический вагон** изотермик вагон (температурани бирдай сақлайдиган вагон).

**ИЗОТЭРМЫ** *мн.* (*ед.* изотэрма *жс*) изотермалар [1. *метеор.* хариталарда — ма'лум бир фасл (йил, ой) да ўртача температураси бирдай бўлган жойларни бир-бирига боғлаб кўрсатадиган чизиқлар; 2. *физ.* иссиқлик процессларини кўрсатадиган диаграммаларда — бирдан ёки доимий температуралар чизиги].

**ИЗОТКАТЬ** *сов.* 1. тўқимоқ, тўқиб безатмоқ; **изотка́ть золо́том мате́рию** зар аралаштириб тўқимоқ; 2. тўқиб битирмоқ, тўқиб тамом қилмоқ, тўқишга сарфлаб қўймоқ.

**ИЗОТОПЫ** *мн.* (*ед.* изотоп *м*) *хим.* изотоплар (атом оғирлиги ҳархил, аммо химик ва физик хусусиятлари бир-биридан деярлик фарқ қилмайдиган айнибир химик элементнинг атомлари).

**ИЗОТРОПНЫЙ**, -ая, -ое *физ.* изотроп; **изотро́пные те́ла** изотроп жисмлар [физик хусусиятлари (иссиқлик ўтказиш, электр ўтказиш, эластиклик хусусиятлари ва бошқалар) ҳамма йўналишларда бирдай бўлган жисмлар].

**изотру́.** **изотрешь** *буд.* *от* **истереть** (*қ.*).

**ИЗОХРОМАТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *физ.* изохроматик, бирхил рангли.

**ИЗОХРОНИЗМ** *м ад.* изохронизм (ше'рда ҳарбир сатрнинг вақт э'ти-

бори блан тенг бўлиши, талаффуз этиш учун зарур бўлган вақтга қараб мисра'нинг бир-бирига тенг бўгинларга, туроқларга бўлиниши).

**ИЗОХРОННОСТЬ** *жс мн.* *нет физ.* изохронлик (баббаравар муддатда бўлишлик, баравар давом этишлик).

**ИЗОХРОННЫЙ**, -ая, -ое *физ.* изохрон (давомни жиҳатидан иккинчи бир нарсага тенг, баббаравар давом этадиган); **изохро́нные колеба́ния** изохрон тебранишлар.

**изоше́л,** **изошла́,** **изошли** *прош.* *от* **изойти** (*қ.*).

**ИЗОЩРЕНИЕ** *ср, мн.* *нет* ўткирлаштириш, кучайтириш, такомиллаштириш; яхшилаш; нозиклаштириш; **изощре́ние внима́ния** диққатни кучайтириш, сезгирликни кучайтириш.

**ИЗОЩРЕННОСТЬ** *жс мн.* *нет* ўткирлик, зийрақлик, такомиллашганлик; усталик; **изощре́нность ума́** ақлнинг (зеҳнинг) ўткирлиги, такомиллашганлиги.

**ИЗОЩРЕННЫЙ**, -ая, -ое ўткир, зийрақ, уста, сезгир, такомиллашган; **изощре́нный ум** ўткир ақа.

**ИЗОЩРИТЬ** *сов.* ўткирлаштирмоқ, кучайтирмоқ, юксалтирмоқ, такомиллаштирмоқ; **мукаммаллаштирмоқ;** **изощри́ть внима́ние** диққатни кучайтирмоқ, сезгирликни ортирмоқ.

**ИЗОЩРИТЬСЯ** *сов.* 1. ўткирлашмоқ, кучаймоқ, такомиллашмоқ, ўсмоқ; 2. моҳир (уста) бўлмоқ, маҳорати ошмоқ; **изощри́ться во лжи** уйдирма гапга уста бўлмоқ; ёлгон тўқимоқ.

**ИЗОЩРЯТЬ** *несов. қ.* **изощри́ть.**

**ИЗОЩРЯТЬСЯ** *несов.* 1. *қ.* **изощри́ться;** **изощря́ться в вы́думках** уйдирмачиликка (гап тўқишга) уста бўлмоқ; 2. ўткирлаштиришмоқ, такомиллаштирилмоқ.

**ИЗ-ПОД** *предлог* 1. ҳаракатнинг йўналишини, чиқиш ўрнини англатади: **из-под стола́** стол остидан; **из-под земли́** ер остидан, ер тагидан; 2. бирор нарсанинг нимага ишлатилганини ёки бирор нарсадан бўшаган идишни англатади: **ящик из-под снарядов** снаряд яшиги, снаряддан бўшаган яшик; **горшóк из-под мо́лока́** хурмача; бўш хурмача; **◇ из**



**ИЗРЕШЕЧЕННЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* тешик-тешик бўлиб кетган, илма-тешик бўлиб кетган, „галвир“ бўлиб кетган.

**ИЗРЕШЕЧИВАТЬ** *несов. с. т. қ.* **изрешётить.**

**ИЗРЕШЕЧИВАТЬСЯ** *несов. 1. с. т.* *қ.* **изрешётиться; 2. страд. от** **изрешечивать** (*қ.*).

**изрешечу, изрешетишь** *буд. от* **изрешётить** (*қ.*).

**ИЗРИНУТЬ** *сов. эск.* отиб чиқармоқ, отиб ташламоқ, чиқариб ташламоқ.

**ИЗРИСОВАТЬ** *сов. 1.* расм солиб тўлдирмоқ, ҳаммаёғини расм блан копламоқ; сурат солиб тўлғазмоқ; **изрисовать всю страницу** бутун бир бет қоғозга расм солиб чиқмоқ; **2. с. т.** расмга сарф қилмоқ, расм солиб тамохламоқ; **изрисовать все карандаши** сурат солавериб ҳамма қаламларни тамом қилмоқ.

**ИЗРИСОВАТЬСЯ** *сов. с. т.* чизилaverиб тамом бўлмоқ, тугамоқ, сарфланмоқ (қалам ҳақида).

**ИЗРИСОВЫВАТЬ** *несов. қ.* **изрисовать.**

**ИЗРИСОВЫВАТЬСЯ** *несов. 1. қ.* **изрисоваться; 2. страд. от** **изрисовывать** (*қ.*).

**изробо, изробешь, изробет** *буд. от* **изрыть** (*қ.*).

**ИЗРУБАТЬ** *несов. қ.* **изрубить.**

**ИЗРУБАТЬСЯ** *несов.* ёрилмоқ; чопилмоқ, тўғралмоқ, кесилмоқ, қирқилмоқ, чавақланмоқ.

**ИЗРУБИТЬ** *сов. 1.* чошиб (кесиb. тўғраб, майдалаб) ташламоқ, қийма-ламоқ; **изрубить м со (на котлеты)** гўштни қийма қилмоқ (котлетка учун); **изрубить доску** тахтани қирқиб-қирқиб битирмоқ; **2.** қириб битирмоқ; қириб (чошиб) ташламоқ, чошиб ўлдирмоқ, чавақлаб ташламоқ; **кавалеристы** изрубили **вражеский отряд** отлик аскарлар душман отрядини қириб ташладилар.

**ИЗРУГАТЬ** *сов. с. т.* қаттиқ сўкмоқ, сўкиб бермоқ, ҳақорат қилмоқ, уришиб бермоқ.

**ИЗРУВАТЬ I** *несов. қ.* **изорвать.**

**ИЗРУВАТЬ II** *несов. қ.* **изрыть.**

**ИЗРУВАТЬСЯ I** *несов. қ.* **изорваться.**

**ИЗРУВАТЬСЯ II** *несов.* кавланмоқ, кавлаб ташланмоқ, қазилмоқ, чуқур қилинмоқ.

**ИЗРЫГАТЬ** *несов. 1.* қусмоқ, қусиб ташламоқ (қўпинча хайвонлар ҳақида); **2.** || отиб чиқармоқ, чиқариб ташламоқ; **изрыгать пламя** аланга чиқармоқ; **пушки** изрыгали **дым** тўп оғзидан тутун бурқиб чиқар эди; **3.** || ёмон сўзлар айтмоқ, ҳақорат қилмоқ, сўкинмоқ; **изрыгать проклятия** кўп қарғайвермоқ, ла'нат ёғдирмоқ.

**ИЗРЫГНУТЬ** *сов. однокр. қ.* **изрыгать.**

**ИЗРЫСКАТЬ** *сов. с. т.* изғимоқ, кезиб чиқмоқ, айланиб чиқмоқ; **волк изрыскал весь лес** в поисках **добычи** бўри овқат қидириб бутун ўрмонни кезиб чиқди; **он изрыскал весь свет** у бутун дунёни кезиб чиқди.

**ИЗРЫТЫЙ**, -ая, -ое кавлаб ташланган, қазилган; **◇ изрытый оспой** чечакдан чўтир бўлиб қолган.

**ИЗРЫТЬ** *сов. 1.* кавлаб ташламоқ, ўйиб (қазиб) ташламоқ, чопмоқ, чуқур қилмоқ; юмшатмоқ; **снаряды изрыли всё поле** снарядлар бутун далани кавлаб ташлапти; **2.** || *с. т.* остин-устин қилмоқ, титқиламоқ.

**изрышу, изрышешь** *буд. от* **изрыскаеть** (*қ.*).

**ИЗРЯДНО** *нареч. с. т. 1.* анча, хийла, анчагина, хийлагина; **я изрядно устал** мен анчагина чарчалим; **2. эск.** а'ло, жуда яхши, хўп бинойи; соз.

**ИЗРЯДНЫЙ**, -ая, -ое *с. т. 1.* анча, кўп, мўл, каттагина; **изрядная сумма денег** анча пул; **он изрядный болтун** у хўп вайсақи; **2. эск.** а'ло, яхши, тузук, бинойи.

**ИЗУВЕР** *м 1. дин.* ўтакетган мутаассиб, жоҳил, хурофотга берилган одам; **2.** || баттол, раҳмсиз, шафқатсиз (ёвуз) одам.

**ИЗУВЕРКА** *ж қ.* изувёр.

**ИЗУВЕРСКИЙ**, -ая, -ое *1. дин.* изувёр ва изувёрство *сўз. сиф.*; ўтакетган мутаассиб; **2.** || раҳмсиз, шафқатсиз; баттол, ёвуз.

**ИЗУВЕРСТВО** *ср 1. дин.* ўтакетган диний мутаассиблик, хурофотпарастлик; **2.** раҳмсизлик, шафқатсизлик; баттоллик.

**ИЗУВЕРСТВОВАТЬ** *несов.* 1. мутаасиблик қилмоқ; жоҳиллик қилмоқ; 2. шафқатсизлик (рахмсизлик) қилмоқ, ваҳшийлик қилмоқ.

**ИЗУВЭЧИВАТЬ** *несов. қ.* изувэчить.

**ИЗУВЭЧИВАТЬСЯ** *несов.* 1. қ. изувэчиться; 2. майиб қилинмоқ, шикастлантирилмоқ, лат едирилмоқ.

**ИЗУВЭЧИТЬ** *сов.* майиб қилмоқ, шикаст етказмоқ, лат едирмоқ.

**ИЗУВЭЧИТЬСЯ** *сов.* майибланмоқ, майиб бўлмоқ, шикастланмоқ, лат емоқ.

**ИЗУКРАСИТЬ** *сов.* 1. безатмоқ, ҳаммаёғини безамоқ, ясатмоқ; ҳаммаёғини чиройлик қилиб безатмоқ; изукрасить здание флагами бинони байроқлар блан безамоқ; 2. *кест.* булғамоқ, беламоқ, бўямоқ; изукрасить лицо мукўй юзни унга беламоқ.

**ИЗУКРАСИТЬСЯ** *сов. эск.* безанмоқ, ясанмоқ.

**ИЗУКРАШИВАТЬ** *несов. қ.* изукрасить.

**ИЗУКРАШИВАТЬСЯ** *несов.* 1. қ. изукраситься; 2. *страд. от* изукрасивать (қ.).

изукрасу, изукрасишь *буд. от* изукрасить (қ.).

**ИЗУМИТЕЛЬНО** *нареч.* ажойиб, ажиб, ҳайрон қоларлик даражада, ниҳоят даражада, жуда ҳам; фавқуллода; здание изумительно красиво ажойиб чиройли бино; он изумительно талантлив у жуда ҳам исте'додли.

**ИЗУМИТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое ажойиб, ажиб, ҳайрон қоларлик, тонг қоларлик; ҳайрон қолдирадиган, тонг қолдирадиган; у него изумительные способности у ажойиб исте'додли.

**ИЗУМИТЬ** *сов.* ажаблантирмоқ; ҳайратда қолдирмоқ, ҳайрон қилмоқ, таажжублантирмоқ; қойил қолдирмоқ; размах строительства в СССР изумил иностранную рабочую делегацию СССР даги катта қурилишлар четэл ишчилар делегациясини ҳайратда қолдирди; его резкий ответ изумил всех унинг кескин жавоби ҳаммани ҳайратда қолдирди.

**ИЗУМИТЬСЯ** *сов.* ажабланмоқ, ҳайратда (таажжубда) қолмоқ, ҳайрон бўлмоқ, тонг қолмоқ; қойил қолмоқ; изумиться искусству игры артиста

артистнинг сан'атиға қойил қолмоқ; изумиться красоте природы табиятнинг гўзаллиғига қойил қолмоқ.

**ИЗУМЛЕНИЕ** *ср мн. нет* ажабланиш, таажжуб, ҳайрат; ҳайратда қолиш, тонг қолиш; ҳайрон бўлиш; прийти в изумление ҳайрон қолмоқ; повергнуть в изумление (кого-н.) ҳайрон қолдирмоқ, ажаблантирмоқ.

**ИЗУМЛЕННЫЙ**, -ая, -ое ажабланган, ҳайрон қолган, ҳайратда (таажжубда) қолган, тонг қолган; қойил қолган; он был очень изумлен у ажабланиб қолди; у жуда ҳайрон бўлди; изумленный взгляд таажжубланиб қараш; ҳайрон қолиб қараш.

**ИЗУМЛЯТЬ** *несов. қ.* изумить.

**ИЗУМЛЯТЬСЯ** *несов. қ.* изумиться.

**ИЗУМРУД** *м* зумрад.

**ИЗУМРУДНЫЙ**, -ая, -ое, **ИЗУМРУДОВЫЙ**, -ая, -ое 1. изумруд *сүз. сиф.*: зумрадга оид; изумрудные копи зумрад кони; изумрудное кольцо зумрад кўзли узук; 2. зумрад ранг; кўк, очяшил тус; изумрудные воды озера кўлнинг зумрад ранг сувлари.

**ИЗУРОДОВАННЫЙ**, -ая, -ое расво қилинган, бузилган; хунуги чиққан, абжағи чиққан; изуродованное лицо хунуги чиққан юз.

**ИЗУРОДОВАТЬ** *сов.* расвосини чиқармоқ, хунугини чиқармоқ, бузмоқ, абжағини чиқармоқ; бадбашара қилмоқ; бспа изуродовала его лицо чечак унинг юзини хунук қилиб юборипти.

**ИЗУРОДОВАТЬСЯ** *сов.* расво бўлмоқ, хунуги (аживаси) чиқмоқ, бузилмоқ; хунукланмоқ.

**ИЗУСТНЫЙ**, -ая, -ое *эск.* оғзаки; изустная литература оғзаки адабиёт.

**ИЗУЧАТЬ** *несов. қ.* изучать.

**ИЗУЧАТЬСЯ** *несов.* 1. ўранилмоқ; ўқитилмоқ; во всех высших учебных заведениях изучаются основы марксизма-ленинизма барча олий ўқув юртларида марксизм-ленинизм асослари ўқитилади; 2. тадқиқ этилмоқ, текширилмоқ; билиб олинмоқ, тушунилмоқ.

**ИЗУЧЕНИЕ** *ср мн. нет* 1. ўраниш, ўраниб билиш; ўқиш; изучение

„Краткого курса истории ВКП (б)“, ВКП(б) тарихи қисқа курси“ни ўрганиш; 2. текшириш, текшириш олиб бориш, текшириб билиш; изучение производительных сил страны мамлакатнинг ишлабчиқариш кучларини текшириш; изучение недр Узбекистана Ўзбекистоннинг ерости бойликларини текшириш.

**ИЗУЧИТЬ** *сов.* 1. ўрганмоқ, ўрганиб билмоқ; изучить ремесло касб ўрганмоқ; 2. текширмоқ, текшириш олиб бормоқ, текшириб билмоқ; изучить древнюю рукопись қадимги қулёзмани текширмоқ; изучить боевую обстановку жанг вазиятини текшириб билмоқ; 3. таниб олмақ, билиб олмақ; диққат блан мушоада қилиб, билиб (тушуниб) олмақ; я хорошо изучил этого человека мен бу кишини яхши билиб олдим.

[изъ-] е ва я блан бошланган фе'ллар олдида [из-] ўрнида ишлатилади; қ. [из-].

**ИЗЪЕДАТЬ** *несов. қ.* изъесть.

**ИЗЪЕДЕННЫЙ**, -ая, -ое сийланган, кемирилган, ямланган; изъеденный молью костюм куя еган костюм; изъеденная гусеницами капуста курт еган карам.

**ИЗЪЕЗДИТЬ** *сов.* 1. кўп ерни кезмоқ, кўп ерни айланиб (саёҳат қилиб) чиқмоқ, кезиб чиқмоқ; он изъездил всю страну у бутун мамлакатни айланиб (кезиб) чиқди; 2. с. т. кўп юриб, юривериб бузмоқ, ишдан чиқармоқ.

**ИЗЪЕЗЖЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. кезилган, айланиб чиқилган; я побывал в местах, изъезженных мною ранее мен илгари ўзим кўп юрган ерларда бўлдим; 2. ўйилган, ўнқир-чўнқир; ўйдим-чукур бўлиб кетган; изъезженная дорога ўнқир-чўнқир йўл. изъезжу, изъездишь *буд. от* изъездить (қ.).

**ИЗЪЕСТЬ** *сов.* 1. емоқ, еб юбормоқ, еб кетмоқ; кемирмоқ, ямламоқ; моль изъела мех мўйнали куя еб қўйипти; 2. ёндирмоқ, куйдирмоқ; кислота изъела металл кислота металлани куйдириб юборипти.

**ИЗЪЯВИТЕЛЬНЫЙ**: изъявительное наклонение (*грам.*) хабар (аниқлик) фе'ли.

**ИЗЪЯВИТЬ** *сов. расм.* билдирмоқ, айтмоқ, баён этмоқ, изҳор қилмоқ; изъявить своё желание истагини изҳор қилмоқ; изъявить согласие рози бўлмоқ, розилик билдирмоқ.

**ИЗЪЯВЛЕНИЕ** *ср расм.* билдириш, айтиш, баён этиш, изҳор қилиш; изъявление благодарности ташаккур изҳор этиш.

**ИЗЪЯВЛЯТЬ** *несов. қ.* изъявлять.

**ИЗЪЯВЛЯТЬСЯ** *несов. расм.* билдирилмоқ, айтилмоқ, баён этилмоқ, изҳор қилинмоқ.

**ИЗЪЯЗВИТЬ** *сов. эск.* яра бостирмоқ, яра қилиб юбормоқ.

**ИЗЪЯЗВЛЯТЬ** *несов. эск. қ.* изъязвлять.

**ИЗЪЯЗВЛЯТЬСЯ** *несов. эск.* яра тошиб кетмоқ, жароҳатланмоқ.

**ИЗЪЯН** *м* 1. нуқсон, айб, камчилик, пугур; товар с изъяном нуқсонли бор мол; у этого человека много изъянов бу одамнинг камчилиги кўп; 2. зинён, зарар; причинить изъян ёки нанести изъян (*ком.у-н., чему-н.*) зинён етказмоқ, зарар келтирмоқ.

**ИЗЪЯСНЕНИЕ** *ср эск. 1. только ед.* тушунтириш, англатиш, изоҳ бериш, шарҳлаш; 2. изоҳ, шарҳ.

**ИЗЪЯСНИТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *эск.* тушунтириб берадиган, англатадиган; изоҳли, шарҳли.

**ИЗЪЯСНИТЬ** *сов. эск.* тушунтирмоқ, англатмоқ, баён қилмоқ, тушунтириб бермоқ.

**ИЗЪЯСНИТЬСЯ** *сов. эск.* сўзлашмоқ, бирор нарса ҳақида ўз фикрини айтиб гаплашмоқ.

**ИЗЪЯСНЯТЬ** *несов. эск. қ.* изъяснить.

**ИЗЪЯСНЯТЬСЯ** *несов. эск. 1. қ.* изъясниться; 2. тушунтирилмоқ, англатилмоқ, тушунтириб берилмоқ; шарҳ қилинмоқ, шарҳланмоқ.

**ИЗЪЯТИЕ** *ср 1. только ед.* чиқариш, исте'молдан чиқариш; мусодара қилиш, бекор қилиш; изъятие из употребления исте'молдан чиқариш; 2. истисно, истисно қилиш; изъятие из закона қонундан чиқариш, истисно қилиш; без изъятия ҳечбир истисносна.

**ИЗЪЯТЫЙ**, -ая, -ое чиқарилган, исте'молдан чиқарилган; мусодара қилинган; бекор қилинган.

**ИЗЪЯТЬ** *сов.* чиқармоқ, чиқариб ташламоқ, исте'молдан чиқармоқ; мусодара қилмоқ, бекор қилмоқ; **изъять** изи обращении старые деньги эски пулларни исте'молдан чиқармоқ, эски пулларни бекор қилмоқ.

**ИЗЫМАТЬ** *несов. қ.* изъять.

**ИЗЫМАТЬСЯ** *несов.* чиқарилмоқ, исте'молдан чиқарилмоқ, мусодара қилинмоқ; бекор қилинмоқ.

**изыму́, изымешь** *буд. от* изъять (*қ.*).

**ИЗЫСКА́НИЕ** *ср* 1. қидириш, ахтариш, излаш, қидириб топиш; **изыскания** новых путей янги йўл ва усуллар қидириб топиш; **изыскание возможностей** имконият топиш; **изыскание средств** на строительство қурилиш учун маблағ топиш; 2. қидириш, илмий текшириш; геологические **изыскания** геологик қидирув ишлари.

**ИЗЫСКА́ННОСТЬ** *ж мн. нет* назокат, нозиклик, нафислик, латофат; **изысканность вкуса** дилнинг нозиклиги; **изысканность в обращении** хушмуомалалик, муомалада назокатли бўлиш.

**ИЗЫСКА́ННЫЙ**, -ая, -ое 1. қидириб (излаб) топилган; **изысканы** новые источники дохода янги даромад манба'лари қидириб топилди; 2. назокатли, латофатли, нафис; нозик; гўзал, кўркем; **изысканный человек** назокатли одам; **изысканный вкус** нозик дид; **изысканные блюда** лазиз таом.

**ИЗЫСКА́ТЕЛЬ** *м макс.* қидиручи, илмий текшириш олиб боручи; **инженёр-изыскатель** қидиручи-инженер.

**ИЗЫСКА́ТЕЛЬСКИЙ**, -ая, -ое *макс.* **изыскатель сўз. сиф.**; **изыскательская партия** (*геол.*) қидиручилар партияси; **экспедиция** проводит **изыскательские работы** экспедиция қидириш ишларини олиб бормоқда.

**ИЗЫСКА́ТЬ** *сов.* топмоқ, қидириб (излаб) топмоқ, ахтариб топмоқ; **изыскать новые способы** производства ишлабчиқаришнинг янги усулларини топмоқ.

**ИЗЫСКА́ТЬСЯ** *сов.* топилмоқ, қидирилмоқ, излаб топилмоқ.

**ИЗЫСКИВАТЬ** *несов.* 1. *қ.* **изыскать**; 2. *макс.* текшириш (тадқиқот) ишлари била шуғулланмоқ, машгул бўлмоқ.

**ИЗЫСКИВАТЬСЯ** *несов.* 1. *қ.* **изыскаться**; 2. *страд.* *от* **изыскивать** (*қ.*).

**изыщу́, изыщешь** *буд. от* **изыскать** (*қ.*).

**ИЗЮ́БР** *м макс.* бугунинг бир тури.

**ИЗЮ́М** *м мн. нет* майиз, қуритилган узум; **♦ не фунт изюму** (*с. т. ҳазл.*) ҳазилакам (ҳазил гап) эмас; осон эмас.

**ИЗЮ́МИНА** *ж с. т.* бир дона майиз, майиз донаси.

**ИЗЮ́МИНКА** *ж с. т.* 1. **изюмина** сўз. *кичр. айт.*; *қ.* **изюмина**; 2. жозоба, назокат; **человек с изюминкой** (*с. т.*) назокатли одам. Ўзига хос ажойиб табиати (назокати) бор одам.

**ИЗЪЩЕСТВО** *ср мн. нет* нафислик, нозиклик, нафосат, латофат. гўзаллик, кўркемлик.

**ИЗЪЩО** *нареч.* назокат блан, нафис; чиройлик қилиб; кўркем; он говорит **изъчно** у чиройли қилиб гапиради.

**ИЗЪЩНЫЙ**, -ая, -ое нафис, нафосатли, назокатли, нозик, келишган, гўзал, кўркем; **изъщная одежда** келишган кийим, чиройли кийим; **изъщные манеры** чиройли қилиқ; **♦ изъщные искусства** (*эск.*) нафис сан'ат (рассомлик, музика ва ш. к.); **изъщная литература** (*эск.*) бадиий адабиёт, нафис адабиёт.

**ИКА́ТЬ** *несов.* ҳиқиқоч тутмоқ.

**ИКНУ́ТЬ** *сов. и однокр. қ.* **икать.**

**ИКО́НА** *ж дин.* икона, бут (христианларда — худо ёки авлиёларнинг сурати).

**ИКОНОГРА́ФИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое **иконография** сўз. *сиф.*; **иконографик**; **иконографический** сборник **иконограф** тўплам; *қ.* **иконография.**

**ИКОНОГРА́ФИЯ** *ж мн. нет макс.* **иконография** (1. бирор шахс, воқна, манзара ва ш. к. нинг турли тасвирларини ўрганиш; 2. *рассомликда*, ҳайкалтарошлиқда бирон сюжетнинг, бирон шахснинг суратларини ёки

ҳайкалларини систематик равишда ўрганиш ва тасвирлаш; 3. шундай тасвирлар йиғиндиси).

**ИКОНОПИСЕЦ** м. икона суратини солучи, икона чизучч.

**ИКОНОПИСЬ** ж. мн. нет икона чизиш, икона яшаш (христианларда худо ёки авлиёларнинг суратини солиш).

**ИКОРНЫЙ**, -ая, -ое икра́ сўз. сиф.; балиқ тухумига, балиқ уруғига оид.

**ИКОТА** ж. мн. нет ҳақиқоқ.

**ИКРА́** I ж. мн. нет 1. икра, ўвулдириқ (балиқ ва бақа уруғи); зернистая икра́ донатор икра; па́усная икра́ эзиб тайёрланган тузли қора икра; 2. икра (ҳархил сабзавотни майдалаб, кейин ёққа қовуриб тайёрланган таом); баклажа́нная икра́ бақлажон икра; грибна́я икра́ қўзқорин икра.

**ИКРА́** II ж. (мн. икры) анат. болдир.

**ИКРЯ́НКА** ж. бир дона балиқ уруғи, балиқ уруғ допаси.

**ИКРИ́СТЫЙ**, -ая, -ое серуруғ, сертухум, кўп тухум сочадиган (балиқ ёки бақа); икри́стая щу́ка сертухум чўртан балиқ.

**ИКРИ́ТЬСЯ** несов. махс. уруғ сочмоқ, тухум ташламоқ (балиқ, бақа ҳақида).

**ИКРОМЕТА́НИЕ** ср. мн. нет махс. тухум сочиш, тухум ташлаш (балиқ, бақа ҳақида); вре́мя икрометания́ тухум ташлаш (уруғ сочиш) мавсуми.

**ИКРЯ́НОЙ**, -ая, -ое махс. 1. тухумли; серуруғ, сертухум; икряна́я рыба́ серуруғ балиқ; 2. балиқ уруғидан тайёрланган.

**ИКС** м. 1. икс (лотин алфавитининг 44-нчи („x“) ҳарфи; 2. мат. икс (математикада шу ҳарф блан ифода қилинадиган нома'лум сон ёки ўзгаручан миқдор); 3. нома'лум шахс, фалон, фалончи;  $\diamond$  икс-лучи́ = рентгеновские лучи; қ. рентгеновский.

**ИЛ** м. мн. нет лой, лойқа, балчиқ; на дне ары́ка скопилось мно́го ила ариқни лой босипти.

**ИЛИ** союз 1. ажратиш ма'носида қўлланилади: ё, ёки; вам чаю́ или кофе? сизга чой қуйиб берайми ё кофеми?; за́втра или послеза́втра

эргага ё индинга; или пан, или пропа́л (*матал*) = либо пан, либо пропа́л қ. либо; 2. боғлаш, бириктириш ма'носини англатади: ё эса, ёхуд; на дне рек, озёр или морей дар'ё, кўл ёхуд денгизлар тагида; 3. изоҳлаш ма'носини англатади: ё бўлмаса, ёинки; 4. сўроқ ма'носини билдиради: или ты не знаёшь об ётом? ё сен буни билмайсанми? ё сенинг бундан хабаринг йўқми?

**ИЛИ́СТЫЙ**, -ая, -ое лойли, балчиқ; илистая́ почва́ балчиқ тупроқ; илистое́ дно ости балчиқ, таги лойқа.

**ИЛЛИТЕРА́ТЫ** мн. (ед. иллитерат м) лингв. иллитерат товушлар (ҳарфлар блан ифодалаб бўлмайдиган товушлар, мас., хуштак, хириллаш нафас ва ш. к.).

**ИЛЛЮЗИОНИ́ЗМ** м. мн. нет филос. иллюзионизм (дун'ё ва бутун мавжудотни фақат кўзга кўринадиган хаёлий бир нарса деб ҳисобловчи ва фанга бутунлай хилоф идеалистик назария; субъектив идеализмнинг ўтакетган формаси).

**ИЛЛЮЗИОНИ́СТ** м. 1. филос. иллюзионист, иллюзионизм тарафдори; 2. театр. кўзбойловчи (ҳархил иллюзиялар кўрсатучи артист).

**ИЛЛЮЗИОНИ́СТЧЕСКИЙ**, -ая, -ое филос. иллюзионизм сўз. сиф.; иллюзионизмга оид; иллюзионистик; иллюзионистическая философия́ иллюзионистик философия; қ. иллюзионизм.

**ИЛЛЮЗИОНИ́СТСКИЙ**, -ая, -ое филос. иллюзионист сўз. сиф.; иллюзионистларча, иллюзионистик; иллюзионистское мировоззрёние иллюзионистларча дун'ёқараш.

**ИЛЛЮ́ЗИЯ** ж. 1. иллюзия (борлиқни, воқи'ликни нотўғри идрок қилишдан ҳосил бўлган сохта тушунча); 2. || иллюзия, хомхаёл, пучхаёл, амалга ошириб бўлмайдиган фараз; стро́ить (создава́ть) себе́ иллю́зии ёки предава́ться иллю́зиям пучхаёлларга берилмоқ; хомтама' бўлмоқ; рассе́ять (*чы-н.*) иллю́зии хаёлни тарқатмоқ.

**ИЛЛЮ́ЗОРНОСТЬ** ж. мн. нет хаёлийлик, хомхаёллик.

**ИЛЛЮ́ЗОРНЫЙ**, -ая, -ое хомхаёл, хаёлий; амалга ошириб бўлмайдиган;

ҳақиқатдан йроқ; иллюзорные надежды хомтама'лик, хаёлий умидлар, пуч умидлар; иллюзорное восприятие действительности ҳақиқатни хаёлий тарзда идрок қилиш.

**ИЛЛЮМИНАТОР** I *м денг.* иллюминатор (кемаларда маҳкам эпипладиган қалин ойнали тўғарак дераза, дарча).

**ИЛЛЮМИНАТОР** II *м* иллюминатор (1. *махс.* иллюминация ишларини олиб боручи; 2. харита, план ва шу кабиларга ранг беручи уста).

**ИЛЛЮМИНАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* иллюминация сўз. *сиф.:* иллюминация оид; иллюминационный материал иллюминация аш'ёлари, иллюминация материаллари.

**ИЛЛЮМИНАЦИЯ** I *ж* иллюминация, чирогвонлик (катта байрам ва тантаналарда кўча ва уйларни рангбаранг чироглар блан безаш; одатдан ташқари ёритиш); праздничная иллюминация байрам иллюминацияси, байрамда кўча ва уйларни одатдан ташқари ёритиш.

**ИЛЛЮМИНАЦИЯ** II *ж махс.* иллюминация (харита, план ва шу кабиларда денгиз, лар'ё ва ҳ. к. контурларига ранг бериш, бўяш).

**ИЛЛЮМИНОВАТЬ** *сов. и несов. махс.* 1. иллюминация қилмоқ, чароғон қилмоқ; кўча ва уйларни ёритмоқ; чироглар блан безатмоқ; 2. бўямоқ, ранг бермоқ.

**ИЛЛЮМИНОВАТЬСЯ** *сов. и несов. махс.* иллюминация қилинмоқ, чароғон қилинмоқ, кўча ва уйларга кўп чироглар ёқилиб безатилмоқ.

**ИЛЛЮСТРАТИВНЫЙ**, -ая, -се иллюстратив, тасвирий, кўргазмалли; яққол; иллюстративный метод кўргазмалли метод, иллюстрация методи (ўқитишда — яққол намуналар кўрсатиб тушунтириш усули).

**ИЛЛЮСТРАТОР** *м* иллюстратор, рассом (1. китоб, газета ва журналларни иллюстрация қилучи, турли расмлар солиб безовчи рассом; 2. тажриба кўрсатучи).

**ИЛЛЮСТРАЦИЯ** *ж* 1. тасвирлаш, сурат, расм солиш; расмлар блан кўрсатиш; яққол кўрсатиб бериш; кўрсатиш; 2. иллюстрация, расм, сурат; книга с иллюстрациями

иллюстрацияли китоб, расмли китоб (текстни изоҳлаш, тушунтириб бериш учун расмлар солинган китоб); 3. мисол, намуна; приведё несколько иллюстраций в подтверждение своей мысли гапимни тасдиқлаш учун бирнеча мисол келтираман.

**ИЛЛЮСТРИРОВАННЫЙ**, -ая, -ое 1. тасвирланган; сурат солинган, расмлар қўйилган; кўрсатилган; 2. иллюстрацияли, суратли, расмли; иллюстрированный журнал иллюстрацияли журнал, расмли журнал.

**ИЛЛЮСТРИРОВАТЬ** *сов. и несов.* 1. иллюстрация бермоқ, расм киритмоқ; расмлар блан безамоқ; иллюстрировать детскую книгу болалар китобини расмлар блан безамоқ; 2. || мисол келтирмоқ, намуна қилиб яққол кўрсатмоқ; мисоллар блан изоҳламоқ; тасвирламоқ; ойдинлаштирмоқ; кўрсатмоқ; иллюстрировать свою мысль примёрами ўз фикрини мисоллар блан тушунтириб бермоқ.

**ИЛЛЮСТРИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* 1. иллюстрация берилмоқ, расм киритилмоқ, расмлар блан безалмоқ (китоб, журнал ва ш. к.); 2. || мисоллар блан тушунтирилмоқ, яққол кўрсатилмоқ.

**ИЛОВАТЫЙ**, -ая, -ое таги балчиқроқ, лойқароқ; иловатое дно таги лойроқ; иловатая почва сал балчиқли тупроқ, балчиқ аралаш тупроқ.

**ИЛОТ** *м тар.* 1. Спарта (қадимги Греция) давлатида — крепостной деҳқон; 2. || қул, ҳуқуқсиз, эксплуатация қилинучи киши.

**ИЛЬ** = и́ли (*қ.*).

**ИЛЬКА** *ж зоол.* 1. Америка сасиққузани; 2. шу ҳайвоннинг мўйнаси.

**ИЛЬМ** *м бот.* элма (қайрағочнинг бир тури).

**ИЛЬМОВЫЙ**, -ая, -ое ильм сўз. *сиф.:* элма дарахтига оид; ильмовый лист элма дарахти барги.

**ИМ** I *мест.* он и оно сўз. *творит. п.:* у блан, у томонидан; **ИМ** гордится вся страна у блан бутуя мамлакат фахрланади; **ИМ** выполнено важное задание у муҳим тодшириқни бажарди.

**ИМ II мест.** они сўз. *дат. п.*; уларга; **передайте им** эту книгу мана бу китобни уларга бериб қўйинг; **передайте им наш привёт** уларга биздан салом айтинг, уларни сўраб қўйинг.

**ИМАЖИНИЗМ** *м. мн. нет ад.* имажинизм (XX аср бошида Англия буржуа алабиётида пайдо бўлган тушкунликни ифода қилучи адабий оқим; бундай оқим Россияда ҳам Октябрь революциясининг биринчи йилларида кичик-кичик тўдалар сифатида юз бериб, бир-бирига боғланмаган, ма'носиз, мазмунсиз „янги образлар“ яратишни ўзига шиор қилиб олган эди).

**ИМАЖИНИСТ** *м. ад.* имажинист; имажинизм тарафдори; *қ.* имажинизм.

**ИМАЖИНИСТКА** *ж. қ.* имажинист.

**ИМАЖИНИСТСКИЙ**, -ая, -ое *ад.* имажинизм ва имажинист сўз. *сиф.*; имажинизм ва имажинистларга оид; **имажинистское течение** имажинизм оқими.

**ИМАМ** *м. дин.* имом.

**ИМБИРНЫЙ**, -ая, -ое имбирь сўз. *сиф.*; занжабилга оид; **имбирное масло** занжабил мойи.

**ИМБИРЬ** *м. мн. нет бот.* занжабил.

**ИМБИНИЕ** *ср. эск.* мулк, ер-мулк, амлоқ (революциядан илгари Россияда помещикларга қарашли мулклар, ер-сув).

**ИМЕННИК** *м.* ўзига от (исм) қўйилган кунини нишонловчи, байрам қилучи киши; **сегодня он именник** бугун у ўзига от қўйилган кунини нишонлайди; **◇ сидеть именником, смотреть именником** ёки **как именник** (*с. т. ҳазл.*) шох-хуррам бўлиб ўтирмақ.

**ИМЕННИЦА** *ж. қ.* именник.

**ИМЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. именьны сўз. *сиф.*; *қ.* именьны; 2. зиёфатга оид.

**ИМЕННЫ** *мн. ед. нет эск.* исм тўйи, тутилган кун байрами (православ ва католикларда черков томонидан йўқландирилган бирон авлиё номидаги кишининг тўйи, байрами).

**ИМЕНТЕЛЬНЫЙ:** именительный падеж (*грам.*) бош келишиқ.

**ИМЕНТЫЙ**, -ая, -ое *эск.* муҳтарам, мартабаси баланд, хурматли, азиз; **именный гость** азиз меҳмон; **именные люди** казо-казолар.

**ИМЕННО** *частица* 1. худди, худди шу, нақ; айни; **это именно он** бу ўшанинг худди ўзи; **именно так** худди шундай; **именно в процессе творческого труда и вырастает человек** одам худди шу ижодий меҳнат процессида ўсиб етилди; 2. чунончи, масалан, я'ни; **фруктовые деревья, а именно: яблоня, груша, слива и т. д.** мева дарахтлари, чунончи: олма, нок, олхўри ва ш. к.; **◇ вот именно!** (*с. т.*) балли, албатта, ҳа, худди шундай.

**ИМЕННОЙ**, -ая, -ое исми ёзилган. номма-ном, бировга аталган, бировнинг номи ёзилган; **именной пропуск** бировнинг фамилияси ёзилган пропуск (рухсатнома); **именной чек** олучининг номи ёзилган чек; **именные часы** эгасининг номи ёзилган соат; **◇ именной список** номма-ном тузилган (бировларнинг исм ва фамилиялари ёзилган) рўйхат.

**ИМЕНОВАННЫЙ**, -ая, -ое *эск.* аталган, от қўйилган, отли, номли, исмли; **◇ именованное число** (*мат.*) отли сон.

**ИМЕНОВАТЬ** *несов. эск.* атамоқ, от қўймоқ, ном (исм) бермоқ, ... деб атамоқ.

**ИМЕНОВАТЬСЯ** *несов. эск.* аталмоқ, номланмоқ, ном (исм) берилмоқ, от қўйилмоқ, ... деб аталмоқ.

**ИМЕНУЕМЫЙ**, -ая, -ое *эск.* 1. аталдиган; аталучи, ... номидаги, ... деган, ... деб аталган; 2. отли, исмли, номли, лақабли.

**ИМЕРЕТЫН** *м.* имеретин (имеретин қабиласига мансуб киши); *қ.* имеретины.

**ИМЕРЕТЫНКА** *ж. қ.* имеретины.

**ИМЕРЕТЫНЫ** *мн. (ед. имеретин м, имеретинка ж)* имеретинлар, грузин қабилаларидан бири.

**ИМЕТЬ** *несов.* 1. эга бўлмоқ, молик бўлмоқ; **иметь право** ҳақли бўлмоқ, ҳуқуққа эга бўлмоқ; **это имеет большое значение** бунинг

катта аҳамияти бор; бунинг аҳамияти катта; **иметь при себе паспорт** паспортини ёнида олиб юрмоқ; **Ни одна партия не имела и не имеет такого авторитета среди народных масс, как наша большевистская партия\*** (Сталин) „Ҳечбир партия омма ўртасида бизнинг большевиклар партиясидек обрўга эга бўлган эмас ва эга эмас ҳам“ (Сталин); он имёл мужество признать свою ошибку у ўз хатосига мардларча иқрор бўлди; у ўз хатосини дадил туриб бўйнига олди; **иметь смелость** жур'ат этишга, дадил бўлишга қарор бермоқ; **иметь возможность** имкониятга эга бўлмоқ; **иметь деньги** пулга эга бўлмоқ; **комната имеет два окна** уйнинг (бўлманинг) икки деразаси бор; **эта материя имеет метр ширины** бу мата (газлама) нинг эни бир метр; **я хотел бы иметь его своим помощником** мен уни ўзимга ёрдамчи қилардим; **2. кўрмоқ; кузатиб, мушоада қилиб турмоқ; в капиталистических странах мы имеем обострение классовых противоречий** капиталистик мамлакатларда синфий зиддиятнинг кескинлашганганини кўриб турибмиз; **3. эск. инфинитив** блан бирга келганда келажак замонни билдиради; **8 марта имеет быть концерт** 8 мартда концерт бўлади; **я имею сообщить вам интересную новость** мен сизга қизиқ бир янгилик айтмоқчиман; **◇ иметь в виду** қ. вид I (5-нчи ма'носида); **иметь дело** (с кем-чем-н.) 1) алоқада (муносабатда) бўлмоқ; биров блан алоқа қилмоқ; **я не хочу иметь с ним дела** мен унинг блан алоқа қилишни истамайман, мен унинг блан муносабатда бўлишни хоҳламайман; 2) олишмоқ, курашмоқ; биров олдида жавобгар бўлмоқ; **он будет иметь дело со мной** ҳали мен у блан гапиршиб қўяман!; 3) фойдалаптоқ. ишлатмоқ; муомалада бўлмоқ; **я никогда не имел дела с таким механизмом** мен бундай механизмни сра (умримда) ишлатган эмасман; **иметь что-н. против** (кого-чего-н.) э'тироз билдирмоқ, қаршилиқ кўрсатмоқ; **что вы имеее сказать против?** қандай э'тирозингиз бор?; **я ничего не имею возразить** мен ҳеч қарши эмасман;

қаршилимим йўқ; **иметь место** юз бермоқ; содир бўлмоқ; руй бермоқ; **это событие имело место в прошлом году** (эск.) бу воқеа ўтган йили содир бўлган эди; **иметь целью, задачей** ёки **иметь цель, задачу** мақсади ... дан иборат бўлмоқ; **иметь отношение** (к чему-кому-н.) алоқадор бўлмоқ, муносабати (дахли) бўлмоқ, тааллуқ бўлмоқ; **я не имею никакого отношения к этому делу** бу ишга менинг ҳечқандай муносабатим йўқ (алоқам) йўқ; **иметь хождение** муомалада бўлмоқ; ўтмоқ; юрмоқ (пул ҳақида); **иметь применение** қўлланмоқ, татбиқ қилинмоқ, фойдаланилмоқ, амалда бўлмоқ; **иметь понятие** хабардор бўлмоқ; билмоқ, ма'лумотга эга бўлмоқ; тасаввур қилмоқ; **я не имею ни малейшего понятия об этом** мен бу ҳақда ҳечнарса билмайман; бу ҳақда менинг ҳечбир хабарим йўқ; **иметь намерение** = намереваться (қ.); **иметь притязание** (на кого-что-н.) да'во қилмоқ; эга бўлишга, олишга интилмоқ; **иметь голову на плечах** эсли-хушли бўлмоқ; фаросатли бўлмоқ.

**ИМЕТЬСЯ** несов. бўлмоқ, бор бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ; **имеется бор. не имеется** йўқ; **имеется ли у вас этот номер журнала?** сизда журналнинг шу сони борми?; **для выполнения плана у нас имеются все возможности** планни бажариш учун бизда барча имкониятлар бор; **в магазине** **имеется много товаров** магазинда кўп мол бор, магазинда мол кўп; **никаких препятствий не имеется** ҳечқандай тўсқинлик (қаршилиқ) йўқ; **в библиотеке не имеется этой книги** кутубхонада бу китоб йўқ; **◇ имеется в виду** назарда тугилади, ... деб фараз қилинади.

**ИМЕЮЩИЙСЯ**. -аяся, -еяся бор. бор бўлган, мавжуд; **имеющийся факты подтверждают это** мавжуд фактлар бунни тасдиқлайди; **по имеющимся сведениям** қўлимиздаги ма'лумотларга қараганда, олинган ма'лумотларга қўра.

**ИМИ** мест. онӣ сўз. творит. п.; улар томонидан, улар тарафидан,

улардан, улар; **это дело сделано ими** бу ишни улар қилди; **я доволен ими** мен улардан хурсандман.

**ИМИТАТОР** *м* имитатор, тақлидчи, ўхшатучи (одам, ҳайвон ёки қушларнинг қилигини айнан, худди ўзига ўхшатиб кўрсатучи).

**ИМИТАЦИЯ** *ж* 1. *только ед.* имитация, тақлид; тақлид қилиш (одам, ҳайвон ёки қушларнинг қилигини айнан худди ўзига ўхшатиб кўрсатиш); имитация голосов животных ҳайвонлар овозига тақлид қилиш; 2. худди ўзига ўхшатиб ишланган сохта нарса, қалбаки, ясама; имитация жемчуга ясама марварид; имитация кожи ясама тери; 3. *муз.* имитация (музика оҳангини бир интервал юқори ёки паст овоз блан такрорлаш).

**ИМИТИРОВАТЬ** *несов.* 1. имитация қилмоқ, тақлид қилмоқ; худди ўзига ўхшатмоқ; худди ўзи бўлмоқ; 2. сохта нарса қилмоқ, қалбаки нарса ясамоқ, худди ўзига ўхшатиб ишламоқ; имитировать мрамор мраморга ўхшатиб ишламоқ, с ўймоқ.

**ИММАНЕНТНОСТЬ** *ж* *мн.* нет имманентлик, бирор ҳодисанинг ички хусусиятларига хослик, унинг ички талабидан келиб чиқиш.

**ИММАНЕНТНЫЙ**, -ая, -ое *филос.* имманент, ички (бирор ҳодисанинг ички хусусиятларига хос, унинг ички табиатидан келиб чиқадиган); **имманентные причины** имманент сабаблар, ички сабаблар.

**ИММАТЕРИАЛИЗМ** *м* *мн.* нет *филос.* имматериализм (материализмнинг акси; материянинг реаллигини инкор этиб, фақат руҳ мавжуддир деб да'во қилуи идеалистик философик оқим).

**ИММЕЛЬМАН** *м* *ав.* иммельман (олий пилотаж шаклларида бири; самолётнинг йўналишини тезлик блан 180° гача ўзгартириш учун қўлланади).

**ИММЕРСИОННЫЙ**, -ая, -ое *физ.* иммерсияли, иммерсион; иммерсионный объектив иммерсияли объектив, иммерсион объектив (микроскопларнинг энг катта қилиб кўрсатадиган иммерсияли объективи); *қ.* иммерсия.

**ИММЕРСИЯ** *ж* *физ.* иммерсия (микроскопларнинг аниқ, равшан ва зўрайтириб кўрсатиш хусусиятини ошириш учун микроскоп объективи блан кўрилаётган нарса оралигига махсус мой томизиш).

**ИММИГРАНТ** *м* иммигрант (бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга доимо яшаш учун келган четэл кишиси).

**ИММИГРАНТКА** *ж* иммигрантка, иммигрант аёл; *қ.* иммигрант.

**ИММИГРАНТСКИЙ**, -ая, -ое иммигрант сўз. *сиф.*; иммигрантга онд; *қ.* иммигрант.

**ИММИГРАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое иммиграция сўз. *сиф.*; иммиграцияга онд; *қ.* иммиграция.

**ИММИГРАЦИЯ** *ж* *мн.* нет 1. иммиграция (четэл кишиларининг доимий истиқомат қилиш учун бирор мамлакатга кўчиб бориши, кўчиб келиши); 2. *только ед. собир.* иммигрантлар; 3. *эк.* четдан киритиш; иммиграция капитала четэл капиталининг бирор мамлакатга киритилиши.

**ИММИГРИРОВАТЬ** *сов.* и *несов.* иммиграция этмоқ (кўчиб келмоқ, доимий истиқомат қилиш учун бошқа бир мамлакатга кўчиб бормоқ, кўчиб келмоқ).

**ИММОБИЛИЗАЦИЯ** *ж* *мн.* нет иммобилизация (1. *мед.* хирургияда — одамнинг бирор а'зосини қимирламайдиган қилиб қўйиш, мас., гипсга солиш, тахтакач боғлаш ва ш. к.; 2. *эк.* кўчма мулкни кўчмас мулкка айлантириш; **иммобилизация капитала** оборот капиталини асосий капиталга айлантириш).

**ИММОРАЛИЗМ** *м* *мн.* нет *филос.* имморализм (ҳарқандай ахлоқ нормаларини инкор этиш).

**ИММОРАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое ахлоқ-одоб қоидаларига бефарқ қаровчи, ахлоқ-одоб қоидаларига хилоф бўлган.

**ИММОРТЕЛЬ** *ж* *бот.* иммортель, гулҳамишабахор (қуритилганда ҳам ўз шакл ва рангини ўзгартирмайдиган гул).

**ИММУНИЗАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* иммунизация сўз. *сиф.*; *қ.* иммунизация.

**ИММУНИЗАЦИЯ** *ж мн. нет мед.* иммунизация (сун'ий иммунитет ҳосил қилиш, организмни сун'ий йўллار билан касал юқмайдиган, ба'зи заҳарлар та'сир этмайдиган қилиш).

**ИММУНИЗИРОВАТЬ** *сов. и нес.* **1. мед.** иммунизация қилмоқ (сун'ий иммунитет ҳосил қилмоқ, организмни касал юқмайдиган, ба'зи заҳарлар та'сир этмайдиган қилмоқ); **2. юр.** дахлсизлик ҳуқуқи бермоқ.

**ИММУНИЗИРОВАТЬСЯ** *сов. и нес.* **мед.** иммунизация қилинмоқ, касал юқтирмайдиган, ба'зи заҳарларни сезмайдиган бўлмоқ.

**ИММУНИТЭТ** *м 1. мед.* иммунитет (организмнинг юқумли касалларни ўзига юқтирмаслик хусусияти ва уларга қарши курашиш қобилияти); **2. юр.** иммунитет, дахлсизлик ҳуқуқи (давлатга алоҳида мавқияга эга бўлган айрим шахсларни ба'зибир қонунлар та'сиридан истисно қилиш, ҳолис қилиш); **дипломатический иммунитет** дипломатларнинг дахлсизлиги (**дипломатия вакилига ва у турган уйга** ҳечқимнинг дахл қилаолмаслиги); **иммунитет депутата** депутатнинг дахлсизлиги (қонун чиқарувчи органнинг ижозатидан ташқари депутатни қамаш ва суд жавобгарлигига тортиш мумкин эмаслиги).

**ИММУННЫЙ**, -ая, -ое *мед.* иммун, иммунитетли, касал юқмайдиган, ба'зи заҳарлар та'сир этмайдиган.

**ИМПЕРАТИВ** *м 1. грам.* = повелительное наклонение; *қ.* повелительный; **2.** буйруқ, амр, қат'ий талаб; **3. категорический императив** (*филос.*) қат'ий императив (Кантнинг идеалистик ва метафизик этикасида — ахлоқ тўғрисидаги та'лимотида — гўёки азалдан ақлга мувофиқ бўлиб келган, абдий ва сра ўзгармас ахлоқ қондалари ҳақидаги сохта тушунча; бу тушунча ахлоқнинг келиб чиқиши, синфий характери ва тарихий тараққиёти ҳақидаги илмий тушунчага тамом зиддир).

**ИМПЕРАТИВНЫЙ**, -ая, -ое **1.** қат'ий, кескин, буйруқ тарзидаги; **императивный мандат** қат'ий наказ (сайланган шахс ёки орган олдига қўйилган қат'ий наказ); **2. грам.**

императив **1 сўз. сиф.**; **императивное наклонение** = повелительное наклонение; *қ.* повелительный.

**ИМПЕРАТОР** *м* император (**1** подшоинг олий унвои; монарх, подшоҳ, ҳоқон; **2. тар.** қадимги Римда — қўшин бошлиғи, саркарда, олий лашкарбоши).

**ИМПЕРАТОРСКИЙ**, -ая, -ое император сўз. сиф.; императорга оид; **императорский указ** император фармони.

**ИМПЕРАТРИЦА** *ж 1.* император хотин, ҳоқон хотин; **2.** император хотини.

**ИМПЕРИАЛ** **I** *м эск.* империял (эски Россияда 10 сўмлик, 1897 йилдан кейин 15 сўмлик тилла пул).

**ИМПЕРИАЛ** **II** *м эск.* империял (конка, дилижон ва ҳ. к. нинг одам ўтирадиган иккинчи қавати).

**ИМПЕРИАЛИЗМ** *м мн. нет* империализм [капитализмнинг энг юқори ва сўнгги босқичи; чириётган, ўлаётган капитализм; империализм капитализмнинг зиддиятларини энг сўнгги даражасига, энг сўнгги чеккага олиб бориб қўядики, унинг кетидан революция бошланиб кетади (Сталин)].

**ИМПЕРИАЛИСТ** *м* империалист (империализм сиёсатини юргизувчи, демократия ва тараққиёт душмани бўлган йирик капиталист).

**ИМПЕРИАЛИСТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое, **ИМПЕРИАЛИСТСКИЙ**, -ая, -ое империализм ва империалист сўз. сиф.; империализмга оид; империалистик; **империалистические войны за новый передел мира** дун'ени қайтадан бўлиб олиш учун олиб борилаётган империалистик урушлар; **империалистическая политика** империалистик сиёсат, империализм сиёсати; **империалистические поджигатели войны** уруш оловини ёқувчи империалистлар.

**ИМПЕРИЯ** *ж* империя (**1.** монархияли давлат; монархияли йирик давлат; **2.** катта колонияларга эга бўлган, қарам халқларни шафқатсиз эксплуатация қиладиган йирик агрессив империалистик давлат; **Британская империя** Британия империяси).

**ИМПЕРСКИЙ**, -ая, -ое империя сүз. сиф.; империяга оид; империяга карашли, империя составига кирадиган; имперская армия империя армияси.

**ИМПЕРСОНАЛЬНЫЙ** = безличный 2 (к.).

**ИМПЕРФЕКТ** м грам. имперфект (фе'лларнинг ўтган замон давом формасининг бир тури).

**ИМПЛАНТАЦИЯ** ж махс. имплантация (айрим хужайра, тўқима ёки бутун бир а'зони баланнинг бошқа жойига улаб, битказиб юбориш).

**ИМПОЗАНТНЫЙ**, -ая, -ое басавлат, савлатли, салобатли, маҳобатли, келишган; импозантная фигура салобатли қадду қомат.

**ИМПОНЬРОВАТЬ** несов. яхши та'сир қолдирмоқ, хурмат қозонмоқ, ўзига жалб этмоқ, ёқмоқ; лектор импонировал своим слушателям лектор ўз тингловчиларига жуда ёқди.

**ИМПОРТ** м мн. нет эк. импорт (четдан, четэллардан мол киргизиш).

**ИМПОРТЁР** м эк. импортчи (четдан, четэллардан мол киргизучи, келтиручи).

**ИМПОРТИРОВАТЬ** сов. и несов. эк. импорт қилмоқ (четдан, четэллардан мол киргизмоқ, келтирмоқ).

**ИМПОРТИРОВАТЬСЯ** сов. и несов. эк. четэллардан мол киргизилмоқ, мол келтирилмоқ.

**ИМПОРТНЫЙ**, -ая, -ое импорт сүз. сиф.; импортга, чет мамлакатлардан мол келтиришга оид; чет мамлакатдан келтирилган; импортные товары импорт моллар, чет мамлакатдан келтирилган моллар.

**ИМПОТЕНТ** м мед. импотент (жинсий алоқада заиф, ожиз одам).

**ИМПОТЕНТНЫЙ**, -ая, -ое 1. мед. импотенция сүз. сиф.; импотентное состояние импотентлик ҳолати (жинсий алоқа қобилиятини йўқотганлик); 2. жинсий алоқада заиф (ожиз) бўлган; 3. || нафр. ожиз, бўш, кучсиз, ночор, лавашанг; импотентный ум ожиз ақл, ақли заиф.

**ИМПОТЕНЦИЯ** ж мн. нет импотенция (1. мед. жинсий алоқада

заифлик, ожизлик; 2. || нафр. рудий ожизлик, кучсизлик, нотавонлик).

**ИМПРЕСАРИО** м нескл. театр. қ. антрепренёр.

**ИМПРЕССИОНИЗМ** м мн. нет снт. импрессионизм (XIX аср ўрталарида сан'ат ва адабиётда пайдо бўлган идеалистик оқим; бу оқим реализмни инкор этиб, шахсининг ички кечирмалари ва кайфиятларининг акс эттиришга тиришади, ижтимоий масалалардан четлашади ва мазмунни формага қурбон қилади).

**ИМПРЕССИОНИСТ** м снт. импрессионист, импрессионизм тарафдори; қ. импрессионист.

**ИМПРЕССИОНИСТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое импрессионизм сүз. сиф.; қ. импрессионизм.

**ИМПРЕССИОНИСТСКИЙ**, -ая, -ое импрессионист сүз. сиф.; импрессионистская манера игры импрессионистларча ўйнаш (чалиш) усули.

**ИМПРОВИЗАТОР** м импровизатор (ҳозиржавоб, олдин тайёрланмасдан ше'р айтучи, музыка асари яратучи ёки нутқ сўзловчи киши).

**ИМПРОВИЗАТОРСКИЙ**, -ая, -ое импровизатор сүз. сиф.; импровизаторга оид; импровизаторский талант импровизаторлик таланти, бадиҳагўйлик қобилияти.

**ИМПРОВИЗАЦИЯ** ж импровизация, импровизация қилиш (1. только ед. олдин тайёрланмасдан ше'р айтиш, музыка асари яратиш ёки нутқ сўзлаш; 2. шу тарзда тузилган асар).

**ИМПРОВИЗИРОВАННЫЙ**, -ая, -ое 1. импровизация қилинган, олдин тайёрланмасдан айтилган, яратилган; 2. || апил-тапил қилинган; тайёргарлик кўрмасдан бошлаб юборилган; импровизированная закуска апил-тапил қилинган овқат, тамадди; импровизированный вечер тайёргарлик кўрмасдан ўтказилган кеча.

**ИМПРОВИЗИРОВАТЬ** несов. 1. импровизация қилмоқ, олдин тайёрланмасдан ше'р айтмоқ, музыка асари яратмоқ, нутқ сўзламоқ; импровизировать на рояле роялда чалиб туриб куй яратмоқ; 2. оғизга келганин айтмоқ, уйдирма гапирмоқ; гап тўқимоқ; 3. || с. т. ҳазл. олдин-

дан ҳозирлик кўрмасдан бир ишни бошлаб юбормоқ.

**ИМПУЛЬС** *м* 1. бирор ишга тилак, орзу қўзғатиш, интилиш; шундай тилак, орзу қўзғатучи сабаб; туртки; 2. *физиол.* импульс (асаб қўзғатучиларнинг та'сири блан бўладиган беихтиёр ҳаракат; волевые импульсы ирода импульслари).

**ИМПУЛЬСЫВНЫЙ**, -ая, -ое 1. импульсив, ғайри ихтиёрӣ, беихтиёр; тасодифӣ; импульсивные действия беихтиёр ҳаракат; 2. || импульс та'сирига берилучан; импульсивный человек импульс та'сирига берилучан одам.

**ИМПУЛЬСНЫЙ**: импульсный генератор (*тех.*) импульсли генератор (оз муддатда юқори кучланишли ток ҳосил қилиш имкониятини берадиган установка).

**ИМУЩЕСТВЕННЫЙ**, -ая, -ое *юр.* имущество сўз. *сиф.*; мол-мулкка оид; имуществовое право мол-мулк ҳуқуқи; имуществовое положение мулкӣ аҳвол, мулкдорлик; имуществовный ценз мулкдорлик цензи (капиталистик мамлакатларда байлик, мулкдорлик даражасига қараб сайловда қатнаштириш шартларидан бири).

**ИМУЩЕСТВО** *ср* *мн.* *нет* 1. мулк, мол-мулк; государственное имущество давлат мулки; движимое имущество кўчадиган мулк; недвижимое имущество кўчмайдиган мулк; 2. мол, бисот, рўзғор, дун'ё.

**ИМУЩИЙ**, -ая, -ее *эск.* мулкдор, бой, бадавлат, давлатманд; имущество классы мулкдор синфлар (буржуа ва дворянлар ҳақида); **И** *власть имущество* (*эск. кест.*) ҳокимлар, ҳукмдорлар (ҳокимият тепасида турганлар).

**ИМЯ** *ср* (*мн.* имена) 1. от, исм, ном; имя и дела Ленина бессмертны Лениннинг номи ва унинг ишлари абадий яшайди; имя и фамилия исм ва фамилияси; как его зовут по имени? унинг оти нима?; библиотека имени Навои Навоӣ номидаги кутубхона; я его знаю только по имени мен унинг фақат отини эшитганман; 2. *только ед.* шуҳрат, донг; машҳурлик; учёный с боль-

шим именем отоқли олим; шуҳрат қозонган олим; приобрести имя ном чиқармоқ, шуҳрат қозонмоқ; 3. *грам.* турланадиган сўзларнинг грамматик категорияси: имя существительное от; имя прилагательное сифат; имя числительное сон; **И** *во имя* (*чег-б-н.*) ...учун, ...шарафига; „Наш советский народ не жалёл сил и труда во имя победы“ (Сталин) „Совет халқимиз ғалаба қозониш учун куч ва меҳнатини аямади“ (Сталин); **во имя дружбы** дўстлик шарафига, дўстлик юзасидан; **от имени** номидан, исмидан; **на имя** номига, отига; **доброе имя** пок ном; **именем закона** қонун асосида; қонуннинг кучи блан; **называть вещи своими именами** ҳарбир нарсани ўз номи блан атамоқ (ҳеч нарсани яширмасдан дангал гапирмоқ).

**ИМЯРЁК** *м* *эск.* ҳазл. нома'лум кишининг исми ўрнида қўлланадиган сўз, маъ., фалончи; анави, ҳалиги; мазкур, ўзимиз билган, ўзингиз билган.

**ИНАКОМЫСЛЯЩИЙ**, -ая, -ее *эск.* бошқа фикрдаги, бошқача ўйловчи, фикри бошқа.

**ИНАЧЕ. ИНАЧЕ** I *нареч.* бошқача, ўзгача; бошқача қилиб; сделать иначе бошқача қилмоқ; объяснить иначе бошқача қилиб тушунтирмоқ; иначе говорі бошқача қилиб айтганда; **И** *так или иначе* (*кири. с. т.*) қандай бўлса ҳам, қандай бўлмасин; ҳарҳолда; барибир; **так или иначе, я должен это сделать** қандай бўлмасин (ҳарҳолда) мен шу ишни қилишим шарт.

**ИНАЧЕ. ИНАЧЕ** II *союз с. т.* бўлмаса, йўқса; акс ҳолда; **торопитесь, иначе опоздаете** тезроқ бўлинг, бўлмаса кечикиб қоласиз.

**ИМБИРНЫЙ** = имбирный (*қ.*).

**ИМБИРЬ** = имбирь (*қ.*).

**ИНВАЛИД** *м* инвалид (қарилк, касаллик ёки майиблик орқасида меҳнат қобилиятини йўқотган одам); инвалид Отечественной войны Ватан уруши инвалиди; инвалид труда меҳнат инвалиди.

**ИНВАЛИДНОСТЬ** *ж* *мн.* *нет* инвалидлик (меҳнат қобилиятини йў-

қотганлик); **перейти на инвалидность** инвалидликка ўтмоқ; **пособие по инвалидности** инвалидлик нафақаси.

**ИНВАЛИДНЫЙ**, -ая, -ое 1. инвалид сўз. *сиф.*; инвалидларга оид; **инвалидный дом** инвалидлар уйи; 2. *с. т.* заиф, ҳолдан тойган.

**ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ** *ж* инвентаризация (корхона ва муассасанинг мол-мулкни, хўжалик аш'ё ва анжомларини рўйхатга олиш, қайд қилиш); **инвентаризация библиотэки** кутубхона инвентаризация қилиш; **инвентаризация сельскохозяйственных орудий** қишлоқ хўжалик асбобларини инвентаризация қилиш.

**ИНВЕНТАРИЗИРОВАТЬ** *сов.* и *несов.* инвентаризация қилмоқ (корхона ва муассасанинг мулк, хўжалик аш'ё ва анжомларини рўйхатга олмоқ).

**ИНВЕНТАРИЗОВАТЬ** = **инвентаризировать** (*қ.*).

**ИНВЕНТАРНЫЙ**, -ая, -ое **инвентарь** сўз. *сиф.*; **инвентарная книга** инвентарь дафтари (инвентарни рўйхатга олиш дафтари).

**ИНВЕНТАРЬ** *м* инвентарь [1. корхона ва муассасанинг ҳамма асбоб-ускуна, мол-мулк, аш'ё ва анжомлари; **заводской инвентарь** завод инвентари, завод асбоб-ускуналари; **живой инвентарь** жонли инвентарь (от-улов, мол, парранда ва ҳ.к.); **мёртвый инвентарь** жонсиз инвентарь (асбоб-ускуна, аш'ё-анжом ва ҳ.к.); 2. мулк рўйхати; **занести что-н. в инвентарь** бирор нарсани инвентарьга (рўйхатга) киритиб қўймоқ].

**ИНВЕРСИРОВАННЫЙ**, -ая, -ое *лингв.* **инверсия** 1 сўз. *сиф.*; инверсияли, инверсия қилиб берилган; *қ.* **инверсия** 1.

**ИНВЕРСИЯ** *ж* инверсия (1. *лингв.* *поэз.* гап, жумла ичидаги сўзларнинг одатдаги ўринларини алмаштириш; 2. *хим.* мураккаб шакларни оддий шакларга ажратиш; 3. *метеор.* атмосферада пастдан юқорига борган сари температуранинг пасайиш ўрнига кўтарилиб бориши).

**ИНВЕРСОР** *м* инверсор (1. *хим.* химик инверсия асбоби; 2. *эл.* дои-

мий электр токини ўзгаручан электр токига айлантирадиган қурилма).

**ИНВЕСТИРОВАНИЕ** *ср* *қ.* инвестиция.

**ИНВЕСТИРОВАТЬ** *сов.* и *несов.* *эк.* бирон ишга, корхонага капитал қўймоқ.

**ИНВЕСТИТОР** *м* *қ.* инвестор.

**ИНВЕСТИТУРА** *ж тар.* инвестиатура [1. ўрта асрларда ҳукмдор феодал томонидан тоби' феодалнинг (вассалнинг) бирон мулкка (ленга) эга қилиниши ва шу муносабат блан ўтказиладиган маросим; 2. епископ ва аббат тайинлаш ва шу муносабат блан уларга ер-мулкни ва аҳолини ўтказиш маросими; 3. протестантларда—янги руҳоний тайинлаш маросими].

**ИНВЕСТИЦИЯ** *ж эк.* инвестиция [бирон ишга, корхонага капитал қўйиш, капитал киргизиб қатнашиш, шерик бўлиш (асосан капиталистик мамлакатларда)].

**ИНВЕСТОР** *м эк.* инвестор (бирон ишга, корхонага капитал қўювчи, капитал қўйиб иштирок этувчи шерик).

**ИНВОЛЮЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *физиол. биол.* **инволюция** сўз. *сиф.*; *қ.* **инволюция**.

**ИНВОЛЮЦИЯ** *ж* инволюция (1. *физиол.* бирор сабаб блан ўзгарган, катталашган организм эски ҳолатига қайтиши, кичрайиши, мас., туққандан кейин бачадоннинг ўз ҳолатига қайтиши; 2. *биол.* айрим шаронг та'сирида микробларнинг ўз шаклини ўзгартиши).

**ИНГАЛЯТОР** *м мед.* ингальяция қилуви аппарат; *қ.* ингальяция.

**ИНГАЛЯЦИОННЫЙ**, -ая, -ое **ингальяция** сўз. *сиф.*; **ингальационный прибор** ингальяция асбоби.

**ИНГАЛЯЦИЯ** *ж мед.* ингальяция (буғ, газ шаклидаги дорилар блан нафас олдириб даволаш усули).

**ИНГРЕДИЕНТ** *м* ингредиент (бирон мураккаб бирикма ёки қориншнинг таркибий қисми).

**ИНДА** *қ.* индо.

**ИНДЕВЕТЬ** *несов.* қиров **босмоқ** қиров боғламоқ.

**ИНДБЕЦ** *м* ҳинд (Америка маҳаллий ҳиндиси).

**ИНДЕЙКА** *ж* 1. қ. индйшка 1; 2. курка гўшти.

**ИНДЕЙСКИЙ**, -ая, -ое индбец сўз. *сиф.*; ҳиндларга (Америка ҳиндларига) оид; **◇ индйский петух** (*зоол.*) ҳинд хўрози, курка хўрози.

**ИНДЕЙЦЫ** *мн.* (*ед.* индбец *м.* индейка *ж*) ҳиндлар (Америка ҳиндлари).

**ИНДЕКС** *м макс.* индекс (1. исм, нарх, ном ва шу кабилар кўрсаткичи, рўйхати; индекс **выходящих** книг чиқарилаётган китоблар индекси; 2. бирор иқтисодий ҳодисанинг тадрижини ўзгаришларини процентлар билан кўрсатадиган рақамлар; индекс **оптёвых цен** улгуржи нархлар индекси, рўйхати; 3. ҳарфларнинг ёки рақамларнинг ўнг томонига қўйиладиган сон ёки ҳарфий кўрсаткич, мас.,  $A_2 C_4, №1a$ ).

**ИНДЕКСАТОР** *м* индекс тузучи, рўйхатлар тузучи; *қ.* индекс 1.

**ИНДЕКСНЫЙ**, -ая, -ое индекс сўз. *сиф.*; индексные показатели индекс кўрсаткичлари.

**ИНДЕМНИТЁТ** *м* индемнитет (1. Англияда конституцияни бузган министрларни парламент қарори билан жавобгарликдан озод қилиш; 2. халқаро ҳуқуқда — зарарни қоплаш, зарарнинг ўрнини тўлдириш).

**ИНДЕТЕРМИНИЗМ** *м мн.* *нет филос.* индетерминизм (табиат ва жамиятдаги ҳамма ҳодисаларнинг умумий қонунияти борлигини ва улар бир-бирига боғли бўлиб, бир-бирини тақозо қилишини инкор этучи материализмга душман сохта идеалистик та'лимот); бу сўзнинг акси—детерминизм (*қ.*).

**ИНДЕТЕРМИНИСТ** *м филос.* индетерминист, индетерминизм тарафдори; *қ.* индетерминизм.

**ИНДЕТЕРМИНИСТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *филос.* индетерминизмга оид; индетерминистик, индетерминизмга асосланган.

**ИНДЕЯНКА** *ж* ҳинд аёл (Америка ҳинд аёли); *қ.* индйцы.

**ИНДИАНИСТ** *м* ҳиндишунос, индианистика мутахассиси; *қ.* индианистика.

**ИНДИАНИСТИКА** *ж мн.* *нет* ҳиндишунослик, индианистика (1. Ҳиндистон тўғрисидаги ижтимоий фанлар; 2. ҳинди тилларини ва адабиётларини ўргануви фан).

**ИНДИАНКА** *ж* ҳинди аёл; ҳинду аёл; *қ.* индйцы.

**ИНДИВИД** = индивидуум (*қ.*).

**ИНДИВИДУАЛИЗАЦИЯ** *ж мн.* *нет* индивидуализация, индивидууаллаш (бирор шахсни ёки айрим индивидуумни унинг ўзига хос хислат ва хусусиятларига қараб фарқ этиш, ажратиш; нарса ёки ҳодисаларни биргаликда ўрганганда уларнинг ҳарбиридаги алоҳида хусусиятларни э'тиборга олиш).

**ИНДИВИДУАЛИЗИРОВАТЬ** *сов.* и *несов.* индивидуализация қилмоқ, индивидууаллаштирмоқ, индивидуал аломатларга қараб айирмоқ (индивидуал хусусиятларни ҳисобга олмақ; бирор шахс ёки индивидуумни унинг ўзига хос хислат ва хусусиятларига қараб фарқ этмоқ, ажратмоқ; нарса ва ҳодисаларни биргаликда ўрганганда уларнинг ҳарбиридаги алоҳида хусусиятларни э'тиборга олмақ); **индивидуализировать** *занятия* с *учащимися* машғулотни ҳарбир ўқучининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ўтказмоқ.

**ИНДИВИДУАЛИЗИРОВАТЬСЯ** *сов.* и *несов.* индивидууаллаштирилмоқ, индивидуал аломатларга қараб ажратилмоқ; индивидуал хусусиятлар ҳисобга олинмоқ.

**ИНДИВИДУАЛИЗМ** *м мн.* *нет* индивидуализм (1. шахсиятпарастлик, шахсий манфаатни жамият манфаатидан юқори қўючи буржуача дун'ёқараш; 2. ижтимоий ҳодисалар бутун бир халқ, омма ва синфлар фаолияти натижасида эмас, балки айрим шахсларнинг фаолияти натижасида келиб чиқади деган идеалистик тушунча).

**ИНДИВИДУАЛИСТ** *м* индивидуалист, шахсиятпараст [жамият манфаатларини менсимайдиган, ўзини жамоатчиликдан (коллективдан)

четга олиб юрадиган одам]; қ. индивидуализм.

**ИНДИВИДУАЛИСТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое индивидуализм сўз. сиф.; индивидуализмга, шахсиятпарастликка асосланган; шахсиятпарастликка берилган, индивидуалистик; индивидуалистический подход к делу ишга шахсий манфаат нуқтаи назардан қараш.

**ИНДИВИДУАЛИСТИЧНЫЙ** = индивидуалистический (қ.).

**ИНДИВИДУАЛИСТКА** ж индивидуалист аёл; шахсиятпараст аёл.

**ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ** ж 1. индивидуаллик, ўзига хос хусусият (бир шахсни иккинчи бир шахдан ажратучи хусусиятлар); **потерять свою индивидуальность** ўз шахсий хусусиятини йўқотмоқ; 2. шахс, шахсият, бирор хусусият эгаси.

**ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. индивидуал, ўзига хос, маълум бир шахсга хос, шахсий; **индивидуальные особенности** стилия услубдаги ўзига хос хусусиятлар; 2. алоҳида, айрим; айрим-айрим, бир киши учун мўлжалланган, бир кишилик, якка-якка; **индивидуальное обслуживание** ҳарбир киши учун алоҳида хизмат кўрсатиш; **индивидуальный пакет** (мед.) индивидуал пакет (ҳарбир жангчига бериладиган, ичига запас бинт ва пахта солинган пакет); **в индивидуальном порядке** якка тартибда, айрим ҳолда; якка-якка; 3. якка, мустақил; **индивидуальное хозяйство** якка хўжалик.

**ИНДИВИДУУМ**, **ИНДИВИД** м индивидуум (1. биол. мустақил яшайдиган ҳарбир тирик организм, ҳарбир айрим жонивор ёки ўсимлик; 2. шахс, киши, кимса).

**ИНДИГО** ср нескл. 1. хим. нил бўёғи (ба'зи ўсимликлардан ҳосил қилинадиган ёки химик йўл билан олинадиган кўк бўёқ); 2. бот. индиго (тропик ўлкаларда ўсадиган ва шундай бўёқ берадиган ўсимлик).

**ИНДИЕЦ** м ҳинди, ҳинду (Ҳиндистон ҳиндиси).

**ИНДИЙ** м мн. нет хим. индий (нодир химик элемент, юмшоқ оқ металл).

**ИНДИЙСКИЙ**, -ая, -ое 1. Индия ва индийцы сўз. сиф.; Ҳиндистонга ва ҳиндуларга оид; **индийские языки** ҳинду тиллари; **индийский чай** индийский чай; 2. индийский нард (бот.) сумбул.

**ИНДИЙЦЫ** мн. (ед. индиец м, индианка ж) ҳиндилар, ҳиндулар (Ҳиндистон аҳолиси).

**ИНДИКАТИВ** м лингв. = изъявительное наклонение; қ. изъявительный.

**ИНДИКАТОР** м индикатор (1. тех. турли контроль-ўлчов асбобларнинг, мас., поршеньли двигатель цилиндрида босим ўзгарishiни автоматик суратда ёзиб оладиган асбобларнинг умумий номи; 2. хим. химик процессларнинг хусусиятини, боришини, таъмом бўлганини кўрсатиш учун оз миқдорда қўшилладиган модда; 3. картотека карточкаларини бир-бирдан ажратиб олиш учун уларнинг тепасига тақиб қўйилладиган тунука қисқич).

**ИНДИКАТОРНЫЙ**, -ая, -ое тех. индикатор 1 сўз. сиф.; қ. индикатор 1;  $\diamond$  **индикаторная сйла** = лошадиная сйла; қ. лошадиный.

**ИНДИКАТРИСА** ж мат. индикатриса (йўналишга эга бўлган катталикларнинг, я'ни векторларнинг ўзгаришларини яққол кўрсатадиган эгри чизиқ, диаграмма).

**ИНДИФФЕРЕНТИЗМ** м мн. нет индифферентизм, лоқайдлик (бирон ишга бефарқ қараш, ҳечнарсасига қизиқмаслик).

**ИНДИФФЕРЕНТНОСТЬ** ж мн. нет лоқайдлик, бирор ишга бефарқ қараш, ҳечнарсасига қизиқмаслик.

**ИНДИФФЕРЕНТНЫЙ**, -ая, -ое лоқайд, ишга бефарқ қарайдиган, ҳечнарсасига қизиқмайдиган; **индифферентный человек** ҳечнарсасига қизиқмайдиган одам; **индифферентное отношение к делу** ишга бефарқ қараш; **индифферентные вещества** (хим.) химик реакцияга киришиши қийин моддалар.

**ИНДО**, **ИНДА** союз маҳл. ҳатто, ҳаттоки, шундай... ки.

**ИНДОВЕД** = индианист (қ.).

**ИНДОВЕДЕНИЕ** ср = индианистика (қ.).

**ИНДОЕВРОПЕЙСТ** *м лингв.* хинди-европа тилларини ўргануви олим, мутахассис.

**ИНДОЕВРОПЕЙСТИКА** *ж лингв.* хинди-европа тилларини қиёсий-тарихий метод асосида ўрганадиган илм.

**ИНДОЕВРОПЕЙСКИЙ**, -ая, -ое *лингв.* индоевропе́йцы *сўз. сиф.*; индоевропе́йские языки (*лингв.*) хинди-европа тиллари (хинди, эрон, грек, италян, герман, славян тиллари).

**ИНДОЕВРОПЕЙЦЫ** *мн. (ед. индоевропе́ец м)* хинди-европа тилларида гапиручи миллатлар ва халқлар.

**ИНДОЛОГ** = индианист (*қ.*).

**ИНДОЛОГИЯ** = индианистика (*қ.*).

**ИНДОНЕЗИЕЦ** *м* индонезияли; *қ.* индонезийцы.

**ИНДОНЕЗИЙКА** *ж* индонезияли аёл.

**ИНДОНЕЗИЙСКИЙ**, -ая, -ое Индонезия ва индонезиец *сўз. сиф.*; *қ.* индонезиец.

**ИНДОНЕЗИЙЦЫ** *мн. (ед. индонезиец м, индонезийка ж)* индонезиялилар (Индонезия аҳолиси).

**ИНДУИЗМ** *м мн. нет дин.* индуизм (Ҳиндистонда энг кўп тарқалган диннинг бир формаси).

**ИНДУКТИВИЗМ** *м мн. нет филос.* индуктивизм (фикр юритишда дедуктив методдан индуктив методни афзал қўриш); *қ.* дедукция ва индукция.

**ИНДУКТИВНОСТЬ** *ж мн. нет эл.* индуктивлик (бирор жисмдан маълум ток ўтказилганда шу жисм атрофида ҳосил бўлган магнит майдони энергиясини характерловчи сон, меъёр).

**ИНДУКТИВНЫЙ**, -ая, -ое индукция *сўз. сиф.*; индуктив, индукцияга оид, индукцияга асосланган, индукция усулидан фойдаланадиган; **ИНДУКТИВНЫЙ МЕТОД** (*филос.*) индуктив метод (хусусий факт ва ҳодисаларни кузатиб умумий қоида ва қонунлар чиқариш усули); **ИНДУКТИВНАЯ СВЯЗЬ** (*рад.*) индуктив боғланиш (умумий магнит майдони блан айрим контурларнинг боғланиши).

**ИНДУКТОР** *м эл.* индуктор (1. ўзгаручан ток ишлаб чиқарадиган кич-

кина магнит-электр машина; телефонияда қўлланади; 2. динамомашиналарда магнит майдони ҳосил қиладиган электр-магнит).

**ИНДУКТОРИЙ** = индукционная катушка; *қ.* индукционный.

**ИНДУКТОРНЫЙ**, -ая, -ое *эл.* индуктор *сўз. сиф.*; индукторга оид.

**ИНДУКЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *физ.* индукция 2 *сўз. сиф.*; индукцион; индукция натижасида (сабабли) ҳосил бўладиган; индукция асосида ишлайдиган; **ИНДУКЦИОННАЯ КАТУШКА** индукцион ғалтак (индукция йўли блан паст кучланишли ўзгармас токни баланд кучланишли ўзгаручан токка айлантиручи асбоб).

**ИНДУКЦИЯ** *ж* индукция (1. *филос.* муҳокама қилиш усулларидан бири; жуз'ий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосалар чиқариш; 2. *физ.* магнит ёки электр энергиясининг яқин атрофдаги жисмларга бўлган таъсири).

**ИНДУЛЬГЕНЦИЯ** *ж тар. черк.* индульгенция (католикларда пул баробарига ёки черков олдида кўрсатган хизматлари учун гуноҳкорларнинг гуноҳини кечириш ҳақида Рим папаси номидан бериладиган ёрлиқ).

**ИНДУС** *м* хинду, хинди; *қ.* индусы.

**ИНДУСКА** *ж* хинду аёл, хинди аёл; *қ.* индусы.

**ИНДУССКИЙ**, -ая, -ое индусы *сўз. с.ф.*; хиндуларга оид.

**ИНДУСТИАЛИЗАЦИЯ** *ж мн. нет эк.* индустриализация, индустриалаш, индустриалаштириш, саноатлаштириш; **ИНДУСТИАЛИЗАЦИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА** қишлоқ хўжалигини индустриалаштириш; **СОЦИАЛИСТИЧЕСКАЯ ИНДУСТИАЛИЗАЦИЯ СТРАН** мамлакатни социалистик асосда индустриалаштириш.

**ИНДУСТИАЛИЗИРОВАТЬ** *сов. и несов. эк.* индустриалаштирмоқ, саноатлаштирмоқ.

**ИНДУСТИАЛИЗИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов. эк.* индустриалашмоқ, индустриалаштирилмоқ, саноатлаштирилмоқ.

**ИНДУСТРИАЛЬНО - КОЛХОЗ-НЫЙ**, -ая, -ое индустриал-колхоз; **наша Родина** — **могучая, индустриально-колхозная держава** Ватанимиз қудратли индустриал-колхоз мамлакатидир.

**ИНДУСТРИАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое эк. индустриал, индустрияга, саноатга оид; индустриялашган, саноатлашган; **индустриальный рабочий** индустрия (саноат) ишчиси; "... **наша Родина превратилась из отсталой страны в передовую, из аграрной — в индустриальную**" (Молотов) „Ватанимиз қолоқ мамлакатдан илғор мамлакатга, аграр мамлакатдан индустриялашган мамлакатга айланди“ (Молотов).

**ИНДУСТРИЯ** *ж мн. нет эк.* индустрия, саноат; **тяжёлая индустрия** оғир индустрия, оғир саноат (машинасозлик, металлургия ва ш. к.); **лёгкая индустрия** енгил индустрия, енгил саноат (кенг исте'мол моллари ишлаб чиқарадиган саноат).

**ИНДУСЫ** *мн. (ед. индус м, индуска ж)* ҳиндулар, ҳиндилар (1. индуизм динидаги кишилар; 2. *с. т.* Ҳиндистон аҳолиси).

**ИНДЮК** *м* курка хўроз, ҳинд хўрози; **о надўлса, как индюк** (*матал*) куркадек хурпайди, қовогидан қор ёгади.

**ИНДЮШАТА** *мн. қ.* индюшонок. **ИНДЮШЕЧИЙ**, -ья, -ье, **ИНДЮШАЧИЙ**, -ья, -ье *с. т.* индюшка ва индюшата *сўз. сиф.*; индюшечье яйцо курка тухуми.

**ИНДЮШКА** *ж 1.* макиён курка; курка товуқ; *2. қ.* индейка *2.*

**ИНДЮШОНОК** *м (мн. индюшата) с. т.* курка жўжаси.

**ИНЕЙ** *м мн. нет* қиров; **деревья покрылись инеем** дарахтларни қиров босди.

**ИНЕРТНОСТЬ** *ж мн. нет 1.* суслик, фаолиятсизлик; *2. физ.* = масса *1 (қ.).*

**ИНЕРТНЫЙ**, -ая, -ое *1. макс.* инерт; инертные газы инерт газлар (ёнмайдиган ва ёнишга ёрдам бермайдиган газлар; бошқа моддалар блан бирикмайдиган газлар: гелий, неон, аргон, криптон, ксенон ва радон);

*2. ||* фаолиятсиз, суст; инертный человек суслик одам.

**ИНЕРЦИЯ** *ж мн. нет 1. физ.* инерция (жисмларнинг тинч турган ёки текис тўғри чизиқли ҳаракатдаги ҳолатини сақлаш хусусияти); закон инерции инерция қонуни; *2. ||* фаолиятсизлик, суслик, ғайратсизлик, ҳаракатсизлик; **о по инерции** *1)* инерция та'сири остиди; *2) с. т.* одат бўйича, билмасдан, беихтиёр; **двигаться по инерции** *1)* инерция та'сири остиди ҳаракатни давом эттирмоқ; *2)* беихтиёр (одати бўйича) ҳаракат қилмоқ.

**ИНЖЕКТОР** *м тех.* инжектор (буғ қозонига сув чиқариб турадиган, чуқур конларни шамоллатадиган ёки кема трюмидан сув чиқарадиган асбоб).

**ИНЖЕНЁР** *м 1.* инженер (техникадан олий маълумотга эга бўлган киши); **инженёр-строитель** бинокор инженер; **горный инженер** тоғ инженери; **военный инженер** ҳарбий инженер; **2. ҳарб.** ба'зи ҳарбий унвонларнинг таркибида қўлланади, мас.: **инженёр-капитан** инженер-капитан (техника қўшинларида — младший офицерлар составининг юқори даражали унвони); **инженёр-майор** инженер-майор (техника қўшинларида — старший офицерлар составининг қуйи даражали унвони); **о инженеры человеческих душ** киши руҳининг инженерлари (ёзувчилар ҳақида).

**ИНЖЕНЁРНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое инженер-техник; инженерно-технические работники инженер-техник ходимлар.

**ИНЖЕНЁРНЫЙ**, -ая, -ое инженерликка, техникага оид; инженерное управление инженерлик бошқармаси; **инженерные войска** (*ҳарб*) инженерлик қўшинлари (ҳарбий иншоотлар қурилиши ва умуман махсус ҳарбий техника ишлари блан шуғулланучи ҳарбий қисмлар).

**ИНЖЕНЁРСКИЙ**, -ая, -ое инженер сўз. сиф.; инженерские обязанности инженерлик вазифалари.

**ИНЖЕНЮ** *ж нескл. театр.* инжю (1. гўл, содда қиз роли; 2. шу рольда ўйновчи актриса).

**ИНЖИР** *м* анжир.

**ИНЖИРНЫЙ**, -ая, -ое анжирга оид; анжирдан қилинган; инжирное варенье анжир мураббо.

**ИНИСТЫЙ**, -ая, -ое қиров босган, қировли.

**ИНИЦИАЛЫ** *мн. (ед. инициал м)* инициал (исми, отаснинг исми ва фамилиясининг бош ҳарфлари).

**ИНИЦИАТИВА** *жс мн. нет 1.* ташаббус, ташаббускорлик; бир ишни бошлаб бериш; проявить инициативу ташаббус кўрсатмоқ; по собственной инициативе ўз ташаббуси блан; творческая инициатива совет кишиларининг ижодий ташаббуси битмас-туганмасдир; по инициативе товарища Сталина в нашей стране ведутся величественные стройки коммунизма ўртоқ Сталин ташаббуси блан мамлакатимизда коммунизмнинг буюк қурилишлари барпо қилинмоқда; законодательная инициатива қонун чиқаручи органда муҳокама қилиш учун қонун лойиҳасини тавсия қилиш ҳуқуқи; 2. ташаббус, ғайрат; ҳаракат, раҳбарлик роли; устунлик; взять ёки захватить инициативу в своей руке ташаббусни ўз қўлига олмақ.

**ИНИЦИАТИВНЫЙ**, -ая, -ое ташаббусли; ташаббускор, бир ишда ташаббус кўрсатучи, бошлаб беручи; ҳаракатчан, ғайратли; серҳаракат, серғайрат; инициативный человек ташаббускор одам, ғайратли одам; инициативная группа ташаббускор группа.

**ИНИЦИАТОР** *м* ташаббусчи, ташаббускор, бир ишни бошлаб юборучи; янги бир фикр киритучи; инициатор соревнования мусобақа ташаббускори.

**ИНИЦИАТОРСКИЙ**, -ая, -ое инициатор сўз. *сиф.*; қ. инициатор.

**ИНКАССАТОР** *м макс.* инкассатор (ишонч қоғози ва ҳужжатлар асосида пул йиғиши ва тўлашга вакил қилинган сайёр кассир).

**ИНКАССАЦИЯ** *жс макс.* инкассация, инкассо ишларини олиб бориш, ишонч қоғози (ваколатнома) блан пул олиш.

**ИНКАССИРОВАТЬ** *сов. и несов. макс.* инкассо ишларини олиб бор-

моқ; ваколат беручининг топшириғига мувофиқ ҳужжат кўрсатиб, тўлаиши зарур бўлган пуллари ундиromoқ; инкассировать вексель тўлаиш (пул олиш) учун вексель кўрсатмоқ; қ. инкассо.

**ИНКАССО** *ср нескл. макс.* инкассо (ваколат беручининг топшириғига мувофиқ вексель ёки бошқа ҳужжатлар асосида пул олиш, пул ундириш).

**ИН-КВАРТО** *макс.* ин-кварто, тўртдан бир форматда (1. *нареч.* қоғоз листининг тўртдан бир қисмига тенг формат, чорак форматда; книга напечатана ин-кварто китоб қоғоз листининг тўртдан бир қисмига тенг форматда босилган; 2. *сущ.* ин-кварто *м* и *ср* чорак форматда босилган китоб).

**ИНКВИЗИТОР** *м* инквизитор (1. *тар.* инквизиция судининг а'зоси; қ. инквизиция 1; 2. || золим, бераҳм, шафқатсиз, азоб беручи).

**ИНКВИЗИТОРСКИЙ**, -ая, -ое 1. *тар.* инквизитор 1 *сўз. сиф.*; инквизитор 1 га оид; 2. || золимон, шафқатсизларча, бераҳм, дарғазаб; инквизиторский тон дарғазаб тон; инквизиторский взгляд қаҳр-ғазаб блан қараш.

**ИНКВИЗИЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *тар.* инквизиция *сўз. сиф.*; инквизиционный суд инквизиция суди.

**ИНКВИЗИЦИЯ** *жс мн. нет 1. тар.* инквизиция (католиклар черковиға ва феодализм эксплуатациясига қарши чиққанлар блан курашиш учун XIII аср бошларида католиклар черкови ҳузурида тузилган ва ўзининг шафқатсизлиги блан машҳур бўлган суд-полиция ташкилоти; бу ташкилот XIX асрдагина йўқ қилинди); 2. || зулм, қийноқ, исканжа, азоб-уқубат.

**ИНКОГНИТО** 1. *нареч.* инкогнито, яширин исм блан, бошқа ном остида, исмини билдирмай; путешествовать инкогнито яширин ном блан (бошқа ном остида) сафар қилмоқ; 2. *сущ.* инкогнито *ср нескл.* ўзини билдириб қўймаслик учун уйдирма ёки бошқа фамилия блан юручи одам.

**ИНКОРПОРАЦИЯ** *жс* инкорпорация (1. ўз составига киргизиш, қўшиш, қўшиб олиш; 2. *юр.* ҳуқуқнинг

бирор соҳасига оид, айрим қонунларни мазмунини ўзгартмай системага солиб бир тўпламда чиқариш; 3. *лингв.* бир негиз ичига бошқа бир ёки бирнеча негиз киритиб қўшиш йўли блан сўз ва жумла тузиш усули).

**ИНКОРПОРИРОВАТЬ** *сов. и несов.* 1. инкорпорация қилмоқ; ўз саставига қўшмоқ; 2. *юр.* ҳуқуқнинг бирор соҳасига оид айрим қонунларни системага солиб, бир тўпламда чиқармоқ.

**ИНКОРПОРИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* 1. инкорпорация қилинмоқ, бирлаштирилмоқ, қўшилмоқ; қўшиб олинмоқ; 2. *юр.* системага солиниб бир тўпламда чиқарилмоқ (қонунлар ҳақида).

**ИНКОРПОРИРУЮЩИЙ:** инкорпорирующие **языки** = полисинтетические **языки**; *қ.* полисинтетический.

**ИНКРЕТЫ** *мн. физиол.* ички секреция безлари ишлаб чиқарадиган моддалар; *қ.* секреция ва гормон.

**ИНКРЕЦИЯ** = **внутренняя секреция**; *қ.* секреция.

**ИНКРИМИНИРОВАТЬ** *сов. и несов.* *юр.* айбламоқ, айб қўймоқ; инкриминировать **кому-н.** кражу бировни ўғирликда айбламоқ.

**ИНКРИМИНИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* айбланмоқ, айбдор қилинмоқ, гуноҳкор қилинмоқ.

**ИНКРУСТАЦИЯ** *ж махс.* инкрустация (1. *только ед.* бирон буюмга қадама нақш солиш; ёғоч, садаф, суяк ва ш. к. қадаб нақш солиш; 2. шу усулда солинган нақш, қадама нақш; **штатулька с перламутровой инкрустацией садаф** қадалган кутича).

**ИНКРУСТИРОВАТЬ** *сов. и несов.* *махс.* ёғоч, садаф, суяк ва ш. к. лар қадаб нақш солмоқ.

**ИНКУБАТОР** *м махс.* инкубатор (1. тухумдан сун'ий равишда жўжалар очтирадиган ашпарат; 2. чала турғилган болаларни тарбиялаш учун ясалган махсус аппарат).

**ИНКУБАТОРИЙ** *м махс.* инкубатория, инкубаторхона (инкубаторлар ўрнатилган махсус бино).

**ИНКУБАТОРНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* инкубатор *суз. сиф.*; инкубаторная **станция** инкубатор станцияси.

**ИНКУБАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* инкубация *суз. сиф.*; инкубационный **период** инкубация даври 1) тухум ичиди жўжанинг бун'ёдга келиши учун зарур бўлган давр; 2) *мед.* бирор касал юқиб, унинг биринчи аломатлари пайдо бўлганга қадар ўтган давр.

**ИНКУБАЦИЯ** *ж мн. нет* инкубация (1. *махс.* инкубаторда жўжа очтириш; 2. *мед.* касалнинг юққан кундан то аниқ белги беришигача ўтадиган яширин давр).

**ИНКУБИРОВАТЬ** *сов. и несов.* *махс.* инкубация қилмоқ, инкубаторда жўжа очирмоқ.

**ИНКУБИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* *махс.* инкубация қилинмоқ, инкубаторда очтирилмоқ.

**ИНКУНАБУЛЫ** *мн. (ед. инкунабула ж)* инкунабулалар (ҳарф тегириш йўли блан китоб босиш кашф этилган вақтдан то 1500 йилгача нашр этилган дастлабки китоблар).

**ИНОБИТИЁ** *ср мн. нет филос.* борлиқ (мавжудот)нинг ўзга шакли.

**ИНОВАРИАЦИЯ** = **мутация** (*қ.*).

**ИНОВЕРЕЦ** *м эск.* ғайридин, бошқа диндаги киши, бошқа динга э'тиқод қилучи киши.

**ИНОВЕРКА** *ж эск.* ғайридин аёл, бошқа диндаги аёл. ☞

**ИНОВЕРНЫЙ** = **иновёрческий** (*қ.*).

**ИНОВЕРЧЕСКИЙ**, -ая, -ое, **ИНОВЕРНЫЙ**, -ая, -ое *эск.* 1. бошқа динга оид; бошқа динга қарашли; 2. бошқа диндаги, бошқа динга э'тиқод қилучи, бошқа мазаҳдаги, ғайридин.

**ИНОГДА** *нареч.* ба'зан, ба'зида, ба'зи вақтда, аҳ'ён-аҳ'ёнда, дам-бадам; онда-сонда, ора-сира, гоҳ-гоҳ; **он** **иногда** заходит к нам ора-сира у бизникига келиб туради; **иногда** **бы** **в** **ает** **так**, **иногда** **и** **на** **че** **гоҳ** **ундай**, **гоҳ** **бундай** бўлади.

**ИНОГОРОДНИЙ**, -ая, -ее 1. бошқа шаҳарли, бошқа шаҳарда туручи; **иногородние** **подпички** бошқа шаҳарда туручи обуначилар; 2. бош-

қа шаһарға юбориладиган; **иногородняя** корреспондэнция бошқа шаһарға юбориладиган хат-хабар; **3. суц.** иногородний *м эск.* келгинди, бегона (революциядан илгари казак областларыда казак табақасига мансуб бўлмаган деһқон).

**ИНОЗЭМЕЦ** *м эск. қ.* инострáнец.

**ИНОЗЭМКА** *жс эск. қ.* инострáнка.

**ИНОЗЭМНЫЙ**, -ая, -ое четэлга оид; четэлча; **китайский народ** и его **армия вели героическую борьбу против иноземных захватчиков** китай халқи ва унинг армияси четэл босқинчиларига қарши қўхрамонона кураш олиб борди.

**ИНОЗЭМЩИНА** *жс мн. нет эск. қ.* инострáнщина.

**ИНО́Й**, -а́я, -бе *мест.* **1.** бошқа, бошқача, ўзга, бўлак; **иная́ форма** бошқача форма (шакл), бошқа хил; **это иное дело** бу бошқа иш; **бу бошқа гап**; **быть иного мнения** бошқача фикрда бўлмоқ; **иными словами** бошқача айтганда, бошқача айтсак; **не кто иной, как...**дан бошқа эмас, худди... ўзи; **2.** ба'зи, ба'зибир; бирхил; биров; **иному человеку это нравится**, **иному нет буни** бирхил одам ёқтиради, бирхили ёқтирмайди; **бу бировга ёқади**, **бировга ёқмайди**; **3. суц.** **иной м** биров, бирхил одам, ба'зибир киши; **„иных уж нет, а те далече“** (Пушкин) „бировлар йўқ, қолганлари узоқда“ (Пушкин); **◇ инóй раз** ба'зан, ба'зи вақтда; **тот или инóй** бирортаси, у ёки бу; **по-инóму** бошқача, ўзгача, айрича.

**ИНО́К** = **мона́х** (қ.).

**ИНО́КИНЯ** = **мона́хиня** (қ.).

**ИН-ОКТА́ВО** *махс.* ин-октаво, нимчорак (**1. нареч.** қоғоз листининг 8 дан бир қисмига тенг форматда, нимчорак форматда; **2. суц.** **ин-окта́во м и ср нескл.** нимчорак форматда босилган китоб).

**ИНОМЫ́СЛИЕ** *ср мн. нет эск.* зид фикр, бошқача ўйлаш; бошқача фикрлаш; ўзгача тафаккур.

**ИНОПЛЕМЭ́ННИК** *м эск.* бошқа қабилалик, бошқа қабилага мансуб киши.

**ИНОПЛЕМЭ́ННИЦА** *жс эск.* бошқа қабилага мансуб аёл.

**ИНОПЛЕМЭ́ННЫЙ**, -ае, -ое *эск.* бошқа қабилага, бошқа халққа мансуб бўлган.

**ИНОРО́ДЕЦ** *м (мн. инорóдцы) эск.* ёт, бегона (чор Россиясида руслардан бошқа халқларга, айниқса шарқ халқларига берилган ном).

**ИНОРО́ДНЫЙ**, -ая, -ое ёт, чет, бегона, ёт муҳитга, бегоналар орасига кириб қолган; тамомила бошқа хусусиятга эга бўлган; **инородное тело** қ. тело.

**ИНОСКАЗÁНИЕ** *ср* киноя, рамз, қочирик, кесатиш; аллегория; мажоз; **говорить иносказáниями** қочирик қилиб гапирмоқ, киноя блан гапирмоқ.

**ИНОСКАЗÁТЕЛЬНО** *нареч.* киноя блан, қочирик қилиб, кесатиб, мажозан; **выража́ться иносказáтельно** киноя қилиб гапирмоқ, кесатиб гапирмоқ.

**ИНОСКАЗÁТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое кинояли, киноя блан айтилган, рамзли, мажозий; **иносказáтельное выра́жение** киноя блан айтилган гап; кесатиб айтилган ибора.

**ИНОСТРА́НЕЦ** *м* четэлли, четэл кишиси, четэлдан келган одам.

**ИНОСТРА́НКА** *жс* четэлли аёл, четэлдан келган аёл.

**ИНОСТРА́ННЫЙ**, -ая, -ое **1.** четэлларга оид; четэллардан келтирилган, ташқи; **инострáнные языки** четэл тиллари, ажнабий тиллар; чет тил; **2. расм.** ташқи сиёсатга оид; **Министерство инострáнных дел** Ташқи ишлар министрлиги.

**ИНОСТРА́НЩИНА** *жс мн. нет нарф.* четэлпарастлик (четэл урф-одатларини, маданиятини ва ҳоказоларни кўр-кўрона қабул қилиб, ўз миллий маданиятини, миллий ан'аналарини камситиш; четэлчилик); **борьба с преклонением перед инострáнщиной** четэлпарастликка қарши кураш; четэлга тақлид қилишга, эргашишга қарши кураш.

**ИНОХО́ДЕЦ** *м* йўрға (от).

**ИНОХО́ДЬ** *жс мн. нет* йўргалаш, йўргалаб юриш.

**ИНОЧЕСКИЙ** = монашеский (қ.).

**ИНОЯЗЫЧНЫЙ**, -ая, -ое 1. тили бошқа, бошқа тилда гапиручи, ўзга тилда сўзловчи; **иноязычные населённые** бошқа тилда гапиручи аҳоли; 2. чет тилга хос; бошқа тилдаги: **иноязычное** сўзбошқа тилга хос сўз.

**ИНСЕКТИСИДЫ** *мн. х.м.* инсектисидлар (зарарли ҳашаротларга қарши қўлланадиган заҳарли химик моддалар).

**ИНСЕКТОЛОГИЯ** *ж эск. қ.* энтомология

**ИНСИНУАТОР** *м* тухматчи, бўҳтончи.

**ИНСИНУАЦИЯ** *ж* тухмат, бўҳтон, игво.

**ИНСИНУИРОВАТЬ** *сов. и несов.* тухмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ; ноҳақ қораламоқ, игво қилмоқ.

**ИНСОЛЯЦИЯ** *ж мн. нет* инсоляция (1. *физ.* Қуёшнинг Ерга нур сочиши; 2. шу нур энергиясининг миқдори; 3. *мед.* қуёш нури блан ёритиш, иситиш; медицинада даволаш учун, техникада турли мақсадлар учун қўлланади; 4. *мед.* офтоб уриш).

**ИНСПЕКТИРОВАНИЕ** *ср* текшириш, назорат қилиш; текшириб, қараб туриш; назорат.

**ИНСПЕКТИРОВАТЬ** *несов.* текширмоқ, назорат қилмоқ; текшириб, қараб турмоқ; **инспектировать школы** мактабларни текширмоқ.

**ИНСПЕКТИРОВАТЬСЯ** *несов.* текширилмоқ, назорат қилинмоқ, текширилиб турмоқ.

**ИНСПЕКТОР** *м* инспектор [1. ма'лум бир соҳада ишнинг тўғри олиб борилишини ва шу соҳага оид қонун ва қоидаларнинг тўғри амалга оширилишини текшириб, назорат қилиб турчи киши; **финансовый инспектор** молия инспектори; 2. **ҳарб.** бирор ҳарбий соҳанинг бошлиғи; **инспектор кавалерии** кавалерия (отлиқ аскарлар) инспектори; 3. *эск.* революциядан илгари ўқув юрти директорининг ёрдамчиси; **инспектор гимназии** гимназия инспектори].

**ИНСПЕКТОРСКИЙ**, -ая, -ое инспектор сўз. *сиф.*; инспекторга оид, назоратга оид; инспекторские обя-

занности инспектор вазибалари; инспекторский смотр назорат мақсадида ўтказилган кўрик.

**ИНСПЕКЦИЯ** *ж* 1. *только ед.* текшириш, назорат қилиш, тафтиш, назорат (ма'лум бир соҳада ишнинг тўғри олиб борилишини ва шу соҳага оид қонун ва қоидаларнинг тўғри амалга оширилишини текшириш); **производить инспекцию** текширмоқ, назорат қилиб турмоқ; 2. инспекция (белгиланган қонун ва қоидаларнинг тўғри бажарилиши устидан назорат олиб боручи муассаса); **санитарная инспекция** санитария инспекцияси.

**ИНСПИРАТОР** *м* игвочи, игво қилучи, фитначи, қутуртириш.

**ИНСПИРАЦИЯ** *ж* игвогарлик, игво; игво тарқатиш, қутуртириш.

**ИНСПИРИРОВАННЫЙ**, -ая, -ое игво, уйдирма; **инспирированное** соошбэние уйдирма хабар.

**ИНСПИРИРОВАТЬ** *сов. и несов.* 1. аврамоқ, йўлдан урмоқ, чалғитмоқ, васваса қилмоқ, қутуртирмоқ; бирон иш ёки фикрни талқин қилмоқ, уқтирмоқ; **инспирировать общественное мнение** жамоат фикрини чалғитмоқ; **инспирировать протест** (*против чего-н.*) норозилик билдириш йўлига солмоқ; 2. ёлгон овоза тарқатмоқ, игво қилмоқ.

**ИНСПИРИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* 1. авралмақ, чалғитилмоқ, йўлдан оздирилмоқ, ўргатилмоқ, уқтирилмоқ; 2. ёйилмоқ, тарқатилмоқ (овоза, игво).

**ИНСТАЛЛЯЦИЯ** *ж мн. нет* инсталляция (бирон корхона ёки установканинг жиҳозлари, асбоб-ускуналари).

**ИНСТАНЦИЯ** *м* инстанция (1. давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг бир-бирига бўйсунадиган ҳарбир босқичи, звеноси; суд идораларининг ҳарбир босқичи; **высшая инстанция** юқори инстанция; **низшая инстанция** қуйи инстанция; суд первой инстанции биринчи босқич суд, қуйи суд; 2. *юр.* суд процессининг айрим стадияси).

**ИНСТИНКТ** *м* 1. *биол.* инстинкт (туғма ҳис, туйғу, сезги); **инстинкт самосохранения** ўзини сақлаш ин-

стинкти; 2. || ҳиссиёт, туйғу, сезги; беихтиёр ҳаракат; материнский инстинкт оналик ҳисси, инстинкти.

**ИНСТИНКТИВНЫЙ**, -ая, -ое 1. *биол.* инстинкт сўз. *сиф.*; инстинктли, инстинктга асосланган; 2. беихтиёр, ғайриихтиёрий; ихтиёрсиз; инстинктивное движение беихтиёр ҳаракат.

**ИНСТИТУТ** *м* 1. жамият томонидан белгиланган ва қонуи-қоида тусини олган тартиблар, тартиботлар; институт частной собственности хусусий мулкчилик тартиботи; 2. институт (ба'зибир олий ўқув юртлири ва илмий текшириш муассасаларининг номи); педагогический институт педагогика институти; научно-исследовательский институт илмий-текшириш институти;  $\diamond$  *институт благородных девиц* (*тар.*) аслзода қизлар мактаби (ўтмишда дворян қизлари ўқиган имтиёзли ўрта мактаб).

**ИНСТИТУТКА** *ж* *эск.* революциягача махсус хотин-қизлар мактабида ўқучи қиз.

**ИНСТИТУТСКИЙ**, -ая, -ое институт 2 сўз. *сиф.*; институтга оид; қ. институт 2.

**ИНСТРУКТАЖ** *м* *мн.* *нет* инструктор, инструкция (қўлланма) бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш; ўргатиш; инструктор низовых организаций қуйи ташкилотларга йўл-йўриқ кўрсатиш; получить инструктора инструктор (кўрсатма) олмақ.

**ИНСТРУКТИВНЫЙ**, -ая, -ое индуктив, йўл-йўриқ беручи, кўрсатучи, ўргатучи, қўлланма беручи; индуктивное совещание индуктив кенгаш (йўл-йўриқ бериш учун чақирилган кенгаш); индуктивное письмо индуктив хат.

**ИНСТРУКТИРОВАНИЕ** *ср* = инструктор (қ.).

**ИНСТРУКТИРОВАТЬ** *сов.* и *несов.* инструктор ўтказмоқ, инструкция (қўлланма) бермоқ, йўл-йўриқ кўрсатмоқ, кўрсатма бермоқ.

**ИНСТРУКТИРОВАТЬСЯ** *сов.* и *несов.* инструктор олмақ, инструкция олмақ, кўрсатма (йўл-йўриқ) олмақ, ўрганмоқ.

**ИНСТРУКТОР** *м* инструктор (бирор ишни йўлга қўйишни ўргатучи киши; йўл-йўриқ кўрсатучи, кўрсатма беручи раҳбар); библиотечный инструктор кутубхона ишлари инструктори; инструктор стажировочных методов труда стажановча ишлаш методларини ўргатучи инструктор.

**ИНСТРУКТОРСКИЙ**, -ая, -ое инструктор сўз. *сиф.*; инструкторларга оид; инструкторские курсы инструкторлар тайёрлайдиган курс.

**ИНСТРУКЦИЯ** *ж* инструкция, қўлланма, йўл-йўриқ, кўрсатма; получить инструкцию кўрсатма олмақ; дать инструкцию йўл-йўриқ кўрсатмоқ; действовать по инструкции инструкцияга асосан иш кўрмоқ; составить инструкцию инструкция тузмақ.

**ИНСТРУМЕНТ** *м* 1. асбоб; қурол; хирургические инструменты (*мед.*) хирургия асбоблари; измерительные инструменты ўлчов асбоблари; шанцевый инструмент қ. шанцевый; 2. муз. чолғу асбоби (рояль, пианино, скрипка ва ҳ. к.); музыкальные инструменты музыка асбоблари.

**ИНСТРУМЕНТАЛИСТ** *м* муз. музикачи, чолғучи, машшоқ, созанда.

**ИНСТРУМЕНТАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. *тех.* асбобга оид, асбоб ясаш учун ишлатиладиган, асбобоп; асбоб ишлаб чиқарадиган; инструментальная сталь асбоб қилинадиган асл пўлат; инструментальный цех асбоб цехи; 2. муз. инструментал, музыка асбоблари блан ижро этиладиган; инструментальная музыка инструментал музыка (чолғу асбоблари блан ижро этиладиган музыка); 3. *суц.* инструментальная ж *махс.* асбоб-ускуна тайёрлайдиган мастерской; асбоб-ускуна сақланадиган бино, жой.

**ИНСТРУМЕНТАЛЬЩИК** *м* *махс.* асбобсоз (ҳархил асбоблар ясайдиган уста); слесарь-инструментальщик асбобсоз слесарь.

**ИНСТРУМЕНТАРИЙ** *м* *махс.* бирор соҳада ишлатиладиган асбоб-ускуналар; хирургический инструментарий (*мед.*) хирургия асбоблари.

**ИНСТРУМЕНТИРОВАТЬ** *сов.* и *несов.* 1. муз. инструментровка қилмоқ,

оркестрга солмоқ (бирор асбоб учун мўлжалланган музыка асарини оркестрда ижро этиш учун мосламоқ); 2. *ад.* хушоҳанг сўзлар танламоқ (ше'рда — товушлари бир-бирига оҳангдош бўлган сўзлар танламоқ).

**ИНСТРУМЕНТОВАННЫЙ**, -ая, -ое *муз.* инструментовка қилинган, оркестрга солинган, солинган.

**ИНСТРУМЕНТОВАТЬ** *сов. и несов. қ.* инструментировать.

**ИНСТРУМЕНТОВКА** *ж махс.* 1. инструментовка (музыка назариясида—айрим музыка асбоблари техникасини, бадий хусусиятларини ва уларнинг оркестрда бир-бирига мослашини ўрганадиган бўлим); 2. *только ед.* инструментовка, инструментовка қилиш, оркестрга солиш (бирор чолғу асбоби учун ёзилган музыка асарини оркестрда ижро этиш учун мослаш); 3. || ше'рни хушоҳанг қилиш (ше'рда — товушлари бир-бирига оҳангдош бўлган сўзларни танлаш).

**ИНСУЛИН** *м. мн. нет махс.* инсулин (ба'зи ҳайвонларнинг қориноти безидан тайёрланадиган ва диабет касалини даволаш учун ишлатиладиган дорн).

**ИНСУЛЬТ** *м. мед.* инсульт, тутқалоқ касали (одатда апоплексия ма'носида ҳам ишлатилади); *қ. апоплексия.*

**ИНСУРГЕНТ** *м. эск.* қўзғолон қатнашчиси, қўзғолончи, ис'ёнчи, галаёнчи.

**ИНСУРРЕКЦИЯ** *ж эск.* ҳукуматга қарши кўтарилган қуролли қўзғолон, ис'ёп, галаён.

**ИНСЦЕНИРОВАННЫЙ**, -ая, -ое 1. сахналаштирилган, драма шаклига келтирилган, сахнада қўйишга мослаштирилган; 2. || ёлғондан, муғомбирлик блан қилинган, сохта, қалбаки.

**ИНСЦЕНИРОВАТЬ** *сов. и несов.* 1. *театр.* сахналаштирмоқ (бирор адабий асарни сахнада қўйишга мосламоқ); 2. || муғомбирлик қилмоқ, ёлғондан (муғомбирлик блан) бирор ҳаракат қилмоқ, алдамоқ; **инсценировать** обморок жўрттага ҳушдан кетмоқ.

**ИНСЦЕНИРОВКА** *ж 1. театр.*

сахналаштириш; бирор адабий асарни сахнабоп қилиб ўзгартиш, сахнада қўйишга мослаш; 2. *ад.* сахналаштирилган (сахнада қўйишга мосланган) асар, пьеса; 3. || ёлғондакам ҳаракат (муғомбирлик) қилиш; алдаш учун жўрттага қилиш.

**ИНТЕГРАЛ** *м. мат.* интеграл (олий математикада чексиз кичик сонлар йиғиндиси).

**ИНТЕГРАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. *мат.* интеграл *сўз. сиф.*; интеграл; **интегральная функция** интеграл функция; **интегральное исчисление** интеграл ҳисоб (чексиз кичик сонлар йиғиндисини ҳисоблаш); 2. бир бутун, яхлит, ажралмас суратда бирлашган; **интегральная кооперация** (*тар.*) бирлашган кооперация (савло ва саноат кооперациясини ўз ичига олган кооперация системаси).

**ИНТЕГРАТОР** *м. тех.* интегратор (ба'зи интегралларни автоматик равишда ҳисоблайдиган махсус асбоб).

**ИНТЕГРАЦИЯ** *ж* интеграция [1.—интегрирование (*қ.*); 2. айрим қисмларнинг (бўлақларнинг) ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши; бир бўтунга айланиши, яхлитланиши; бу сўзнинг акси — **дезинтеграция** (*қ.*)].

**ИНТЕГРИРОВАНИЕ** *ср мат.* интеграллаш, интегрални ҳисоблаш, топши; *қ. интеграл.*

**ИНТЕГРИРОВАТЬ** *сов. и несов.* 1. *мат.* интегралламоқ, интегрални топмоқ; *қ. интеграл;* 2. бир бутун қилиб бирлаштирмоқ, яхлит ҳолатга келтирмоқ.

**ИНТЕЛЛЕКТ** *м* интеллект, ақл, идрок, фаҳм, зеҳн; фаросат; **человек с высоким интеллектом** жуда идрокли одам.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛИЗМ** *м. мн. нет* интеллектуализм [1. *филос.* интеллектни, я'ни ақл, идрокни воқ'ликнинг негизидир деб қаровчи ҳамда дун'ёни билишда кишилик фаолиятининг ролини инкор этучи идеалистик философия оқим; 2. *психол.* идеалистик психологияда — интеллектни (ақлни, идрокни) психик ҳаётнинг асосий омили деб билучи ва ҳис ҳамда идрокнинг психик ҳаётдаги ролини инкор этучи реакцион та'лимот;

бу сўзнинг акси — **волюнтаризм** (қ.).

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛИСТ** *м филос.* психол. интеллектуалист, интеллектуализм излоши.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое интеллектуал, ақлий, ма'навий, зеҳний.

**ИНТЕЛЛИГЕНТ** *м* интеллигент (1. ўқимишли одам, ақлий меҳнат киши; 2. *II эск. нафр.* иродасиз, беқарор одам; оқбиллак).

**ИНТЕЛЛИГЕНТНОСТЬ** *ж мн. нет* интеллигентлик, ўқимишлилик, маданиялик.

**ИНТЕЛЛИГЕНТНЫЙ**, -ая, -ое интеллигент; ўқимишли, ма'лумотли, маданий; **интеллигентный человек** интеллигент одам, ўқимишли киши; **люди интеллигентного труда** ақлий меҳнат аҳллари.

**ИНТЕЛЛИГЕНТСКИЙ**, -ая, -ое *эск. нафр.* интеллигент 2 сўз. сиф.; беқарор, иродасиз кишиларга, оқбиллакларга оид.

**ИНТЕЛЛИГЕНТЦИНА** *ж мн. нет эск. нафр.* оқбиллаклик, иродасизлик.

**ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ** *ж мн. нет* интеллигенция (ақлий меҳнат блан шуғулланучи, ўқимишли кишилар); **советская интеллигенция** совет интеллигенцияси; **сельская интеллигенция** қишлоқ интеллигенцияси; **„Наша интеллигенция смело идёт по пути новаторства в области техники и культуры...“** (Сталин) „Бизнинг интеллигенциямиз техника ва маданият соҳасида янгиликлар яратиш йўлида дадиллик блан олға бормоқда“ (Сталин).

**ИНТЕЛЛИГИБЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *филос.* идеалистик философияда гайритабiiй; ҳақиқатдан узок, афсонавий, хаёлий; **интеллигивельный мир** хаёлий дун'ё.

**ИНТЕНДАНТ** *м* интендант (1 *ҳарб.* ҳарбий қисм ва муассасаларда хўжаликни, та'минот ишларини бошқаручи ҳарбий ходим; 2 *ҳарб.* СССР да 1935—1942 йиллар мобайнида жорий бўлган шахсий ҳарбий унвон; 1942 йилда интендантлар учун умум қўшинда бир хил бўлган унвонлар.

белгиланди; 3. *тар.* Францияда XVIII асрадаги буржуа революциясигача — полиция, адлия ва молия ишларига раҳбарлик қилучи вилоят ҳоқими).

**ИНТЕНДАНТСКИЙ**, -ая, -ое **интендант** ва **интендантство** сўз. сиф.; интендант ва интендантликка оид; **интендантская служба** интендантлик хизмати; интендантлик ишлари.

**ИНТЕНДАНТСТВО** *ср* интендантлик (қўшиннинг хўжалик, та'минот ишларини бошқаручи ҳарбий муассаса).

**ИНТЕНСИВНО** *нареч.* интенсив, зўр бериб, гайрат блан, шиддат блан, барқ уриб; **интенсивно работать** гайрат блан ишламоқ.

**ИНТЕНСИВНОСТЬ** *ж мн. нет* интенсивлик, гайрат, шиддат; жадаллик; **работать с большой интенсивностью** зўр гайрат блан ишламоқ.

**ИНТЕНСИВНЫЙ**, -ая, -ое 1. интенсив, кучли, гайратли; зўр, шиддатли; жиддий, жадал; **интенсивный труд** жиддий меҳнат; зўр меҳнат; 2. *серунум, серҳосил, самарали; интенсивный метод работы* самарали иш усули; **интенсивное сельское хозяйство** қишлоқ хўжалигининг самарали системаси (ҳосилни ошириш ва ер майдонларидан тўла фойдаланиш учун барча тадбирлардан фойдаланидиган қишлоқ хўжалик системаси).

**ИНТЕНСИФИКАЦИЯ** *ж мн. нет* интенсификация, кучайтириш, зўрайтириш, жадаллаштириш, самарали қилиш, унумдорлигини ошириш; **интенсификация сельского хозяйства** қишлоқ хўжалигини самарали қилиш; **интенсификация производственных процессов** ишлабчиқариш процессларини кучайтириш.

**ИНТЕНСИФИЦИРОВАТЬ** *сов. и несов.* кучайтирмоқ, жадаллаштирмоқ, зўрайтирмоқ, зўр бермоқ, қизитмоқ; самарали қилмоқ, унумдорлигини оширмоқ; **интенсифицировать земельные деҳқончиликнинг унумдорлигини** оширмоқ.

**ИНТЕНСИФИЦИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* кучайтирилмоқ, жадаллаштирилмоқ, тезлатилмоқ; самарали қилинмоқ.

**ИНТЕРВАЛ** *м* 1. ора, оралик; икки нарса, ҳодиса ўртасидаги вақт

масофа; здесь поездá прохóдят с интервáлом в 15 минут бу ердан поезд ҳар 15 минутда ўтиб туради; 2. муз. интервал, парда ораси (икки овознинг паст-баландлигидаги фарқ); 3. ҳарб. интервал, оралик (фронт бўйлаб турган жангчилар қаторлари ёки ҳарбий бўлималар ўртасидаги масофа); 4. мат. интервал (ўзгаручи соннинг ма'лум икки қиймат орасидаги ҳамма қийматлари).

**ИНТЕРВЕНТ** *м сиёс.* интервент, интервенциячи (интервенция қатнашчиси ёки уюштиручи); *қ.* интервенция.

**ИНТЕРВЕНЦИОНИСТ** *м сиёс.* интервенционист, интервенция тарафдори.

**ИНТЕРВЕНЦИОНИСТСКИЙ**, -ая, -ое *сиёс.* интервенционист сўз. *сиёс.*; интервенционистская политика интервенциячилик сиёсати.

**ИНТЕРВЕНЦИОННЫЙ**, -ая, -ое интервенция сўз. *сиёс.*; интервенциячи; интервенционные войска интервенциячи қўшинлар.

**ИНТЕРВЕНЦИЯ** *ж сиёс.* интервенция (бир ёки бирнеча давлатнинг бошқа бир давлат ички ишларига зўрлик блан аралашуви); вооружённая интервенция қуролли интервенция; экономическая интервенция иқтисодий интервенция (1. *сиёс.* бирор капиталистик давлатнинг бошқа бир ёки бирнеча мамлакатнинг хўжалигига, иқтисодий ҳаётига зўрлик блан аралашуви; 2. *э.* мол нархига ёки пул қийматига та'сир этиши учун давлатнинг ички бозорга аралашуви).

**ИНТЕРВЬЮ** *ср нескл.* интервью, мусоҳаба, суҳбат (1. журналистнинг, газета мухбирининг бирор сиёсий арбоб ёки давлат жамоат арбоби блан ўтказган ва газетادا бошич учун мўлжалланган суҳбати; **получить интервью** интервью бериш учун мухбирни қабул қилмоқ; мусоҳаба қилиш учун бирор арбоб ҳузурида бўлмоқ; 2. || газетادا шу суҳбат ҳақида босилиб чиққан ахборот).

**ИНТЕРВЬЮЁР** *м макс.* интервьюер, мусоҳаба ўтказучи журналист (бирор киши блан суҳбат ўтказучи журналист, мухбир).

**ИНТЕРВЬЮЙРОВАТЬ** *сов. и несов. макс.* интервью олмақ, мусоҳаба қилмоқ, суҳбат ўтказмоқ, суҳбатлашмоқ; *қ.* интервью.

**ИНТЕРВЬЮЙРОВАТЬСЯ** *сов. и несов. макс.* мусоҳаба қилинмоқ, суҳбат ўтказилмоқ; *қ.* интервью.

**ИНТЕРЭС** *м 1.* қизиқиш, диққат; э'тибор; мароқ, ҳавас, завқ; рағбат; аҳамият; проявлять большой интерес к делу ишга катта аҳамият бермоқ; слушать лекцию с захватывающим интересом лекцияни жуда қизиқиб (диққат блан) тингламоқ; возбуждать интерес қизиқтирмоқ, рағбатлантирмоқ; 2. э'тиборни ўзига тортадиган, диққатни жалб қиладиган нарса ёки ҳодиса; 3. *только мн.* фойда, манфаат; защита государственных интересов давлат манфаатларини ҳимоя қилиш; кровные интересы нарбда халқнинг туб манфаатлари; это делается в ваших интересах бу сизнинг фойдагиз учун қилинаптир; 4. *только мн.* талаб, эҳтиёж; истак, орзу, ҳавас; духовные интересы ма'навий талаблар; **играть на интерес** (*с. т. эск.*) пул тикиб ўйнамоқ.

**ИНТЕРЕСНО** *нареч.* қизиқ, мароқли, мазали; ажиб; интересно рассказывать мароқли қилиб гапирмоқ.

**ИНТЕРЕСНЫЙ**, -ая, -ое 1. қизиқ, мароқли, қизиқтирадиган; завқли; ажиб, ажиб, ғалати; интересный рассказ қизиқ ҳикоя; интересная работа мароқли иш; 2. *с. т.* чиройли; гўзал, жозибали, келишган; мафтун этадиган; интересная женщина гўзал хоним, хушрўй хотин; интересная внешность келишган қадду қомаат, бичими келишган; **в интересном положении** (*с. т. эск.*) иккиқат, ҳомиладор, оғирроёқ.

**ИНТЕРЕСОВАТЬ** *несов.* қизиқтирмоқ, рағбатлантирмоқ, мароқлантирмоқ, диққат-э'тиборни тортмоқ; ҳавас келтирмоқ; егб интересовали самые разнообразные области знания уни илмнинг турли-туман соҳалари қизиқтирар эди; это меня не интересует бу мени қизиқтирмайди, бу блан менинг ишим йўқ.

**ИНТЕРЕСОВАТЬСЯ** *несов.* қизиқмоқ, ҳавас қилмоқ, қаттиқ э'тибор

**бермоқ**, ишқивоз бўлмоқ; он интересуется техниккой у техникага қизиқади, у техникага ишқивоз.

**ИНТЕРЛЮДИЯ** ж интерлюдия (1. муз. катта музика асарларининг айрим қисмлари орасида чалинадиган бўлаги; 2. Урта асрда—енгил мазмунли кичик комедия).

**ИНТЕРМÉДИЯ** ж театр. ад. интермедия (драма асарларининг парда ораларида кўрсатиладиган комедияли кичкина пьеса).

**ИНТЕРМÉЦО** ср нескл. муз. интермеццо (операнинг айрим номерлари орасида оркестр томонидан чалинадиган музика асари).

**ИНТЕРНА́Т** м интернат (1. ўқув юрти ҳузуридаги ётоқхона; 2. ётоқхонали махсус мактаб).

**ИНТЕРНА́ТСКИЙ**, -ая, -ое интерна́т сўз. сиф.; интернатга оид; қ. интерна́т.

**ИНТЕРНАЦИОНА́Л** м интернационал (1. тар. халқаро итифоқ; коммунистический интернационал коммунистик интернационал; 2. коммунистлар партиясининг гимни).

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗА́ЦИЯ** ж мн. нет сифс. интернационализация. интернационаллаш (бирон нарсанинг интернационалигини э'тироф этиш; бирор территорияни халқаро территория деб таниш; шартнома бўйича ма'лум бир территория, иншоот, дар'ё ва ҳ. к. дан фойдаланиш учун барча давлатларга тенг ҳуқуқ бериш).

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗЫ́РОВАТЬ** сов. и несов. сифс. интернационализация қилмоқ, интернационаллаштирмоқ (бирор территория, иншоот, дар'ё ва шу қабилардан халқаро миқ'ёсда тенг ҳуқуқ асосида фойдаланиладиган қилмоқ); интернационализировать проливы бўғозлардан ҳамма давлат фойдаланадиган қилмоқ.

**ИНТЕРНАЦИОНА́ЛИЗМ** м мн. нет сифс. интернационализм (пролетариатнинг халқаро ҳамкорлиги; барча миллатларнинг тенг ҳуқуқли эканлигини таниш); примёром подлинного интернационализма и образцом содружества наро́дов является СССР СССР — ҳақиқий интернационализм ва халқлар дўстлигининг намунасиدير.

**ИНТЕРНАЦИОНА́ЛИСТ** м интернационалист, интернационализм тарафдори; қ. интернационализм.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТИ́ЧЕСКИЙ**, -ая, -ое интернационализм сўз. сиф.; интернационализмга оид; интернационалистик.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИ́СТКА** ж интернационалист аёл; қ. интернационализм.

**ИНТЕРНАЦИОНА́ЛИСТСКИЙ**, -ая, -ое интернационалист сўз. сиф.; интернационалистларга оид; интернационалистларча; интернационалистские възг'яды интернационалистларча қарашлар.

**ИНТЕРНАЦИОНА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. интернационал, халқаро; интернациональный конгресс халқаро конгресс; 2. интернационализм руҳидаги, интернационализмга асосланган: интернациональное воспитание моллоджи ёшларни интернационализм руҳида тарбиялаш.

**ИНТЕРНЫ́РОВАНИЕ** ср мн. нет сифс. 1. урушаётган давлат қўшинлари бетараф давлат тупроғига ўтганда уларни ушлаш ва қуролсизлантириш; 2. душман граждандарини уруш тамом бўлгунча озодликдан маҳрум қилиш.

**ИНТЕРНЫ́РОВАТЬ** сов. и несов. сифс. 1. урушаётган давлат қўшинлари бетараф давлат тупроғига ўтганда уларни тутмоқ ва қуролсизлантирмоқ; 2. душман граждандарини то уруш тамом бўлгунча озодликдан маҳрум қилмоқ.

**ИНТЕРНЫ́РОВАТЬСЯ** сов. и несов. сифс. 1. қуролсизлантирилмоқ (урушаётган давлатнинг бетараф давлат тупроғига ўтган қўшинлари ҳақида); 2. озодликдан маҳрум қилинмоқ (урушаётган давлат тупроғидаги душман давлат граждандари ҳақида).

**ИНТЕРПЕЛЛЫ́РОВАТЬ** сов. и несов. сифс. интерпелляция қилмоқ (парламентда ҳукуматга ёзма савол бериб изоҳ талаб қилмоқ).

**ИНТЕРПЕЛЛЫ́НТ** м сифс. парламентда ҳукуматга ёзма савол берадиган парламент а'зоси.

**ИНТЕРПЕЛЛЫ́ЦИЯ** ж сифс. интерпелляция (парламентда бирор факт ёки иш ҳақида ҳукуматга берилган ёзма савол).

**ИНТЕРПОЛІРОВАТЬ** *сов. и несов.* 1. қўшимча киритмоқ (бирор текстга авторнинг ўзида бўлмаган сўз ёки жумлаларни киритмоқ); 2. *мат.* интерполяция қилмоқ (бирор миқдорнинг бирнеча ма'лум қийматларидан фойдаланиб, шулар ўртасидаги қийматни топмоқ).

**ИНТЕРПОЛІРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* 1. қўшимча киритилмоқ; 2. *мат.* интерполяция қилинмоқ.

**ИНТЕРПОЛЯЦИЯ** *ж* 1. *махс.* интерполяция, қўшимча киритиш (авторнинг ўзида бўлмаган сўз ёки жумлаларни қўшиб қўйиш); в древних рукописях много интерполяций, внесённых переписчиками кадимги қўлёзмаларда хаттотлар томонидан кейин киргизилган қўшимчалар кўп учрайди; 2. *мат.* интерполяция (бирор миқдорнинг бирнеча ма'лум қийматларидан фойдаланиб, шулар ўртасидаги нома'лум қийматини топиш).

**ИНТЕРПРЕТАТОР** *м* шарҳловчи, изоҳловчи, тушунтиручи, тушунтириб беручи.

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ** *ж* 1. шарҳлаш, талқин қилиш, изоҳлаш, изоҳ бериш, тушунтириб бериш; **интерпретация** текста тексти талқин қилиш, текстини шарҳлаб бериш; 2. музыка, адабий асар ёки драматик рольни ўзинча талқин этиш; **интерпретация** роли (*театр.*) ҳарбир актёрнинг ўз ролини ўзинча талқин этиши.

**ИНТЕРПРЕТИРОВАТЬ** *сов. и несов.* шарҳламоқ, талқин қилмоқ, изоҳламоқ, тушунтирмоқ, ма'но бермоқ.

**ИНТЕРПРЕТИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* шарҳланмоқ, талқин қилинмоқ, изоҳланмоқ, тушунтирилмоқ.

**ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ** *ж* *мн. нет физ.* интерференция (икки тўлқиннинг бир-бирига қўшилиб кучайиш, кучсизланиш ёки бутунлай йўқолиш ҳодисаси; ёруглик, товуш, радио тўлқинлари ва ш. к. да рўй беради).

**ИНТЕРФЕРОМЕТР** *м физ.* интерферометр (интерференция ҳодисасидан фойдаланиб, нурнинг синиш кўрсаткичларини, тўлқин узунликларини ва ш. к. физик миқдорларни аниқ ўлчайдиган асбоб).

**ИНТЕРЬЕР** *м* *махс.* интерьер (1. бинонинг ичкараси, ички хоналари;

2. тасвирий сан'атда — бинонинг ички томонини бадий тасвирлаган расм; 3. хайвонларда — ички а'зо ва тўқималарнинг тузилиши).

**ИНТИМНИЧАТЬ** *несов. с. т.* сирдош бўлмоқ, дилкашлик қилмоқ, самимий дўстона муносабатда бўлмоқ, ўзини яқин тутмоқ, ётсирамасдан гапиришмоқ.

**ИНТИМНОСТЬ** *ж* *мн. нет* сирдошлик, самимийлик, дилкашлик, яқинлик, дўстлик, қалинлик; **интимность** в обращении самимий муомалада бўлиш.

**ИНТИМНЫЙ**, -ая, -ое 1. сирдош, дилкаш, самимий, яқин, қалин; **интимный** разговор самимий суҳбат; **интимный** друг сирдош дўст, яқин дўст; 2. сир, сирли, яширин, махфий, ошқора қилиб бўлмайдиган; **интимная** сторона чегё-н. бирор нарсанинг сир томони; 3. жинсий; **интимная** связь жинсий алоқа.

**ИНТОКСИКАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *мед.* интоксикация сўз. *сиф.*; интоксикация, заҳарланиш орқасида вужудга келган; **интоксикационные** признаки интоксикация аломатлари, заҳарланиш аломатлари; **интоксикационный** психоз заҳарланиш натижасидаги психоз.

**ИНТОКСИКАЦИЯ** *ж* *мед.* интоксикация, заҳарланиш (организмнинг заҳарли моддалар, токсинлар блан заҳарланиши); **алкогольная интоксикация** алкоголь (спиртли ичимликлар) ичиб заҳарланиш.

**ИНТОНАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *лингв.* интонация сўз. *сиф.*; интонацияга оид; **интонационные** знаки интонация белгилари.

**ИНТОНАЦИЯ** *ж* 1. *лингв.* интонация (гапириш маҳалида товушнинг ўзгариб туриши, паст-баландиги, оҳанг); **вопросительная интонация** сўроқ интонацияси; 2. *муз.* ашулада ёки музыка чалишда уйғунлик; **оҳанг**нинг мос келиш ёки келмаслиги; **чйстая интонация** оҳангдошлик; **фальшивая интонация** уйғунсизлик; оҳангдошликнинг бузилиши.

**ИНТОНІРОВАТЬ** *несов.* ма'лум интонация блан талаффуз этмоқ, ма'лум оҳангда гапирмоқ.

**ИНТРИ́ГА** *ж* 1. интрига, фитна, иғво, хийла, найранг, фиcқ-фасод; *весті интригу протів когó-н.* бирев устидан фитна тўқимоқ, иғво қилмоқ; 2. *ад.* интрига (драма ёки романдаги асосий воқиа); 3. *эск.* өшик-ма'шуклик.

**ИНТРИГАН** *м манф.* фитначи, ғаламис, иғвогар; маккор.

**ИНТРИГАНКА** *ж* фитначи аёл маккор (иғвогар) аёл.

**ИНТРИГАНСКИЙ**, -ая, -ое *с. т.* фитначига (иғвогарга, фиcқ-фасодчига) оид; *интриганский поступок* фитначилик, маккорлик.

**ИНТРИГОВАТЬ** *несов.* 1. фитна солмоқ, иғво қилмоқ, қутқу солмоқ, ғаломислик қилмоқ; *интриговать протів когó-н.* бирев устидан фитна тўқимоқ, иғво қилмоқ; 2. қизиқтирмоқ; *ваше сообщение интригуёт нас* сиз олиб келган хабар бизни жуда қизиқтирди.

**ИНТРИ́ЖКА** *ж* интрига сўз. *кичр. айт.*; қ. интрига.

**ИНТРОДУ́КЦИЯ** *ж* интродукция (1. муз. музыка асарининг кириш қисми, муқаддимаси; 2. қ. х. бирор иқлим шароитида ўсадиган ўсимликли иқлими бошқача бўлган жойга олиб бориб экмөк).

**ИНТРОСПЕКТИ́ВНЫЙ**, -ая, -ое *психол.* интроспекция сўз. *сиф.*; интроспекцияга асосланган; интроспектив; *интроспективный метод* интроспектив метод; *интроспективный анализ* интроспектив анализ; қ. интроспекция.

**ИНТРОСПЕ́КЦИЯ** *ж* *психол.* интроспекция (ўз-ўзини текшириш, мушоҳада қилиш; ўзининг руҳий ҳаётини ўзи текшириб бориб ўрганиш).

**ИНТРУ́ЗИЯ** *ж* *геол.* интрузия (магмаларнинг ер қобиғи ораларига ёриб кириши; бундай ҳодиса рўй берган жойда ернинг сирти бўртиб туради); қ. *ма́гма.*

**ИНТУБА́ЦИЯ** *ж* *мед.* томоқ торайган маҳалда махсус трубка киргизиш (кўпинча бўғма касали вақтида қилинади).

**ИНТУИТИ́ВИЗМ** *м* *мн. нет филос.* интуитивизм (буржуа философиясида — илмий ва мантиқий билишни

камситучи ва унга бевосита мушоҳадани қарама-қарши қилиб қўючи идеалистик оқим; иррационализмнинг бир тури).

**ИНТУИТИ́ВИСТ** *м филос.* интуитивист, интуитивизм тарафдори; қ. интуитивизм.

**ИНТУИТИ́ВНЫЙ**, -ая, -ое 1. интуитция сўз. *сиф.*; интуитцияга асосланган; интуитив; 2. *филос.* интуитивизм сўз. *сиф.*; *интуитивная философия* интуитив философия; қ. интуитивизм.

**ИНТУИ́ЦИЯ** *ж* 1. интуитция, фаҳм, фаросат; зийраклик, сезиш, сезги, туйғу; у негó богáтая интуитция у жуда сезгир; 2. *филос.* интуитция (идеалистик философияда — тажриба ёрдамидан ташқари, „бевосита муроқба“ йўли блан ҳақиқатни билиш мумкин деган ва илмий билишга душман бўлган тушунча)

**ИНТУРИ́СТ** (иностранный турист) *м с. т.* интурист (четэлдан келган сайёҳ, ажнабий саёҳатчи).

**ИНУЛИ́Н** *м хим.* инулин (турли ўсимликларнинг ҳужайра ширасида бўладиган углевод; медицинада шакар ўрнида ишлатилади).

**ИНФА́НТ** *м тар.* инфант, шахзода (монархия давридаги Испания ва Португалияда шахзодалар унвони).

**ИНФА́НТА** *ж тар.* инфанта (монархия давридаги Испания ва Португалияда шахзода хонимлар унвони).

**ИНФА́НТАДО** *ср қ. х.* меринос (майин жунли қўй) ларнинг бир зоти.

**ИНФА́НТЕРИЯ** *ж мн. нет эск.* ҳарб. пиёда қўшин; *♦ генерал от инфантерии* (эск.) пиёда қўшинларда энг юқори генераллик унвони.

**КАЛОРИ́ЙНОСТЬ** ж мн. нет физ. калориялик (ма'лум миқдордаги нарса ни тўлиқ ёндирганда ажралиб чиқадиган иссиқликнинг калориялар блан ифодаланган миқдори); калорийность угля кўмирнинг калориялиги; калорийность пиши овқатнинг калориялиги (ма'лум миқдордаги овқатнинг калория ҳисобида қанча энергия беришини кўрсатадиган сон).

**КАЛОРИ́ЙНЫЙ**, -ая, -ое калбрия сўз. сиф.; калорияли; калорийная пища калорияли овқат, калорияси кўп бўлган овқат.

**КАЛОРИ́МЕТР** м физ. калориметр (иссиқлик миқдорини ўлчайдиган асбоб).

**КАЛОРИМЕТРИ́ЧЕСКИЙ**, -ая, -ое физ. тех. калориметрия сўз. сиф.; калориметрик; калориметрическая бомба калориметрик бомба (ёқилгининг қандай тезликда ёниши, калориялиги ва бошқа хусусиятларини текшириш учун хизмат қиладиган ҳаммаёғи берк қалин идиш).

**КАЛОРИМЕТ́РИЯ** ж мн. нет физ. калориметрия (физиканинг иссиқлик миқдорини ўлчаш блан шуғулланидиган бўлими).

**КАЛОРИ́ФЕР** м тех. калорифер (махсус трубалар орқали ўтказилган иссиқ сув, буг ёки тутун ёрдами блан ҳавони иситадиган қурилма; бундай қурилма воситаси блан иситилган ҳаводан уйни иситиш, нарсаларни қуритиш ва вентиляция мақсадлари учун фойдаланилади); водяной калорифер қайноқ сув блан ишлайдиган калорифер; огнево́й калорифер иссиқ тутун блан ишлайдиган калорифер; парово́й калорифер иссиқ буғ ишлайдиган калорифер.

**КАЛОРИ́ФЕРНЫЙ**, -ая, -ое тех. калорифер сўз. сиф.; калориферга оид. калорифердан фойдаланидиган; калориферное отопле́ние калорифер блан иситиш; калориферные тру́бы калорифер трубалари.

**КАЛО́РИЯ** ж физ. калория (иссиқлик миқдорининг ўлчов бирлиги); ма́лая кало́рия кичик калория (1 г сувни 1° иситиш учун керак бўлган иссиқлик миқдори); большо́я кало́рия катта калория (1 кг сувни 1° иситиш учун керак бўлган иссиқлик миқдори, 1000 кичик калория).

**КАЛО́ШИ** = галоши (қ.); ♢ **сестъ в калошу** (с. т.) шарманда бўлмоқ, ўсал бўлмоқ, муваффақиятсизликка учрамоқ; **посади́ть (когб-н.) в калошу** (с. т.) шарманда қилмоқ, ўсал қилмоқ, муваффақиятсизликка учратмоқ.

**КАЛО́ШНЫЙ**, -ая, -ое калоша сўз. сиф.; калишга оид; калошноё производство калиш ишлаб чиқарил.

**КАЛЫ́М** м мн. нет эск. қалин, қалин мол.

**КАЛЬВИ́ЛЬ** м мн. нет бот. кальвиль (олманинг бир нав'и).

**КАЛЬВИНИЗМ** *м. мн. нет дин.* кальвинизм (христиан динида Кальвин та'лимотига асосланган маъзаб).

**КАЛЬВИНИСТ** *м. син.* кальвинист, кальвинизм тарафдори.

**КАЛЬКА** *ж* калъка [1. *только ед.* расм, чизма ва ш. к. дан нусха кўчириш учун ишлатиладиган шаффоф қоғоз ёки газлама; 2. шундай қоғоз ёки газламага кўчириб олинган нусха; 3. || *лингв.* бир тилдан иккинчи бир тилга айнан таржима қилиб олинган сўз ёки ибора (мас., темир йўл ибораси русча желёзная дорога иборасининг калъкасиدير)].

**КАЛЬКІРОВАТЬ** *несов.* 1. калъкага нусха кўчирмоқ; **калькіровать** **чертёж** чизмадан калъкага нусха кўчирмоқ; 2. || *лингв.* бошқа бир тилдан айнан таржима қилиш йўли блан сўз ёки ибора яратмоқ.

**КАЛЬКОГРАФ** *м. махс.* мисга ўйма нақш солучи уста, ҳаққок.

**КАЛЬКОГРАФИЯ** *ж мн. нет махс.* калъкография (мисга ўйма нақш солиш сан'ати, ҳаққоклик).

**КАЛЬКУЛІРОВАТЬ** *несов. эк.* калъкуляция қилмоқ (молнинг таннархнини ёки олиш-сотиш баҳосини ва ш. к. ларни ҳисоблаб чиқармоқ).

**КАЛЬКУЛІРОВАТЬСЯ** *несов. эк.* калъкуляция қилинмоқ (молнинг таннархи ёки олиш-сотиш баҳоси ва ш. к. лар ҳисоблаб чиқарилмоқ).

**КАЛЬКУЛЯТОР** *м. эк.* калъкулятор, калъкуляция қилучи.

**КАЛЬКУЛЯЦИОННЫЙ**, -ая, -ое калъкуляция сўз. *сиф.*; қ. калъкуляция.

**КАЛЬКУЛЯЦИЯ** *ж мн. нет эк.* калъкуляция (молнинг таннархнини ёки олиш-сотиш баҳосини ва ш. к. ни ҳисоблаб чиқариш).

**КАЛЬСОНЫ** *мн., ед. нет* иштон (эркаклар иштон).

**КАЛЬЦИЕВЫЙ**, -ая, -ое *хим.* калъций сўз. *сиф.*; калъцийга оид; калъцийли; калъциевая **селитра** калъцийли селитра; калъциевые **удобрения** калъцийли ўғитлар.

**КАЛЬЦИЙ** *м. мн. нет хим.* калъций (химик элемент); **азотнокислый калъций** калъций нитрат.

**КАЛЬЦИНА** *ж хим.* калъцина (кул ҳолидаги қалай ва рух қотишмаси; сопол буюмларни сирлаш учун ишлатилади).

**КАЛЬЦИНАЦИЯ** *ж = кальцинирование (қ).*

**КАЛЬЦИНИРОВАНИЕ** *ср хим.* калъцинация қилиш, калъцинация йўли блан пишириш (бўр, оҳақ, ганч, ишқор ва ш. к. ларни).

**КАЛЬЦИНИРОВАННЫЙ**, -ая, -ое калъцинация қилинган, пиширилган; **кальцинированная сода** калъцинация қилинган сола.

**КАЛЬЦИНИРОВАТЬ** *сов. и несов.* калъцинация қилмоқ, пиширмоқ (бўр, оҳақ, ганч, ишқор ва ш. к. ларни).

**КАЛЬЦИТ** *м. мин.* калъцит, калъций карбонат (ер юзида энг кўп тарқалган ва оҳақтош, мрамар составига кирадиган минерал).

**КАЛЬЯН** *м. чилим.*

**КАЛЪКАТЬ** *несов. с. т.* сўзлашмоқ, гаплашмоқ, гап сотмоқ, ҳангамалашмоқ.

**КАМАРІЛЬЯ** *ж эск. манб.* камарилья (монархистик давлатларда ўз манфаатларини кўзлаб, давлат ишларига турли иғво-фитналар блан та'сир кўрсатучи бир тўда сарой а'ёнлари).

**КАМАРИНСКАЯ** *ж 1.* рус халқ рақс кўшиқларидан бири; **2.** шу кўшиқ блан ижро қилинадиган рақс.

**КАМБАЛА** *ж* камбала (иккала кўзи бир томонда бўлган ялпоқ денгиз балиғи).

**КАМБИЙ** *м. бот.* камбий (дарахтнинг пўстлоқ естиаги бўлинувчан ҳужайрали қатлами; бу қатлам дарахтни энига ўстиради).

**КАМБУЗ** *м. денг.* камбуз (кема ошхонаси).

**КАМВОЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *т. с.* 1. таралган юнга оид, таралган юнгдан қилинган, тарама; **камвольная пряжа** тарама юнг ип, таралган юнгдан йиғирилган ип; **камвольные ткани** тарама мовут, тарама юнг ипдан тўқилган мовут; 2. таралган юнгдан маҳсулот ишлаб чиқарадиган ёки шундай маҳсулот блан савдо қиладиган; **камвольное производство** тарама ип, газлама саноати, тарама ип, газлама иш-

лаб чиқариш; камвольный магазин тарам мовут магазини; ҳозирги вақтда камвольный сўзи ўрнига гребенной сўзи ишлатилади.

**КАМЕДЕТЕЧЕНИЕ** *ср мн. нет* = гуммоз (*қ.*).

**КАМЁДИСТЫЙ**, -ая, -ое дарахт елимга бой; камедистая смола елимга бой смола.

**КАМЕДЬ** *ж бот.* дарахт елими, камедь (ба'зи дарахтларнинг танасидан оқиб чиқиб қотадиган елимшиқ модда).

**КАМЕЛЁК** *м* 1. камин сўз. *кичр. айт.*; кичкина камин; 2. уй иситадиган кичкина ўчоқ.

**КАМЕЛИЯ** *ж* камелия (1. *бот.* чойгуллилар оиласидан бўлган доим яшил ўсимлик; 2. шу ўсимликнинг чиройли гули; 3. *|| эск.* суюқоёқ, энгиллак хотин).

**КАМЕНЁТЪ** *несов.* 1. тошга айланмоқ, тошга айланиб қотиб қолмоқ; 2. *||* бағри тош бўлмоқ, қаҳри қаттиқ бўлмоқ, шафқатсизланмоқ.

**КАМЕНИСТЫЙ**, -ая, -ое тошлоқ, тошли, сертош; каменистая пустыня тошлоқ сахро; каменистый берег сертош киргоқ.

**КАМЕННОСОЛЯНОЙ**, -ая, -ое *геол.* тоштузга оид; каменносоляные месторождения тоштуз конлари.

**КАМЕННОУГОЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. каменный уголь сўз. *сиф.*; тошқўмирга оид; каменноугольная промышленность тошқўмир саноати; каменноугольный бассейн тошқўмир ҳавзаси; каменноугольная пыль тошқўмир хокаси; 2. каменноугольная система ёки период (*геол.*) тошқўмир системаси ёки даври (энг қалин тошқўмир қатламлари ҳосил бўлган геологик давр).

**КАМЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. тош ёки гиштга оид, тош ёки гишдан қилинган; каменный мост гишт кўприк; каменная гора тоштепа; каменные породы (*геол.*) тош жинслари; каменные работы (*бунк.*) тош ёки гишт териш ишлари, гишт териш, тош териш; 2. *||* жонсиз, ҳаракатсиз, тошдек қотиб қолган; каменное выражение лиц чехраси ўлик; 3. *||* шафқатсиз, раҳмсиз, тошюрак, бағри тош, қаҳри

қаттиқ; каменный человек тошюрак одам; каменное сердце тошюрак, юраги тош, бағри қаттиқ; 4. ботаника, зоология ва минералогияда — қўшма номлар таркибига кирадиган; каменный лук тошпиёз; каменный уголь тошқўмир; каменная соль тоштуз; *◇* каменная баба қ. баба!; каменный век (*археол.*) тош асри; каменный мешок (*тар.*) 1) тош каталак (зиндонда); 2) зиндон, камакхона; *как за каменной стеной* қ. стена; *положиться (на когб-н.)*, *как на каменную гору* суянган тогига ишонмоқ; *каменная болёзнь* (*эск.*) тош келиш касали.

**КАМЕНОБОЕЦ** *м* тош чақучи, тош майдаловчи.

**КАМЕНОЛОМ** = каменобоец (*қ.*).

**КАМЕНОЛОНЯ** *ж* тош кони.

**КАМЕНОТЁС** *м* тоштарош, тош йўнучи.

**КАМЕНЩИК** *м* 1. тош ёки гишт теручи ишчи, уста; 2. *|| тар.* = масон ёки франкмасон; *қ.* масон.

**КАМЕНЬ** *м* (*мн.* камни) 1. тош; драгоценные камни қ. драгоценный; могильный камень қ. могильный; камни в почках (*мед.*) буйрак тоши; камень желчный (*мед.*) ўт тоши (одам ўти қопчиғида ҳосил бўладиган тош); 2. *||* кўз; серьги с камнями кўзли зирак; 3. *||* қаҳри қаттиқ одам, бағри тош (бераҳм) одам; 4. *|| только ед. с. т.* ғам, ташвиш; на сердце (лежит) камень юракда ғам-ғусса; юракда огир бир тош; камень с души свалился ташвишдан қутулиб, юрак ором олди; *◇* камня на камне не оставить зер-забар қилмоқ, ер блан яқсон қилмоқ, держать камень за пазухой (*с. т.*) кек сақламоқ; пайт пойламоқ, пайига тушмоқ (*ўч* олиш учун); *краеугольный камень* қ. краеугольный; *пробный камень* қ. пробный; *камень преткновения* қийин (ҳалақит берадиган, қийнайдиган) масала, мушкул жой; *камнем упасть* учиб тушмоқ (ийқилганда); *бросать камнем* (*в когб-н.*) надомат қилмоқ, қораламоқ; *бросить камень в чей-н. огорд* (*с. т. кест.*) бировга теккизиб гапирмоқ, айтмоқ; *камни волиют* тош ҳам чидамайди, илон пўст таш-

ланди; **винный камень** қ. винный; **Философский камень** (эск.) оксир (алхимикларнинг гўё ҳарнарсани олтин қиладиган афсонавий тоши).

**КАМЕРА** ж камера [1. хона, ҳужра, бўлма; **судёбная камера** суд камераси; **тюрёмная камера** турма камераси; **камера хранения** омонат камераси; 2. *тех.* турли мақсадлар учун қурилган хона, бўлма; қути шаклидаги асбоб, машина, механизм ва ш. к. нинг қути шаклидаги қисми; **камера окүривания** (*ҳарб.*) газга ўргатиши камераси; **камера Вильсона** Вильсон камераси (альфа ва бета зарраларнинг йўли кузатиладиган камера); **фотокамера** фотокамера (фотоаппарат камераси); **дезинфекционная камера** (*мед.*) дезинфекция камераси; **свинцовая камера** руҳ камера (сульфат кислота тайёрлаш учун ишлатилади); **камера шлюза** шлюз камераси; 3. копток ёки пневматик шинанинг ҳаво дамланадиган резинаси; **футбольная камера** футбол камераси; **велосипедная камера** велосипед камераси; 4. *кон.* рудани орачора девор қолдириб, хона-хона қилиб қавлаш усулида ҳосил бўладиган ҳарбир хона].

**КАМЕРАЛИСТИКА** ж = камеральные науки; қ. камеральный.

**КАМЕРАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое камерал; **камеральные работы** камерал ишлар (экспедиция материалларини лаборатория шаронтида илмий асосда ишлаб чиқиш); **камеральное счетоводство** камерал ҳисобот (бухгалтериянинг содда формаси; бунда ҳарбир сумма фақат бир марта ёзилади); **камеральные науки** (эск.) камерал фанлар (давлат мулкни идора қилуши чиновниклар тайёрлашда ўқитилиши мажбурий бўлган ма'мурий, иқтисодий, молиявий ва бошқа фанлар мажмуи).

**КАМЕРА - ОБСКУРА** ж эск. *физ.* камера - обскура (олдинги деворида торгина тирқиши бўлган ичи тимқоронги қутича, мас., фотоаппарат қутиси; бундай қутичада тирқиш рўпарислаги нарсанинг тўнқарилган тасвири ҳосил бўлади).

**КАМЕРГЁР** м камергер (чор Россияда ва ба'зи монархия давлатларида сарой аҳлларига берилдиган, камер-юнкердан юқорироқ фахрий унвон).

**КАМЕРГЁРСКИЙ**, -ая, -ое камергёр сўз. *сиф.*; қ. камергёр.

**КАМЕРДИНЕР** м эск. камердинер (дворянларнинг уй хизматкори, маҳрами, малайи).

**КАМЕРИСТКА** ж эск. камеристка (дворян хотинларнинг чўриси, оқсочи).

**КАМЕР-ЛАКЕЙ** м эск. саройда хизматкорлар оғаси, бош хизматкор.

**КАМЕРНЫЙ** I, -ая, -ое 1. камера 2 сўз. *сиф.*; камерали; **камерная печь** камерали печь; 2. камерада тайёрланган; камерада бўладиган; **камерное производство серной кислоты** камера усулида сульфат кислота тайёрлаш; **камерная кислота** камера усулида тайёрланган сульфат кислота.

**КАМЕРНЫЙ** II, -ая, -ое муз. 1. камерный; **камерная музыка** камерний музыка (кичкина зал учун мўлжалланган ва бир ёки бирнеча созанда, ашулачи ижро этадиган музыка); 2. || камерный музыка асарларини ижро этадиган; **камерный певец** камерний музыка асарларини ижро этадиган ашулачи; 3. || камерный музыка асарларига боп; унча кучли бўлмаган; **камерный голос** унча кучли бўлмаган овоз.

**КАМЕРОН** м *кон.* камерон (шахталарда, конларда ва нефть ташийдиган кемаларда ишлатиладиган махсус насос).

**КАМЕРТОН** м *физ. муз.* камертон (доим бир хил товуш чиқарадиган айри пўлат асбоб; музыка асбобларини созлаш учун қўлланилади).

**КАМЕР-ЮНКЕР** м эск. камер-юнкер (камергердан бир даража паст унвон); қ. камергёр.

**КАМЕШЕК** м **камень** сўз. *кичр.*, *эркл. айт.*; қ. **камень**.

**КАМЁБ** ж **камея** (бўртма нақшли қимматбаҳо тош ёки чиғаноқ; зийнат буюми).

**КАМЗОЛ** м эск. эркакларнинг нимчаси, энгсиз калта камзили.

**КАМИЛЎВКА** ж *черк.* православ руҳонийларнинг қулоқга ўхшаш бош кийими.

**КАМИН** м камин (ўчоқсимон печь).

**КАМИННЫЙ**, -ая, -ое камин сўз. *сиф.*; **каминная решётка** камин панжараси.

**КАМКА** *ж т. с.* ипак кимхон.

**КАМЛОТ** *м мн. нет т. с.* камлот (қалин жун газлама; ба'зан ип ёки ипак қўшиб тўқилади).

**КАМЛОТОВЫЙ**, -ая, -ое камлотдан қилинган; камлотовый халат камлот халат.

**КАМНЕБИТНЫЙ**, -ая, -ое *тех.* тош майдалайдиган; камнебитный молот тош майдалайдиган болға.

**КАМНЕДРОБИЛКА** *ж тех.* тош майдалайдиган машина, тош чақадиган машина.

**КАМНЕДРОБИЛЬНЫЙ**, -ая, -ое тош майдалайдиган, тош чақадиган; камнедробильный завод тош майдалайдиган завод.

**КАМНЕЛОМКА** *ж* тошёрар (тоғлик жойларда ўсадиган кўпийлик ўсимлик).

**КАМНЕЛОМКОВЫЕ** *мн. (ед. камнеломковое ср) бот.* тошёраргуллар.

**КАМНЕРЁЗ** *м* тоштарош.

**КАМНЕРЁЗНЫЙ**, -ая, -ое 1. тош тарашлайдиган; камнерёзная фабрика тош тарашлаш фабрикаси; 2. тошдан тарашлаб қилинган; камнерёзные изделия тарашланган тош буюмлар.

**КАМНЕСЕЧЕНИЕ** *ср мед.* тош олиш (қовуқда, ўтда, буйракда пайдо бўлган тошни операция йўли блан майдалаб олиш).

**КАМНЕТЁСНЫЙ**, -ая, -ое *тех.* тоштарашликка оид; камнетёсные инструменты тоштарашлик асбоблари.

**КАМНИ** *мн. қ.* камень.

**КАМОРКА** *ж с. т.* тор уй, каталак, хужрача, кулба.

**КАМПАНИЙСКИЙ**, -ая, -ое *нафр.* кампания сўз. *сиф.*; кампаниявозликка оид; порочный кампанийский способ работы ишнинг ярамас кампаниявозлик усули.

**КАМПАНИЙЩИНА** *ж мн. нет нафр.* кампаниявозлик.

**КАМПАНИЯ** *ж* 1. *ҳарб.* кампания (ҳарбий юриш, жанг, уруш; ма'лум вақт ичда ўтказилган ва муайян стратегик мақсадни кўзда тутган ҳар-

бий операциялар мажмуи); зимняя кампания Советской армии 1942 — 1943 гг. Совет қўшинларининг 1942 — 1943 йиллардаги қишқи кампанияси; финская кампания фин уруши; 2. кампания, ма'рака; избирательная кампания сайлов кампанияси; посевная кампания экиш кампанияси; хлопкоуборочная кампания пахта териш кампанияси; 4. *тех.* кампания (иншоот, машина, установка ва ш. к. нинг узоқ вақт бетўхтов ишлаш муддати); 5. *денг.* кампания (кеманинг бир сафарга бориб келиш даври).

**КАМПЁШ** *м макс.* кампеш (кампеш дарахтидан олинадиган бўёқ модда); *қ.* кампешевый.

**КАМПЁШЕВЫЙ**, -ая, -ое кампеш сўз. *сиф.*; кампешевое дерево кампеш дарахти (тропик Америкада ўсадиган ва дуккаклилар оиласига кирадиган дарахт; ёғочидан бўёқ модда олинади).

**КАМПБСЫ** *мн.* кампослар (Бразилия даштларининг номи).

**КАМСА** *ж мн. нет* камса (денгиз балиқларининг бир тури).

**КАМУФЛЁТ** *м* 1. *ҳарб.* камуфлет (душман миналарини йўқ қилиш учун ер остида мина портлатиш); 2. *ж с. т. ҳазл.* беҳосдан рўй берган кўнгилсиз воқиа; какой камуфлет! қандай кўнгилсиз воқиа!

**КАМУФЛЯЖ** *м мн. нет* *ҳарб.* камуфляж (қурол-аслаҳа ва бошқа нарсаларни ола-була қилиб бўяш йўли блан душман кўзидан яшириш).

**КАМУШЕК** = камешек (*қ.*).

**КАМФАРА** *ж* камфара, кофур (медицинада ва техникада ишлатиладиган ҳиди ўткир модда).

**КАМФАРНЫЙ**, -ая, -ое камфарá сўз. *сиф.*; камфарага, кофурга оид; камфарное масло камфара мойи; камфарное дерево (*бот.*) дафна дарахти.

**КАМФОРÁ** = камфарá (*қ.*).

**КАМФОРКА** *ж қ.* камфórка.

**КАМФОРНЫЙ** = камфárный (*қ.*).

**КАМЧÁ** *ж* қамчин.

**КАМЧАДАЛЫ** *мн. (ед. камчадál м, камчадэлка ж)* камчадаллар (Камчаткада яшовчи халқ, ительменлар).

**КАМЧАТКА** I *ж мн. нет эск. манф.* камчатка (1. Октябрь революциясидан илгари мактабда шўх ва ялқов ўқучилар ўтирадиган энг охириги парта; 2. шундай партада ўтирган ўқучилар).

**КАМЧАТКА** II *ж мн. нет эск.* = камчатная ткань; *қ.* камчатный.

**КАМЧАТНЫЙ** = камчатый 2 (*қ.*); камчатная ткань ипак кимхопга ўхшаш мата.

**КАМЧАТЫЙ**, -ая, -ое *эск.* 1. ипак кимхопдан қилинган; камчатый кафтан кимхоп тўн; 2. ипак кимхопга ўхшаган.

**КАМЫШ** *м 1. только ед.* қамиш; 2. *только мн.* қамишзор; лодка скрѣлась в камышах қайиқ қамишлар орасига кириб ғойиб бўлди.

**КАМЫШЕВКА** I *ж с. т.* 1. қамиш ҳасса; 2. қамишдан тўқилган чапқоққич.

**КАМЫШЕВКА** II *ж зоол.* мойкутлар синфига кирадиган чумқуқсимон қуш.

**КАМЫШЕВЫЙ**, -ая, -ое, **КАМЫШОВЫЙ**, -ая, -ое 1. қамиш сўз. *сиф.*; қамишга оид; қамишшеве зэросли қамишзор; 2. қамишдан ясалган; қамишова цыновка бордон, бўйра; 3. ботаника ва зоологияда қўшма номлар таркибига кирадиган сўз; қамишовый кот (*зоол.*) тўқайснловсин. собончи.

**КАМЫШИТ** *м мн. нет бинк.* қамишит, қамишпилта.

**КАМЫШИТОВЫЙ**, -ая, -ое *бинк.* 1. қамишпилта ишлаб чиқарадиган; қамишитовое производство қамишит (қамишпилта) ишлаб чиқарадиган корхона; 2. қамишитдан қилинган; қамишитовая перегородка қамишитдан қилинган пардевор.

**КАМЫШОВЫЙ** = қамишевый (*қ.*).

**КАНАВА** *ж* ариқ; зовур; природо́жная кана́ва йўл ёқасидаги ариқ, зовур.

**КАНАВКА** *ж* кана́ва сўз. *кичр. айт.*; ариқча.

**КАНАВОКОПАТЕЛЬ** *м тех.* ариқ (зовур) қавлайдиган машина; плужный канавокопатель ариқ қазийдиган плугли машина; навесной ка-

навокопатель ариқ қазийдиган осма машина.

**КАНАВОКОПАТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое ариқ (зовур) қавлайдиган; канавокопательная машина ариқ (зовур) қавлайдиган машина.

**КАНАВОПОЛОДЕЛАТЕЛЬ** *м қ. х.* пол қиладиган машина, пайкал қиладиган машина.

**КАНА́Л** *м 1.* канал; Большо́й Ферга́нский кана́л Катта Фарғона канали; Гла́вный Туркме́нский кана́л Бош Туркман канали; судохо́дный кана́л кема қатнайдиган канал; распреде́лительный кана́л сув тақсимловчи канал, анхор; вре́менный оро́сительный кана́л вақтли суғориш канали; 2. канал (икки денгизни туташтирган тор бўғоз); 3. *ҳарб.* канал, ствол қувури; 4. *анат.* канал (организмда турли моддалар ўтадиган йўл); кишачный кана́л ичак канали; мочеиспускательный кана́л сийдик чиқариш канали; 5. *тех.* канал (нефть, мой ва ш. к. лар ўтадиган йўл, қувур); нефть по кана́лам передаётся от исто́чников в нефтехрани́лища нефть канал орқали кондан ҳавзага ўтади; нефть қувурлар орқали кондан нефть омборига кетади; 6. *!* канал, йўл, усул, восита, чора манба; необходимо испо́льзовать все кана́лы для агитацио́нной рабо́ты агитация ишлари учун ҳамма воситалардан фойдаланмоқ керак; перегово́ры велись по дипломати́ческому кана́лам музокаралар дипломатия воситаларидан фойдаланиб олиб борилди.

**КАНАЛИЗА́ТОР** *м махс.* канализатор (канализация қуручи ишчи, мутахассис).

**КАНАЛИЗАЦИО́ННЫЙ**, -ая, -ое канализация сўз. *сиф.*; канализацияга оид; канализацио́нная труба́ канализация қувури; канализацио́нная систе́ма канализация системаси.

**КАНАЛИЗА́ЦИЯ** *ж мн. нет тех.* канализация (ахлатларни, чиқинди ва ёгин сувларини оқизиш ҳамда тозалаш учун қурилган қувурлар системаси); городская канализация шаҳар канализацияси; дом с канализацией канализация ўтказилган уй.

**КАНАЛИЗиро́вать** *сов. тех.* канализация қурмоқ, ўтказмоқ.

**КАНАЛИЗИРОВАТЬСЯ** *несов. тех.* канализация ўтказилмоқ, қурилмоқ.

**КАНАЛИЗОВАТЬ** = канализировать (*қ.*).

**КАНАЛИЗОВАТЬСЯ** = канализироваться (*қ.*).

**КАНАЛЬСТВО** *ср мн. нет с. т. эск.* 1. шумлик, муттаҳамлик, айёрлик, фирибгарлик; 2. || *межд.* қургур-э, фалокат-э, шойтон-э; зумраша-е, шумтака-е.

**КАНАЛЬЯ** *м и ж с. т.* 1. шум; муттаҳам; айёр; фирибгар; 2. *ҳазл.* ундов сўз сифатида: кургур, фалокат, шайтон; зумраша, шумтака; лўкко, каналья, обманул! кургур, боплаб алдади-да!; оббо фалокат-э, хўб алдади-да!; здорово, каналья, играёт! кургур хўб ўйнар экан-да!

**КАНАПЁ** *ср нескл. эск.* кичкина диван, кушетка.

**КАНАРЁЕЧНЫЙ**, -ая, -ое 1. канарейка сўз. *сиф.*; канарейкага оид; канарейчная клетка канарейка қафаси; 2. очсарик (тус); нитки канарейчного цвета очсарик ип.

**КАНАРЁЙКА** *ж* канарейка (са'вага ўхшаш сайрайдиған сарик, қуш).

**КАНАТ** *м* канат, йўғон арқон; стальнóй канат (*махс.*) пўлат канат, пўлат симдан ўрилган йўғон арқон; цепной канат (*денг.*) ҳарбий кемаларда —лангар занжири; ходить по канату арқонда юрмоқ, дорвозлик қилмоқ; подтáгиваться по канату (*спорт.*) арқонга чирмашиб чиқмоқ.

**КАНАТНИК** *м* дағал каноп (толасидан каноп, арқон, қоп ва ш. к. тўкиладиган бир йиллик ўсимлик.)

**КАНАТНЫЙ**, -ая, -ое 1. канат сўз. *сиф.*; канатга, йўғон арқонга оид; канатный плясун дорвоз; 2. канат ишлабчиқарадиган; 3. канатдан фойдаланадиган; канатная желéзная доро́га осма канат (темир) йўл.

**КАНАТОХОДЕЦ** *м* дорвоз.

**КАНАТЧИК** *м* канат фабрика ишчиси.

**КАНАУС** *м мн. нет т. с.* кановиз (шойнинг бир нав'н).

**КАНАУСОВЫЙ**, -ая, -ое канэус сўз. *сиф.*; кановиздан қилинган; канэусовое платье кановиз кўйлак.

**КАНВА́** *ж мн. нет* 1. канва, тўр (ироқи тикиладиган оҳорли тўр); вышивать по канвэ тўрга ироқи тикмоқ; 2. || воқиа ва ҳодисаларнинг асоси, замини; хронологическая канва хронологик канва; канвой для это́го расписа послужило реáльное событие бу ҳикоя учун чин воқиалар асос қилиб олинган.

**КАНВÓВЫЙ**, -ая, -ое 1. канва́ 1 сўз. *сиф.*; 2. канва ишлаб чиқарадиган; канвóвое производство канва ишлаб чиқариш.

**КАНДАЛЫ́** *мн., ед. нет* кишан; заковетъ в кандалы кишанламоқ.

**КАНДА́ЛЬНИК** *м с. т. эск.* банди. кўл-оёғига кишан солинган маҳбус.

**КАНДА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. кандалы сўз. *сиф.*; кандалный звон кишан овози; 2. *сущ.* канда́льный *м с. т. эск.* кишанланган (кўл-оёғига кишан солинган) маҳбус.

**КАНДЕЛЯ́БР** *м* қандил, катта шамдон, чилчироқ.

**КАНДИ́БÓБЕР** *м с* кандибóбером (*с. т. ҳазл.*) боплаб, ўринлатиб, жойига келтириб; проплáсáя с шйком, с кандибóбером ўйиши муқомига келтириб роса боплади, жулда ўринлатди.

**КАНДИДА́Т** *м* 1. кандидат, (бирор ўринга сайланиш, тайинланиш ёки бирор ташкилотга қабул қилиниш учун белгиланган киши); кандидаты б́лока коммунистов и беспартийных коммунистлар блан партиясизлар блокнинг кандидатлари; кандидат в члéны КПСС КПСС а'золигига кандидат (КПСС га киришни истаган ва бир йиллик кандидатлик стажини ўтиш учун қабул қилинган киши); 2. кандидат (кичик илмий даража); кандидат филологическнх наук филология фанлари кандидати.

**КАНДИДА́ТСКИЙ**, -ая, -ое кандидат сўз. *сиф.*; кандидатский стаж кандидатлик стаж (КПСС а'золигига ўтиш учун белгиланган бир йиллик стаж); кандидатский минимум кандидатлик минимуми (фан кандидати деган илмий даражани олиш учун топшириладиган имтиҳонлар); кандидатская диссертация кандидатлик диссертацияси (фан кандидати деган ил-

ий даражани олиш учун ёқланадиган диссертация).

**КАНДИДАТУРА** *ж* кандидатура (бирор ўринга сайланиш, тайинлаш учун белгиланган киши); **выдвигнуть** (*чыю-н.*) кандидатуру кандидатурасини кўрсатмоқ; **снять** (*чыю-н.*) кандидатуру кандидатурасини олиб ташламоқ.

**КАНДИЛЬ** *м* кандил (олмининг бир тури).

**КАНИКУЛЫ** *мн. ед. нет* каникул; *школьные каникулы* мактаб каникуллари.

**КАНИКУЛЯРНЫЙ**, -ая, -ое **1.** каникулы *сўз.*; *сиф.* каникулга оид; каникулярное время каникул вақти; **2.** каникул вақтида бўладиган; каникулярный отдых каникул вақтида дам олиш.

**КАНИТЕЛИТЬ** *несов. с. т. манф.* бекорга овора (сарсон, саргардон) қилмоқ; ҳуда-беҳудага вақтини олмақ; сансалорликка солмақ.

**КАНИТЕЛИТЬСЯ** *несов. с. т. манф.* бекорга вақт ўтказмоқ; имирсиламоқ, эзмаланмоқ; икир-чикир блан овора бўлмоқ.

**КАНИТЕЛЬ** **1** *ж* *мн. нет* зар, зар ип.

**КАНИТЕЛЬ** **II** *ж* *мн. нет* *с. т. манф.* оворагарчилик, сарсонгарчилик, саргардонлик; майда, эзма иш; зериктирадиган, жонга тегадиган нарса; **надоела эта канитель!** бу сарсонгарчилик (эзмагарчилик) жонга тегди; **тянуть** ёки **разводить канитель** эзмагарчиликка тушмоқ; оворагарчиликка солмақ.

**КАНИТЕЛЬНЫЙ** **I**, -ая, -ое канитель **1** *сўз. сиф.*; зарга оид; зар ишлаб чиқарадиган; канительное производство зар ишлаб чиқариш, зар ишлаб чиқарадиган корхона.

**КАНИТЕЛЬНЫЙ** **II**, -ая, -ое *с. т. манф.* **1.** узоққа чўзиладиган, судраладиган, жонга тегадиган, овора қиладиган; ҳеч тугамайдиган, сра битмайдиган; канительное дело кўп овора қиладиган иш; **2.** эзма, сансалор.

**КАНИТЕЛЬЩИК** **I** *м* зар фабрика ишчиси.

**КАНИТЕЛЬЩИК** **II** *м. с. т. манф.* **1.** сансалор, галга солучи; **2.** эзма.

**КАНИТЕЛЬЩИЦА** *ж* қ. канительница **I** ва **II**.

**КАНИФАС** *м* *эск. т. с. 1.* йўл-йўл ип газлама; **2.** қалин парусина.

**КАНИФОЛИТЬ** *несов.* канифольламоқ, канифоль суртмоқ.

**КАНИФОЛЬ** *ж* *мн. нет* *хим. тех.* канифоль (нинабаргли дарахтлар ширасидан олинадиган новвотсимон мўрт модда; техникада кенг қўлланилади; музикада камончага суриш учун ишлатилади).

**КАНИФОЛЬНЫЙ**, -ая, -ое канифоль *сўз. сиф.*; канифольная фабрика канифоль фабрикаси.

**КАНҚАН** *м* беадаб муқомлар қилиб ўйналадиган французча рақс.

**КАНҚАНЙРОВАТЬ** *несов. с. т.* беадаб муқомлар қилиб рақс тушмоқ.

**КАННА** **I** *ж* *бот.* шойи гул (кўп йиллик декоратив ўсимлик).

**КАННА** **II** *ж* *зоол.* канна (Африкада яшайдиган узун шоҳли катта кийик).

**КАННИБАЛ** *м* **1.** одамхўр; **2.** || қонхўр, золим, ваҳший; бераҳм, шафқатсиз; **каннибалы XX века**—гитлеровцы **20**-инчи аср ваҳшийлари—гитлерчилар.

**КАННИБАЛИЗМ** *м* *мн. нет.* **1.** одамхўрлик; **2.** || қонхўрлик, золимлик, ёвузлик, ваҳшийлик, бераҳмлик, шафқатсизлик; **каннибализм немецко-фашистских захватчиков** немис-фашист босқинчиларнинг ваҳшийликлари.

**КАННИБАЛЬСКИЙ**, -ая, -ое **1.** каннибал *сўз. сиф.*; каннибальские нравы одамхўрларга хос одат; **2.** || ваҳшийна, ёвуз; **гитлеровская каннибальская политика** гитлерчиларнинг ёвуз сиёсатлари.

**КАННИБАЛЬСТВО** *ср* *мн. нет* = каннибализм (*қ.*).

**КАНОН** *м* **1.** қоида, қонун; **2.** *ад. сит.* канон (бирор давр адабиётида, сан'атида ҳукм сурган услуб ва қоидалар); **3.** *черк.* диний қоидалар; черков қонун-қоидалари; **4.** || *ад.* канон (бирор ёзучи асарларининг текширилган ва қат'ийлашган тексти; унинг

авторлигига ҳечқандай шубҳа бўлмаган асарлари мажмуи); 5. муз. канон (бир куйин турли овоз блан кетма-кет айтиш); 6. *пол.шпр.* бош ҳарф.

**КАНОНАДА** *ж. ҳарб.* канонада (гумбир-гумбир отишма; гумбир-гумбир тўп овози).

**КАНОНЁР** = канонир (*қ.*).

**КАНОНЁРКА** = канонёрская лóдка; *қ.* канонёрский.

**КАНОНЁРСКИЙ** : канонёрская лóдка *ж. ҳарб. денг.* канонерка, канонер кема (бирнеча ўрта калибри тўп блан қуролланган ҳарбий кема).

**КАНОНИЗАЦИЯ** *ж. мн. нет* 1. *черк.* черков номидан авлиёлар қаторига қўшиш, муқаддас деб э'лон қилиш; 2. || қонунлаштириш, қоидага айлантириш.

**КАНОНИЗИРОВАТЬ** *сов. и несов.* 1. *черк.* черков номидан авлиёлар қаторига қўшмоқ, муқаддас деб э'лон қилмоқ; 2. || қонунлаштирмоқ, қоидага айлантирмоқ.

**КАНОНИЗИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* 1. *черк.* черков номидан авлиёлар қаторига киритилмоқ, муқаддас деб э'лон қилинмоқ; 2. || қонунлаштирилмоқ, қоидага айлантирилмоқ.

**КАНОНИЗОВАТЬ** = канонизировать (*қ.*).

**КАНОНИЗОВАТЬСЯ** = канонизироваться (*қ.*).

**КАНОНИК** *м. черк.* 1. католиклар соборида черков уставига бўйсунган, лекин монахликка қасам'ёл қилмаган поп; 2. католик черковлари руҳонийларига уларнинг хизматларини тақдирлаш учун бериладиган рутба.

**КАНОНИР** *м. ҳарб. эск.* тўпчи (тўп отучи) аскар.

**КАНОНИРСКИЙ**, -ая, -ое канонир сўз. *сиф.*: *қ.* канонир.

**КАНОНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое 1. черков қонун-қоидаларига асосланган; 2. || қат'ий деб ҳисобланган, асли деб қабул қилинган; **канонический текст** произведений Пúшкина Пушкин асарларининг қат'ий тексти.

**КАНОНИЧНЫЙ** = канонический 2 (*қ.*).

**КАНОССА**: итди в Канóссу (*эск.*) тавба қилмоқ; таслим бўлмоқ; ғолиблар олдида тиз чўкмоқ, ер ўлмоқ.

**КАНТ** I *м.* 1. жияк, мағиз; **брюки** с красным кантом икки ёнига қизил мағиз тutilган шим; 2. қирра, зиҳ; **рамка** с кантом зиҳ чиқариб ишланган рамка.

**КАНТ** II *м. черк.* диний мазмунда ёки бирор тантананага бағишлаб мадҳия ўқиш.

**КАНТАР** *м.* қинтор (Туркияда—56,45, Мисрда—44,93, Ҳабашистонда—45,36 килограммга тенг оғирлик ўлчови).

**КАНТАТА** *ж.* кантата (1. муз. тантанали руҳда ёзилган музыка асари, кўпинча хорга мўлжаллаб ёзилади; **кантата о Сталине** Сталин ҳақида кантата; 2. *ад.* тантанали руҳда ёзилган қадимий лирик ше'р).

**КАНТЕЛЕ** *ср. муз.* кантеле (карел-финларда чертиб чалинадиган музыка асбоби).

**КАНТЕЛИСТ** *м.* муз. кантелечи (кантеле чалучи созанда).

**КАНТИАНЕЦ** *м. филос.* кантчи, Кант философияси тарафдори.

**КАНТИАНСКИЙ**, -ая, -ое *филос.* **кантианец** ва **кантианство** сўз. *сиф.*: *қ.* кантианец ва кантианство.

**КАНТИАНСТВО** *ср. мн. нет филос.* кантчилик (немис философи Кант ва унинг тарафдорлари томондан яратилган дуалистик философик оқим; бу оқим нарсаларнинг онгдан мустақил равишда мавжудлигини э'тироф этиш баробарида уларни биллиб бўлмайди деб да'во қилди; реакция буржуа идеологлари ва уларнинг социал-демократик малайлари бу та'лимотдан марксизм-ленинизмга қарши кураш учун фойдаланардилар).

**КАНТИЛЕНА** *ж.* кантилена (1. *эск. ад.* франсуз ҳалқида қадимий лирик-эпик кўшиқ; 2. муз. музыка асарининг хушоҳанглиги, мулойимлиги).

**КАНТОВАТЬ** I *несов.* 1. мағиз тикмоқ, жияк тутмоқ; четига гир айлантириб бирор нарса тутмоқ; 2. зиҳ чиқармоқ, қирра чиқармоқ; қиррали қилли йўнмоқ (тарашламоқ, рандаламоқ).

**КАНТОВАТЬ** II *несов. махс.* юкни қиррасига кўтариб сурмоқ, силжитмоқ.

**КАНТОВКА** *ж. махс.* 1. *только ед.* кантовать фе'лининг ҳаракат

номи; 2. тош йўнадинан болгача ёки чўкичча.

**КАНТОН** *м* 1. Швейцарияга кирадиган айрим давлат; 2. Франция ва Бельгияда кичик ма'мурий район; 3. Кантон (Хитойда бир шаҳар).

**КАНТОНАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое кантон сўз. *сиф.*; кантонга оид, кантонга қарашли; кантональнóй гóрод кантон шаҳари, кантон маркази.

**КАНТОНИСТ** *м тар.* кантонист (кроспостнойик ҳуқуқи давридаги Россияда солдатларнинг ўғли шундай деб аталар эди; улар туғилган кундан ҳарбий ма'мурият ихтиёрига ўтиб куйи ҳарбий мактабда тарбияланар эдилар).

**КАНТОР** *м дин.* кантор (яхудийлар ибодатхонасида — диний ибодатларни куйлаб қироат қилучи).

**КАНУН** *м* 1. арафа; канун **пó-вого** гóда янги йил арафаси; 2. || арафа, бўсага; канун революцияи революция бўсагаси.

**КАНУТЬ** *сов.* 1. *эск.* чўкмоқ, чўммоқ, гарқ бўлмоқ; 2. || йўқолмоқ, зим-зиё бўлмоқ, дом-дараксиз йўқолиб кетмоқ, гойиб бўлмоқ; **кánуть в вéчнóсть** абадий йўқолмоқ; безрабóтица у нас кáнула в прóшлое бизда ишсизлик абадий йўқ бўлиб кетди; **♦ как в вóду кáну́ть** (*с. т.*) бедарак йўқолмоқ, ном-нишонаси ҳам қолмай йўқ бўлмоқ; он исчез, как в вóду кáнул у дом-дараксиз бўлиб кетди.

**КАНУФЕР** *м бот.* чиннигул, қаланфур.

**КАНФÓРКА** *жс қ.* камфóрка.

**КАНЦЕЛЯРИСТ** *м* 1. *эск.* канцелярия хизматчиси; 2. || *нафр.* бюрократ, тўра, расмиятчи.

**КАНЦЕЛЯ́РИЯ** *жс* (1. корхона ва муассасаларнинг ишжоритиш бўлими; 2. || *с. т.* ҳазл. идора, бир кишининг қоғоз-хужжатлари; 3. *собир.* идора ходимлари).

**КАНЦЕЛЯ́РСКИЙ**, -ая, -ое 1. канцеля́рия сўз. *сиф.*; канцелярияга оид, канцелярия учун белгиланган, канцеляриябоп; **канцеля́рский слóужащий** канцелярия хизматчиси; **канцеля́рский стол** канцеляриябоп стол; **канцеля́рские принадле́жности**

канцелярия асбоблари; 2. || *манф.* расмий, куруқ; канцеля́рский слог куруқ (расмий) услуб; **♦ канцеля́рский пóчерк** (*эск.*) текис, чиройли хат.

**КАНЦЕЛЯ́ЩИНА** *жс мн. нет с. т.* *манф.* қоғозбозлик, расмиятчилик.

**КА́НЦЕР** = рак II (*қ.*).

**КА́НЦЛЕР** *м* 1. *тар.* канцлер (ўрта асрларда — киролик канцелярияси ва архивнинг бошлиғи); 2. *государственный канцлер* давлат канцлери (чор Россиясида — олий мартаба); 3. канцлер (Швейцарияда — кантон кенгашининг секретари); 4. = лорд-кáнцлер; *қ.* лорд; 5. Германияда — 1945 йилгача бош министр, рейхсканцлер.

**КА́НЦЛЕРСКИЙ**, -ая, -ое кáнцлер сўз. *сиф.*; канцлерга оид; *қ.* кáнцлер.

**КАНЦÓНА** *жс* канцона (1. *муз.* миллий колорит сақланиб ёзилган солда музика асари; 2. *ад.* лирик ше'рнинг бир тури).

**КАНЦО́НЕТТА** *жс* канцона I сўз. *кичр. айт.*; *қ.* канцона I.

**КАНЬОН** *м* каньон (дар'ё ювиб кетган узун чуқур води, дара).

**КАНЮ́К** *м* 1. *зоол.* қарчиғайга ўхшаган йиртқич қуш; 2. *махл.* уккининг бир хили.

**КАНЮ́ЧИТЬ** *несов. содд.* *манф.* ҳадеб нолийвермоқ, фингшийвермоқ. ҳасратидан чанг чиқмоқ; ҳиқиллаб сўрайвермоқ.

**КАОЛÍН** *м мн. нет мин.* каолин (чиннигил, оқгил, чинни ясайдиган оқ лой).

**КАОЛИНИЗА́ЦИЯ** *жс мн. нет геол.* каолинизация, каолинга (чиннигилга) айланиш (дала шпатларининг нураш натижасида каолинга айланиши).

**КАОЛÍНОВЫЙ**, -ая, -ое каолин сўз. *сиф.*; каолинга, чиннигилга оид; каолиндан, чиннигилдан қилинган.

**КА́ПАТЬ** *несов.* 1. томмоқ, томчиламоқ; дур-дур оқмоқ; **дождь ка́плет** ёмғир томчиламоқда; из глаз е́б ка́пали слéзы кўзларидан дур-дур ёш оқар эди; со лба ка́пал пот пешонасидан тер оқмоқда эди; 2. то-

мизмоқ; **капать** лекарство дори томизмоқ; **3.** чакка ўтмоқ; крийша **каплет** томдан чакка ўтаётир; **◇** *не каплет (над кем-н.) (с. т.)* шошишга ўрин йўқ, ошиқмаса ҳам бўлади, кистов эмас.

**КАПЕЛЛА** *ж* капелла (1. *муз.* хор; **2.** *черк.* католикларда кичик ибодатхона; **3.** *черк.* католиклар ибодатхонасида хор ўрнашадиган жой); **◇** *а капелла (муз.)* музикаси ёлғиз хор ижросида ашула айтиш.

**КАПЕЛЛАН** *м черк.* капеллан (1. католикларда поп ёрдамчиси; **2.** Англияда хонадон черковининг попи).

**КАПЕЛЛІРОВАТЬ** *несов. тех.* олтин ва кумушни кўргошин блан бирга қиздириб, занглайдиган металлдан тозалamoқ.

**КАПЕЛЬ** **I** *ж мн. нет* томчи; чак-чак томчи; эриган қор сувининг чак-чак томиши; қор суви томчиси; весённая капель баҳор кезидаги чак-чак томчи.

**КАПЕЛЬ** **II** *ж тех.* суяк кулидан пресслаб қилинган қалин коса, олтин ва кумушни тозалашда ишлатилади.

**КАПЕЛЬДІНЕР** *м эск.* капельдинер (театрда тамошобинларнинг билетларини текширучи ходим).

**КАПЕЛЬКА** *ж I.* капля *сўз. кичр., эркл. айт.* заррадек томчи, майда томчи; **капелька росы** шабнам томчиси; **2.** *II* *только ед. с. т.* озгина, жиндак, қиттак, зигирдак, тариқдек, тариқча, зигирча, қатрача, заррача; **выпейте капельку** қиттак ичинг; **он съел самую капельку** у зигирдаккина еди; **3.** *нареч.* оз-моз, салпал, озгина. салгина, жиндаккина; **ни капельки сра, ҳеч, ҳечбир, биттаҳам, заррача ҳам; я не боюсь ни капельки мен ҳеч кўрқмайман; до капельки бир қатра қолгунча, бир томчи ҳам қолдирмай, сра ҳам қолдирмай; до капельки всё истрачено** бир қатра ҳам қолмади, сра ҳам қолмади, ҳаммаси сарф бўлиб кетди.

**КАПЕЛЬМЕЙСТЕР** *м муз.* капельмейстер (хор ёки оркестр раҳбари, дирижёр).

**КАПЕЛЬМЕЙСТЕРСКИЙ**, -ая, -ое *муз.* капельмейстер *сўз. сиф.;* капельмейстерга оид; капельмей-

стерская палочка капельмейстер чўпи.

**КАПЕЛЬНИК** *м I. мн.* = сталактит, сталагмит; *қ. 2.* сумалак (бўғотдаги, тарновдаги).

**КАПЕЛЬНИЦА** *ж макс.* томизғич (1. дори томизадиган тумшукчали шиша идиш ва шундай идишнинг тумшукчаси; **2.** резинка ва шиша найчадан иборат дори томизадиган асбоб, пипетка).

**КАПЕЛЬНОЖІДКИЙ**, -ая, -ое = капельный **II** (*қ.*).

**КАПЕЛЬНЫЙ** **I**, -ая, -ое *содд.* зигирдай, жимитдай, кичкинагина, увоққина, кип-кичкина.

**КАПЕЛЬНЫЙ** **II**, -ая, -ое *физ.* томчига ўхшаган, томчи ҳолидаги; **капельное состояние вещества** модданинг томчи ҳолати.

**КАПЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* капель **I** *сўз. сиф.;* капельная вода томчи сув, томчилаб тушган қор суви.

**КАПЕР** *м денг. эск.* капер (1. уруш вақтида ўз ҳукуматининг расмий ижозати блан душман савдо кемаларига босқинчилик қилиб юрчи хусусий кема; **2.** шундай кема эгаси).

**КАПЕРНЫЙ**, -ая, -ое, **КАПЕРСКИЙ**, -ая, -ое *капер сўз. сиф.;* каперга оид; *қ. капер.*

**КАПЕРСКИЙ** = каперный (*қ.*).

**КАПЕРЦЫ**, **КАПЕРСЫ** *мн. (ед. каперс м) I. бот.* кавар, ковул; **2. только мн.** каварнинг (ковулнинг) сиркаланган ва овқатга кўшиб ейладиган куртаклари.

**КАПИЛЛЯР** *м* капилляр (1. *физ.* жуда ингичка найча, қилнайча, тола найча; **2. анат.** энг майда қон томири, қилтомир; **3.** қилдек ингичка канал, мас., ўсимликда, тупроқда).

**КАПИЛЛЯРНОСТЬ** *ж мн. нет физ.* капиллярлик (сувнинг ингичка найчада ўз-ўзидан кутарилиши, идишдаги сувнинг бети қавариб туриши, суюқликнинг сизиб ўтиши ва ш. к. физик ҳодисалар); **капиллярность почвы (қ. х.)** тупроқнинг капиллярлиги (тупроқнинг қилдек ингичка найчалар орқали намликни тортиш хусусияти, бу хусусият намни сақ-

лаш учун ёрдам берадиган факторлардан биридир).

**КАПИЛЛЯРНЫЙ**, -ая, -ое капилляр сўз. *си.р.*; жуда ингичка, қилдек ингичка, капилляр (найча, канал, кавакча ва ш. к. ҳақида); капиллярные сосуды (*анат.*) капилляр томирлар (организмдаги жуда ингичка томирлар, қилтомирлар).

**КАПИТАЛ** *м* 1. *эк.* капитал (капиталистик жамиятда ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш асосида қўшимча қиймат олиш ва уни ўзлаштириш қуроли бўлиб хизмат қиладиган қийматлар мажмуи; **промышленный капитал** саноат капитали; **финансовый капитал** финанскapитали; **банковский капитал** банк капитали; **постонный капитал** доимий капитал, ўзгармас капитал; **переменный капитал** ўзгариш капитал; **основной капитал** асосий капитал; **оборотный капитал** оборот капитали, айланма капитал; **мертвый капитал** ётиб қолган капитал, ўлик капитал; **ростовщический капитал** судхўрлик капитали; **торговый капитал** савдо капитали; **накопление капитала** капиталнинг жамғарилиши, капитал жамғариш; **концентрация капитала** капиталнинг концентрацияланиши; *қ.* концентpация; 2. *только ед. собир.* капитал; капиталистлар; капитализм; **страны капитала** капитал мамлакатлари, капитализм мамлакатлари; **противоречия между трудом и капиталом** меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддиятлар; 3. *с. т.* капитал, маблағ, пул; 4. || энг қимматбаҳо нарса, капитал; „...из всех ценных капиталов, имеющих в мире, самым ценным и самым решающим капиталом являются люди, кадры“ (Сталин) „...ер юзидаги қимматли капиталлар орасида энг қимматли ва энг ҳал қилуши капитал — одамлар, кадрлардир“ (Сталин).

**КАПИТАЛИЗАЦИЯ** *ж* *мн.* *нет эк.* капитализация, капиталлаштириш (1. қўшимча қийматни капиталга айлантириш; 2. капиталистик корхона, ер ва ш. к. ларнинг қийматини улардан олинадиган йиллик даромадга қараб белгилаш).

**КАПИТАЛИЗИРОВАТЬ** *сов.* и *несов. эк.* капитализация қилмоқ, капиталлаштирмоқ; *қ.* капитализация.

**КАПИТАЛИЗИРОВАТЬСЯ** *сов.* и *несов. эк.* капитализация қилинмоқ, капиталлаштирилмоқ; *қ.* капитализация.

**КАПИТАЛИЗМ** *м* *мн.* *нет* капитализм (ёлланма ишчиларни эксплуатация қилишга асосланган буржуа тузумидир; бу тузумда ишлабчиқариш воситалари капиталистлар синфининг хусусий мулки бўлади ва улар учун фойда ордириш манбаи бўлиб, бошқаларнинг меҳнати орқасида вужудга келган қўшимча қийматни ўзлаштириб олиш манбаи бўлиб хизмат қилади; капитализм бир синфинг иккинчи бир синф томонидан эксплуатация қилинишига асосланган энг сўнги ижтимоий тузумдир); **гибель капитализма и победа коммунизма** неизбёжны капитализмнинг ҳалок бўлиши ва коммунизмнинг галаба қозониши муқаррардир; **монополистический капитализм** монополистик капитализм.

**КАПИТАЛИСТ** *м* капиталист (капитал эгаси, ёлланма меҳнат ҳисобига қўшимча қиймат олۇчи эксплуататор); **класс капиталистов** — класс угнетателей капиталистлар синфи — золимлар синфидир.

**КАПИТАЛИСТИЧЕСКИЙ**, -ое, -ая капитализм ва капиталист сўз. *си.р.*; капитализмга, капиталистка оид; капиталистик; капиталистическая печать капиталистик матбуот; капиталистический строй капиталистик тузум; капиталистическая система хозяйства капиталистик хўжалик системаси; капиталистическое окружение капиталистик қўршов; капиталистическое государство капиталистик давлат.

**КАПИТАЛОВЛОЖЕНИЕ** *ср эк.* капитал қурилишга ажратилган ёки сарф қилинган маблағ.

**КАПИТАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое капитал, асосий, муҳим; тубли, қимматли; катта; **капитальные приобретения** (*бухг.*) катта харид (асосий фондга кирадиган нарсаларни харид қилиш); **капитальный труд** катта (йирик) асар; **капитальный ремонт** тўлиқ ремонт,

асосий (катта) ремонт; **капитальное строительство** капитал қурилиш (социалистик халқ хўжалигида катта-катта корхона, темир йўл, кон, турли иншоотлар, мактаб, тураржой ва ш. к. қурилиши); **капитальная стена (банк.)** асосий девор (бинонинг асосий деворлари); **капитальная шахта** катта шахта; **перестроить работу капитальным образом** ишни тубдан қайта қурмоқ.

**КАПИТА́Н** *м 1. ҳарб.* капитан (СССРнинг қуруқликдаги қуроли кучларида ва ҳаво флотида — старший лейтенантдан юқори офицерлик унвони); *2. ҳарб. денг.* СССР денгиз флотида ўрта ва старший офицерларга бериладиган унвон; **капитан-лейтенант** капитан-лейтенант; *3. тар. ҳарб.* капитан (чор армиясининг пиеда аскарлари, артиллерия ва инженерлик қўшинларида штабс-капитандан юқори офицерлик унвони); *4. чет-эл армия* ва флотида турли офицерлик унвонлари; *5. денг.* капитан (пассажир ва савдо кемасида — кема бошлиғи); *6. спорт.* капитан (спорт командасининг бошлиғи); **капитан футбольной команды** футбол командасининг капитани.

**КАПИТА́Н-ЛЕЙТЕНА́НТ** *м ҳарб. денг. қ.* капитан 2.

**КАПИТА́НСКИЙ**, -ая, -ое **капитан сўз. сиф.**; **капитанский мостик** капитан кўприкчаси (кема палубасида баланд кўтарилган жой, кемани капитан шу жойда туриб бошқаради).

**КАПИТЕ́ЛЬ** *ж 1. арх.* устун қоши, капитель (устуннинг шипга ташган юқори қисми); *2. только ед. полнгр.* босмахона ҳарфларининг бир тури.

**КАПИТЕ́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое **капитель сўз. сиф.**; *қ.* капитель.

**КАПИ́ТУЛ** *м 1. черк.* католик епископи ҳузуридаги руҳонийлар коллегияси; *2. тар.* бирор орден (жамият) а'золарининг умумий мажлиси; *3. тар.* чор Россиясида — орденлар блан мукофотлаш ишларини бошқарган муассаса.

**КАПИТУЛІ́РОВАТЬ** *сов. и несов. 1. ҳарб.* капитуляция қилмоқ, таслим бўлмоқ, голиб томоннинг шартларини қабул қилиб урушни тўхтатмоқ; **вой-**

**скá** противника капитулировали душман қўшинлари капитуляция қилди, таслим бўлди; *2. || тан бермоқ, енгилганликни бўйинга олмоқ, таслим бўлмоқ (бахс, мунозара ва ш. к. ларда); 3. || чекинмоқ, орқага қайтмоқ; капитули́ровать *перед* тўбностями қийинчиликлардан қочиб, орқага қайтмоқ.*

**КАПИТУЛЯ́НТ** *м нафр.* капитулянт, таслимчи (капитуляцияга тайёр, қийинчиликлардан қўрқадиган, қурашда беқарор ва жур'атсиз одам).

**КАПИТУЛЯ́НТСКИЙ**, -ая, -ое *нафр.* капитуляцияга тайёр, таслимчи; таслимчиликдан иборат бўлган.

**КАПИТУЛЯ́НТСТВО** *ср мн. нет нафр.* таслимчилик; қийинчиликдан қўрқиб орқага қайтиш.

**КАПИТУЛЯ́ЦИЯ** *ж* капитуляция [*1. ҳарб. сифс.* таслим бўлиш, тиз чўкиш, голиб томоннинг шартларини қабул қилиб, урушни тўхтатиш; **безоговорочная капитуля́ция** сўзсиз капитуляция; *2. только мн. сифс.* капиталистик мамлакат блан ярим мустамлака ёки тоби' мамлакат ўртасидаги зўрма-зўраки шартнома; бу шартнома капиталистик мамлакатнинг тоби' мамлакатда яшовчи граждандарига катта имтиёзлар беради; *3. || тая бериш, енгилганликка иқдор бўлиш, бўйинга олиш, таслим бўлиш (бахс, мунозара ва ш. к. да); побеждённый в спóре, он вынужден был пойти на капитуля́цию баҳсда енгилб, ўз мағлубиятини бўйнига олишга мажбур бўлди].*

**КА́ПИЩЕ** *ср эск. 1.* мажусийлар ибодатхонаси; *2. || макон, ўчоқ.*

**КАПКА́Н** *м 1.* қопқон; *2. || ҳийла, макр; тузоқ; попа́сть* *в* капкан тузоққа тушмоқ, қармоққа илинмоқ, алданмоқ.

**КАПКА́ННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* капкан сўз. сиф.; қопқонга оид; қопқон қўйиб қилинадиган; **капканный промысел** қопқон ови; қопқон қўйиб ҳайвон овлаш.

**КАПЛУ́Н** *м* семиртирилган ахта хўроз.

**КА́ПЛЯ** *ж 1.* томчи, қатра; **влива́ть** *по* капле томчилаб қўймоқ; **ка́пля** *по* капле каменъ долбит (*матал*) томчилайверса тош тешн-

лур; тома-тома кўл бўлур; капли дожді ёмғир томчилари; **2.** *только мн. мед.* томизғи дори, томизиладиган дори; **3.** *с. т.* жуда оз, озгина, зигирдак; сра; **в нём нет ни капли притворства** унда сра мўтомбирлик йўқ; **4.** *ни капли нареч. с. т.* мутлақо, сра ҳам, ҳеч ҳам, озгина ҳам, заррача ҳам, зигирдак ҳам, қиттак ҳам; **я ни капли не устал** мен сра чарчамадим, сра чарчаганим йўқ; **○ капли в море** денгиздан бир қатра, дар'ёдан бир томчи; **как две капли воды** бир туки ҳам ўзга эмас, худди ўзи, қуйиб қўйгандек (битта олмани иккига бўлгандек) бир-бирига ўхшаш; **капли в рот не брать** (*с. т.*) ичкиликни озига олмаслик; **до капли** (*с. т.*) таги-тугигача, бир томчи қолдирмасдан; **до последней капли крови** (бiтсья, сражасья) бир томчи қон қолгунча урушмоқ.

**КАПНУТЬ** *однокр. қ.* капать.

**КАПОНІР** *м* ҳарб. капонир (1. *эск.* штурм вақтида хандақдан ўтишга интилган душманни ўққа тутиш учун хандақ ичига қурилган мудофаа иншооти; **2.** мустаҳкамланган майдонда душманни биқинидан ўққа тутиш учун қурилган пулемёт ёки тўп уяси).

**КАПОР** *м* капор (хотин-қиз ёки болаларнинг қишда кийиладиган боғили бош кийими).

**КАПОТ I** *м* *эск.* капот (хотинларнинг уй ичида киядиган ятакбичим кўйлаги).

**КАПОТ II** *м* *тех.* капот (1. двигатели чангдан, оби-ҳаво та'сирдан сақлайдиган қопқоқ; капот автомобиля автомобиль двигателининг капоти; **2.** самолёт моторининг суйри қопқоғи; **3.** қишда двигательларга ёпинтириладиган пахталик ёпик).

**КАПОТАЖ** *м* = капотирование (*қ.*).

**КАПОТИРОВАНИЕ** *ср* самолётнинг, автомобильнинг умбалақ ошиб, тўнтарилиб тушиши.

**КАПОТИРОВАТЬ** *сов. и несов.* умбалақ ошиб, тўнтарилиб тушмоқ (самолёт, автомобиль ҳақида).

**КАПРАЛ** *м* ҳарб. капрал (чор армиясида ва ба'зи четёл армияла-

рида энг кичик командир ёки солдат унвони).

**КАПРАЛЬСКИЙ, -ая, -ое** капрал *сүз. сиф.; қ.* капрал.

**КАПРИЗ** *м* 1. инжиқлик, мижғовлик, ноз, хархаша; **д'тские капризы** болалар хархашаси; **2.** || тихирлик, терслик, акслик; оҳанжамдорлик; антиқийлик; капризы погоды ҳавонинг терслиги, акслиги.

**КАПРИЗНИК** *м с. т.* инжиқ, серхархаша, мижғов.

**КАПРИЗНИЦА** *ж* *қ.* капризник.

**КАПРИЗНИЧАТЬ** *несов.* 1. инжиқлик қилмоқ, мижғовлик қилмоқ, нозланмоқ, хархаша қилмоқ; **2.** || тихирлиги тутмоқ, аксига олмоқ, терслик қилмоқ; **мотор капризничает** моторнинг тихирлиги тутаяпти, мотор тихирлики қилаяпти.

**КАПРИЗНЫЙ, -ая, -ое** 1. инжиқ, мижғов, серхархаша; нозли; тихир; **капризный ребёнок** серхархаша бола; **2.** || терс, акс; дарров ўзгариб (айниб) қоладиган; **капризная река** тслба дар'ё; **капризная погода** дарров ўзгариб қоладиган оби-ҳаво, акс ҳаво; **3.** || оҳанжамали, галати; антика; сирли; **капризная архитектура** оҳанжамали архитектура.

**КАПРИФЛИЙ** *м бот.* каприфоллий (учқатгуллилардан бўлган декоратив ўсимлик).

**КАПРИЧЧИО, КАПРИЧЧО** *ср* *нескл.* муз. каприччо (эркин услубда ёзилган шўх музика асари).

**КАПРОН** *м* *махс.* капрон (1. аминокпрон кислотадан олинадиган пишиқ ва чиримайдиган сун'ий тола; **2.** шундай толадан тўқилган газлама, пайпоқ ва ш. к. лар).

**КАПРОНОВЫЙ, -ая, -ое** капрон *сүз. сиф.;* капронга оид; капрондан қилинган.

**КАПСУЛА** *ж* капсула (1. ютиладиган дориларнинг желатин, қоғоз ёки крахмалдан қилинган филофчаси; **касторка в капсулах** капсулалари касторка; **2. анат.** турли органларни ёки уларнинг айрим қисмларини ўраб олган парда).

**КАПСУЛЬ** = капсюль (*қ.*).

**КАПСЮЛЬ** *м* 1. ҳарб. капсюль, пистон; подрывной капсюль порт-

латучи капсюль (портловчи модда блан тўлдирилган ва портлатиш ишларида қўлланиладиган найча); **капсюль дистанционной трубки** дистанция найчасининг пистони; **2. махс.** вино бутилкасининг қалайи қопоғи.

**КАПСЮЛЬНЫЙ**, -ая, -ое **капсюль с.ўз. сиф.**; пистонли; **капсюльное ружьё** пистонли милтиқ (оғзидан ўқланиб, капсюль воситаси блан отиладиган милтиқ).

**КАПСЮЛЯ** *ж қ.* **капсула** 1 ва **капсюль**.

**КАПТАЖ** *м мн. нет тех.* каптажув (1. булоқ сувини ёки нефтьни қувур ичига олиш; 2. шу мақсадда булоқ бошига қурилган иншоот; 3. нефть қудуғидан отилиб чиқаётган фонтанни идора қиладиган махсус қурилма).

**КАПТЕНАРМУС** *м ҳарб.* каптенармус (аскарий қисмларнинг хўжалик бўлимида озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурол-аслаҳа олиш, сақлаш ва бериш блан шугулланучи ҳарбий хизматчи).

**КАПТИРОВАТЬ** *сов. и несов. тех.* каптаж қилмоқ (булоқ сувини ёки нефтьни қувур ичига олмақ).

**КАПТИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов. тех.* каптаж қилинмоқ, қувур ичига олинмоқ (булоқ суви ва нефть ҳақида).

**КАПУСТА** *ж мн. нет* **карам; цветная капуста** гулкарам; **кислая капуста** тузланган карам; **♦ злая капуста** (*бот.*) майда карамга ўхшаш, барги қалин ўсимлик.

**КАПУСТНИК** *м* 1. **маҳл.** карам пайкали, карамзор; 2. **зоол.** карам қурти; 3. карамдан қилинган ёки карам солинган овқат.

**КАПУСТНИЦА** *ж зоол.* карам капалаги.

**КАПУСТНЫЙ**, -ая, -ое 1. **капуста с.ўз. сиф.**; карамга оид; **капустный лист** карам барги; 2. карам солинган, карамдан қилинган; **капустные котлеты** карам котлети; 3. карамда яшайдиган ва унинг баргига зарар етказадиган; **капустная блоха** (*зоол.*) карам бургаси; **капустная моль** (*зоол.*) карам куяси.

**КАПУТ** *м нескл. с. т. ҳазл.* тамом бўлиш, одойи-тамом бўлиш, барбод бўлиш, тугаш; **капут ему пришёл** у барбод бўлди, тугади; ўлди; **тут ему и капут!** энди у тамом бўлди!

**КАПУЦЫН** *м* 1. **черк.** католикларда тарки дун'ё қилган монахлар орденининг а'зоси; 2. **эск.** тумоқли маскарад кийими; 3. **зоол.** Америкада яшайдиган кенгтушук маймун; 4. **бот. қ.** настўрция.

**КАПЮШОН** *м* капюшон (усткия кийим ёқасига бириктириб тикилган қалпоқ).

**КАРА** *ж* жазо.

**КАРАБАЙР** *м* қорабайир (от).

**КАРАБЫН** *м* карабин (1. **ҳарб.** қисқа стволли милтиқ; 2. **махс.** пружинали илгак).

**КАРАБИНЕР** *м* карабинер (1. **ҳарб. эск.** карабин блан қуролланган солдат; 2. Италияда отлиқ жандарм).

**КАРАБКАТЬСЯ** *несов. с. т. ўрмалаб чиқмоқ, тирмашиб чиқмоқ, чирмашиб чиқмоқ; карабкаться по скалам* қоя тошларга тирмашиб кўтарилмоқ.

**КАРАБУРЫ** *мн., ед. нет махс.* қорабура (ичига тош, шағал солиб боғланган шох, қамиш ва ш. к. лар; тўғонни ва ариқ четларини мустаҳкамлаш учун ишлатилади).

**КАРАВАЙ** *м* катта думалоқ бўлка нон; **на чужой каравай рта не разевай** (*мақол*) бировнинг нарса-сига кўз олайтирма.

**КАРАВАН** *м* 1. карвон; **морской караван** денгиз карвони; **караван верблюдов** туя карвони; 2. || гала; **караван журавлей** турналар галаси.

**КАРАВАННЫЙ**, -ая, -ое **караван с.ўз. сиф.**; **караванный путь** карвон йўли.

**КАРАВАН-САРАЙ** *м* карвонсарой.

**КАРАВАНЩИК** *м с. т.* карвон; карвонбоши.

**КАРАВЕЛЛА** *ж эск. денг.* каравелла (ўрта асрларда — уч ёки тўрт мачтали елкан кема).

**КАРАГАЧ** *м* қайрағоч.

**КАРАГАЧЕВЫЙ**, -ая, -ое **карагач с.ўз. сиф.**; қайрағочга оид, қайра-

гочдан қилинган; карагачевые лесá қайрағочзор.

**КАРАДРІНА** *ж зоол.* карадрина (ғўзага ва умуман қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказадиган ҳашарот).

**КАРАЁМОСТЬ** *ж мн. нет юр.* жазога тортилиш-тортилмаслик; жазо даражаси.

**КАРАЁЕМЫЙ**, -ая, -ое *юр.* жазога тортиладиган.

**КАРАҚАЛ** *м зоол.* қорақулоқ.

**КАРАҚАЛПАҚ** *м* қорақалпоқ, қорақалпоғистонли.

**КАРАҚАЛПАКИ** *мн. (ед. карақалпак м, карақалпачка ж)* қорақалпоқлар, қорақалпоқ халқи.

**КАРАҚАЛПАҚСКИЙ**, -ая, -ое карақалпак ва Карақалпакия сўз. сиф.; қорақалпоқларга ва Қорақалпоғистонга оид; карақалпакский язи́к қорақалпоқ тили.

**КАРАҚАЛПАЧКА** *ж* қорақалпоқ аёл.

**КАРАҚАТИЦА** *ж 1. зоол.* карақатига (денгиз моллюскаларининг бир тури); *қ. моллюски;* **2.** *н с. т. ҳазл.* маймоқоёқ, лапанглаб юрадиган (одам ёки ҳайвон).

**КАРАҚОВЫЙ**, -ая, -ое қоратўриқ қанва ёки човқар (от).

**КАРАКУЛЕВОДСТВО** *ср* қорақулчилик.

**КАРАКУЛЕВЫЙ**, -ая, -ое **1.** каракуль сўз. сиф.; қорақулга оид; **каракульский** мех қорақул тери; **2.** қорақулдан қилинган; **каракулевая** шапка қорақул телпак.

**КАРАКУЛЬ** *м мн. нет* қорақул, қорақул тери.

**КАРАКУЛЬСКИЙ**, -ая, -ое каракуль сўз. сиф.; каракульские овцы қорақул қўйлар.

**КАРАКУЛЬЧА** *ж мн. нет* қорақулча (вақтидан илгари туғилган қорақул қўзисининг териси).

**КАРАКУЛЯ** *ж* қингир-қийшиқ ёзув, ажи-бужи хат; дётские каракули болаларча ажи-бужи хат; писать каракулями ажи-бужи ёзмоқ.

**КАРАҚУРТ** *м* қорақурт.

**КАРАМЕЛЬ** *ж мн. нет* карамель (1. *собир.* бир хил конфет; 2. *мах.*

шакар, ундирилган арпа, бугдой ва ш. к. ни қиздириб ҳосил қилинадиган қорамтир модда; вино, пиво, шакарпазлик моллари ва ш. к. га ранг бериш учун ишлатилади).

**КАРАМЕЛЬКА** *ж с. т.* бир дона карамельли конфет.

**КАРАМЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое карамель сўз. сиф.; карамельга оид, карамельли; карамель ишлаб чиқарадиган; карамельное производство карамель ишлаб чиқариш; карамель ишлаб чиқарадиган корхона.

**КАРАМОРА** *ж зоол.* карамора (узуноёқ чивин).

**КАРАНДАШ** *м 1.* қалам, карандаш қалам; химический карандаш сиёҳ қалам; цветные карандаши рангли қаламлар; **2.** *только ед. с. т. снт.* қалам блан расм солиш; қалам блан солинган расм; **отдёл карандаш на выставке** кўргазмада қалам блан солинган суратлар бўлими.

**КАРАНДАШНЫЙ**, -ая, -ое **1.** карандаш сўз. сиф.; қаламга оид; қалам ишлаб чиқарадиган; **карандашная фабрика** қалам фабрикаси; **2.** қалам блан ишланган; **карандашный рисунок** қалам блан ишланган расм.

**КАРАНТИН** *м* карантин (1. юқумли касал тарқаган жойдан келган кишиларни, кема ва молларни медицина куригидан ўтказиш пункти; **2.** юқумли касалларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун шундай касал блан огриган ва улар блан алоқадан бўлган кишиларни вақтинча бошқалардан ажратиб медицина назорати остига олиш; **установить карантин** карантин эълон қилмоқ).

**КАРАНТИННЫЙ**, -ая, -ое карантин сўз. сиф.; карантинные мёры; карантин тадбирлари; **карантинный пункт** карантин пункти.

**КАРАПУЗ** *м с. т. ҳазл.* **1.** дўндикча, лўппи, дўндиқ, дўмбоқ (бола); **2.** миқти, бақалоқ (киши).

**КАРАСЁВЫЙ**, -ая, -ое, **КАРАСИЙ**, -ья, -ье **1.** карась сўз. сиф.; товонбалиққа оид; **карасёвая икра** товонбалиқ икриси, товонбалиқ тухуми; **2.** товонбалиқдан тайёрланган; **карасёвая уха** товонбалиқ шўрваси.

**КАРАСИЙ** = карасёвый (қ.).

**КАРАСЬ** *м* 1. зоол. товопбалиқ; 2. *с. т.* бұшанг, содда, гүл одам.

**КАРАТ** *м* *мах.* қирот (асл тошлар ұлгови; тахминан 0,2 граммга тенг); бриллиант в два карата икки қирот огирлиқдаги бриллиант.

**КАРАТЕЛЬ** *м* *нафр.* меҳнатқашларни шафқатсиз жазоловчи жандарм, полиция; жазо отрядининг а'зоси.

**КАРАТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое жазога оид; карательный отряд жазо отряди (чор Россиясида ва капитал мамлақатларида меҳнатқашларни шафқатсиз жазоловчи ҳарбий-полиция отряди).

**КАРАТЬ** *несов.* жазоламоқ, жазо бермоқ.

**КАРАТЬСЯ** *несов.* жазоланмоқ, жазо берилмоқ; "... в нашей стране проявление расовой ненависти карается законом" (Сталин) "...бизнинг мамлақатимизда ҳарқандай ирқий душманлик қилганларга қонунга мувофиқ жазо берилади" (Сталин).

**КАРАУЛ** *м* 1. *ҳарб.* қоровул (қоровуликдаги ҳарбий бўлима); *врёмный караул* вақтли қоровул; *гарнизонный караул* гарнизон қоровули; *выставить караул* қоровул қўймоқ; 2. *почётный караул* фахрий қоровул (расмий маросимларда); 3. *ҳарб.* қоровуллик; *нести караул* қоровуллик қилмоқ; *стоять на карауле* қоровулликда турмоқ; 4. *эск.* қоровулхона; 5. *межд. с. т.* караул! дод!, вой-дод!; *кричать караул* додламоқ, шовқин кўтармоқ; *◇ хоть караул кричи* (*с. т.*) дод десанг ҳам, вой-дод десанг ҳам; дод дегинг келади; *взять на караул* (*ҳарб.*) милтиқни ма'лум вазиятга олиб табриқламоқ; *на караул!* (*ҳарб.*) шу тартибда табриқлаш учун бериладиган команда.

**КАРАУЛИТЬ** *несов.* 1. қўриқламоқ; караулить склад омборни қўриқламоқ; караулить стадо от волков подани бўридан қўриқламоқ; 2. *с. т.* пойламоқ, кутмоқ, пойлаб (кутиб) турмоқ.

**КАРАУЛКА** *ж* *с. т.* қоровулхона.

**КАРАУЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *ҳарб.* 1. караул 1, 2, 3, 4 сўз. *сиф.*; карaulное помещенье қоровулхона;

2. *сущ.* караульный м қоровул, соқчи, пойлоқчи (солдат); под охраной караульных қоровуллар кўриги остида; 3. *сущ.* караульная *ж* қоровулхона.

**КАРАУЛЬЩИК** *м* *мах.* қоровул, соқчи, посбош.

**КАРАЧКИ:** на карачках эмақлаб, тўрт оёқлаб; *пóлзатъ на карачках* эмақлаб юрмоқ, тўрт оёқлаб юрмоқ; *стать на карачки* тўрт оёқлаб турмоқ.

**КАРАЧУН:** карачун пришёл (*с. т.*) ўлди, ўлиб қолди, ажали етди, ажал келди, одойи-гамом бўлди.

**КАРАЮЩИЙ**, -ая, -ее жазоловчи, жазо беручи.

**КАРБАС** *м* *денг.* карбас (Оқ денгизда ва унга қуйиладиган дар'ёларда — эшакли ёки елканли катта чуқур қайиқ, кемача).

**КАРБИД** *м* *хим.* карбид (металларнинг углерод блан бирикмаси; жуда қаттиқ ва кристалланган модда); карбид желёза темир карбиди; карбид кальция кальций карбиди.

**КАРБИДНЫЙ**, -ая, -ое карбид сўз. *сиф.*; карбидга оид; карбид ишлаб чиқарадиган; карбиддан фойдаланадиган; карбидные пёчи карбид ишлаб чиқарадиган пёчлар; карбидная лампа карбид лампа.

**КАРБОКСИЛ** *м* *хим.* карбоксил (водород, кислород ва углероддан иборат бўлган ва турли карбон кислоталар таркибига кирадиган химик группа).

**КАРБОКСИЛЬНЫЙ:** карбоксильная группа = карбоксил (*қ.*).

**КАРБОЛЕИН** *м* *хим.* карболеин (қипиқ ёки кўмир хокасини қорамойга қориб тайёрланадиган сун'ий ёқилғи).

**КАРБОЛИТ** *м* *тех.* карболит (формалин ва карбол кислотадан тайёрланадиган пластмасса; тугмача, изолятор ва машина қисмлари яшаш учун ишлатилади).

**КАРБОЛКА** *ж* *лн.* нет *с. т.* = карболовая кислота; *қ.* карболовый.

**КАРБОЛОВЫЙ:** карболовая кислота (*хим.*) карбол кислота (тошқу-

мир смоласидан олинадиган ёки сун'ий равишда тайёрланадиган органик модда, оддий фенол; техникада портловчи моддалар, бўёқ, бакелит тайёрлаш учун, медицинада дезинфекция мақсадлари учун ишлатилади).

**КАРБОН** *м геол.* карбон (тошкўмир даври; ўша даврда ҳосил бўлган тошкўмир қатламларига кўра шундай аталган).

**КАРБОНАРИЙ** *м тар.* карбонар (XIX аср бошларида Италияда французлар ҳукмронлигига қарши курашган яширин революцион ташкилот а'зоси).

**КАРБОНАТЫ** *мн. (ед. карбонат м)* карбонатлар (1. *хим.* карбонат кислотанинг тузлари, мас., сода, поташ ва шу қабилар; 2. *мин.* таркибида карбонат ангидрид бўлган минераллар; 3. *мин.* қора олмослар).

**КАРБОНИЗАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* карбонизация *сўз. сиф.*; карбонизацияга оид, карбонизация учун хизмат қиладиган; **карбонизационная** камера карбонизация камераси.

**КАРБОНИЗАЦИЯ** *ж мн. нет* карбонизация (1. *тех.* ҳавосиз қиздириб кўмирга айлантириш; ҳайдаш; 2. *тех.* мойни писта кўмирдан ўтказиб тозалаш; 3. *т. с.* юнг матани минерал кислота воситаси блан тозалаш).

**КАРБНИЗИРОВАТЬ** *сов. и нес.* карбонизация қилмоқ (1. *тех.* кўмирга айлантирмоқ; ҳайдамоқ; 2. *тех.* мойни писта кўмирдан ўтказиб тозаламоқ; 3. *т. с.* юнг маталарни минерал кислота блан тозаламоқ).

**КАРБОНИТ** *м хим.* карбонит (нитроглицерин, сули уни ва селитрандан иборат портловчи модда).

**КАРБОУНД** *м хим. тех.* карборунд (кремний карбиди; қайроқ, чарх, жилвир ва ш. к. лар яшаш учун ишлатиладиган жуда қаттиқ модда).

**КАРБОУНДОВЫЙ**, -ая, -ое карборунд *сўз. сиф.*; карборундга оид, карборунддан қилинган; карборунд ишлаб чиқарадиган; **карборундовый** завод карборунд заводи.

**КАРБУНКУЛ** I *м мед.* карбункул, ҳўппоз (чипқоннинг бийи).

**КАРБУНКУЛ** II *м мин.* қизил ёқут (асл тош).

**КАРБУНКУЛЁЗНЫЙ**, -ая, -ое *мед.* карбункул I *сўз. сиф.*; карбункулга, ҳўппозга оид; **карбункулёзный** нариб ҳўппоз; **карбункулёзная** горячка ҳўппоз иситмаси.

**КАРБЮРАТОР** *м тех.* карбюратор (ички ёнишли двигательларда иш қоришмасини, я'ни ёнишли буглари блан ҳаво аралашмасини тайёрлаб берадиган асбоб).

**КАРБЮРАЦИЯ** *ж мн. нет тех.* карбюрация (ички ёнишли двигательларда иш қоришмасининг, я'ни ёнишли буглари блан ҳаво аралашмасининг тайёрлиниш процесси).

**КАРБЮРИЗАТОР** *м тех.* карбюратор (цементация қилиш, я'ни пўлатнинг сиртки қатламига карбон сингдириш процессида ишлатиладиган материал, мас., пистакўмир блан ишқор аралашмаси); **қ. цементация**.

**КАРБЮРИРОВАТЬ** *сов. и нес.* *тех.* карбюрация қилмоқ (иш қоришмаси, я'ни ёнишли буглари блан ҳаво аралашмасини тайёрламоқ).

**КАРГА** *ж 1. маҳл.* қарға; 2. *с. т. манф.* шум кампир.

**КАРГО** *ср денг. 1.* кема юки; 2. кема юкини страхование қилиш.

**КАРДА** = игольчатая лѐнта; **қ. игольчатый** I.

**КАРДАМОН** *м мин. нет* кардамон, ҳил (1. занжабилгуллилар оиласига кирадиган ўсимлик; 2. шу ўсимликнинг медицинада ва зиравор сифатида ишлатиладиган хушбўй уруғи).

**КАРДАМОННЫЙ**, -ая, -ое кардамон *сўз. сиф.*; кардамонга, ҳилга оид; кардамон қўшилган.

**КАРДАН** *м тех.* кардан (автомобильда ва умуман машиналарда ошиқ-мошиқсимон механизм; бу механизм икки ўқнинг ўзаро кичик бурчак ҳосил қилиб айланишига йўл қўяди).

**КАРДАННЫЙ**, -ая, -ое *тех.* карданли, кардан; **карданний** вал кардан вал; **карданная** передача карданли узатма, кардан узатма.

**КАРДИНАЛ** *м кардинал (1. черк.* католиклар черковида энг юқори руҳонийлик рутбаси; 2. *махс.* бир

хил қизил бўёк; **3. зоол.** Америкада яшайдиган қизил қанотли қуш).

**КАРДИНАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое аҳамиятли, энг туб, асосий, муҳим; **кардинальный** вопрѳс асосий масала; **кардинальное** числѳ (*мат.*) миқдорий сон (*мас.*); беш; бешинчи тартиб сон бўлади).

**КАРДИНАЛЬСКИЙ**, -ая, -ое кардинал 1 сўз. *сиф.*; **кардинальский** сан кардиналлик рутбаси.

**КАРДИОГРАММА** *ж физиол.* кардиограмма (юрак ҳаракатининг чизма тасвири).

**КАРДИОГРАФ** *м физиол.* кардиограф (юрак ҳаракатини чизма равишида ёзиб оладиган асбоб).

**КАРДИОГРАФИЯ** *ж физиол.* кардиография (юрак ҳаракатини маҳсус асбоб ёрдами блан қоғозга чизиш).

**КАРДИТ** *м мед.* кардит (юрак касали).

**КАРДНЫЙ**: **кардная** лѳнта = игѳльчатая лѳнта; *қ.* игѳльчатый; **кардная** машинa = **чесальная** машинa; *қ.* **чесальный**.

**КАРЁ** *ср нескл. эск. ҳарб.* каре (душман отлиқларининг гир-атрофдан қилган ҳужумига қарши пиёда аскарларнинг тўртбурчак шаклида саф тортиши).

**КАРЁЛ** *м карел.*

**КАРЁЛКА** *ж карел аёл.*

**КАРЁЛЫ** *мн. (ед. карёл м, карёлка ж)* кареллар, карел халқи.

**КАРЁЛЬСКИЙ**, -ая, -ое карёл ва Карёлия сўз. *сиф.*; карелларга ва Карелияга оид; **карёльский** язйк карел тили; **Карёльская берёза** карел қайини (қайинининг қимматбаҳо нави).

**КАРЁТА** *ж* карета (тўрт филди-ракли, ёпиқ енгил арава); **Карёта скрѳой пѳмощи** тез ёрдам машинаси, араваси.

**КАРЁТКА** *ж* каретка (**1.** карёта сўз. *кичр. айт.*; **2. тех.** автомобиль ва тракторда — тезликни ўзгаргучи механизмнинг қўшалоқ қилиб ясалган силжима шестеряси; **3. тех.** ёзув машинкасида силжима қисм; **4. тех.** умуман механизм ва машиналарнинг силжима қисмлари).

**КАРЁТНИК** *м* каретасоз, араवासоз.

**КАРЁТНЫЙ**, -ая, -ое карёта сўз. *сиф.*; каретага оид; **карётный** сарай карета турадиган бостирма.

**КАРИАТИДА** *ж арх.* кариатида (устун ёки колонна вазифасини бажарадиган ҳайкал).

**КАРИЕС** = карибѳз (*қ.*).

**КАРИЙ**, -ая, -ее қора тўриқ; **карий** лошадъ қора тўриқ от; **карие** глазa қўй кўз.

**КАРИКАТУРА** *ж* карикатура (**1. снт.** ҳажвий расм; **политическая** карикатура сиёсий карикатура, сиёсий темадаги ҳажвий расм; **2. ад.** ҳажвий асар; **3. ўхшовсиз** тақлид; ўхшамаган нарса).

**КАРИКАТУРИСТ** *м снт.* карикатурачи (ҳажвий сурат солучи рассом).

**КАРИКАТУРНЫЙ**, -ая, -ое **1.** карикатура сўз. *сиф.*; ҳажвий; **каррикатурный** стиль карикатура услуби; **2.** кулгили, галати; **каррикатурная** ви'шность галати қиёфа; **представитъ** (кого-что-н.) **в** каррикатурном ви'де кулгили қиёфада кўрсатмоқ; **производитъ** каррикатурное впечатлѳние кулгили таассурот қолдирмоқ.

**КАРИѳЗ** *м мед.* кариоз (тиш ёки суякнинг чириши).

**КАРИѳЗНЫЙ**, -ая, -ое *мед.* чириган, кариоз блан огриган; **кариѳзный** зуб чириган тиш.

**КАРИОКИНѳЗ** *м биол.* карокинез (она ҳужайра ядросининг бола ҳужайралар ўртасида баббаравар тақсимланиб бўлиниши; ҳайвон ва ўсимлик ҳужайраларининг кўпчилиги шу йўсинда бўлиниб кўпаяди).

**КАРИѳЛОГИЯ** *ж мн. нет биол.* кариология (ҳужайра ядроси ҳақидаги та'лимот).

**КАРИѳПЛАЗМА** *ж биол.* кариоплазма (ҳужайра ядросининг плазмаси).

**КАРКАНЬЕ** *ср 1.* қағиллаш (қарга ҳақида); **2. || манф.** валдираш, ёмон нафас қилиш, ёмонликдан, бахтсизликдан, фалокатдан хабар, дарак бериш.

**КАРКАС** *м* каркас (1. *бнк.* бино, ишоот, дирижабль ва ш. к. ларинг ёғоч ёки металл синчлари, скелети; *каркас* здания бино синчи (каркаси); 2. матадан қилинган нарсаларнинг, мас., соявоннинг ўзаги, қовургаси; 3. *тех.* автомобиль покришкасида — дамланган ҳаво босимига чидам берадиган пишиқ ип тўқима қатлами; 4. *|| снт.* бадий асар ёки расминг плани; 5. *бот.* қайрағоч оиласидан бирхил дарахт — шамшод; „железное дерево“ деб ҳам аталади).

**КАРКАСНЫЙ**, -ая, -ое каркас сўз. *сиб.*: каркаси, синчли; каркасная стена синч девор.

**КАРКАТЬ** *несов.* 1. қағилламоқ (қарга ҳақида); 2 *|| с. т. манф.* валдирамоқ, ёмон нафас қилмоқ, ёмонликдан, бахтсизликдан, фалокатдан хабар, дарак бермоқ; *бўдет тебе кәркатъ!* ҳадеб валдирайверма!; ёмон нафас қилаверма!; *огзингга тош!*

**КАРКНУТЬ** *однокр.* қ. кәркатъ.

**КАРЛА** *м* эск. қ. кәрлик.

**КАРЛИК** *м* 1. пак-пакана (митги, кичкина) одам; 2. *|| бирор* кишига нисбатан арзимас, пашмалоқ одам.

**КАРЛИКОВЫЙ**, -ая, -ое пакаана, пак-пакана, пастак; кәрликовые растения пастак ўсимликлар; кәрликовая сосна пастак қарагай; кәрликовый рост пастак бўй.

**КАРЛИЦА** *ж* эск. пак-пакана аёл, митти аёл.

**КАРМАЗИН** *м* *мн.* *нет* қирмизи мовут.

**КАРМАЗИННЫЙ**, -ая, -ое қирмизи, очқизил.

**КАРМАН** *м* 1. кеса, чўнтак; боковий карман ён чўнтак; *внутренний карман* ички чўнтак; 2. кармон (чамадон ёки портфель чўнтаги); 3. *|| с. т.* ҳам'ён (давлат, бойлик, имкон ма'носида); *бить по карману* ҳам'ёнга зарар етказмоқ; *набить карман* ҳам'ённи тўлдирмоқ; *не по карману* қурб келмайди, ҳам'ён кўтармайди; *у него толстый карман* унинг ҳам'ёни дўшмайган, бели бақувват, пули кўп; *тощий карман* ҳам'ёни пуч, пуч ҳам'ён, қуруқ ҳам'ён; *◇ держй карман шйре* (*с. т.*) хомтама' бўлма; *не лезть за слоб-*

*вом в карман* қ. лезть; *положить (класть) в карман* (*с. т.*) ўзиники қилиб олмоқ, эга чиқмоқ, чўнтакка урмоқ.

**КАРМАННИК** *м* *содд.* кисавур, чўнтаккесар.

**КАРМАННЫЙ**, -ая, -ое 1. карман сўз. *сиб.*: карманна *выкройка* чўнтак бичиги; 2. чўнтакда, ёнда олиб юриладиган, чўнтаки; *карманные часы* ён соат, чўнтак соат; *карманный словарь* чўнтаки луғат; *◇ карманные расходы* (*с. т.*) майда харажат; чой чақа; *карманная артиллерия* (*ҳарб.*) қўл гранатаси; *карманный вор* = карманник (*қ.*).

**КАРМАНЧИК** *м* карман 1 ва 2 сўз. *кичр., эрк. айт.*: кичкинагина чўнтак; кичкина кармон.

**КАРМАНЬОЛА** *ж* *мн.* *нет тар.* карманьола (1. француз буржуа революцияси давридаги революцион қўшиқ; 2. шу қўшиқ блан бажариладиган рақс; 3. якобинчилар кийими).

**КАРМАШЕК** *м* карман 1 ва 2 сўз. *кичр. айт.*; кичик чўнтак, кичик кармон.

**КАРМИН** *м* кармин (кошениль деб аталадиган ҳашаротдан олинадиган очқизил бўёқ; тўқимачилик санотида, рассомликда ва косметикада ишлатилади).

**КАРМИННЫЙ**, -ал, -ое кармин сўз. *сиб.*: карминный цвет очқизил, қирмизи ранг.

**КАРНАВАЛ** *м* карнавал, сайил; *первомайский карнавал* Биринчи май сайили; *новогодний карнавал* янги йил карнавали.

**КАРНАВАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое карнавал сўз. *сиб.*: карнавальное шествие карнавалчилар юриши; *карнавальный костюм* карнавал кийими.

**КАРНИЗ** *м* 1. *арх.* карниз (бўғот, шип остида; ойна, эшик тепасида); 2. карниз (ойна, эшик тепасидаги парда осиб қўйиладиган дор).

**КАРОТЭЛЬ** *ж* *мн.* *нет бот.* мушак сабзи (йўгон калта сабзи).

**КАРОТТАЖ** *м* *кон.* кароттаж (фойдали қазилмаларни электр воситаси блан қидириш усули).

**КАРОТТАЖНЫЙ**, -ая, -ое *кон.* кароттаж *сүз. сиф.*; кароттажга оид; кароттажные работы кароттаж ишлари (электр воситаси блан фойдали қазилмалар қидириш ишлари).

**КАРП** *м зоол.* карп, зогорабалиқ.

**КАРПОВЫЕ** *мн. (ед. карповое ср)* зоол. карплар оиласига кирадаган балиқлар.

**КАРПОЛОГИЯ** *ж мн. нет* карпология (ботаниканинг ўсимлик мевалари ҳақидаги қисми).

**КАРСТ** *м мн. нет геол.* карст (тоштуз, оҳактош, гипс сингари жинслардан тузилган ерларнинг эриш натижасида чўкиб, ўнқир-чўнқир бўлиб ётиши).

**КАРСТОВЫЙ**, -ая, -ое *геол.* карст *сүз. сиф.*; карстовый ландшафт карстли ландшафт; *қ.* карст.

**КАРТА** *ж* 1. карта, харита; физическая карта СССР СССР нинг физик картаси; административная карта Узбекистана Узбекистоннинг маъмурий картаси; политическая карта Европы Европанинг сиёсий картаси; карта звёздного неба юлдузлар осмони харитаси; 2. карта; козырная карта кузур карта; сидеть за картами карта ўйнаб ўтирмақ; 3. *қ. х.* тахта, карта, пайкал; *◇ стáвить на карту (что-н.)* таваккал қилмоқ; *раскрыть свой карты* ўз сирини очиб қўймоқ, ўз ниятини фош қилиб, билдириб қўймоқ; *его карта бита* у чиппака чиқди, мот бўлди. ютқизди; *спутать карты* чалкаш-чулкаш қилиб юбормоқ; *вам и карты в руки* худди сизбоп (иш).

**КАРТАВИТЬ** *несов.* „р“ ёки „л“ товушини ноаниқ (чучук) талаффуз этмоқ.

**КАРТАВОСТЬ** *ж мн. нет* „р“ ёки „л“ товушига тил келишмаслик.

**КАРТАВЫЙ**, -ая, -ое 1. „р“ ёки „л“ товушини ноаниқ (чучук) талаффуз этадиган, „р“ ёки „л“ товушига тили келишмайдиган; картавый ребёнок „р“ ёки „л“ товушига тили келишмайдиган, тили чучук бола; картавое произношение „р“ ёку „л“ товушини чучук талаффуз этиш; 2. чучук, ноаниқ („р“, „л“ товушлари ҳақида); картавый звук чучук товуш, ноаниқ товуш.

**КАРТ-БЛАНШ** *м* 1. тўлдирмай қўл қўйилган тоза бланка; 2. *||* чекланмаган ваколат.

**КАРТВÉЛЫ** *мн. (ед. картвёл м)* картвеллар [1.—грузины (*қ.*); 2. грузин, лаз, мингрел ва сван халқларининг умумий номи].

**КАРТЁЖ** *м мн. нет содд.* қартавозлик.

**КАРТЁЖНИК** *м с. т.* қартавоз.

**КАРТЁЖНИЦА** *ж с. т.* қартавоваёл.

**КАРТЁЖНЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* картёж *сүз. сиф.*; *қ.* картёж.

**КАРТЕЗИА́НЕ, КАРТЕЗИА́НЦЫ** *мн. (ед. картезианец м) филос.* картезианчилик тарафдорлари; *қ.* картезианство.

**КАРТЕЗИА́НСКИЙ**, -ая, -ое *филос.* картезианство *сүз. сиф.*; *қ.* картезианство.

**КАРТЕЗИА́НСТВО** *ср мн. нет филос.* картезианчилик (француз философи Рене Декарт ва унинг тарафдорлари яратган философиқ оқим; бу оқим XVII аср француз буржуазиясининг дуалистик идеологиясини ифодалайди ва идеализм блан материализмни бирлаштиришга уринади).

**КАРТЕЗИА́НЦЫ** = картезианё (*қ.*).

**КАРТЕЛÍРОВАТЬ** *сов. и несов. эк.* картельлаштирмақ (капиталистик санаот корхоналарини картельларга бирлаштирмақ).

**КАРТÉЛЬ** *м* картель (1. *сиёс. эск.* битим, шартнома; келишув; 2. *эк.* йирик капиталистик санаот бирлашмаси; санаотнинг бирон соҳасида корхона ағаларининг бозорда танҳо ҳукмронлик қилиш, баҳони орттириш ва мумкин қадар катта фойда олиш мақсади блан тузган иттифоқи; 3. *сиёс.* буржуа мамлакатларида— сиёсий партияларнинг бирон сиёсий масала ёки бирон сиёсий кампанияни ўтказиш юзасидан бир фикрга келиб бирлашуви ёки битишуви; 4. *сиёс.* давлатлар ўртасида маҳбусларни ёки асирларни айрибошлаш ҳақидаги битим; 5. *эск.* ёзма суратда дуэльга қақриш).

**КАРТÉЛЬНЫЙ**, -ая, -ое картель *сүз. сиф.*; *қ.* картель.

**КАРТЕР** *м тех.* картер (механизми тутиб турадиган, чанг-тупроқдан ва шикастан сақлайдиган коробка; бу коробка аини замонда мой идиш вазифасини ҳам ўтайди).

**КАРТЭЧИНА** *ж 1. с. т. ҳарб.* картечьдаги бир дона сочма ўқ; **2.** бир дона йирик питра.

**КАРТЭЧНЫЙ**, -ая, -ое *картэчь* сўз. *сиф.*; *картэчная бóмба* картэчь бóмба.

**КАРТЭЧЬ** *ж* картэчь (1. *ҳарб.* сочма ўқлар блан тўлдирилган артиллерия снаряди; портлаганда душманнинг жонли кучларига парчалари блан ҳам, сочиладиган ўқлари блан ҳам шикаст беради; **2.** йирик питра, сочма).

**КАРТЎНА** *ж 1.* расм, сурат; *акварельная картина* акварель бўёқ блан ишланган сурат; **2.** || кўриниш, манзара; *величественная картўна* гор тоғнинг улугвор манзараси; **3.** || манзара; умумий аҳвол; кўриниш; *емў вспомнились картўны далёкого прошлого* у узоқ ўтмишнинг манзараларини эсга олди; *в романе даны вёрные картўны быта того времени* романда ўша замон турмушининг манзарлари ҳаққоний тасвир этилган; **4. ад. театр.** кўриниш; *драма в 3 действиях, 7 картўнах* уч пардали, **7** кўринишли драма; **5. с. т.** кинофильм, картина; **6. с. т.** суратдай чиройли, хушсурат киши, нараса, манзара; **◇ живые картўны** жонли сурат (одамлар ҳаракатсиз ва сўзсиз турли вазиятда қотиб туриб ҳосил қилган манзара).

**КАРТЎНКА** *ж с. т. 1.* картина **1,3** ва **6** сўз. *кичр. айт.*; кичкина сурат; кичкинагина расм; **2. с. т.** сурат (китоб ва ш. к. да); *книга с картинками* суратли китоб; **◇ переводные картўнки** кўчириладиган сурат; *оде́т (оде́та), как картўнка (с. т.)* қўғирчоқдай ясанган, чақмоқдай кийинган.

**КАРТЎННЫЙ**, -ая, -ое **1.** картўна **1** сўз. *сиф.*; *картўнная галерея* суратлар галереяси; *к. галерея* **4**; **2.** хушсурат, суратдай чиройли; суратбop; *принять картўнную позу* суратдай бўлиб турмоқ; **3.** яққол, та'сирли; тасвирли; ташқи кўринишига зеб берган (берилган); *картўнный слог* тасвирли услуб.

**КАРТОГРА́ММА** *ж* картограмма (ма'лум территорияга оид статистик ма'лумотлар тасвирланган харита).

**КАРТОГРА́Ф** *м* картограф, харита чизучи (географик хариталар чизучи мутахассис).

**КАРТОГРАФЬОВАНИЕ** *ср мн. нет 1.* харита чизиш, харитага олиш; **2.** картограмма тузиш.

**КАРТОГРАФЬОВАТЬ** *несов. 1.* харита чизмоқ, харитага олмоқ; *картографьовать ме́стность* жойини харитага олмоқ; **2.** картограмма тузмоқ.

**КАРТОГРАФЬЧЕСКИЙ**, -ая, -ое **1.** *картография* сўз. *сиф.*; *картографические приёмы* картография усуллари; **2.** хариталар тайёрлайдиган; *картографическая фабрика* картография фабрикаси.

**КАРТОГРА́ФИЯ** *ж мн. нет* картография (**1.** географик хариталар тузиш илми; **2.** географик хариталар тузиш ва чизиш).

**КАРТОН** *м 1.* картон, қалин (каттик) қоғоз; **2. махс.** хомаки расм.

**КАРТОНА́Ж** *м* картонаж, майда картон буюмлар.

**КАРТОНА́ЖНИК** *м* картон ёки картон буюмлар ишловчи ишчи.

**КАРТОНА́ЖНЫЙ**, -ая, -ое **1.** картонаж сўз. *сиф.*; *картонажная мастерская* картон буюмлар ясайдиган ишхона; **2.** картондан қилинган; *картонажные изделия* картон буюмлар.

**КАРТОН́КА** *ж с. т.* картон қути, фанер коробка; *картóнка для шляп* шляпа жойланадиган картон қути.

**КАРТОН́НЫЙ**, -ая, -ое **1.** картон сўз. *сиф.*; *картонга оид*; картондан қилинган; *картóнная коробка* картон қутича; **2.** || сохта, қалбаки, ёлгондакам, таги пуч, омонат; **◇ картóнный до́мик** = картóчный до́мик; *к. картóчный*.

**КАРТОТЭ́КА** *ж* картотека (**1.** бирор нарасага, соҳага доир ма'лумотлар ёзилиб ма'лум тартибга солинган картóчкалар йиғиндиси; *библиотэчная картóтека* кутубхона картóтекаси; **2.** шундай картóчкалар солинган яшиқлар).

**КАРТОТЭЧНЫЙ**, -ая, -ое карто-  
тэка сүз. *сиф.*; картотекага оид; кар-  
тотэчный фонд картотека фонди.

**КАРТОФЕЛЕЗАГОТОВКА** *ж* карто-  
шка тайёрлаш.

**КАРТОФЕЛЕКОПАЛКА** *ж* *қ.* *х.*  
картошка кавлайдиган машина.

**КАРТОФЕЛЕКОПАТЕЛЬ** *м* =  
картофелекопалка (*қ.*).

**КАРТОФЕЛЕСАЖАЛКА** *ж* *қ.* *х.*  
картошка экадиган машина.

**КАРТОФЕЛЕСАЖАТЕЛЬ** *м* =  
картофелесажалка (*қ.*).

**КАРТОФЕЛЕУБОРОЧНЫЙ**, -ая, -ое  
картошка кавлайдиган; картофе-  
леуборочный комбайн картошка  
кавлайдиган комбайн.

**КАРТОФЕЛЕХРАНИЛИЩЕ** *ср*  
*қ.* *х.* картошка сақлайдиган жой, кар-  
тошка омбори.

**КАРТОФЕЛИНА** *ж* *с. т.* бир дона  
картошка.

**КАРТОФЕЛЬ** *м* *мн.* *нет* картошка;  
копать картофель картошка кав-  
ламоқ; чистить картофель картош-  
ка артмоқ.

**КАРТОФЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. кар-  
тофель сүз. *сиф.*; картофельное по-  
ле картошка пайкали; картофельная  
гниль картошкада чириш касали;  
2. картошкадан қилинган; картофель-  
ный суп картошка шурва; карто-  
фельная мука картошка уни;  $\diamond$  *кар-*  
*тофельный бунт* (*тар.*) картошка  
қўзғолони (зўрлаб картошка экти-  
ришга қарши 1840 йилда Россияда  
кўтарилган деҳқонлар қўзғолони).

**КАРТОЧКА** *ж* карточка (1. *с. т.* фо-  
тосурат; фотопортрет; карточка для  
удостоверения гувоҳномага ёпиш-  
тириладиган карточка; 2. катта-ки-  
чик варақалар шаклидаги гувоҳнома  
ва ш. к.; членская карточка а'зо-  
лик карточкаси; учётная карточка  
ҳисобга олиш карточкаси; почтова́я  
карточка почта карточкаси; 3. озиқ-  
овқат ёки саноат моллари блан та'-  
минлиниш учун махсус варақа; 4. *с. т.*  
меню ёзилган варақа; *қ.* меню; 5. *эск.*  
визитная карточка; *қ.* визитный;  
6. картотека варақачаси; *қ.* картоте-  
ка; каталожная карточка каталог  
карточкаси; делатъ выписки на кар-  
точках карточкага қўчирма олмоқ).

**КАРТОЧНЫЙ**, -ая, -ое 1. кар-  
та 2 сүз. *сиф.*; картага, карта ўйинига  
оид; карточная игра карта ўйини;  
2. карточка 6 сүз. *сиф.*, карточкага оид;  
карточкалардан иборат бўлган; кар-  
точный каталог карточкалар ката-  
логи; 3. карточка 3 сүз. *сиф.*; карто-  
чкага оид, карточка блан бериладиган;  
карточная система снабжения та'-  
минотнинг карточка системаси;  $\diamond$  *кар-*  
*точный домик* 1) ўйин қарталаридан  
ясалган ўйинчоқ уйча; 2) || омонат нар-  
са, пуч хаёл; немецкое фашистское  
государство развалилось, как кар-  
точный домик немис фашист давлати  
омонат уйдек қулаб тушди.

**КАРТОШКА** *ж* *с. т.* картошка;  
жареная картошка қовурилган кар-  
тошка;  $\diamond$  *нос картошкой* (*с. т.*)  
муштбурун.

**КАРТУЗ** *м* 1. эркакларнинг бош  
кийими; 2. *ҳарб. тар.* картуз (порох  
блан тўлдирилган халтача; артилле-  
рияда снаряд заряди сифатида ишла-  
тилган); 3. *эск.* коғоз халтача.

**КАРУСЭЛЬ** I *ж* 1. карусель, от-  
ўйин; 2. *тех.* чўян қувурлар қуйиш  
учун махсус ускуналар.

**КАРУСЭЛЬ** II *ж* *тар.* ҳарбий от-  
лар пойгаси.

**КАРУСЭЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. кар-  
усель I сүз. *сиф.*; карусельное ка-  
танье отўйинга миниш; 2. карусель-  
ный станок (*тех.*) карусель станок  
(шпиндели вертикал ўқ атрофида айла-  
надиган станок).

**КАРУСЭЛЬЩИК** *м* карусельчи  
(карусель станокда ишловчи ишчи).

**КАРУСЭЛЬЩИЦА** *ж* карусельчи  
аёл (карусель станокда ишловчи аёл).

**КАРЦЕР** *м* *эск.* карцер (1. рево-  
люциядан бурунги мактаб ёки казар-  
мада интизомсизларни ёлғиз-ёлғиз қа-  
маш учун ажратилган махсус хона;  
2. турмаларда бир кишилик камера;  
бундай камерага кўпинча турма тар-  
тибларидан норози бўлган сиёсий  
маҳбусларни қамар эдилар).

**КАРЦИНОМА** *ж* *мед.* карцинома  
(ёмон сифат ўсимта, шиш; саратон  
касали).

**КАРЧ** *м*, **КАРЧА** *ж* сувга чўккан  
даррахт, тўнгак.

**КАРЧЕПОДЪЕМНИК** *м*, **КАРЧЕПОДЪЕМНИЦА** *ж тех.* сувга чўккан дарахт ва тўнгаларни кўтарадиган асбоб.

**КАРЬЁР** *І м мн.* нет карьер (отнинг энг тез югуриши, чопиши); пустить лошадь карьером ёки в карьер от кўймоқ, елдирмоқ;  $\diamond$  *с места в карьер* бирдан, ... бляноқ; тўсатдан, кўққисдан тайёрланмасдан.

**КАРЬЁР** *II м коч.* карьер (очиқ саёз кон, унча чукур бўлмаган очиқ кон, мас., тош, қум кони).

**КАРЬЁРА** *ж эск. I.* буржуа-дворян жамиятида — бирор соҳада кўрсатилган фаолият туфайли эришилган мавқия, даража, шуҳрат, муваффақият, обрў, мартаба; **сделать карьеру** мартабага минмоқ, шуҳрат қозонмоқ, муваффақиятга эришмоқ; даражага кўтариламоқ; блестящая карьера жуда тез кўтарилиш, мартабаси ошиш; **2.** ҳунар, касб, иш; йўл; **артистическая карьера** артистлик йўли.

**КАРЬЕРИЗМ** *м мн.* нет нафр. амалпарастлик, мансабпарастлик, манфаатпарастлик.

**КАРЬЕРИСТ** *м нафр.* амалпараст, мансабпараст, манфаатпараст.

**КАРЬЕРИСТКА** *ж нафр. қ.* карьерист.

**КАРЬЕРИСТСКИЙ,** -ая, -ое, **КАРЬЕРИСТИЧЕСКИЙ,** -ая, -ое *нафр.* амалпарастга (манфаатпарастга) хос бўлган; амалпарастлик (манфаатпарастлик) мақсади блан қилинган; **действовать из карьеристских побуждений** амалпарастлик (манфаатпарастлик) мулоҳазалари блан иш кўрмоқ.

**КАРЬЁРНЫЙ** *I, -ая, -ое* карьерга сўз. сиф.; карьерные соображения мансабпарастлик (манфаатпарастлик) мулоҳазалари.

**КАРЬЁРНЫЙ** *II, -ая, -ое* карьер *I* сўз. сиф.; карьерный аллюр елиш, югуриш (от ҳақида).

**КАРЬЁРОМ** *нареч. махс.* тез, қат'ият блан, шитоб (шиддат) блан, қат'ий.

**КАСАНИЕ** *ср I.* тегиш, тақилгиш; тўхтаб ўтиш, тилга олиш; дахл; **2. мат.** уруниш; **точка касания** (*мат.*) уруниш нуқтаси

**КАСАТЕЛЬНАЯ** *ж мат.* урунма (эгри чизиқнинг бирор нуқтасига тегиб ўтган тўғри чизиқ); **провести касательную к кругу** доирага урунма ўтказмоқ.

**КАСАТЕЛЬНО** *предлог эск.* тўғрисида, ҳақида, хусусида; тааллуқли, тегишли, доир.

**КАСАТЕЛЬСТВО** *ср мн.* нет дахл, дахлдорлик; алоқа, алоқадорлик. мунособат; тааллуқ; **к этому делу он не имеет никакого касательства** бу ишга унинг ҳечқандай алоқаси йўқ.

**КАСАТИК** *м с. т. фольк.* азизим, жоним.

**КАСАТКА** *I ж маҳл.* қалдирғоч.

**КАСАТКА** *II ж с. т. фольк.* жонгинам, жоним қизим, оппогим.

**КАСАТЬСЯ** *несов. I.* тегмоқ, тегиб ўтмоқ, тақилмоқ; теккизмоқ; **лошадь скакала, едва касаясь земли** от оёқларини ерга қўймай елиб борар эди; **2. ||** тўхталиб ўтмоқ, тилга олмақ; **в своём докладе он не касался этого вопроса** у ўз докладада бу масала устида тўхтамади; **3.** ҳақида бормоқ, тааллуқли (онд, дахлдор, алоқадор) бўлмоқ; **этот вопрос касается вас** бу масала сизга тааллуқли; **это меня не касается** бунинг менга алоқаси йўқ; **дело касается выполнения плана** гап плании бажариш ҳақида бормоқда; **4. мат.** уринмоқ;  $\diamond$  **что касается** (*когда-нибудь-н.*), **то...** ... келганда, ... келганда эса; **что касается меня,** то я только ученик Ленина, и моя цель быть достойным его учеником" (Сталин) „мен бўлсам Лениннинг шоғирдиман, холос, мақсадим унинг муносиб шоғирди бўлмоқдир" (Сталин).

**КАСИДА** *ж ад.* қасида.

**КАСКА** *ж* каска, дубулга (мис, чам ёки пўлат қалпоқ).

**КАСКАД** *м I.* эск. поғона-поғона бўлиб тушадиган шалола, шаршара шовва; **2. махс.** чавандозликда отдан ёлғондакам йиқилиш машқи; **3. ||** кўплик, сероблик; оқин; **каскад слов** гап кўп; гап қайнаб чиқади; **каскад звуков** товушлар оқини; **4. эл. рад.** кучайтириш поғонаси (бир марта кучайтирилган токни иккинчи, учинчи лампа ёрдами блан тобора

кучайтириб боришда ҳарбир поғона); **Қасқадом** ёки **қасқадими ниспа-дотъ** поғона-поғона бўлиб тушмоқ (мас., шаршара); **қўнғироқ-қўнғироқ** бўлиб турмоқ (мас., соч).

**КАСҚАДНИЙ**, -ая, -ое 1. касқад сўз. с.ф.; поғонали, тобора кучаядиган ёки сўнадиган; касқадное вклю-чение (эл.) поғонали уланиш (электр занжирининг биринчи секциясида ток пайдо бўлиш блан кейинги секцияларни бирин-кетин улаб бориш); **касқадные ливни** (физ.) зарралар бўрони (электрон, позитрон ёки фотонлар оқимининг тобора кучайиши); 2. эск. оперетта руҳидаги, енгил, шўх, ҳаёсиз; **касқадная певича** енгил, шўх ёки ҳаёсиз қўшиқларни ижро этадиган ашулачи; 3. || эск. беадаб, ахлоқсиз; беадабона, болохонадор.

**КАСҚЕТКА** ж фуражқасимон бош кийими.

**КАСКО** ср нескл. махс. каско (1. кема ва унинг бутун механизм ва асбоб-ускуналарини страхование қилиш; 2. транспорт воситалари—вагон, цистерна ва ш. к. ларни страхование қилиш).

**КАССА** ж касса [1. пул олин-диган, берилдиган ва сақлан-диган жой, хона, бўлма; **касса магазина** магазин кассаси; **театральная касса** театр кассаси; **железнодорожная касса** темир йўл кассаси; **приходные кассы** коммунального банка коммунал банкнинг пул қабул қиладиган кассалари; 2. турли кредит муассасаларининг номи; **касса взаимопомощи** ўзаро ёрдам кассаси; **сберегательная касса** омонат касса; 3. идора ёки муассаса қўлидаги нақд пул; **проектировать кассу** нақд пулни текширмоқ; 4. пул сақлан-диган сандиқ, шкаф, қути ва ш. к.; **несгораемая касса** пулат сандиқ; 5. **наборная касса** (полигр.) босмахонада ҳарф қутиси].

**КАССАТОР** м юр. кассация ари-заси топширган (шикоят аризаси бер-ган) киши; қ. **кассация**.

**КАССАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое юр. кассация сўз. сиф.; кассацияга оид; кассацион; **кассационная жалоба** кассация аризаси, шикаят аризаси (суднинг ҳукмини қайта қуриш ва бекор қилишни сўраб берил-

ган ариза); **кассационный срок** кас-сация муддати, шикаят муддати (суд ҳукмидан норози бўлиб ариза бериш мумкин бўлган муддат); **кассацион-ный суд** кассацион суд (қуйи суд органларининг нотўғри ҳукмини бе-кор қилишга ҳақли бўлган юқори суд органи).

**КАССАЦИЯ** ж юр. кассация (1. қуйи суд органининг ҳукмидан норози бўлиб, юқори суд органига берил-ган шикаят аризаси; **подать кассацию** кассация аризаси бермоқ; 2. шундай аризага мувофиқ қуйи суд органи ҳукмининг юқори суд органи томонидан қайта қўрилиши ва бекор қилиниши).

**КАССЕТА**, **КАССЕТКА** ж кассета (фотоластинка солинадиган ва ёруғ-лик ўтказмайдиган ясси қутича).

**КАССЕТКА** = **кассета** (қ.).

**КАССИОПИЙ** м хим. кассиопий (нодир элементлар группасидан бўл-ган химик элемент).

**КАССИР** м кассир; **кассир** театр театр кассири.

**КАССИРОВАТЬ** сов. и несов. юр. кассация қилмоқ, бекор қилмоқ; **кассировать** приговор ҳукмини бекор қилмоқ; **кассировать выборы** сайловни бекор қилмоқ (конституция ёки сайлов низоми бузилганлиги учун сайловни нотўғри деб топмоқ).

**КАССОВЫЙ**, -ая, -ое касса сўз. сиф.; кассага оид; **кассовая книга** касса дафтари, касса кирим-чиқим дафтари; **кассовая операция** касса операцияси (пул бериш ва олиш); **кассовая наличность** кассадаги нақд пул; **кассовый отчет** касса отчети, ҳисоби.

**КАСТА** ж 1. каста, тоифа, табақа (Ҳиндистонда ва ба'зибир шарқ мам-лакатларида ўз а'золарининг насаби, имтиёзли ҳуқуқи, урф-одатлари ва касбига қараб алоҳида табақага аж-ралган ижтимоий гуруҳ); **каста бра-мийнов** брахманлар табақаси; қ. **бра-мийн**; 2. || **нафр**. кўпчиликдан, оммадан узилиб қолган ижтимоий группа, тўда, гуруҳ; **продажная каста** правых социал-демократических лидеров ўнг социал-демократлар раҳбарлари-нинг сотқини гуруҳи.

**КАСТАНЬЁТЫ** *мн.* (*ед.* кастаньёта *жс*) кастаньета (рақсда ва музикада қайроққа, қошиққа ўхшаш асбоб); *танец с кастаньётами* қайроқ ўйин.

**КАСТЕЛЯН** *м тар.* кастелян (1. ўрта асрларда — қал'а назоратчиси; 2. қаср ёки жамоат уйлари назоратчиси; 3. ўрта асрлардаги Польшада — воевода ёрдамчиси; 4. католик ибодатхонасида — қоровул).

**КАСТЕЛЯНША** *жс* кийим-кечак ва ўрин-бош анжомлари мудираси (касалхона, ётоқхона ва ш. к. да).

**КАСТЁТ** *м* кастет (тўрт бармоқни ўтказиб ўшлаш учун дўртта тешиги бўлган ясси металл асбоб, муштлашиш қуроли).

**КАСТОВЫЙ** *-ая, -ое* 1. *каста сўз. сиф.*; кастага (табақага) оид; *кастовая система* табақа системаси; *кастовые предрассўдки* каста хурофотлари; 2. *|| нафр.* кўпчиликдан, оммадан узилган, ўз доирасида ўралиб қолган, жамоатчиликдан йироқда бўлган; *тўдапарастларча*; *кастовый дух* тўдапарастлик руҳи; *кастовая непримиримость* ўз гуруҳидан бошқаларга мурасасизлик.

**КАСТОР** *м мн.* *нет т. с.* кастор (тескариси патли қалин мовут).

**КАСТОРКА** *жс мн.* *нет с. т.* 1. = *касторовое мўсло*; *қ. касторовый* 1; 2. = *клешевина* (*қ.*).

**КАСТОРОВЫЙ** 1: *касторовое мўсло* касторка, қанақунжут мойи.

**КАСТОРОВЫЙ** II, *-ая, -ое* 1. *кастор сўз. сиф.*; *касторовое сукно* кастор мовут; 2. кастордан тикилган; *касторовое пальто* кастор пальто; 3. табний ёки сун'ий қундуздан қилинган; *касторовая шляпа* қундуз шляпа.

**КАСТРАТ** *м* ахта, бичилган одам.

**КАСТРАЦИЯ** *жс мн.* *нет* бичиш, ахта қилиш.

**КАСТРИРОВАННЫЙ**, *-ая, -ое* ахта қилинган, бичилган, ахта; *кастрированная лошадь* ахта от; *кастрированный бык* ҳўқиз.

**КАСТРИРОВАТЬ** *сов.* и *несов.* бичмоқ, ахта қилмоқ.

**КАСТРЮЛЬКА** *жс с. т.* кичкина кастрюль, кастрюлька, кастрюльча.

**КАСТРЮЛЯ** *жс* кастрюль, кастрюлька.

**КАТ** I *м эск.* жаллод.

**КАТ** II *м денг.* кат (лангарни кўтарадиган кран); *взять ёкорь на кат* лангарни кат блан кўтармоқ.

**КАТАВАСИЯ** *жс с. т. ҳазл.* тартибсизлик, ағдар-тўнтар, тўполон.

**КАТАКЛИЗМ** *м* катаклизм (табиатда, ижтимоий ҳаётда кескин ўзгарिश; ағдар-тўнтар).

**КАТАКОМБЫ** *мн.* (*ед.* катакомба *жс*) ер тагидаги узун горлар; мағора.

**КАТАЛЁКТИКА** *жс ад.* шер'да—охирги урғули бўғиндан кейин келадиган урғусиз бўғинлар ҳақидаги та'лимот, тор ма'нода каталектика урғули бўғин блан тугайдиган қисқа мисра' демакдир.

**КАТАЛЕКТЫЧЕСКИЙ**, *-ая, -ое ад.* *каталектика сўз. сиф.*; *каталектический стих* охирги мисраи урғули бўғин блан тугайдиган шер'.

**КАТАЛЕПСИЧЕСКИЙ**, *-ая, -ое мед.* *каталепсия сўз. сиф.*; *каталептический сон* каталепсия уйқуси, каталепсия натижасидаги уйқу; *қ. каталепсия*.

**КАТАЛЁПСИЯ** *жс мн.* *нет мед.* каталепсия (ба'зи асабий касалликлар, летаргия ёки гипноз натижасида тахта бўлиб қолиш, ҳаракат қобилиятини йўқотиш).

**КАТАЛЁПТИК** *м мед.* каталептик (каталепсия касалига йўлиққан киши).

**КАТАЛЕПТИЧКА** *жс мед.* каталепсия касалига йўлиққан аёл.

**КАТАЛИЗ** *м хим.* катализ (катализатор туфайли химик реакциянинг тезланиши ёки секинланиши).

**КАТАЛИЗАТОР** *м хим.* катализатор (химик реакцияни тезлатадиган ёки секинлатадиган, аммо ўзи ўзгармай қоладиган модда).

**КАТАЛИТИЧЕСКИЙ**, *-ая, -ое хим.* *катализ сўз. сиф.*; *катализга оид*; *каталитическая реакция* каталитик реакция (катализатор иштирокида юз берадиган химик реакция).

**КАТАЛОГ** *м* каталог (1. бир турдаги нарсаларнинг ма'лум тартибда

тузилган рўйхати; **алфавитный каталог** алфавит сираси блан тузилган каталог; **каталог металлорежущих станков** металл кесадиган станоклар каталоги; **каталог картин** на выставке кўргазмадаги суратлар каталоги; **2. бирор фанга доир термин, исм, формула ва ш. к. лар рўйхати**; **звёздный каталог** юлдузлар каталоги; **3. шундай рўйхатлардан тузилган китоб).**

**КАТАЛОГИЗАТОР** *м* каталог тузучи.

**КАТАЛОГИЗАЦИЯ** *ж* *мн. нет* каталог тузиш; каталогга киритиш.

**КАТАЛОГИЗИРОВАТЬ** *сов. и несов.* каталог тузмоқ; каталогга киритмоқ.

**КАТАЛОЖНЫЙ**, -ая, -ое **1. каталог сўз. сиф.**; каталожная карточка каталог карточкаси; **2. суц.** каталожная *ж* каталогхона (каталоглар сақланадиган хона).

**КАТАЛЬ** *м* замбилкаш (замбилгалтакда юк ташучи ишчи).

**КАТАНИЕ, КАТАНЬЕ** *ср* **1. катать ва кататься** фе'лининг ҳаракат номи; **катанье** на лодках қайқда юриш; **катанье** верхом от миниб сайр қилиш; **катанье** на коньках конки отиш; **катанье** белья кирни текислаш; **◇ не мытьём, так катаньем** (*мақол*) ҳарқандай қилиб ҳам; у қилиб-бу қилиб, у йўл блан бўлмаса бу йўл блан (ундириш, мақсадга эришиш, жонга тегиш).

**КАТАНКА** *ж* *тех.* катанка (5—6 миллиметр йўгонликдаги темир; одатда калава шаклида тайёрланади; темирбетон иншоотлар арматурасига ишлатилади).

**КАТАПУЛЬТА** *ж* **1. тар.** манжаниқ (шаҳарга, қал'ага ўқ ёки таш отадиган асбоб); **2. ҳарб. ав.** катапульта (кемадан самолётнинг кўтарилиши учун қилинган махсус қурилма).

**КАТАР, КАТАРР** *м* *мед.* катар (организмда шиллиқ пардаларнинг яллиғланиши); **катар** желўдка ошқозон катари; **катар** век мижжа катари.

**КАТАРАКТ, КАТАРРАКТ** *м* **1. мед. эск.** = катаракта ва катарракт-

та (*қ.*); **2. тех.** катаракт (буг машиналарида клапанларнинг автоматик очилиши учун қўлланиладиган асбоб).

**КАТАРАКТА, КАТАРРАКТА** *ж* *мед.* катаракта (кўз гавҳарининг хира тортиши).

**КАТАРАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое, **КАТАРАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *мед.* катар блан боғлик бўлган; **катаральное состояние катар** (яллиғланиш) ҳолати.

**КАТАРР** = катар (*қ.*).

**КАТАРРАКТ** = катаракт (*қ.*).

**КАТАРРАКТА** = катаракта (*қ.*).

**КАТАРАЛЬНЫЙ** = катаральний (*қ.*).

**КАТАСТРОФА** *ж* **1.** катастрофа, ҳалокат, фалокат; **железнодорожная катастрофа** темир йўл ҳалокати; **авиационная катастрофа** авиация ҳалокати; **2. фожиа.**

**КАТАСТРОФИЧЕСКИ** *нареч.* фожиали суратда; **катастрофически снижается** жизненный уровень трудящихся капиталистических стран капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг моддий аҳволи фожиали суратда ёмонлашиб бормоқда.

**КАТАСТРОФИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое ҳалокатли, ҳалокатга элтадиган, фожиали; **катастрофическое событие** фожиали воқиа.

**КАТАСТРОФИЧНЫЙ** = катастрофический (*қ.*).

**КАТАТЕРМОМЕТР** *м* кататермометр (кататермомегрияда қўлланиладиган махсус термометр).

**КАТАТЕРМОМЕТРИЯ** *ж* кататермометрия (киши организми учун энг мувофиқ бўлган температура шариоитларини аниқлаш усули).

**КАТАТЬ** *несов.* **1.** юргизмоқ, филдиратмоқ, юмалатмоқ (ғўла, бочка ва ш. к. ни); **катать** мяч по полу котокни ерда юмалатмоқ; **2.** олиб юрмоқ, кездирмоқ, тамошо қилдирмоқ, сайр қилдирмоқ (машина, арава, чана ва ш. к. да); **катать** детей на санях болаларни чанада олиб юрмоқ, сайр қилдирмоқ; **3.** юмалоқламоқ, юмалоқлаб ёки юмалатиб ясамоқ; **катать** свечи из воску юмалоқлаб мумдан шам ясамоқ; **4.** ёймоқ; **катать** листовое железо тунука ёймоқ; **5.** текисламоқ; **катать** белье кирни ўқлов

блан силлиқламоқ; 6. босмоқ (кигиз ҳақида).

**КАТА́ТЬСЯ** *несов.* 1. юмаламоқ; 2. юрмоқ, кезмоқ, тамошо қилмоқ, сайр қилмоқ (машина, арава, чана ва ш. к. да); ката́ться на велосипёде велосипедда юрмоқ; ката́ться на конька́х коньки отмоқ; *О ката́ться, со сме́ху (с. т.)* ичак узилиб кулмоқ, қотиб-қотиб кулмоқ, юмалаб-юмалаб кулмоқ; *ката́ться, как сыр в масле (с. т.)* мўл-қўлликда яшамоқ, нонни ёғ блан ёмоқ; *любишь ката́ться, люби и саночки вози́ть (мақол)* қ. люби́ть.

**КАТАФА́ЛК** *м* катафалк (1. дафн маросимида тобут кўйиладиган арава; 2. черковда тобут ўрнатиладиган супача).

**КАТАФОРЭЗ** *м физ.* катафорез (эритмадаги муаллақ зарраларнинг шу эритма орқали ўтган ток таъсири остида катодга томон ҳаракат қилиши).

**КАТЕГОРИА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое категория 1 сўз. *сиф.*; қ. катего́рия 1.

**КАТЕГОРИ́ЧЕСКИЙ**, -ая, -ое қат'ий, узил-кесил; категорический отвёт қат'ий жавоб, узил-кесил жавоб; категорический приказ қат'ий буйруқ; категорическое сужде́ние (*филос.*) қат'ий мулоҳаза (суб'ект блан предикат ўртасидаги муносабатни аниқ белгилайдиган логиканинг мулоҳаза); қ. суб'ект ва предикат; категорический императив қ. императив.

**КАТЕГОРИ́ЧНОСТЬ** *ж мн. нет* қат'ийлик, узил-кесиллик, қат'ият; категоричность сужде́ния фикрининг, мулоҳазанинг қат'ийлиги; категоричность отве́та жавобнинг узил-кесиллиги, қат'ийлиги.

**КАТЕГОРИ́ЧНЫЙ** = категорический (қ.).

**КАТЕГО́РИЯ** *ж 1. филос.* категория (воқ'иликнинг энг умумий ҳодисаларини ифодалайдиган илмий тушунчалар, мас.: материя, вақт, фазо, ҳаракат, сабабият, моҳият, бирлик ва ш. к. лар); 2. категория, даража; туркум; *возрастная категория* ёш

даражаси; *категория имени (грам.)* от категорияси.

**КА́ТЕР** *м денг.* катер (кичик кема); *торпедный катер (ҳарб.)* торпеда катери; *сторожевой катер (ҳарб.)* соқчи катер; *буксирный катер* шатакчи катер.

**КА́ТЕРНЫЙ**, -ая, -ое катер сўз. *сиф.*; катерный машинист катер машинисти.

**КА́ТЕТ** *м мат.* катет (тўғри бурчакли учбурчакда тўғри бурчак ҳосил қилган икки томоннинг бири).

**КАТЕ́ТЕР** *м мед.* катетер (қовуқни бўшатиб ёки қовуққа дори юбориб шун ишлатиладиган найча).

**КАТЕТЕРИЗЫ́РОВАТЬ** *сов. и нес.* *мед.* катетер блан қовуқни бўшатмоқ ёки қовуққа дори юбормоқ.

**КАТЕТЕРИЗОВА́ТЬ** = катетеризировать (қ.).

**КАТЕТО́МЕТР** *м макс.* катетометр (икки нуқта орасидаги вертикал масофани ўлчайдиган асбоб).

**КАТЕХИ́ЗИС** *м* катехизис (1. *черк.* христианларда — диний ақидалар савол-жавоб тарзида қисқача баён қилинган китоб; 2. *эск.* бирор маслакнинг, э'тиқоднинг асосий қоидалари).

**КАТИО́Н** *м физ.* катион (мусбат электр блан электрланган ва электролиз процессида манфий электрода тўпланадиган ион).

**КАТИ́ТЬ** *несов.* 1. юмалатмоқ, юмалатиб, гилдиратиб юргизмоқ; *кати́ть тачку* замбилгалтакни гилдиратиб юргизмоқ; *кати́ть ребёнка в коляске* болани коляскага солиб юрмоқ; *кати́ть шар* шарни юмалатмоқ, думалатмоқ; 2. *с. т.* физиллаб бормоқ, гириллаб кетмоқ, физиллатиб бормоқ, елдай учмоқ, гилдираб ўтмоқ; *автомобили кати́ли по асфальту* автомобильлар асфальтда елдай учиб бормоқда эдилар.

**КАТИ́ТЬСЯ** *несов.* 1. юмалаб, гилдираб юрмоқ (бормоқ, келмоқ); *футбольный мяч кати́лся прямо в ворота* футбол тўпи юмалаганча тўппатўғри дарвозага қараб борар эди; 2. сирғаниб бормоқ, тушмоқ; *кати́ться на санках с горь чанада* тепаликдан сирғаниб тушмоқ; 3. физиллаб бормоқ, гириллаб кетмоқ; 4. оқмоқ,

думалаб тушмоқ; **кátятся вóлны** одна за друго́й тўлқинлар биринкетин келиб урмоқда; гра́дом **ка́тились слéзы** ёши дур-дур тўкилар эди; по егó лбу **ка́тился** пот пешонасидан дур-дур тер оқар эди; 5. ¶ **ўтмоқ, ўти** кетмоқ; **день кáтится** за днём кунлар биринкетин ўтиб бормоқда.

**КА́ТКА** ж қ. х. = каток II (I-нчи ма'носида) (қ.).

**КАТКОВА́НИЕ** ср қ. х. галтак-мола босиш.

**КАТÓД** м физ. катод (манфий электрод, аноднинг қарама-қаршиси).

**КАТÓДНЫЙ**, -ая, -ое физ. **катóд** сўз. *сиф.*; **катóдная** лёмпа катод лампа (электромагнит тўлқинлари ҳосил қиладиган ва уни кучайтириб берадиган лампа); **катóдные лучи** катод нурлар (ичидаги газ сийраклаштирилган найчада катоддан чиқиб унга тик бўлган йўналишда ҳаракат қиладиган манфий электронлар оқими).

**КАТÓК** I м спорт. яхмалак; **наливной каток** сув бостириб қилинган яхмалак; **естественный каток** табиий яхмалак (мас., яхлаган ҳовуз).

**КАТÓК** II м I. қ. х. галтакмола; 2. *тех.* каток (ер текислайдиган ва тизгилайдиган галтак машина); **дорóжный каток** йўл катогги; 3. гўла думалатгич (оғир юкни силжитиш учун унинг остига қўйиладиган гўла нарса).

**КАТÓЛИК** м католик (католиклар мазҳабида бўлган киши); қ. католицизм.

**КАТОЛИКО́С** м черк. арман ва грузин черковининг бош руҳонийси.

**КАТОЛИЦÍЗМ** м *мн. нет дин.* католицизм, католиклик (христиан динининг Рим папаси бошлиқ мазҳаби; католицизм ҳамавақт реакциянинг, ҳукмрон эксплуататор синфларнинг таянчи бўлиб хизмат қилади ва ҳозирда ҳам шундай хизмат қилмоқда).

**КАТОЛÍЧЕСКИЙ**, -ая, -ое **като́лик** на католичестве сўз. *сиф.*; **като́лическая** вéра католиклар дини.

**КАТОЛÍЧЕСТВО** ср *мн. нет* = католицизм (қ.).

**КАТОЛÍЧКА** ж католик аёл.

**КА́ТОРГА** ж *мн. нет* каторга (1. чор Россиясида ва буржуа мамлакатларида сургун қилинган ёки қамоққа олинган кишиларни жуда оғир шароитда мажбурий равишда ишлатиш жойи); 2. шундай шароитдаги оғир меҳнатнинг ўзи; декабристы отбывáли кáторгу в Сибири декабристлар Сибирьдаги каторгада бўлган эдилар; 3. ¶ с. т. оғир шароит, машаққат, жафо).

**КАТОРЖА́НИН** м (*мн. каторжа́не*) сиёсий, революцион фаолияти учун каторгада бўлган киши.

**КАТОРЖА́НКА** ж сиёсий, революцион фа'олияти учун каторгада бўлган аёл.

**КА́ТОРЖНИК** м I. каторгага (сургунга) юборилган одам, каторгадаги киши; 2. *содд. сук.* муттахам одам, разил, ярамас одам.

**КА́ТОРЖНИЦА** ж каторгага (сургунга) юборилган аёл, каторгадаги хотин-қиз.

**КА́ТОРЖНЫЙ**, -ая, -ое I. **каторга** сўз. *сиф.*; **каторжные работы** каторгадаги мажбурий меҳнат; 2. ¶ с. т. ҳаддан ташқари оғир, машаққатли; **каторжный труд на капиталистических предприятиях** капиталистик корхоналардаги жуда оғир меҳнат; **империалисты установили в колониях каторжный режим** империалистлар мустамлакаларда жуда оғир тартиб ўрнатдилар; 3. *суц.* **каторжный** м *эск.* = каторжник (қ.).

**КАТРЕ́Н** м ад. рубойи (тўрт мисра'ли тугал ше'р).

**КАТУ́ШЕЧНЫЙ**, -ая, -ое **кату́шка** сўз. *сиф.*; галтакка оид, галтак шаклидаги, галтакли, катушкали, катушечная нитка галтак ип; **кату́шечный** реостат катушкали реостат.

**КАТУ́ШКА** ж I. галтак; **кату́шка** ниток бир галтак ип; 2. *эл. рад.* катушка, галтак (электротехникада ва радиотехникада сим ўрами, сим уралган галтак); **индукционная кату́шка** индукция галтаги.

**КАТЫ́ШЕК** м с. т. гуваалача, зувалача.

**КАТЮ́ША** ж с. т. катюша (1. стволсиз реактив миномётга халқ берган ном); 2. хотин-қизлар исми.

**КАУЗАЛЬНОСТЬ** = причинность (қ.).

**КАУЗАЛЬНЫЙ** = причинный (қ.).

**КАУПЕР** *м. тех.* каупер (домна печи учун шу пещиниг ўзидан чиқиб кетаётган иссиқ газдан фойдаланиб ҳаво иситадиган қурилма).

**КАУРЫЙ**, -ая, -ое *махс.* сарик саман, оқсаман (от).

**КАУСТИКА** *ж. физ.* каустика (бир нуктадан чиққан иурларни кўзгудан қайтгандан кейин ёки линзадан ўтгандан кейин ўзида тўпловчи сирт. юза).

**КАУСТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *хим.* каустик, ўючи, ўткир, куйдирадиган, ёб кетадиган; *каустическая сода* каустик сода;  $\diamond$  *каустическая поверхность* = каустика (қ.).

**КАУТСКИАНСТВО** *ср. мн. нет* каутскийчилик (иккинчи интернационалда марксизм-ленинизмга, пролетар революцияси ва пролетариат диктатурасига энг қаттиқ душман бўлган центристик оқим, энг қабих оппортунизм); *қ. центрлизм.*

**КАУЧУК** *м. мн. нет* каучук (ба'зи ўсимликлар, мас., кўксағиз ширасидан олиналган ёки сун'ий йўл блан тайёрланадиган эластик модда; резина тайёрлаш учун ишлатилади); *искусственный (синтетический) каучук* изобретён советскими учёными сун'ий (синтетик) каучук совет олимплари томонидан кашф қилинди.

**КАУЧУКОВЫЙ**, -ая, -ое 1. *каучук сўз. сиф.*; каучукка оид; *каучуковое дерево* каучук дарахти; 2. *каучукдан қилинган; каучуковый лак* каучук локи;  $\diamond$  *каучуковая резолюция (сиёс. кест.)* ҳарқандай тушунса бўлаверадиган, дудмол, мужмал резолюция.

**КАУЧУКОНОС** *м. бот.* каучукдор (каучук берадиган) ўсимлик.

**КАУЧУКОНОСНЫЙ**, -ая, -ое *каучукдор, каучук берадиган; каучуконосные растения* каучукдор ўсимликлар, каучук берадиган ўсимликлар.

**КАФЕ** *ср. нескл.* кафе, қаҳвахона.

**КАФЕДРА** *ж.* кафедра (1. лекция ўқиш ёки нутқ сўзлаш учун қурилган баланд жой, минбар; 2. олий

мактабларда бирор фан соҳаси ва шу соҳадаги профессор-ўқитуучилар, илмий ходимлар; *кафедра истории тарих кафедраси; заседание кафедры* кафедра мажлиси; 3. *черк. ма'мурий черков округига раҳбарлик қилуши* епископ мансаби).

**КЛАВЕСЇН** *м эск. муз.* клавесин (фортепианога ўхшаш қадимги музика асбоби).

**КЛАВИАТУРА** *ж* клавиатура (1. муз. музика асбобларининг клавишлари, бармоқ блан босадиган тугмалари; **клавиатура рояля** рояль клавиатураси; 2. ҳархил машина ва механизмларнинг бармоқ блан босиладиган тугмалари; **клавиатура лнотипа** лнотип клавиатураси; **клавиатура пишущей машинки** ёзув машинкасининг клавиатураси).

**КЛАВИКЎРДЫ** *мн., ед. нет эск. муз.* клави́корд (клавишли қадимги музика асбоби; клавесиннинг бир хили).

**КЛАВЇР** *м муз.* клавир [1. *эск.* фортепианонинг қадимги номи; 2. = **клавйраусцуг** (*қ.*)].

**КЛАВЇРАУСЦУГ** *м муз.* клавйраусцуг, клавир (оркестр учун ёзилган музика асарини фортепиано учун мослаб қайта ёзиш).

**КЛАВЇШ** *м*, **КЛАВЇША** *ж* клавйш (1. муз. музика асбобларининг,

мас., пианинонинг бармоқ блан босадиган тугмаси, пластинкаси; 2. турли машина ва механизмларнинг, мас., ёзув машинасининг бармоқ блан босиладиган тугмаси).

**КЛАВИША** *ж қ.* клавиш.

**КЛАВИШНЫЙ**, -ая, -ое клавишли; клавишный музыкальный инструмент клавишли музыка асбоби.

**КЛАД** *м* 1. ерга кўмилган дун'ё, хазина, дафина; **искать клад** дафина изламоқ; **найти клад** дафина топмоқ; 2. || бебаҳо, баҳоси йўқ, гавҳари қобил; **это не работник, а клад!** бу баҳоси йўқ ходим, бебаҳо ходим!; 3. || *с. т.* кон.

**КЛАДБИЩЕ** *ср* мозор, қабристон, гўристон.

**КЛАДБИЩЕНСКИЙ**, -ая, -ое кладбище *сўз. сиф.*; мозорга оид, қабристонга (гўристонга) оид.

**КЛАДЕЗЬ** *м эск. поэт. қ.* колóдец; **◇ кладезь премудрости** (*ҳазл.*) кони-ақл (ақли, билими кўп одам ҳақида).

**КЛАДЕНЕЦ**: меч-кладенец сихрли шамшир, сихрли қилич (рус халқ афсоналарида).

**КЛАДКА** *ж* 1. *только ед. бинк.* гишт; производить кладку стен (ғишт териб) девор қурмоқ; 2. тош ёки ғишдан терилган нарса (мас., девор); 3. *только мн.* = кладь 3 (*қ.*); 4. *только ед.* тухум қўйиш; 5. *только ед.* бичиш, ахта қилиш; 6. *только ед.* тахлаш, тах уриш.

**КЛАДОВАЯ** *ж* омбор, омборхона.

**КЛАДОВКА** *ж с. т.* кичкина омборхона, омборча.

**КЛАДОВЩИК** *м* омборчи.

кладу́, кладёшь, кладу́т *наст. от* класть (*қ.*).

**КЛАДЧИК** *м* 1. *бинк.* ғишт теручи; 2. тахловчи; кладчик дров утин тахловчи.

**КЛАДЬ** *ж* 1. *только ед. собир.* юк, багаж; ручная кладь қўл багаж, қўлда кўтариладиган юк; 2. *маҳл.* ғарам; 3. *только мн. маҳл.* сув ёки ботқоқ ердан ўтиш учун ётқизилган тахта, хода ёки тош; 4. *маҳл.* тусин, тепадор.

**КЛА́КА** *ж мн. нет* 1. *театр.* ёлланма олқишчилар (буржуа мамлакатларида артистларни олқишлаб қарсақ чалиш учун ёлланган одамлар); 2. || *нафр.* хушомадгўйлар, ҳайбаракаллачилар.

**КЛАКЁР** *м театр.* ёлланган олқишчи; *қ.* кла́ка 1.

**КЛАКСОН** *м тех.* клаксон (автомобиль ёки мотоциклда—гудок берадиган сигналларнинг бир хили).

**КЛАН** *м* 1. *тар.* клан (уруғ жамоаси); 2. || уруғ-аймоқлар, қавм-қариндошлар, хеш-ақраболар.

**КЛАНЯТЬСЯ** *несов.* 1. та'зим қилмоқ, салом қилмоқ, қуллуқ қилмоқ; артисты мно́го раз выходили кланяться артистлар қайта-қайта чиқиб қуллик қилишди; кланяться в по́яс икки букилиб та'зим қилмоқ; зёмно кланяться ер ўлиб та'зим қилмоқ; 2. имо блан саломлашмоқ; 3. салом айтмоқ, салом юбормоқ (киши орқали ёки хат блан); кланя́тсья ему́ от меня́ мендан унга салом айтинг; 4. || *с. т. манф.* ялинмоқ, ёлвормоқ, бош эгмоқ; не ста́ну я ему́ кланя́тсья мен унга бош эгмайман; *э. эск.* тортиқ қилмоқ, хад'я қилмоқ; **◇ перестать кланя́тсья** ёки **не кланя́тсья** салом-аликни пиғиштириб қўймоқ, ойначиликни ўзмоқ; я с ним не кланя́юсь у блан борди-кеддим йўқ; **честь имею кланя́тсья** (*эск.*) хайр, соғ бўлинг.

**КЛАПА́Н** *м* 1. *тех.* клапан (машина, механизм, водопровод ва ш. к. да ҳаво, сув, буғ йўлини очиб ёпиб турадиган қопқоқ); **выхлопной клапан** чиқариш клапани; **предохранительный клапан** эҳтиёт клапани (буғ қозонида буғнинг босими ма'лум даражага етганда буғ йўлини автоматик суратда очадиган клапан); 2. *муз.* клапан (пуфлаб чалинадиган музыка асбобларнинг очилиб ёпиладиган пардаси, тили); 3. *анат.* клапан (юракнинг қон йўлини очиб ёпадиган қисми); 4. *чўн-так* қошқоғи.

**КЛАРНЁТ** *м муз.* кларнет (сурнайга ўхшаш музыка асбоби).

**КЛАРНЕТЫ́СТ** *м муз.* кларнетчи, кларнет чалучи.

**КЛАСС** I м синф (одамларнинг ижтимоий ишлабчиқаришда муайян тарихий ўрин тутган, ишлабчиқариш воситаларига бирхил муносабатда бўлган, ижтимоий меҳнатни ташкил этишдаги ва ижтимоий бойликларнинг тақсимланишидаги роли бирхил бўлган ва умумий манфаатга эга бўлган катта группаси); **клэсс раб-б-в** и **клэсс раб-влад-льцев** в античном мире антик дун'ёда қулар ва қулдорлар синфи; **борьба клэссов** в капиталистическом обществе капиталистик жамиятда синфлар кураши, в СССР ликвидированы все эксплуататорские клэссы СССР да ҳамма эксплуататор синфлар тугатилган.

**КЛАСС** II м 1. синф, туркум, (бирхил хосса ва аломатларга эга бўлган ҳайвон, ўсимлик, нарса, ҳодиса ва ш. к. лар тўдаси); **класс** млекопитающих сутэмарлар синфи; 2. синф, класс (мактабларда); **учить-ся** в 10-м клэссе 10-нчи синфда ўқимоқ; **войти** в класс синфга кирмоқ; 3. *мат.* синф (уч хонали сон: бирлар, ўнлар, юзлар хонаси—биринчи синф бўлади ва ҳ. к.); 4. даража, класс, маҳорат; **лётчик** 1-го клэсса биринчи даражали учучи; **показать класс** в работе (*с. т.*) ишда маҳорат кўрсатмоқ, моҳирлик блан ишламоқ; 5. *денг.* класс (кемаларнинг типига кўра айрим хиллари); 6. класс (темир йўл вагонлари ва пароход каюталарининг пассажирларга берадиган қулайликларига қараб, белгиланадиган даражалари); **каюта** 1-го клэсса биринчи класс каюта; 7. *только ед.* чертак (болалар ўйини); 8. класс махсус ўқув юрларига ўқитиладиган фан, дарс); **класс** композиций композиция класси, дарси.

**КЛАССИК** м классик (1. асарларнинг қиммати, аҳамияти жиҳатидан ҳаммага манзур бўлган фан, адабиёт, сан'ат арбоби; **произвед-ния клэссиков** марксизма-ленинизма марксизм-ленинизм классикларининг асарлари; **классики** русской литературы рус адабиётининг классиклари; 2. қадимги грек ва Рим сан'атига тақлид қилучи, эргашучи; 3. қадимги грек ва Рим ёзучиси; 4. классик ма'лумот олган киши; қадимги грек ва

лотин тилларини, адабиётини яхши билган олим; қ. классицизм 3).

**КЛАССИКА** ж *собир.* классик асарлар; **русская оперная клэссика** рус операсининг классик асарлари.

**КЛАССИФИКАТОР** м 1. классификатор, классификация қилучи; 2. *кон.* классификатор (минерал доналарини сараловчи. сархилловчи асбоб).

**КЛАССИФИКАЦИОННЫЙ** -ая, -ое классификация *сүз. сиф.*; классификацияга оид; қ. классификация.

**КЛАССИФИКАЦИЯ** ж *мн. нет* классификация, туркумлаш (бирор соҳага оид нарса ёки тушунчаларни синф, туркум, даража ва ҳоказоларга айириш ва шундай бўлишининг ўзи); **классификация** языков тиллар классификацияси.

**КЛАССИФИЦИРОВАТЬ** *сов. и несов.* классификация қилмоқ, туркумламоқ; **классифицировать** минералы минералларни классификация қилмоқ; **классифицировать** понятия тушунчаларни классификация қилмоқ.

**КЛАССИФИЦИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* классификация қилинмоқ.

**КЛАССИЦИЗМ** м *мн. нет* классицизм (1. адабиётда ва сан'атда—қадимги грек ва Рим адабиёти сюжетларига ва формаларига тақлид қилучи оқим; 2. *снт.* архитектурада—қадимги грек ва Рим ҳамда уйғониш даври традицияларини ривожлантирган ме'морчилик услуги; 3. *махс.* қадимги грек ва лотин тиллари ва маданиятини ўргатишга асосланган ўқитиш системаси).

**КЛАССИЧЕСКИЙ** -ая, -ое 1. классик, классикка хос бўлган; **классическое** произвед-ние классик асар; **русские классические** писатели рус классик ёзучилари; 2. қадимги грек ва Рим маданиятига хос, антик; **классические** языки классик тиллар, антик тиллар (лотин ва грек тиллари); 3. *махс.* классицизм 3 *сүз. сиф.*; классик ма'лумот берадиган; қ. классицизм 3; 4. классицизм 1, 2 *сүз. сиф.*; классицизмдан иборат бўлган; қ. классицизм 1, 2; 5. *|| с. т.* жуда соа. фоят яхши; ўрнак (намуна) бўладиган; нодир, ажойиб, антиқа;

классический **прямёр** намуна бўладиган мисол.

**КЛАССНЫЙ**, -ая, -ое 1. класс II (2, 3, 5, 6, 8-нчи ма'носида) сўз. *сиф.*; синфга, классга оид; клáссная доскá сифд доскаси; клáссный руководи́тель синф раҳбари; 2. машки етишган, етукли, моҳир, уста; клáссный бегу́н классли (етукли) чопучи.

**КЛАССОВО-ВРАЖДЕБНЫЙ**, -ая, -ое синфий душманга оид, синфий душманликдан иборат бўлган; клáссово-враждéбная нам идеоло́гия бизга душман синфлар мафкураси, идеологияси.

**КЛАССОВО-ЧУЖДЫЙ**, -ая, -ое синфий ёт.

**КЛАССОВЫЙ**, -ая, -ое класс I сўз. *сиф.*; синфий; клáсссовая борьба синфий кураш; клáссовый враг синфий душман.

**КЛАСТЬ** *несов.* 1. ётқизмоқ, жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ; солмоқ; **класть** рáненого на носилки ярадорни носилкага солмоқ; 2. қўймоқ, солмоқ; **класть** тетра́дь на стол дафтарни столга қўймоқ; **класть** плато́к в карма́н даструмолини чўнтакка солмоқ; **класть** де́ньги в сберка́ссу омонат кассага пул қўймоқ; 3. қўшмоқ, солмоқ, аралаштирмоқ; 4. сурмоқ, суртмоқ; **класть** кре́ски буёқ суртмоқ, бўямоқ; 5. босмоқ, урмоқ, солмоқ, қўймоқ; **класть** печа́ть печатъ босмоқ; **класть** кле́ймó тамга қўймоқ; 6. *с. т.* сарф қилмоқ; **класть** все си́лы (на что-н.) барча кучни бирор ишга сарф қилмоқ; 7. *с. т.* чиқармоқ, ажратмоқ; **я** на подгото́вку к экзэ́мену **кладу́** 5 дней имтиҳонга тайёрланиш учун 5 кун чиқараман; 8. *бикн.* термоқ, қурмоқ; **класть** кирпи́чную стéну гишт девор қурмоқ; **класть** печа́ть печь қурмоқ; 9. *спорт.* туширмоқ; **класть** шéр в лу́зу шарни лузага туширмоқ; 10. *с. т.* сузмоқ (овқатни); 11. *махс.* пичмоқ, ахта қилмоқ; **класть** (положи́ть) нача́ло бошламоқ, бошлаб бермоқ; **класть** (положи́ть) коне́ц битирмоқ, тамом қилмоқ, бартараф қилмоқ, барҳам бермоқ; **класть** прегра́ду гов солмоқ, тўғоноқ солмоқ; **класть** основáние асос солмоқ, пойдевор қурмоқ; **класть** в рот (кому-н.) (*с. т.*) чайнаб бермоқ, содда қилиб, батаф-

сил тушунтирмоқ, миридан-сиригача тушунтириб бермоқ; **класть** по́лкины (*эск.*) сажда қилмоқ; **класть** ору́жие (*эск.*) таслим бўлмоқ; **класть** зу́бы на по́лку қозонни сувга ташламоқ (моддий жиҳатдан ортиқ сиқилиб, оч-ноҳор кун кечир-моқ); **класть** (положи́ть) в осно́ву асос қилиб олмоқ; **класть** на счётах чётга солмоқ; чёт қоқмоқ; **класть** повя́зку ярани боғламоқ; **класть** ру́ль (руля́) (*денг.*) кема рулини бўрмоқ; **класть** на бок (*денг.*) ёнбошлатмоқ, ёнбошига ағдармоқ (кемани); **класть** на му́зыку музыкага солмоқ; **класть** яйца тухум қўймоқ.

**КЛАСТЬСЯ** 1. ётқизилмоқ, жойлаштирилмоқ, ўрнаштирилмоқ (касал ҳақида); 2. қўйилмоқ, солинмоқ (пул, маблағ ва ш. к. ҳақида); 3. қўшилмоқ, аралаштирилмоқ; 4. сурилмоқ, суртилмоқ (буёқ ҳақида); 5. босилмоқ, урилмоқ, қўйилмоқ (печать, тамга ҳақида); 6. сарф қилинмоқ (куч, меҳнат ҳақида); 7. чиқарилмоқ, ажратилмоқ, (вақт, маблағ ҳақида); 8. *спорт.* туширилмоқ (шар, копток ҳақида); 9. *бикн.* терилмоқ, қурилмоқ; 10. *махл.* тухум қилмоқ; 11. сузилмоқ (овқат ҳақида).

**КЛАУЗУЛА** *ж* 1. *юр.* клаузула (шартномада ҳарбир айрим модда ёки алоҳида шарт, писанда); 2. *ад.* ше'рда—мисра'нинг қофия блай битган қисми; 3. *махс.* нотиқлик сан'атида—нутқнинг талаффуз ва услубига алоҳида э'тибор бериладиган жойлари.

**КЛЁВ** *м* *мн.* *нет* 1. чўқиш, чўқилаш; 2. балиқнинг қармоқча или ниши; сегóдня был хоро́ший клёв бугун қармоқча балиқ кўп илинди.

**КЛЕВАТЬ** *несов.* 1. донламоқ; 2. чўқимоқ, чўқиламоқ; 3. алдамоқ, қармоқча илинмоқ (балиқ ҳақида); 4. *|| с. т.* ўнгмоқ, ўнгидан келмоқ, ром келмоқ; **клева́ть** *носом* (*с. т.*) мудрамоқ, пинакка кетмоқ; **де́нег ку́ры не клю́ют** (*у кого-н.*) (*матал*) пул кўп, пул ачиб ётипти.

**КЛЕВАТЬСЯ** *несов. с. т.* 1. чўқимоқ; 2. чўқишмоқ, чўқилашмоқ.

**КЛЕВЕИТ** *м* *мн.* клевеит (уран, радий рудаси).

**КЛЁВЕР** *м мн. нет* беда, йўн-гичқа.

**КЛЁВЕРНЫЙ**, -ая, -ое клёвер сўз. *сиф.*; йўн-гичқага оид. клёверное поле бедазор, бедапоя.

**КЛЕВЕТА** *ж мн. нет* туҳмат, бўҳтон, ёлгон-яшиқ; гийбат.

**КЛЕВЕТАТЬ** *несов.* туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ; гийбат қилмоқ.

**КЛЕВЕТНИК** *м* туҳматчи, бўҳтончи; гийбатчи.

**КЛЕВЕТНИЦА** *ж* туҳматчи (бўҳтончи) аёл; гийбатчи аёл.

**КЛЕВЕТНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое туҳмат қилиб айтилган, ёлгон, бўҳтон; клеветнические слўхи ёлгон-яшиқ овозалар, туҳмат (бўҳтон) гаплар; клеветнические измышления бўҳтон уйдирмалар, туҳмат қилиб тўқилган уйдирмалар.

**клевету́, клеветёшь наст. от клеветать (қ.).**

**КЛЕВРЁТ** *м эск.* ҳамтовоқ, шерик, тарафдор (ёмон ишда); **пра́вые социал-демократы**—клеврёты буржуазии ўнг социал-демократлар буржуазиянинг ҳамтовоқларидир.

**КЛЕВА́Р** *м* елимпаз (елим пиширучи ишчи).

**КЛЕВА́РЕНИЕ** *ср мн. нет* елимпазлик, елим пишириш, елим тайёрлаш.

**КЛЕВА́РЕННЫЙ**, -ая, -ое елимпазликка оид, елим пиширадиган; клева́ренный заво́д елим заводи.

**КЛЕВА́РНЫЙ** = клева́ренный (қ.).

**КЛЕВА́РНЯ** *ж* елимпазлик корхонаси, елим пишириладиган жой.

**КЛЕВО́Й**, -ая, -ое 1. **клей** сўз. *сиф.*; елимга оид, елимли, елимдан қилинган, елим қўшилган; клево́й за́пах елим ҳиди; клева́я крәска елимли бўёқ, елим қўшиб тайёрланган бўёқ; 2. *сущ.* клева́я *ж* елимлаш цехи, ишхонаси.

**КЛЕЁНКА** *ж* клеёнка (бир ёки ҳар иккала томони сув ўтказмайди-ган мода блан қопланган ёки резиналанган махсус мата); **компрессия клеёнка (мед)**. компресс клеёнкаси (компресс учун ишлатиладиган жуда юпқа клеёнка); **дётская клеёнка**

йўрғак клеёнкаси (йўрғак остидан солинадиган махсус клеёнка).

**КЛЕЁНОЧНЫЙ**, -ая, -ое клеёнка сўз. *сиф.*; клеёнкага оид, клеёнка ишлаб чиқарадиган; клеёночная мастерская клеёнка ишхонаси.

**КЛЕЁНЧАТЫЙ**, -ая, -ое клеёнкадан қилинган, клеёнка қопланган; клеёнчатый портфель клеёнка портфель; клеёнчатый диван клеёнка қопланган диван.

**КЛЕЁНЫЙ**, -ая, -ое елимли, елимланган, елим сурилган, елим сингдирган; клеёная бумага елимли қоғоз, елим қоғоз.

**КЛЕЙТЬ** *несов.* елимламоқ, елимлаб қўймоқ, елимлаб ёпиштирмоқ, клеить конверт конвертни елимламоқ; клеить стул стулни елимламоқ (стул қисмларини елимлаб ёпиштирмоқ).

**КЛЕЙТЬСЯ** *несов.* 1. ёпишмоқ, елимланмоқ; 2. *с. т.* ёпишқоқ бўлиб қолмоқ; 3. *|| с. т.* тўғриланмоқ, ўнганмоқ, ўнгидан келмоқ, жўнашиб кетмоқ, эпига тушмоқ, қовушмоқ; **дело что-то пло́хо кле́ится** иш негадир жўнашмай турипти; **разговóр их не кле́ится** уларнинг гапи бир-бирига ёпишмай турипти, қовушмаяпти.

**КЛЕЙ** *м мн. нет* елим; сирач; **стол и́рный клей** дурадгорлик елими; **резино́вый клей** резина елими, резина ёпиштирадиган елим; **ри́бий клей** балиқ елими; **◇ клей и нбжницы (кест.)** кўчирмачилик (бирозларнинг асарларидан юлиб-юлқиб, кўчириб олиб ёзиш).

**КЛЕЙКИЙ**, -ая, -ое елимли, елимшиқ, ширадор, ёпишқоқ; **кле́йкая бума́га** для истребле́ния мух пашшай ўлдирадиган ширали қоғоз; **кле́йкие листочки** ширадор барглари.

**КЛЕЙКОВА́НА** *ж мн. нет биол.* клеёковина (дон таркибида бўладиган оқсим мода).

**КЛЕЙМЁНИЕ** *ср мн. нет* тамғалаш, тамға солиш, тамға босиш.

**КЛЕЙМЁНЫЙ**, -ая, -ое тамғали, тамғаланган, тамға босилган, тамға урилган; **кле́ймёный скот** тамғаланган мол; **кле́ймёные гири** тамға урилган қадоқтошлар.

**КЛЕЙМИТЬ** *несов.* 1. тамгаламоқ, тамга солмоқ, тамга босмоқ; **клейти** *скот* чорвага тамга босмоқ; **клейти** *весы тарозини* тамгаламоқ; 2. || шармандаю шармисор қилмоқ; шармандасини чиқармоқ; ла'нат ўқимоқ, нафрат билдирмоқ; қораламоқ; **клейти** *(когб-н.) позбром* ла'нат ўқимоқ, шармандасини чиқармоқ.

**КЛЕЙМЛЕНИЕ** = **клеимение** (*қ.*).

**КЛЕЙМО** *ср* 1. тамга, белги; фабричное **клеимо** фабрика тамгаси; **клеимо** *на лошади* отга босилган тамга; 2. тамга соладиган асбооб; 3. || *эск.* из, асар, аломат, белги, нишона; **клеимо презрения** нафрат белгиси; 4. || қора доғ, шармандалик; **смыть позорное клеимо** шармандалик доғини ювиб ташламоқ.

**КЛЕЙМОВЩИК** *м* тамғачи, тамгаловчи (тамга солучи, тамга босучи, белги қўючи).

**КЛЕЙСТЕР** *м* *мн. нет* сирач (крахмал ёки ундан тайёрланган елим).

**КЛЕЙСТОГАМЯ** *ж* *бот.* клейстогамия (очилмайдиган майда гулларнинг ўз-ўзидан чангланиши).

**КЛЕКОТ** *м* қурқурлаш, қирқирлаш (бургут ва шу каби йиртқич қушлар товуши).

**КЛЕКОТАТЬ** *несов.* қурқурламоқ, қирқирламоқ (бургут ва ш. к. лар ҳақида).

**КЛЕММА** = **зажим** 3 (*қ.*).

**КЛЕН** *м* *бот.* заранг (дарахт).

**КЛЕНОВЫЙ**, -ая, -ое **клён** *сўз. сиф.*; заранг дарахтига оид, заранг дарахти ёғочидан қилинган; **клёновый лист** заранг барги.

**КЛЕПАЛО** *ср* 1. *тех.* парчинболға (парчинлашда ишлатиладиган махсус болға); 2. *тар.* занг (ўтмишда қўнғироқ ўрнида ишлатилган металл тахта).

**КЛЕПАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *тех.* парчинлайдиган; **клепальная машина** парчинлайдиган машина; **клепальный молоток** парчинболға.

**КЛЕПАЛЬЩИК** *м* парчинловчи ишчи.

**КЛЕПАНЫЙ**, -ая, -ое *тех.* парчинланган, парчинлаб уланган, михпарчинлар (заклёпклар) блан уланган;

**клёпанный котёл** михпарчинлар блан уланган буг қозон; **клёпанный бак** парчинлаб ясалган бак.

**КЛЕПАНЫ** *ж* *мн. нет* *тех.* темир қоплама, темир филоф.

**КЛЕПАТЬ** I *несов. тех.* 1. парчинламоқ, парчинлаб ёки михпарчинлар блан уламоқ; 2. пешламоқ; **клепать кетмень** кетмонни пешламоқ.

**КЛЕПАТЬ** II *несов. содд.* тухмат қилмоқ, бўхтон қилмоқ, ёлгон-яшиқ гап, иғво тарқатмоқ.

**КЛЕПКА** *ж* 1. *только ед.* парчинлаш, парчинлаб ёки михпарчинлар (заклёпклар) блан улаш; 2. парчинлаш учун ишлатиладиган болға; 3. *махс.* бочка тахтаси.

**КЛЕПОЧНЫЙ**, -ая, -ое **клёпка** *сўз. сиф.*; бочка тахтасига оид, бочка тахтаси ишлаб чиқарадиган; **клёпочное производство** бочка тахтаси ишлаб чиқариш; бочка тахтаси ишлаб чиқарадиган, тайёрлайдиган корхона; **клёпочный станок** бочка тахталари тайёрлайдиган станок.

**КЛЕППЕР** *м* **клеппер** (немис оти).

**КЛЕПТОМАН** *м* *мед.* клептоман (клептомания касалига йўлиққан киши); *қ.* клептомания.

**КЛЕПТОМАНИЯ** *ж* *мн. нет* *мед.* клептомания (ўғриликка мойилликдан иборат руҳий касаллик).

**КЛЕПТОМАНКА** *ж* *мед.* клептоман аёл (клептомания касалига йўлиққан аёл).

**КЛЕРИКАЛ** *м* клерикал (1. руҳонийликка оид; 2. *сифс.* клерикализм тарафдори, клерикаллар партиясининг а'зоси; *қ.* клерикализм).

**КЛЕРИКАЛИЗМ** *м* *мн. нет* *сифс.* клерикализм (буржуа мамлакатларида — мамлакатнинг сиёсий ва маданий ҳаётида черков та'сирини кучайтиришга қаратилган реакцион оқим).

**КЛЕРИКАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *сифс.* клерикализм *сўз. сиф.*; клерикальная партия клерикаллар партиясига (буржуа мамлакатларида — черков та'сирини кучайтиришга уринувчи реакцион партия).

**КЛЕРК** *м* клерк (1. Англия ва Шимоллий Америкада савдо ва саноат корхоналарида, нотариус ёки адвокат идорасида ишловчи кичик хиз-

матчи; 2. Франция, Бельгия ва Голландияда нотариуслик ёки судьялик вазифасини олишга тайёрланчи хизматчи; 3. *тар.* Урта асрлардаги Франция ва Англияда руҳоний).

**КЛЕРОВАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *тех.* оқлашга оид, ёғ, қанд ва бошқаларни тозалашга, тиниқлашга оид; *клерф-вальный котёл* тинитадиган қозон.

**КЛЕРОВАТЬ** *несов. тех.* оқламоқ (ёғ, қанд ва бошқаларни тозалamoқ, тиниқламоқ).

**КЛЁСТ** *м зоол.* тўқай чумчуқ.

**КЛЕСТОВКА** *ж зоол.* тўқай чумчуқнинг урғочиси.

**КЛЁСТОВЫЙ**, -ая, -ое *клёст сўз. сиф.*; клёстовое яйцо тўқай чумчуқ тухуми.

**КЛЁТКА** I *ж* 1. қафас; 2. катак; *тетрадь в клётку* катак дафтар; *шёлк в клётку* катак шойи; *сложить дрова в клётку* ўтинни катак-катак қилиб тахламоқ; 3. хона;  $\diamond$  *в клётку ёки клётками* катак-катак; *грудная клётка (анат.)* кўкрак қафаси.

**КЛЁТКА** II *ж биол.* хужайра; *нервная клётка* нерв хужайраси; *клётка растённый ўсимлик* хужайраси.

**КЛЕТКОВИНА** *ж мн. нет* = клетчатка (*қ.*).

**КЛЁТОЧНЫЙ** I, -ая, -ое *клётка* I (I-нчи ма'носида) *сўз. сиф.*; қафасга оид, қафас ясайдиган; *клёточная мастерская* қафас ясайдиган ишхона.

**КЛЁТОЧНЫЙ** II, -ая, -ое *биол.* *клётка* II *сўз. сиф.*; хужайрага оид, хужайрали; *клёточная протоплазма* хужайра протоплазмаси; *клёточная теория* хужайра назарияси.

**КЛЕТУШКА** *ж* 1. *клеть* 2 *сўз-кичр. айт.*; *қ.* *клеть* 2; 2. *қ. т.* хужра, каталак, хонача.

**КЛЕТЧАТКА** *ж* клетчатка, целлюлоза (ўсимлик хужайралари парадисини ташкил қиладиган органик модда; техникада ундан қоғоз, сун'ий тола, плёнка, лок, портловчи модда ва ш. к. лар тайёрланади);  $\diamond$  *подкожная клетчатка (анат.)* тери ости клетчаткаси.

**КЛЁТЧАТЫЙ** I, -ая, -ое катакли, катак-катак; хона-хона; *клетчатый платок* катак рўмол; *клетчатое пальто* катак пальто.

**КЛЁТЧАТЫЙ** II, -ая, -ое *эск. биол.* хужайрали, хужайралардан иборат, хужайралардан тузилган; *клетчатое строение ткёни* тўқиманинг хужайрали тузилиши.

**КЛЕТЬ** *ж* 1. *кон.* *клеть* (шахталарда одам ёки юкларни юқорига олиб чиқадиган ва пастга туширадиган қурилма); 2. *махл.* омборча, хужрача.

**КЛЁЦКИ** *мн. (ед. клёцка ж)* узма; суп с клёцками узма ош.

**КЛЁШ** *м* 1. *клёш*; қийиқ, кенг этак (юбкада, қўйлақда); қийиқ, кенг поча (шимда); *скротить юбку* клёшем юбкани клёш қилиб бичмоқ; 2. ўзгармас сифат формаси ўрнида ишлатилади: *юбка клёш* клёш юбка; *брюки клёш* клёш шим.

**КЛЁШНЯ** *ж (мн. клёшнь)* 1. қисқичбақа панжаси; 2. *только мн. махс.* хомутнинг ёғоч қисми.

**КЛЁЩ** *м* кана; *ов'чий клёщ* жўлак; *паутинный клёщ* *қ.* *клёщик.*

**КЛЁЩЕВИНА** *ж мн. нет* кана-кунжут.

**КЛЁЩЕВИННЫЙ**, -ая, -ое *клещевина сўз. сиф.*; канақунжутга оид. канақунжутдан олинган; *клещевинное масло* канақунжут мойи, кастор мойи.

**КЛЁЩИ** *мн., ед. нет* омбир, қисқич;  $\diamond$  *клещами не вытасить (с. т.)* сра гапиртириб бўлмайти, гап олиб бўлмайти, миқ этмайти, безрайиб (без бўлиб) турабери; *из него клёщами не вытасишь слова* ундан ҳеч гап олиб бўлмайти; *взять в клёщи (ҳарб.)* исканжага олмоқ; омбирга қисгандек икки томондан қисиб олмоқ.

**КЛЁЩИК** *м зоол.* кана, канача; *паутинный клёщик* ўргимчаккана.

**КЛЁВЕР** *м денг.* кливёр (кеманинг олдинги қисмидаги учбурчак елкан).

**КЛЁЕНТ** *м* 1. *тар.* клиент (қадимги Римда патрицийларга қарам бўлган чалахуқуқли граждани); 2. *мижоз, клиент;* 3. *клиент* (ўз ишини адвокатга, җимоячига топширган киши).

**КЛЁЕНТКА** *ж* *қ.* *клиент* 2, 3.

**КЛЁЕНТСКИЙ**, -ая, -ое *клиент сўз. сиф.*; клиентга, мижозга оид; *қ.* *клиент.*

**КЛИЕНТУРА** *ж мн. нет собир.* клиентлар, мижозлар.

**КЛИЕНТУРНЫЙ**, -ая, -ое клиентура сўз. *сиф.*; клиентларга, мижозларга оид; клиентурные поручения клиентларнинг, мижозларнинг ишлари, топшириқлари.

**КЛИЗМА** *ж мед.* клизма (1. ични тозалаш ёки даволаш учун орқа йўлдан сув ёки бошқа бирор суюқлик юбориш; стáвить клизму клизма қилмоқ; лекарственная клизма дори юбориш учун қилинадиган клизма; питáтельная клизма озиқлантиручи клизма; 2. шу мақсад учун қўлланиладиган асбоб).

**КЛИК** *м поэз.* чақирик, овоз, товуш, нидо; қичқирик; радостный клик шодидна овоз (қийқирик); лебединые клики оққушлар қийқириги.

**КЛИКА** *ж нафр.* гуруҳ, тўда, гала, шайка (ёмон ният блан уюшган кишилар); клика реакцион<sup>6</sup>ров реакционерлар тўдаси; шпионская клика жосуслар гуруҳи.

**КЛИКАТЬ** *несов. 1. с. т.* чақирмоқ; кликни егó сюдá уни буюққа чақириб қўй; кликать кур товуқларни чақирмоқ, беҳ-беҳламоқ; 2. *с. т.* бақирмоқ, қичқирмоқ, қийқирмоқ, дод солмоқ; 3. қийқирмоқ; лебеди кличут оққушлар қийқирмоқда; 4. *махл.* атамоқ, исмламоқ.

**КЛИКНУТЬ** *сов. 1. однокр.* чақириб қўймоқ; 2. чақирмоқ, ундамоқ, чарламоқ;  $\diamond$  кликнуть клич халқни бирор ишга чақирмоқ, бирор ишга чақириб халққа мурожаат қилмоқ.

**КЛИКУН** *м 1.* ғақилдоқ (ғоз, оққуш хақида); 2. *махс.* йиртқич ҳайвонни алдаб қопқонга тушириш учун боғлаб қўйилган қўзи ёки чўчка боласи.

**КЛИКУША** 1. *ж.* қуёнчиқ, тутқаноқ сингари асабий касалликларга йўлиққан, жазаваси тутадиган, жини қўзидиган аёл; 2.  $\parallel$  *м* и *ж нафр.* шаллақи, бақироқ, оғиз кўпиртирадиган, сиёсатбоз; бесну́ющийся кликуша из буржуазных газет буржуа газеталарининг қутурган шаллақилари.

**КЛИКУШЕСКИЙ**, -ая, -ое кликушество ва кликуша сўз. *сиф.*; жазавали, шаллақиларча.

**КЛИКУШЕСТВО** *ср 1. мед.* хотинларда бўладиган қуёнчиқ, тутқаноқ сингари асабий касаллик, жазава тутиш; 2.  $\parallel$  *нафр.* шаллақилик, бақироқлик, оғиз кўпиртириш.

**КЛИКУШЕСТВОВАТЬ** *несов.* шаллақилик қилмоқ, оғиз кўпиртирмоқ.

**КЛИМАКС** = климактерий (*қ.*).

**КЛИМАКТЕРИЙ** *м мн. нет мед.* климактерий (хотинларда хайз, ой кўриш тўхталган давр; одатда 45—55 ёшлар ўртасида юз беради).

**КЛИМАКТЕРИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *мед.* климактерий сўз. *сиф.*; климактерий даврига оид, климактерик; климактерический период климактерий даври; *қ.* климактерий.

**КЛИМАТ** *м* иқлим; жёркий климат иссиқ иқлим; морской климат денгиз иқлими; континентальный климат континентал иқлим; *қ.* континентальный.

**КЛИМАТИЗИРОВАТЬСЯ** *несов.* бирор жойнинг иқлимига, турмуш шароитига ўрганмоқ, қўникмоқ.

**КЛИМАТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое климат сўз. *сиф.*; иқлимга оид, иқлимий; климатические условия иқлим шароитлари; климатическое лечение боп иқлим блан даволаш; климатическая стáнция иқлим курорти (айрим касалликларни даволаш учун иқлими қулай бўлган қурорт).

**КЛИМАТОГРАФИЯ** = климатология (*қ.*).

**КЛИМАТОЛОГИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое климатология сўз. *сиф.*; иқлимни ўрганишга оид, иқлимни ва иқлимнинг ҳаётга таъсирини ўрганадиган, климатологик; климатологические наблюдения иқлимий кузатишлар, климатологик кузатишлар.

**КЛИМАТОЛОГИЯ** *ж мн. нет* климатология (ер юзининг турли жойларидаги иқлимлари ва уларнинг ҳаётга таъсирини текширадиган фан).

**КЛИМАТОТЕРАПИЯ** *ж мед.* боп иқлим таъсири блан даволаш.

**КЛИН** *м (мн. клинья)* 1. пона; загна́ть клин пона қоқмоқ; 2. қийиқ; оғ; вшть клин оғ солмоқ, қийиқ солмоқ (кыйимга); 3. пона шаклидаги (учи қирра) нарса; борóдка клином чўққисоқол; 4. *қ. х.* бир мавсумда

экиладиган ер бўлаги; **озимый клин** кузги экин ери; **яровой клин** баҳори экин ери; **◇ свет не клином сошелся** (с. т.) 1) дун'ё кенг, у бўлмаса бу; 2) яна бир йўли (иложи) топилиб қолар; **клинком не вышибешь** (с. т.) қаттиқ ўрнашиб қолган, сингиб кетган, илдизи маҳкам; **дело клином сошлось** (с. т.) аҳвол мушкул; **клин клином вышибают** (матал) аччиқни аччиқ кесади; **куда ни кинь, всюду клин** (матал) ов юрса ҳам дов юрмайди; ҳаммаёқ — тўғоноқ.

**КЛИНИКА** ж мед. клиника (касалларни даволаш блан бирга ўқитув-тажриба ва илмий текшириш ишлари ҳам олиб борадиган касалхона).

**КЛИНИЦИСТ** м клиницист (клиникада касалларни даволаш блан бирга илмий текшириш ва кузатиш ишлари олиб боручи врач).

**КЛИНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое клиника сўз. сиф.; клиникага оид, клиникада олиб бориладиган, клиник; **клиническое здание** клиника биноси; **клиническое исследование** воньоне больно́го касалли клиник текшириш.

**КЛИНКЕР** I м блнк. клинкер (сув шимимайдиган, кислотага, совуққа ва ўтга чидамли, жуда қаттиқ пишиқ гишт).

**КЛИНКЕР** II м спорт. клинкер (спорт кемаси).

**КЛИНКЕРОВАТЬ** несов. тех. клинкерламоқ, клинкер гишт пиширмоқ; қ. клинкер I.

**КЛИНКОВЫЙ**, -ая, -ое клинок сўз. сиф.; тигга оид, тиг (шамшир) ясаладиган; **клинковая сталь** тиг (шамшир) ясаладиган (тиг ясашга ишлатиладиган) пулат.

**КЛИНОВИДНЫЙ**, -ая, -ое понага ўхшаш, понасимон; **клиновидный лист** понасимон барг.

**КЛИНОК** м 1. тиг, юз, дам; **клинóк сабли** қилич тиги; 2. қилич; 3. маҳз. понача.

**КЛИНОЛИСТНЫЙ** бот. понасимон баргли; **клинóлистный дуб** понасимон баргли болут (дуб) дарахти.

**КЛИНОМЕТР** м клинометр (нишобликни, қияликни, оғишни ўлчайдиган асбоб).

**КЛИНООБРАЗНЫЙ**, -ая, -ое қ. клиновидный; **клинóобразные** письмена қ. клинопись.

**КЛИНОПИСНЫЙ**, -ая, -ое клинопись сўз. сиф.; миххатга оид; миххат блан ёзилган; **клинóписный текст** миххат блан ёзилган текст.

**КЛИНОПИСЬ** ж 1. *только ед.* миххат, хатти михий (ҳарфлари пона ёки михга ўхшаган қадимги хат); 2. шундай ҳарфлар блан ёзилган текст.

**КЛИНОЧНЫЙ** = клинкóвый (қ.).

**КЛІНЬЯ** мн. қ. клин.

**КЛІПЕР**, **КЛІППЕР** м денг. клиппер (уч мачтали тезюар елкан кема).

**КЛІПСА** ж т. й. клипса (темир йўл рельсларининг уланган жойларидаги уловчи болтлар тагига қўйилдиган пластинка).

**КЛІР** м қ. причт.

**КЛІРИНГ** м клиринг (ташқи савдо муносабатларида банкларнинг счёт ва бошқа ҳужжатларга асосан ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китоб юргизиши).

**КЛІРИНГОВЫЙ**, -ая, -ое клиринг сўз. сиф.; нақд пулсиз ҳисоблашувга оид; **клиринговое соглашение** нақд пулсиз ҳисоблашув ҳақидаги битим (ташқи савдо муносабатларида).

**КЛІРОС** м черк. клирос (черков меҳробининг икки тарафида куйловчилар турадиган махсус жой).

**КЛІСТИР** м = клизма (қ.).

**КЛІСТИРНЫЙ**, -ая, -ое клистир сўз. сиф.; клистирга, клизмага оид; **клинóстная трубка** клизма найчаси.

**КЛІЧ** м 1. хитоб, нидо, на'ра, қийқирик, ҳайқирик; **кликнуть** клич қ. **кликнуть**; 2. шнор; чақирик; **боевой клич** 1) на'ра тортиш, сурон солиш; шнор ташлаш; 2) || жанговар шнор; жанговар чақирик.

**КЛІЧКА** ж 1. от; ҳайвонларга берилган ном; 2. лақаб, ном; **дать кличку** (ком'н.) лақаб қўймоқ.

кличу, кличешь наст. от кликать (қ.).

**КЛІШЕ** ср нескл. 1. полигр. клише (босмахонада қозога босиш учун металл ёғоч ёки тошга тескари туширидан расм, чертёж ва ш. к.); **мédное клише** мис клише; 2. || кўп

чайналган, сийқаси чиққан ибора; бир колиплаги гап.

**КЛОАКА** *ж* клоака [1. *тар.* қадимги Римда канализация қувурлари; 2. *нафр.* ифлос жой; 3. *нафр.* ифлос (бузук, бадахлоқ) одамлар; ифлос муҳит; 4. *зоол.* қушларда ва ба'зибир ҳайвонларда тезак-сийдик йўли блан таносил а'зоси учун биргина тешик].

**КЛОАКАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое клоака 4 сўз. *сиф.*; клоакальное отверстие клоака тешиги.

**КЛОАЧНЫЙ**, -ая, -ое клоака 1 сўз. *сиф.*; клоачная система канализация қувурлари.

**КЛОБУҚ** *м* *черк.* монахлар киядиган махсус қалпоқ, кулоҳ.

**КЛОЗЕТ** *м* *қ.* ватерклозет.

**КЛОК** *м* (*мн.* *кло́чья* ва *клоки*) 1. тутам, даста; *клок сѣна* бир тутам пичан; *клок волос* бир тутам соч; 2. парча, бурда, лахтақ; қийқим; *изорвать в кло́чья* бурдалаб ташламоқ; бурда-бурда (парча-парча) қилмоқ; 3. *парча, бўлак; кло́чья облако́в* булут парчалари; *кло́чья тумана* туман парчалари.

**КЛОКЪ** *мн. қ.* клок.

**КЛОКОТ** *м* *мн.* *нет қ.* *клокотание*.

**КЛОКОТАНИЕ** *ср* 1. бақирлаш, вақирлаш, варақлаш; биқирлаб қайнаш; 2. шарқираш, шовуллаш; *клокотание водопада* шалоланинг шарқираши; 3. хириллаш, дўриллаш, ғарғара; 4. *қайнаш, тўлиб тошиш* (ҳис, туйғу ҳақида); *изтироб*.

**КЛОКОТАТЬ** *несов.* 1. биқирламоқ, биқирлаб қайнамоқ, вақирлаб қайнамоқ; кинящая вода *клокотала* в котле қозондаги сув биқирлаб қайнамоқда эди; 2. шовилламоқ, шарқирамоқ; 3. хирилламоқ, дўрилламоқ, хириллаб турмоқ, ғарғара қилмоқ; 4. *қайнамоқ, тўлиб тошмоқ* (ҳис, туйғу ҳақида); *изтиробга тушмоқ; всё в нём клокотало от гнёва* у ғазабидан қайнаб тошмоқда эди.

**КЛОН** *м спорт.* эгилиш, энгашиш.

**КЛОНИТЬ** *несов.* 1. эгмоқ, букмоқ; қийшайтирмоқ, энгаштирмоқ; *ветер клонил* верхушки деревьев *ветер* шамол дарахтнинг учидаги шохларини эг-

моқда эди; *лодку клонило* набок қайиқ бир томонга қийшайди; 2. *элтмоқ; тортмоқ, босмоқ, келтирмоқ; мен клонит* ко сну *мени* уйқу босаяпти, уйқум келаяпти; 3. *эск. поэт.* пастга қарамоқ; ерга тикмоқ (кўзни); 4. *с. т.* олиб бормоқ, элтмоқ, бурмоқ; *клонить* разговор (*к чему-н.*) гапни (бир нарсага) бурмоқ; *клонить дело* (*к чему-н.*) ишни (бирор томонга) бурмоқ; *клонить голову* (*шею, спину*) бўйин эгмоқ, бўйсунмоқ.

**КЛОНИТЬСЯ** *несов.* 1. эгилмоқ, букилмоқ; энгашмоқ; *старое дерево клонится* к земле эски дарахт ерга эгилмоқда; 2. яқинлашмоқ, яқинлаб. етиб қолмоқ, оғмоқ; *день клонится к вечеру* кун оғди, кун кекикиб бора-япти; *дело клонится к концу* иш тугай деб қолди; 3. *кўзламоқ, ...га қараб бормоқ; к чему это клонится?* бундан мудлао нима?

**КЛОП** *м* 1. тахтакана, жўлак, қандала; *древесный клоп* тезгизак; *травяной клоп* ўткана; 2. *с. т. хазл.* дўндик бола, дўндикча, митги.

**КЛОПИННЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* *клоп сўз. сиф.*; қандалага, тахтаканага оид; *клопный запах* қандала ҳиди; *клопный уку́с* қандаланинг чақиши; қандала чаққан жой.

**КЛОПОВНИК** *м* 1. *с. т.* қандала уяси, қандала кони (қандала босган ўй ва жиҳоз); 2. *эск.* қандалага қарши ишлатиладиган бирхил ёввойи ўт.

**КЛОПОВЫЙ** = *клопный* (*қ.*).

**КЛОПОМОР** *м* 1. қандала дори; 2. қандала қирадиган асбоб; 3. қандала қиручи, қандалаларни қириш блан шуғуллашучи киши.

**КЛОП-ЧЕРЕПАШКА** *ж* *зоол.* ҳасва (зараркунанда ҳашарот).

**КЛОУН** *м* клоун, қизикчи, масхараваз (ширкда).

**КЛОУНАДА** *ж* 1. клоунлар (қизикчи ва масхаравазлар) ўйини; 2. *масхаравозлик, лўттивозлик, майнавозлик.*

**КЛОУНСКИЙ**, -ая, -ое *клоун сўз. сиф.*; клоунга, масхаравазга оид; *клоунский костюм* клоун кийими; *клоунские выходы* лўттивозлик.

**КЛОХТАТЬ** *несов.* курилламоқ, қақағламоқ (товуқ ва ба'зи қушлар ҳақида).

**КЛОЧКЎЙ** *мн. қ.* клочок.

**КЛОЧКОВАТЫЙ**, -ая, -ое, парча-парча, тун-туп, муш-муш; **клочковатая шерсть** мушлашиб қолган юнг; **клочковатые облака** парча-парча булутлар.

**КЛОЧОҚ** *м (мн. клочки)* 1. тутам, даста; **клочок ваты** бир тутам момиқ; 2. || бурда, парча, бўлак; **клочок бумаги** қоғоз парча, бир парча қоғоз; **разорвать в клочки** (*что-н.*) бурда-бурда қилиб йиртиб ташламоқ; **клочок земли** бир парча ер.

**КЛОЧЬЯ** *мн. қ.* клоч.

**КЛУБ** I *м* клуб {I. СССРда ишчи ва хизматчиларнинг снѣсий онгини, маданияти ва умумий савиясини ошириш учун, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун хизмат қиладиган снѣсий-оқартув муассасаси; **сельский клуб** қишлоқ клуби; **клуб текстильщиков** тўқимачилар клуби; 2. шундай муассаса учун жиҳозланган махсус бино; 3. капиталистик мамлакатларда бир гуруҳ кишилар машғулотини учун тuzилган ташкилот}.

**КЛУБ** II *м* 1. *эск. қ.* клубок 1, 2; 2. бурқирав чикқан, бурқирав чиқиб турган, пага-пага (буғ, тутун ва ш. к. лар ҳақида); **дым валит клубом** тутун бурқирав чиқмоқда; **клубы дыма** пага-пага тутун; **клубы шны** бурқиравган чанг.

**КЛУБЕНЕК** *м бот.* тугунчак (ба'зи ўсимликларнинг илдизидан ҳосил бўладиган азотли тугунча).

**КЛУБЕНЬ** *м (мн. клубни) бот.* тугунчак; **клубни** картофеля картошкани тугунаги.

**КЛУБЕНЬКОВЫЙ**, -ая, -ое *бот.* клубенек сўз. *сиф.*; тугунчакли, тугунчак ҳосил қиладиган; **клубеньковые бактерии** тугунчак бактериялари, тугунчак ҳосил қиладиган бактериялар; *қ.* клубенек.

**КЛУБИТЬ** *несов.* 1. *эск.* тўлқинлатмоқ; 2. бурқиратмоқ, тўзғитмоқ, кўтармоқ; **ветер клубит пыль** шамол чанг кўтармоқда; 3. хилпиратмоқ.

**КЛУБИТЬСЯ** *несов.* 1. бурқирамоқ, бурқирав чиқмоқ, пага-пага бўлиб

чиқиб турмоқ, кўтарилмоқ; **пыль клубится** чанг бурқирав осмонга кўтарилмоқда; **дым клубится над трубой** трубадан пага-пага тутун чиқмоқда; 2. || *поэз.* қайнамоқ, тўлқинланмоқ.

**КЛУБМЕН** *и* капиталистик мамлакатларда клубдан бери келмайдиган, вақтини клубда ўтказадиган одам; *қ.* клуб I (3-нчи ма'носида).

**КЛУБНЕВОЙ**, -ая, -ое *бот.* клубень сўз. *сиф.*; тугунакка оид; **клубневой глазок** картофеля картошканинг кўзи.

**КЛУБНЕПЛОД** *м бот.* тугунак ҳосилли ўсимлик (мас., картошка).

**КЛУБНИ** *мн. қ.* клубень.

**КЛУБНИКА** *ж мн. нет* қулупнай (*ўсимлигини ва мевасини*).

**КЛУБНИЧКА** *ж мн. нет* 1. клубника сўз. *кичр. айт.*; 2. || *с. т.* уят сўз, ахлоқсиз нарса.

**КЛУБНИЧНЫЙ**, -ая, -ое клубника сўз. *сиф.*; қулупнайга оид, қулупнайдан қилинган; **клубничный куст** қулупнай туپи; **клубничное варенье** қулупнай мураббоси.

**КЛУБНЫЙ**, -ая, -ое клуб I сўз. *сиф.*; клуб I га оид; **клубный работник** клуб ходими.

**КЛУБОК** *м* 1. копток ип, тўпча ип; **клубок ниток** бир копток ип; 2. юмалоқ (юмалоқланган) нарса, гужжак, копток бўлиб, қулала тушиб ётган нарса; **собака спала, свернувшись клубком** ит гужжак бўлиб ухлар эди; 3. тўп; 4. || тугун, чигил; **клубок событий** воқиалар чигили; **клубок противоречий** зиддиятлар тугуни; **разматывать клубок** 1) копток ипни чуватмоқ; 2) || чигил масалани ечмоқ; 5. тикилиш, тўлиб-тошиш (кўз ёши ҳақида); **слёзы клубком** подступают к горлу ўпка тўлиб турипти.

**КЛУБОЧЕК** *м* клубок сўз. *кичр. айт.*; *қ.* клубок.

**КЛУМБА** *ж* гулхона, клумба (доира ёки бошқа бир шаклда бўлган гулзор).

**КЛУПП** *м тех.* клупп (резьба қирқадиган асбоб).

**КЛУША**, **КЛУШКА** *ж маҳл.* курк товуқ, тухум босиб ётган товуқ.

**КЛЫК** *м* қозиктиш, иттиш, сүйлоқ-тиш.

**КЛЫКАСТЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* катта тишли, сүйлоқ тишли.

**КЛЮВ** *м* тумшук (қушларда ва ба'зи хайвонларда); **орлиный клюз** бургут тумшуги.

**КЛЮЗ** *м денг.* клюз (кеманинг бортида лангар занжири ўтказиладиган тешик).

**КЛЮКА** *ж* боши эгри (тутқиси қайрилган) хасса.

**КЛЮКВА** *ж* клюква, қизил нордон мевали ўсимлик ва унинг меваси;  $\diamond$  *развѣсистая клюква* (ҳазл.) лоф-қоф; ақлга тўғри келмайдиган гал.

**КЛЮКВЕННЫЙ**, -ая, -ое **клюква** сўз. *сиф.*: клюкмага оид, клюквдан қилинган; **клюквенный сок** клюква шарвати; **клюквенное варенье** клюква мураббо.

**КЛЮКНУТЬ** *сов. 1. с. т. дағл.* ширакайф бўлиб олмоқ, қиттак ичмоқ; **2. мағл.** урмоқ, туширмоқ; чўқимоқ.

**КЛЮНУТЬ** *сов. и однѣкр.* **1.** бир чўқиб қўймоқ, бир чўқиб олмоқ; **2.** алдамқ, қармоқни тортоқ, қимирлатмоқ (балиқ ҳақида); **3.** ўнғмоқ, ўнғидан келмоқ;  $\diamond$  *клюнуть носом* (*с. т. ҳазл.*) бурун блан урилмоқ, бурнини уриб олмоқ.

**КЛЮЧ** *1 м 1.* калит, оққич; **ключ; запереть дверь на ключ** эшикни калит блан бекитмоқ, қулфлаб қўймоқ; **гаечный ключ** (*тех.*) гайка клочни, гайка калити; **консервный ключ** консерва оққич (консерва очадиган асбоб); **2.** калит (шифрланган ёзув белгиларининг, ҳарфларининг системаси); **найти ключ к шифру** шифрнинг калитини топтоқ; **3.**  $\parallel$  тушунтириб, изоҳлаб берадиган, йўл очадиган, та'минлайдиган нарсас; бирор чигал нарсанинг учи, калаваси; **найти ключ к пониманию событий** воқияларни тушуниб олиш учун унинг учини топтоқ; **успех этой операции** — **ключ к победе** бу операциянинг муваффақияти бўлиб чиқиши галабани та'минлайди, галаба учун йўл очиб беради **4.**  $\parallel$  қўлланма (қийин асар, дарслик ва ш. к. ларни тушунишни осонлаштирадиган қўллапма);  $\diamond$  *ключ местности* (ҳарб.)

бирор жойнинг калити (ишғол қилинган тақдирда яқин атрофидаги жойни тамом қўлга қиритишга имкон беручи муҳим жой); *отпереть (что-н.) золотым ключом* (*с. т. эск.*) олтин калитни топиб (я'ни пора бериб) очмоқ.

**КЛЮЧ** *II м* булоқ, чашма;  $\diamond$  *бить ёски кляпёть ключом* қ. бить ва кляпёть **3.**

**КЛЮЧ** *III м муз.* сарпарда, калит, **ключ** (нотада сатр бошига қўйиладиган ва ўзидан кейинги ноталарнинг номи ва баландлигини белгилайдиган аломат); **скрипичный ключ** скрипка сарпардаси; **басовый ключ** бас сарпардаси.

**КЛЮЧ** *IV м арх.* гумбаз, (равоқ), чўққисини туташтирган ғишт, калит.

**КЛЮЧАРЬ** *м 1. эск.* калитдор; **2. черк.** катта черков хўжалигини идора қилучи руҳоний.

**КЛЮЧЕВОЙ** *I, -ая, -бе* **ключ** *I* сўз. *сиф.*: калитга оид, калитли; **часы с ключевым заводом** калит блан бураладиган соат.

**КЛЮЧЕВОЙ** *II, -ая, -бе* **ключ** *II* сўз. *сиф.*: булоққа, чашмага оид, булоқдан чиқадиган; **ключевая вода** булоқ суви.

**КЛЮЧЕВОЙ** *III, -ая, -бе* *муз.* **ключ** *III* сўз. *сиф.*; **ключ** *III* га оид; **ключевой знак** сарпарда (ключ) аломати.

**КЛЮЧЕВОЙ** *IV, -ая, -бе* *арх.* **ключ** *IV* сўз. *сиф.*; **ключ** *IV* га оид; **ключевой камень** гумбаз (равоқ) чўққисини туташтирадиган ғишт.

**КЛЮЧИЦА** *ж анат.* ўмров, ўмров суяги.

**КЛЮЧИЧНЫЙ**, -ая, -ое *анат.* **ключица** сўз. *сиф.*; ўмровга оид; **ключичная кость** ўмров суяги.

**КЛЮЧНИК** *м эск.* хонадонда калитдор, озиқ-овқат запасларини бошқаручи хизматчи.

**КЛЮЧНИЦА** *ж қ.* **ключник.**

**КЛЮШКА** *ж 1. спорт.* чавғон (хоккей ўйинида учи қайрилган узун таёқ); **2. тех.** қўймачиликда эгри бошли металл косов; **3.** қўлда тўр тўқишда ишлатиладиган, учи илмоқли чўп.

**КЛЯ́КСА** *ж* сиеҳ дог; посадить кляксу сиеҳ томизиб дог қилмоқ.

**КЛЯКСПАЙР** *м* *мн.* *нет* *эск.* = промокательная бумага; *қ.* промокательный.

клял, клял<sup>а</sup> *прош.* *от* клясть (*қ.*).

клян<sup>у</sup>, клян<sup>е</sup>ш<sup>ь</sup> *наст.* *от* клясть (*қ.*).

**КЛЯ́НЧИТЬ** *несов.* *с. т.* *манф.* тиланмоқ, ялиниб-ёлбориб сўрамоқ.

**КЛЯП** *м* тишламаслиги, бақирмаслиги учун оғзига тикилган таёқча, сўлик, латта-путта.

**КЛЯСТЬ** *несов.* қарғамоқ, ла'нат ўқимоқ.

**КЛЯ́СТЬСЯ** *несов.* қасам'ёд қилмоқ, онт ичмоқ, қасам ичмоқ, сўз бермоқ; аҳд-паймон қилмоқ; **кля́сться** в вёрности содиқлик (вафодорлик) ҳақида аҳд-паймон қилмоқ, қасам ичмоқ; **кля́сться** своей головой ўз боши блан жавоб беришга тайёрлигини билдириб, сўз бермоқ.

**КЛЯ́ТВА** *ж* қасам, онт; **сдерж<sup>а</sup>ть кля́тву** қасамида (сўзида) турмоқ, ўз сўзи устида чиқмоқ; **дать кля́тву** (*кому-н.*) сўз бермоқ, қасам ичмоқ; **взять кля́тву** (*с кого-н.*) сўз олмақ, қасам ичирмоқ; **О Анниба́лова** ёки **Анниба́льская клятва** *қ.* Аннибалов.

**КЛЯ́ТВЕННЫЙ**, -ая, -ое қасам'ёд қилинган, онт ичилган; **дать кля́твенное обеща́ние** қасам'ёд қилиб, онт ичиб ва'да бермоқ.

**КЛЯ́ТВОПРЕСТУПЛЕНИЕ** *ср* қасамни бузиш, онтдан қайтиш, қасамига хилоф иш қилиш.

**КЛЯ́ТВОПРЕСТУ́ПНИК** *м* қасамини бузган, онтдан қайтган одам, хоин.

**КЛЯ́ТВОПРЕСТУ́ПНИЦА** *ж* қасамни бузган, онтдан қайтган аёл.

**КЛЯ́УЗА** *ж* 1. *с. т.* *манф.* ғийбат, ифво, чақув, фиск-фасод; 2. *эск.* арзимаган (майда-чуйда) жанжал, қозивозлик.

**КЛЯ́УЗНИК** *м. с. т.* *манф.* ғийбатчи, чақимчи, ифвогар; фиск-фасодчи; жанжалкаш, қозивоз.

**КЛЯ́УЗНИЦА** *ж* *қ.* кля́узник.

**КЛЯ́УЗНИЧАТЬ** *несов.* *с. т.* *манф.* ғийбат қилмоқ, чақимчилик қилмоқ,

фиск-фасод қилмоқ, ифвогарлик қилмоқ; арзимаган нарсага қозивозлик қилмоқ, жанжал чиқармоқ.

**КЛЯ́УЗНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *с. т.* *манф.* ғийбатчига оид, жанжалкашдан, ғийбатчида келган; **кля́узническое** дело жанжалкашдан, ғийбатчида келган иш.

**КЛЯ́УЗНИЧЕСТВО** *ср* *мн.* *нет* *с. т.* ғийбатчилик, чақимчилик; жанжалкашлик, қозивозлик.

**КЛЯ́УЗНЫЙ**, -ая, -ое 1. жанжалли, чатоқ; хунук; **кля́узное** дело жанжалли иш; 2. ғийбатчи, жанжалкаш; **кля́узный** человек жанжалкаш одам.

**КЛЯ́ЧА** *ж* *с. т.* 1. қирчанғи от, ориқ, нимжон от; 2. || нимжон, озғин одам.

**КНЁХТЫ** *мн.* (*ед.* кнехт *м*) денг. пароход ёки пристаньда арқон боғланадиган тўнгал.

**КНИ́ГА** *ж* 1. китоб; **чита́ть** книгу китоб ўқимоқ; 2. дафтар; **книга** жалоб и предложений шикоят ва таклифлар дафтари; 3. китоб (йирик асарнинг мустақил қисмлари); **роман** в двух книгах икки китобдан иборат роман; **О книга за семью печатями** ҳечбир тушуниб бўлмайдиган нарса; (*вам*) и **книги в руке** бу ишнинг устаси (билагони, омилкори) сиз ўзингиз.

**КНИГОВЕ́Д** *м* китобшунос.

**КНИГОВЕ́ДЕНИЕ** *ср* *мн.* *нет* китобшунослик.

**КНИГОВЕ́ДЕНИЕ** *ср* *мн.* *нет* *бухг.* дафтар юритиш, ҳисоб-китоб юритиш.

**КНИГОВЕ́ДЧЕСКИЙ**, -ая, -ое книговедение сўз. *сиф.*; китобшуносликка оид; *қ.* книговедение.

**КНИГОЕ́Д** *м* 1. *зоол.* китоб қурти (эски китоб, қорсақларга тушадиган ба'зибир ҳашаротлар номи); 2. *манф.* *қ.* буквоёд.

**КНИГОИЗДА́ТЕЛЬ** *м* китоб ношири; китоб чиқаручи, китоб нашр этучи.

**КНИГОИЗДА́ТЕЛЬСКИЙ**, -ая, -ое книгоиздатель ва книгоиздательство сўз. *сиф.*; китоб ноширига ва нашриётга оид; **книгоиздательское** де-

ло наشريёт ишлари, китоб чиқариш, нашр этиш ишлари.

**КНИГОИЗДАТЕЛЬСТВО** *ср* 1. китоб наشريёт; 2. *только ед.* китоб нашр қилиш иши.

**КНИГОЛЮБ** *м эск.* китоб ҳаваскори, китобни яхши кўрадиган одам.

**КНИГОНОША** *м* и *ж* 1. китоб тарқатучи (кутубхона китобларини китобхонларнинг уйларига элтиб беручи ходим); 2. китоб сотиб юрчи сайёр китобфуруш.

**КНИГОНОШЕСКИЙ**, -ая, -ое книгонóша сўз. *сиф. қ.* книгонóша.

**КНИГОПЕЧАТАНИЕ** *ср* *мн. нет* китоб босиш, китоб чиқариш.

**КНИГОПЕЧАТНЫЙ**, -ая, -ое книгопечатание сўз. *сиф. қ.* китоб босишга, китоб чиқаришга оид, китоб босадиган; книгопечатное дело китоб босиш иши; книгопечатная машина китоб босадиган машина.

**КНИГОПРОДАВЕЦ** *м* китоб сотучи, китобфуруш, саҳоб.

**КНИГОТОРГОВЛЯ** *ж* *мн. нет* китоб савдоси.

**КНИГОТОРГУЮЩИЙ**, -ая, -ее китоб савдосига оид, китоб савдоси блан шуғулланадиган.

**КНИГОХРАНИЛИЩЕ** *ср* 1. катта кутубхона; 2. китоблар сақланадиган бино.

**КНИЖЕЧКА** *ж* китоб сўз. *кичр. айт.*; китобча, кичкинагина китоб.

**КНИЖКА** I *ж* 1. китоб сўз. *кичр. айт.*; китобча, китоб; 2. дафтарча; сберегательная книжка омонат касса дафтарчаси; членская книжка л'золик дафтарчаси; трудовая книжка меҳнат дафтарчаси.

**КНИЖКА** II *ж* *анат.* қатқорин (хавш қайтаручи ҳайвонларда).

**КНИЖНИК** *м* 1. *эск.* эски диний китобларни яхши билучи киши; 2. китобхон, китоб ҳаваскори; 3. китоб савдоси ишида ишловчи.

**КНИЖНО** *нареч.* китобий, китобчасига, китоб тили блан; книжно выражаться китоб тили блан гапирмоқ.

**КНИЖНЫЙ**, -ая, -ое 1. китоб I сўз. *сиф.* китобга оид, китоб учун белгиланган, китоб савдоси блан шуғул-

ланадиган; книжный переплёт китоб муқоваси; книжный шкаф китоб шкафи; книжный магазин китоб магазини; книжная торговля китоб савдоси; 2. || *манф.* китобий, китобдан олинган, ҳаётдан узоқ, қуруқ назарий; книжное знание китобий билим; книжный человек китобдиган бошқани билмайдиган одам; 3. || *лингв. ад.* адабий, китобий, китоб ва ёзув тилига хос; книжный стиль китобий услуб; ♦ *Книжная палата* Китоб палатаси (СССР да марказий библиография идорасининг номи).

**КНИЗУ** *нареч.* пастга, қуйига; опустить голову книзу бошни қуйин солмақ.

**КНИКСЕН** *м эск.* книксен (буржуадворяндонатига қизларнинг тиз букиб та'зим қилиши).

**КНОПКА** *ж* 1. кнопка; приколоть карту к стене кнопами картани деворга кнопка блан қоқиқ қўймоқ; 2. шиқ-шиқ тугма, пистон; кнопка на перчатке қўлқопдаги шиқ-шиқ тугма; 3. кнопка (электр асбобларда мас., электр звоноқда токни улаш учун бармоқ блан босиладиган тугма).

**КНОПЧНЫЙ**, -ая, -ое кнопка сўз. *сиф.*; кнопкага оид, кнопкали; кнопочная коробка кнопка қутиси.

**КНУТ** *м* қамчи; погонять лошадей кнутом отни қамчиламоқ; ♦ *политика кнута и прýника* жабру зулм ва ёғдамачилик сиёсати (буржуа-полициячилик мамлакатларида ҳукмрон синфларнинг халқ оммасига қарши террорни кучайтириш баробарида меҳнатқашларнинг қолоқ кичик группасини сотиб олиш йўли блан ишчилар ҳаракатига нифоқ солиш сиёсати).

**КНУТОВИЩЕ** *ср* қамчидаста.

**КНЯГИНЯ** *ж* *тар.* княгиня, князь хотини, бека.

**КНЯЖЕНИЕ** *ср* *тар.* 1. *только ед.* князьлик қилиш; 2. *қ.* княжество.

**КНЯЖЕСКИЙ**, -ая, -ое *тар.* князь сўз. *сиф.*; князьга оид; княжеский дом князь уйи; князь хонадони; княжеский род князьлар авлоди, уруғи

**КНЯЖЕСТВО** *ср* *тар.* князьлик (1. князь қўл остидаги ўлка; 2. князьлик унвони); ♦ *великое княжество*

(*тар.*) 1) буюк князьлик, улуг князьга қарашли ерлар; *қ. князь, великий князь*; 2) революциядан илгариги Россия империясининг айрым йирик қисми, мас. Финляндия).

**КНѢЖИЙ**, -ая, -ее *эск. қ.* кнѣжеский.

**КНѢЖИТЬ** *несов. тар.* князьлик қилмоқ.

**КНѢЖИЧ** *м тар.* князьвачча, князьзода, князьнинг ўғли.

**КНЯЖНѦ** *ж тар.* князь қизи.

**КНЯЖОЙ**, -Ѧя, -Ѧе = кнѣжий (*қ.*).

**КНЯЗЬ** *м (мн. князь<sup>ы</sup>) тар.* князь (1. қадимги Русьда асқар бошлиғи ва вилоят ҳокими; 2. революциягача — мерос тариқасида ёки чор ҳукумати олдидаги хизматлари учун берилган фахрий унвон); **О великий князь** (*тар.*) улуг князь 1) қадимги Русьда князьлар князи (вилоят князьлари ичиде энг катта князь); 2) революциядан бурунги Россияда император уғли, ака-укаси ёки набирасининг унвони.

**КНЯЗЬѦ** *мн.* князьлар; *қ. князь.*

**КО** ба'зи ундошлар блан бошланган сўзлар олдида „к“ ўрнида ишлатилган олд кўмакчи; *қ. к II.*

**КОАГУЛИРОВАТЬ** *несов. физ.* коагуляция қилмоқ, чўкмоқ, ивимоқ, куйилмоқ (коллоид эритмалардаги моддалар ҳақида).

**КОАГУЛЯЦИЯ** *ж физ.* коагуляция (коллоид эритмалардаги моддаларнинг ивиши, чўкиши; коллоид эритмаларнинг куйилиши); *қ. коллоид.*

**КОАЛИРОВАТЬ** *сов. и несов. сиёс.* иттифоқ тузмоқ, коалиция тузмоқ, иттифоқлашмоқ.

**КОАЛИЦИОННЫЙ**, -ая, -ое *сиёс.* коалиция сўз. *сиёс.*; коалицион, коалиция асосида тузилган, коалицияга кирадиган; **коалиционное прайзтельство** коалицион ҳукумат (бирнеча партиянинг иттифоқ бўлиб тузган ҳукумати).

**КОАЛИЦИЯ** *ж сиёс.* коалиция, иттифоқ (1. умумий мақсадга эришмоқ учун тузилган ихтиёрий иттифоқ; 2. бирнеча сиёсий партиянинг ҳукумат тузиш учун ўзаро тузган вақтинча иттифоқи; 3. бирнеча давлатнинг бош-

қа давлатга ёки давлатларга қарши ҳаракат қилиш учун тузган сиёсий иттифоқи).

**КОБАЛЬТ** *м мн. нет* кобальт (1. *хим.* химик элемент; пўлатни жуда қаттиқ қиладиган кумуш тўсли металл; 2. шу металл бирикмаларидан ҳосил қилинган бўёқ).

**КОБАЛЬТЪН** *м мн.* кобальтин, йилтироқ кобальттош (кобальт рудаси; кўк бўёқ тайёрлаш учун ҳам ишлатилади.)

**КОБАЛЬТОВЫЙ**, -ая, -ое *кобальт сўз. сиёс.*; кобальтга оид, кобальтдан қилинган, кобальт аралашган, кобальтли; **кобальтовое стекло** кобальт ойна; **кобальтовая сталь** кобальтли пўлат.

**КОБЕЛЬ** *м I.* эркак ит. кўппак; 2. бўри, тулки, айиқ каби ба'зи ҳайвонларнинг эркаги.

**КОБЗА, КОБЗА** *ж муз.* кўбиз (Украинада қадимги музика асбобларидан бири).

**КОБЗАРСКИЙ**, -ая, -ое *кобзарь сўз. сиёс.*; кўбизчига, кўбизчи бахшига оид; **кобзарские пёсни** кўбизчи кўшиқлари.

**КОБЗАРСТВО** *ср мн. нет I. собир.* кўбизчилар (кўбизчи бахшилар). 2. кўбизчилик касби.

**КОБЗАРЬ** *м* кўбизчи (Украинада кўбизчи бахши).

**КОБРА** *ж зсол.* кўзойнакли заҳарли илон.

**КОБУРА** *ж I.* тўппонча қини; 2. *ҳарб.* отлиқ асқарда эгарга бириктирилган чарм тўрва.

**КОБЧИК** *м* қийғир, қирғий.

**КОБЫЛА** *ж I.* бия, байтал; 2. *тар.* бурунги замонда тан жазосига ҳукм қилинганларни ётқизиб жазолаш учун махсус курси; 3. *спорт.* эшак (сақраш ва бошқа гимнастика машқлари учун қўлланладиган спорт асбоби).

**КОБЫЛИЙ**, -ья, -ье *кобыла I сўз. сиёс.*; бияга, байталга оид; **кобылье молоко** бия сути, қимиз.

**КОБЫЛИЦА** = кобыла I (*қ.*).

**КОБЫЛКА** I *ж* кобыла I сўз. *сиёс.*, *эркл. айт.*

**КОБЫЛКА II** *ж муз.* эшак, ҳарак (чалғу асбобларида).

**КОБЫЛКА** III ж зоол. чигиртка-лар оиласидан бир туркум ҳашарот-ларнинг номи; мароккская кобылка марокаш чигирткаси.

**КОБЫЛКИ** мн. бинк. бетонлаш-да арматура остига қўйиладиган тир-раклар.

**КОВАЛЬ** м маҳл. темирчи, тақачи.

**КОВАНЫЙ**, -ая, -ое I. болгалаб (чўкичлаб) ясалган; кованый кинжёл чўкичлаб ясалган ханжар; 2. тунука қопланган; кованый сундук тунука қопланган сандиқ; 3. тақаланган; ко-ваная лошадь тақаланган от; 4. || бурро, равон; пухта ишланган; ко-ваный стих пухта ишланган ше'р.

**КОВАРНСТЬ** ж мн. нет мак-корлик, айёрлик, ҳийлагарлик.

**КОВАРНЫЙ**, -ая, -ое маккор, ай-ёр, ҳийлагар, доғули; ҳийла-найранг-дан иборат бўлган; коварный чело-век айёр киши; коварные плёны поджигателей войны уруш оловини ёқучиларнинг ҳийла-найрангдан ибо-рат бўлган планлари.

**КОВАРСТВО** ср I. макр, ҳийла; 2. *только ед.* маккорлик, айёрлик; человек, по́льный коварства ўтакет-ган айёр киши.

**КОРРЕЛЯЦИЯ** *жс* корреляция (тушунчалар ёки нарсалар ўртасидаги боғланиш, муносабат).

**КОРРЕСПОНДЕНТ** *м* 1. корреспондент, мухбир; **рабочие и сельские корреспонденты** ишчи ва деҳқон мухбирлар; **от собственного корреспондента** ўз мухбирдан (мухбиримиздан); **корреспондент газеты** газета мухбири; 2. *с. т.* корреспондент, мухбир (бирор киши блан хат-хабар ёзишиб туручи); **он-мой постоянный корреспондент** у менга доимо хат ёзиб туради; 3. корреспондент, гумашта (бошқа киши ёки муассасанинг молия, савдо-соғиқ соҳаси-

даги топшириқларни бажаручи киши, муассаса, фирма ёки банк); **◇** **член-корреспондент** корреспондент а'зо (илмий жамият ёки муассасанинг, мас., фанлар академиясининг ҳақиқий а'золарга қараганда камроқ ҳуқуққа эга бўлган а'зоси).

**КОРРЕСПОНДЕНТКА** *ж* корреспондент аёл, мухбир аёл.

**КОРРЕСПОНДЕНТСКИЙ**, -ая, -ое корреспондент сўз. *сиф.*: корреспондентга, мухбирга оид; **корреспондентская записка** мухбир хабари.

**КОРРЕСПОНДЕНЦИЯ** *ж* 1. хабар, мақола; корреспондэнция из района райондан келган хабар; 2. *только ед. собир.* хат-хабар; **заказная корреспонденция** заказной хат; **доставка корреспонденции** на дом хатни уйга элтиб бериш; 3. *эск.* айрим шахс ёки муассасалар ўртасидаги расмий ёзишма, алоқа қоғозлари; **вести корреспонденцию** алоқа қоғозлари ёзишиб турмоқ.

**КОРРЕСПОНДИРОВАТЬ** *несов.* 1. *эск.* бирор киши блан хат ёзишиб турмоқ; 2. *эск.* газета, журналларга хабарлар ёзиб юбормоқ; 3. тўғри келмоқ, мувофиқ бўлмоқ, муносиб, мос келмоқ; **эти понятия** корреспондируют друг другу бу тушунчалар бир-бирига мос келади.

**КОРРИГИРОВАТЬ** = корректировать 1 (*қ.*).

**КОРРИГИРОВАТЬСЯ** = корректироваться 1 (*қ.*).

**КОРРОЗИОННЫЙ**, -ая, -ое коррозия сўз. *сиф.*: коррозияга оид; *қ.* коррозия.

**КОРРОЗИЯ** *ж* *мн. нет* коррозия (1. *мед.* шиллиқ парда, суяк, бўғим ва бошқа органларнинг ўтқир моддалар таъсири блан ёки яраланиш натижасида емирилиши; 2. *тех.* металлларнинг химик, электрохимик таъсир остида емирилиши, чириши, занглаши).

**КОРРУПЦИЯ** *ж* коррупция (капиталистик мамлакатларда—пора бериш, пора блан сотиб олиш, порага учириниш; жамоат арбоблари ва мансабдорларнинг сотқинлиги, порахўралиги).

**КОРСАЖ** *м* корсаж (1. хотин-қизлар кўйлагининг белдан ёқагача бўл-

ган қисми, кифти; 2. юбканинг кенг белбоғи).

**КОРСАК** *м* *зоол.* қорсоқ (тулкининг бир тури).

**КОРСАР** *м* *тар.* 1. корсар, денгиз қароқчиси; 2. *қ.* кáпер.

**КОРСЕТ** *м* корсет (1. хотин-қизларнинг белни сиқиб туриш учун кўйлак ичидан киядиган кенг белбоғи; **затягиваться в корсет** корсет боғламоқ; 2. *мед.* таннинг касал жойини танғиб қўядиган гипс ёки чарм бандаж, куллоб; **гипсовый корсет** гипс корсет).

**КОРСЕТНЫЙ**, -ая, -ое корсет сўз. *сиф.*: корсетга оид, корсет ишлаб чиқарадиган; **корсетное производство** корсет ишлаб чиқариш.

**КОРТ** *м* *спорт.* корт (теннис ўйналадиган майдонча).

**КОРТЕЖ** *м* *эск.* тантанали юриш, намоёиш; **свадебный кортеж** тўй-тамошо намоёиши.

**КОРТЕСЫ** *мн., ед. нет* *сидс.* Испания ва Португалияда — парламент.

**КОРТИЕВ:** **кóртиев óрган** (*анат.*) корти органи (эшитув нервининг энг охиридаги аппарат).

**КОРТИК** *м* *ҳарб.* кортик (денгиз ва ҳаво флоти офицерлари ва танкчи офицерлар тақадиган ханжарга ўхшаш яроғ).

**КОРТОЧКИ** *мн., ед. нет:* на корточках (*сидеть*) (*с. т.*) чўққайиб ўтирмоқ; на корточки (*опуститься, стать, присесть*) чўққаймоқ; с корточек (*подняться, встать*) чўққайган жойидан турмоқ.

**КОРУНД** *м* *мн. нет* *мин.* корунд (алюмин оксиддан иборат жуда қаттиқ минерал; абразив материал ва асбоблар тайёрлаш учун ишлатилади).

**КОРУНДОВЫЙ**, -ая, -ое *мин.* корунд сўз. *сиф.*: корундга оид, корунддан тайёрланган; **корундовый порошок** корунд порошоғи.

**КОРЧА** *ж* (*мн. кóрчи*) *с. т.* триришиш, томир тортишиш; **◇** **влáя кóрча** (*мед. с. т.*) *қ.* эрготизм.

**КОРЧАГА** *ж* *маҳл.* хум, хумча, кўшуқуқ.

**КОРЧАЖНЫЙ**, -ая, -ое маҳл. хумда тайёрланган.

**КОРЧЕВАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое тех. тўнка қазийдиган, сугурадиган; кундаков; корчевальная машина кундаков машина.

**КОРЧЕВАНИЕ** *ср мн. нет* кавлаш, суғуриш, юлиб олиш; корчевание пней тўнгак кавлаш, тўнгак суғуриш, кундаков қилиш; ерни тўнкалардан тозалаш; корчевание гузапай ғўзапоя суғуриш, юлиш, ерни ғўзапоядан тозалаш.

**КОРЧЕВАТЬ** *несов.* қазимоқ, кавламоқ, суғуриб, юлиб олмоқ; корчевать пни тўнгак кавламоқ, кунда кавламоқ, кундаков қилмоқ, ерни тўнгаклардан тозаламоқ.

**КОРЧЕВАТЬСЯ** *несов.* қазилмоқ, кавлаб, суғуриб олинмоқ, юлинмоқ, кундаков қилинмоқ.

**КОРЧЁМНЫЙ**, -ая, -ое 1. *эск.* корчма сўз. *сиф.*; корчмага оид; корчёмный двор корчма ҳовлиси; 2. *тар.* бекитиқча, ўгринча; корчёмное вино яшириб (ўгринча) сотиладиган вино.

**КОРЧЁМСТВО** *ср мн. нет тар.* яшириб (ўгринча) ичкилик сотиш.

**КОРЧИ** *мн. қ.* корча.

**КОРЧИТЬ** *несов.* 1. тириштирмақ, томир тортишмоқ; егё корчило от боли оғриқ уни тириштириб турар эди; 2. *с. т.* ижирғантирмақ, ғашини келтирмақ, жигига тегмоқ; 3. || *с. т. манф.* ўзини бир қиёфада кўрсатмоқ, олифтагарчилик қилмоқ, чиранмоқ; он корчит из себя знатокá у ўзини билмидон қилиб кўрсатади; *◊ корчить рожю, гримáсы, мины (с. т.)* юз буруштирмақ.

**КОРЧИТЬСЯ** *несов.* тиришмоқ, томир тортишмоқ, тўлганмоқ, талпинмоқ, бурушиб тиришмоқ; корчиться в мўках азобда тўлганмоқ.

**КОРЧМА** *ж эск.* корчма (Белоруссия ва Украинда—қовоқхона ёки қовоқхонаси бўлган карвонсарой).

**КОРЧМАРКА** *ж эск.* корчма тучи аёл.

**КОРЧМАРЬ** *м эск.* корчма эгаси.

**КОРШУН** *м* калхат.

**КОРЫСТЛИВЫЙ**, -ая, -ое қ. корыстолюбивый.

**КОРЫСТНЫЙ**, -ая, -ое 1. гаразли, гараз блан қилинган; 2. қ. корыстолюбивый.

**КОРЫСТОЛЮБЕЦ** *м* тама'гир, ҳарис, манфаатпараст, очкўз; ўз фойдасини кўзлайдиган одам.

**КОРЫСТОЛЮБИВЫЙ**, -ая, -ое гаразғўй, тама'гир, ҳарис, пулпараст, манфаатпараст, очкўз, ўз фойдасини кўзлайдиган; корыстолюбивый человек тама'гир одам, гаразғўй одам.

**КОРЫСТОЛЮБИЕ** *ср мн. нет* гаразғўйлик, ҳарислик, тама'гарлик, очкўзлик.

**КОРЫСТЬ** *ж мн. нет* 1. манфаат, фойда, наф'; ҳирс, тама'; кака́я ему́ в этом корысть? бундан унга нима фойда?; 2. қ. корыстолюбие.

**КОРЫТО** *ср* 1. тогора; корыто для стёрки киртогора; корыто для кормлениа скота охур, нов охур, тегана; 2. *тех.* мойдон (автомобил, трактор двигателида ва умуман машиналарда мой турадиган идиш); *◊ у разбитого корыта (остаться, сидеть) (матал)* эски ҳаммом, эски тос.

**КОРЫТЦЕ** *ср с. т.* кичкина тогора.

**КОРЬ** *ж мн. нет мед.* қизамиқ.

**КОРЬЁ** *ср мн. нет собир.* пўстлоқ, дарахт пўстлоғи; дубильное корьё тери ошлаш учун ишлатилдиган пўстлоқ.

**КОРЬЕВОЙ**, -ая, -бе маҳс. корьё сўз. *сиф.*; пўстлоққа оид.

**КОРЬЕДРОБИЛКА** *ж тех.* пўстлоқ майдалайдиган (янчадиган) машина.

**КОРЬЕРЁЗКА** *ж тех.* пўстлоқ қирқадиган машина.

**КОРЮШКА** *ж* корюшка (бирхил майда балиқ).

**КОРЯВЫЙ**, -ая, -ое 1. *с. т.* эгри-бугри, қинғир-қийшиқ; корявые пальцы эгри-бугри бармоқлар; 2. *маҳл.* чўтир, ғадир-будур; корявое лицо чўтир юз; 3. || *с. т.* ажива, хунук; қўпол, дағал; корявый пóчерк хунук хат.

**КОРЯГА** *ж с. т.* сувга ботган сербуток дарахт, тўнгак; весло зацепилось за корягу эшкак сув остидаги дарахт бутоғига илиниб қолди.

**КОРЯКИ** *мн. (ед. коряк м)* Осие-нинг узоқ шарқи-шимолида яшовчи халқ.

**КОСА** I *ж (мн. кóсы)* кокил, соч ўрими; залести кóсу соч ўрмоқ.

**КОСА** II *ж (мн. кóсы) қ. х.* чалғи, чалғи ўроқ, белўроқ; *точить кóсу* чалғини чархламоқ; *♦нашла кóса на камень (матал)* қ. х. *найти II.*

**КОСА** III *ж махс.* тил (географияда).

**КОСА́РЬ** I *м* ўроқчи.

**КОСА́РЬ** II *м* ошпичоқ, чопқи.

**КОСА́Ч** *м маҳл.* қур (қуш; хўрози).

**КОСВЕННО** *нареч.* 1. бавосита, билвосита; эгри йўл блан, имо, кино блан, четдан; 2. қисман, бир қадар, бир даража, бир чеккаси, бир томондан; *этот вопрос косвенно касается и вас* бу масала бир томондан сизга ҳам тааллуқли.

**КОСВЕННЫЙ.** -ая, -ое 1. *эск.* қия, қийғоч; *косвенный луч (физ.)* қия нур; 2. бавосита, билвосита, воситали, четдан келтирилган; *узнать что-н. косвенным путем* четдан (бошқалардан) эшитмоқ; *косвенные улики (юр.)* бошқа ёқдан келтирилган (қўшимча) далиллар; *косвенный намёк* бошқа ёқдан келтириб (имо қилиб) тушунтириш; *косвенные данные* бошқа ёқдан келтирилган далиллар; 3. II *иккинчи даражали, қўшимча; косвенные причины* қўшимча сабаблар; *♦ косвенные налоги (мл.)* воситали солиқлар (исте'мол молларидан олиналган солиқлар); *косвенный вопрос (грам.)* эргаш гап орқали берилган сўроқ; *косвенное дополнение (грам.)* воситали тўлдиручи; *косвенная речь (грам.)* кўчирма гап; *косвенные надежды (грам.)* именительный падеждан бошқа падежлар.

**КОСÉКАНС** *м мат.* косеканс (тўғри бурчакли учбурчақда гипотенузанинг тор бурчақ қаршисидаги катетга нисбати).

**КОСÉЦ** *м маҳл.* = **КОСА́РЬ** I (қ.).

**КОСИ́ЛКА** *ж қ. х.* ўроқ машина.

**КОСИ́НУС** *м мат.* косинус (тўғри бурчакли учбурчақда тор бурчақ-

ка ёпишган катетнинг гипотенузага нисбати).

**КОСИТЬ** I *несов. 1. қ. х.* ўрмоқ; *косить сено* пичан ўрмоқ; 2. II *қирмоқ, қириб ташламоқ, қириб юбормоқ.*

**КОСИТЬ** II *несов. 1.* кўз гилай бўлмоқ; *он косит одним глазом* ўнинг бир кўзи гилай; 2. қийшайтмоқ, қийшайтирмоқ, кўз қири блан қарамоқ; *гилайлатмоқ*; 3. қийшайиб қолмоқ, қийшайиб турмоқ, қийшаймоқ, қийшиқ келмоқ.

**КОСИТЬСЯ** I *несов. қ. х.* ўрилмоқ.

**КОСИТЬСЯ** II *несов. 1. с. т.* кўз қирини ташламоқ, кўз қири блан қарамоқ; 2. II *қинғир қарамоқ, кўз олайтирмоқ, бошқача (ёмон кўз блан) қарамоқ; на него все косится за его поступок* қилғилигига яраша унга ҳамма ёмон кўз блан қарайди; 3. қийшаймоқ, қайишмоқ, тоб ташламоқ; *дверь косится от сырости* эшик намдан тоб ташлаб қолипти.

**КОСИ́ЦА** *ж эск. 1. қ.* косичка; 2. бир тутам соч, бир тарам соч; *волосы* дежбди *косицами* сочлари тарам-тарам бўлиб солиниб турарди.

**КОСИ́ЧКА** *ж. е. т. коса I суз. кичр., эскл. айт.*; соч ўрими, кокилча; *волосы* залпленгий тоненькие *косички* сочлари майда ўрилган.

**КОСМА́ТИТЬ** *несов. с. т.* сочни тўзғитмоқ, ҳурпайтирмоқ, пахмоқ қилмоқ, саватдек қилиб юрмоқ.

**КОСМА́ТИТЬСЯ** *несов. с. т. 1.* тўзғитмоқ, ҳурпаймоқ, пахмоқ бўлмоқ; 2. тўзғитилимоқ, ҳурпайтирилмоқ, пахмоқ (саватдек) қилинмоқ.

**КОСМА́ТЫЙ,** -ая, -ое 1. *с. т.* пахмоқсоч, сочи ҳурпайган, тўзғиган; 2. бароқ, пахмоқ, юнги осилиб тушган; *космáтая со́бка* бароқ ит.

*космáчу, космáтишь наст. от космéтить (қ.).*

**КОСМÉТИКА** *ж мн. нет I.* косметика, пардоз; *лечебная космéтика* даволаш косметикаси; 2. *собр.* упа-элик, пардоз-андоз моллари.

**КОСМÉТИЧЕСКИЙ,** -ая, -ое *космéтика суз. с. ф.*; *косметикага оид; космéтические средства* пардоз

моллари: **косметический кабинет** косметика кабинети.

**КОСМИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое 1. **космос** сўз. *сиф.*; космосга, коинотга, олам фазосига оид, космик; **космические лучи** (*физ.*) космик нурлар [олам фазосидан бизнинг планетамизга (Ерга) келиб турадиган алоҳида нурлар]; 2. || ғоят катта, улкан, беҳад зўр.

**КОСМОГОНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое оламнинг пайдо бўлиши масалаларига, космогонияга оид, космогоник; **космогоническая гипотеза** космогоник гипотеза (оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги гипотеза); **космогонические мифы** космогоник (оламнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги) афсоналар.

**КОСМОГОНИЯ** *ж* *мн.* *нет* космогония (оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги та'лимот).

**КОСМОГРАФИЯ** *ж* *мн.* *нет* космография (оламнинг умумий тасвири; астрономия ва табиий географиядан умумий ма'лумотлар).

**КОСМОЛОГИЯ** *ж* *мн.* *нет* космология (оламнинг тузилиши ва ривожига ҳақидаги та'лимот).

**КОСМОНАВТИКА** *ж* *мн.* *нет* космонавтика (планеталар орасидаги бўшлиқда учиб назарияси).

**КОСМОПОЛИТ** *м* 1. космополит, космополитизм тарафдори; **қ.** космополитизм; **безрôдный космополит** беватан космополит; 2. **космополиты** *мн.* *биол.* космополитлар (*ср* шарининг ҳамма жойида учрайдиган ўсимлик ва ҳайвонлар).

**КОСМОПОЛИТИЗМ** *м* *мн.* *нет* космополитизм („киши дун'ё граждандидир“ деган сохта шиор остида ватанпарварликни, миллий маданият традицияларини, ҳаёқларнинг миллий мустақиллигини инкор этуви реакция буржуа мафкураси; космополитизм агрессив буржуа миллатчилигининг пардаланган формаси бўлиб пролетар интернационализмга зид мафкурадир; Америка империализми космополитизмдан агрессив мақсадлар учун фойдаланади).

**КОСМОПОЛИТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое космополит ва космополитизм

сўз. *сиф.*; космополитизм руҳи блан суғорилган, космополитизмдан иборат бўлган.

**КОСМОС** *м* космос, коинот, олам, дун'ё.

**КОСМЫ** *мн.* (*ед.* *косма* *ж*) *содд.* соч тутами; **распустить космы** соч ёймоқ.

**КОСНЕТЬ** *несов.* 1. *эск.* *нафр.* қотмоқ, қотиб қолмоқ, ботмоқ; **коснеть в невѣжестве** жаҳолатга берилмоқ, нодонлик ботқоғига ботиб қолмоқ; 2. қотмоқ, қотиб қолмоқ, қарахт бўлмоқ.

**КОСНОСТЬ** *ж* *мн.* *нет* *манф.* қотиб қолганлик, тўмтоқлик, қоқоқлик, эскилик, ғафлат, жаҳолат; мутаасиблик; **косность ума** ақл қотганлиги; **косность привычек** одатларнинг суякка сингганлиги.

**КОСНОЯЗЫЧИЕ** *ср* *мн.* *нет* 1. тутулиб, дудуқланиб гапириш, соқовлик, дудуқлик; 2. || *манф.* гапни энлаб гапираолмаслик, пойма-пой гапириш, гапи оғзидан тушиб кетиш.

**КОСНОЯЗЫЧНЫЙ**, -ая, -ое 1. соқов, дудуқ; тили чучук; 2. || *манф.* гапни энлаб гапираолмайдиган, пойма-пой гапирадиган, гапи оғзидан тушиб кетадиган.

**КОСНУТЬСЯ** *сов.* и *однокр.* **қ.** касат'я, в своём докладе он не коснулся этого вопроса у ўз докладида бу масала ҳақида гапирмади.

**КОСНЫЙ** I, -ая, -ое жоҳил, мутаасиб, қоқоқ, орқада (ғафлатда) қолган, қотиб қолган; тўмтоқ; тepsа-тебранмас, танбал; **косный ум** ақли тўмтоқ; **косный образ жизни** қоқоқ турмуш, қоқоқ ҳаёт.

**КОСНЫЙ** II, -ая, -ое **косá** II сўз. *сиф.*; чалги ўроққа оид; **косное острие** чалги ўроқ тиғи.

**КОСО** *нареч.* 1. қийшиқ, қинғир; қиялаб, қиялатиб; **картина повешена косо** сурат қийшиқ осилипти; **дождь пáдал косо** ёмғир қиялаб урмоқда эди; 2. || олайиб, бошқа кўз блан, ёмон кўз блан, душман кўзи блан; **косо смотреть** (*на когò-н.*) кўз олайтириб қарамоқ, қинғир қарамоқ.

**КОСОБОКИЙ**, -ая, -ое бир ёққа оққан, қийшайган, ёнбошлаган, бели

(бикини) ичига кирган; косо́бкий человек бикини ичига кирган одам.

**КОСОВИ́ЦА** *ж қ. х.* ўрим-йигим вақти, бедаўроқ, пичанўроқ.

**КОСОВИ́ЩЕ** *ср махс.* чалғи дастаси, белўроқ дастаси.

**КОСОВОРО́ТКА** *ж* ёнеқа кўйлак (эркаклар кўйлағи).

**КОСОГЛА́ЗИЕ** *ср мн. нет мед.* гилайлик.

**КОСОГЛА́ЗЫЙ**, -ая, -оё гилай.

**КОСОГÓР** *м* қия, қиялик, қиямалик, қияма тоғ, тепа ёки тоғ ёнбағри; село расположено на косогóре қишлоқ қияликка (тепаликнинг ёнбағрига) тушган; доро́га идёт по косогóру йўл қиялаб кўтарилиб боради.

**КОСО́Й I**, -ая, -оё **I**. қия, қийшиқ, қиялама, ётиқ, нишоб; кося́я ра́ма қийшиқ рама; косо́й дождь қиялама ёмғир; косо́й по́черк ётиқ хат; **2**. қийшиқ, қинғир-қийшиқ, эгри-бугри; **3**. гилай; **4**. || бошқача, душманларча, шубҳали, қинғир; броса́ть кося́е взгля́ды (*на кого-н.*) кўз олайтирмақ; душман кўзи блан қарамоқ; **◇** *кося́я саже́нь в плеча́х* (*с. т.*) яғрини кенг, барваста (одам); *косо́й па́рус* (*махс.*) учбурчак елкан; *косо́й уго́л* (*мат.*) тор бурчак; *косо́й деся́ток* (*с. т.*) бирталай, галай.

**КОСО́Й II** *м с. т.* куён (куённинг лақаби).

**КОСОЛА́ПОСТЬ** *ж мн. нет* маймоқлик, маймоқ оёқлик.

**КОСОЛА́ПЫЙ**, -ая, -оё **I**. маймоқ; қийшиқ оёқ, пайпоқ оёқ; **косола́пый** медведь маймоқ айиқ; **2**. || *с. т.* эпашанг, ношуд, шуди йўк, бесўнақай.

**КОСОПРИЦÉЛЬНЫЙ**, -ая, -оё: **косоприцёльный огонь́ харб.** душманни ён томондан ўққа тутиш.

**КОСОРО́ТЫЙ**, -ая, -оё *содд.* қийшиқоғиз, оғзи қийшиқ.

**КОСОСЛО́Й** *м махс.* буранг, буралма (ёғоч қатламларининг нотўғри, қия жойланиши, ёғочнинг нуқсони).

**КОСОСЛО́ЙНЫЙ**, -ая, -оё *махс.* буранг, буралма қатламли; **кососло́йное** дре́во буранг ёғоч.

**КОСОУГО́ЛЬНЫЙ**, -ая, -оё *мат.* тор бурчакли; **косоуго́льный** треуго́льник тор бурчакли учбурчак.

**КОСТЕДРОБИ́ЛКА** *ж* суяк янчадиган машина.

**КОСТЕДРОБИ́ЛЬНЫЙ**, -ая, -оё суяк янчадиган.

**КОСТЁЛ** *м* костёл (поляк католиклари ибодатхонаси).

**КОСТЕНÉТЬ** *несов.* **1**. қотмоқ, тўнгмоқ, муз-кесак бўлмақ; **ру́ки** **костене́ют** от хо́лода кўллар совуқдан муз-кесак бўлиб қоляпти; **2**. || қотмоқ, тирраймоқ, тарракдек қотиб қолмоқ; **костене́ть от у́жаса** ваҳимадан тарракдек қотиб қолмоқ.

**КОСТЕОБЖИГА́ТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -оё *махс.* суяк куйдирадиган; **костеобжигате́льная** печь суяк куйдирадиган печь.

**КОСТЁР** *м* (*мн.* **костры́**) **1**. гулхан, олов; **развести** **костёр** гулхан ёқмоқ; **2**. *махл.* девор қилиб таҳланган ўтин, саржин.

**КОСТЁРЬ** *м бот.* ялтирбош, тарақбош (ёввойи ўт).

**КОСТИ́СТЫЙ**, -ая, -оё **1**. суякли, қилтанокли; серсуяк, серқилтанок; **костя́стая** рыба қилтанокли балиқ; **2**. *қ.* **костля́вый I**.

**КОСТЯ́ТЬ** *несов. содд.* ҳадеб қиййвермоқ, уришавермоқ, сўкавермоқ; жаврамоқ.

**КОСТЛЯ́ВЫЙ**, -ая, -оё **1**. жуда ориқ, озгин, қоқ суяк, куруқ суяк, суяклари саналиб турадиган, қотма; **костля́вая** фигу́ра қотма (қоқ суяк) жусса; **2**. *қ.* **костя́стый I**.

**КО́СТНЫЙ**, -ая, -оё **кость** сўз. *сиф.*; суякка оид; **ко́стный** мозг илик; **ко́стный** туберкулёз суяк сили.

**КОСТОÉДА** *ж мн. нет мед.* суяк чириси касали, оқма.

**КОСТОПРА́В** *м I*. эск. шикастабанд, синиқчи (чиққан ёки синган суякни солучи); **2**. || *кест.* ярамас, ношуд доктор.

**КОСТОЧКА** *ж I*. **кость** сўз. *кичр. айт.*; суякча, кичкина суяк; **2**. данак; **абрикóсовая** **косточка** ўрик данаги; **3**. чўт тугмаси, чўт донаси; **◇** *перемыва́ть* **косточки** (*кому-н.*) (*с. т.*) бировни хўп гап қилмоқ, тоза ғийбат

қилмоқ; *разобрать по косточкам* (что-н.) миридан сиригача, ипидан игнасигача текширмоқ.

**КОСТОЧКОВЫЙ**, -ая, -ое данакли (мева ҳақида).

**КОСТРА́** *ж* *мн.* *нет т. с.* костра (зигир, наша, каноп ва кендир поясини титганда ажралиб чиқадиган тўпон).

**КОСТРЕ́Ц** *м* 1. думғаза; 2. сон гўштин.

**КОСТРИ́КА** = костра́ (қ.).

**КОСТРÓВЫЙ I**, -ая, -ое костёр I *сүз. сиф.*; гулханга оид.

**КОСТРÓВЫЙ II**, -ая, -ое костра́ *сүз. сиф.*; кострага оид; қ. костра́.

**КОСТРЫ́** *мн.* қ. костёр.

**КОСТЫ́ЛЬ** *м* 1. қўлтиқтаёқ; *ходить на костыль* қўлтиқтаёқ блан юрмоқ; 2. қозқиқмих; 3. *т. ў.* рельсни шпалга маҳкамлайдиган „Г“ шаклидаги миҳ.

**КОСТЬ** *ж* (*мн.* *кости*) 1. суяк, устухон; *височная кость* чакка суяги; *берцовая кость* болдир суяги; *перелом кости* суяк синиш; 2. қилтанок; 3. қ. *косточка* 3; 4. олти қиррали чақмоқ, соққа; *играть в кости* соққа ташлашмоқ, соққа ўйнамоқ; 5. *с. т.* *кест.* насаб; *белая кость* оқсуяк, зодагон;  $\diamond$  *слоновая кость* фил тиши, дандон; *до костей* (*промокнуть, промёрзнуть*) (*с. т.*) суяк-суяқларигача, ич-ичигача (ивимок; сув, совуқ ўтмоқ, ўтиб кетмоқ); *до мозга костей* (*с. т.*) қ. мозг; *лечь костью́* жангда ўлмоқ; *пересчитать кости* (*с. т.*) урмоқ, саваламоқ, қалтакламоқ, қовургасини санаб қўймоқ; *кожа да кости* (*с. т.*) қ. *кожа*; *язык без костей* қ. *язык*.

**КОСТЮ́М** *м* 1. кийим, кийим-кечак, кийим-бош, уст-бош; *театральный костюм* театр костюми; *маскарадный костюм* маскарад костюми; 2. костюм (бир сидра устки кийим, шим-пиджак, юбка-жакет);  $\diamond$  *в костюме Адама* (эркаклар тўғрисида), *в костюме Евы* (хотинлар тўғрисида) *ҳазл.* қип-яланғоч, онадан туғилганидагидек.

**КОСТЮМЁ́Р** *м* *театр.* костюмёр (театрда кийим-кечак мудури).

**КОСТЮМЁ́РНЫЙ**, -ая, -ое 1. *костю́м сүз. сиф.*; костюмга оид, костюм тикадиган; *костюмёрная мастерская* костюм тикадиган ишхона; 2. *сүз.* *костюмёрная ж театр.* кийимхона (театрда).

**КОСТЮМИРОВА́ННЫЙ**, -ая, -ое 1. театр ёки маскарад кийими кийдирилган; 2. *сүз.* *костюмированный м.* *костюмированная ж* маскарад костюми кийган (эркак ёки аёл);  $\diamond$  *костюмированный вечер* маскарадча кийим кийиб ўтказиладиган кеча.

**КОСТЮМИРОВА́ТЬ** *сов.* и *несов.* театр ёки маскарад кийими кийинтирмоқ.

**КОСТЮМИРОВА́ТЬСЯ** *сов.* и *несов.* театр ёки маскарад костюми киймоқ.

**КОСТЮ́МНЫЙ**, -ая, -ое *костю́м сүз. сиф.*; костюмга оид, костюмлик, костюмбоп; *костюмный материал* костюмбоп материал.

**КОСТЯ́К** *м* 1. скелет, гавда суяқлари; 2.  $\parallel$  негиз, асос, ўзак; ядро; *костяк здания* бинонинг негизи; *стахановцы* составляют *костяк* раббочего коллектива предприятия *стахановчилар* корхона ишчилари коллективининг ядросини ташкил қиладди.

**КОСТЯ́НИКА** *ж* *мн.* *нет бот.* қизил маймунжон.

**КОСТЯ́НО́Й**, -ая, -ое 1. суякдан ясалган, суякдан тайёрланган, суякдаги; *костяные изделия* суяк буюмлар; *костяная мука* суяк уни.

**КОСТЯ́ШКА** *ж* *с. т.* 1. суяк парчаси, суяк синиги; 2. қ. *косточка* 3.

**КОСУ́ЛЯ I** *ж* *зоол.* бугунинг бир тури.

**КОСУ́ЛЯ II** *ж* *эск.* омочнинг бир хили.

**КОСУ́ШКА** *ж* *с. т.* *эск.* ярим шиша ароқ.

**КОСЫ́НКА** *ж* косинка, қийиқ рўмол, учбурчак рўмол.

**КОСЬБА́** *ж* *мн.* *нет* қ. х. ўриш; *косьба́ трав* ўт ўриш.

**КОСЯ́К I** *м* *бунк.* ёндор (эшик ёки дераза рамининг ён ёғочи).

**КОСЯ́К II** *м* 1. қ. х. уюр (битта айгири блан бир тўда бия); 2. гала;

тўда, тўп; косяк журавлёй турна галаси.

**КОТ** *м* 1. мушук (эркағи); 2. *эск. манф.* фоҳиша ҳисобига яшовчи эркак; **О кот наплáкал** (*с. т.*) озгина, жуда оз; *морскóй кот* ёки *кóтик* (*зоол.*) денгиз мушуги (қимматли мўйна берадиган денгиз ҳайвони).

**КОТА́НГЕНС** *м мат.* котангенс (тўғри бурчақли учбурчақда — бурчақка ёпишган катетнинг қаршидаги катетга нисбати).

**КОТЁЛ** *м (мн. котля:)* 1. қозон; дошқозон; 2. *общий котёл* 1) ўртада овқатланиш; 2) ўртада фойдаланиладиган нарса, ўртадаги нарса; *питáться из общego котля* ўртада овқатланмоқ; 3. *тех.* паровой котёл қозон, буғқозон (сувни буққа айлантириб берадиган берк қозон); котёл *высокого давлéния* юқори босимли қозон; 4. || қиморда ганак солинадиган қути ва ганакнинг ўзи; 5. *ҳарб.* қуршов; *сталинградский котёл* (*тар.*) Сталинград қуршови (Улуғ Ватан уруши даврида 300 миңг кишилик немис-фашист армиясининг Сталинград ёнида қуршовга олиниши); **О с павнóй котёл** қозондек, хумдек (кўпинча бош тўғрисида айтилади); *кипéть* ёки *варитьcя* (*как*) *в котлé* қ. кипéть.

**КОТЕЛО́К** *I м (мн. котелки)* 1. қозонча, декча; 2. котелок (ёнда олиб юриладиган овқат идишчаси, мас., солдатларда).

**КОТЕЛО́К** *II м* котелок (эркакларнинг тепаси дўппига ўхшаш бош кийими, шляпаси).

**КОТЁЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *тех.* 1. котёл сўз. *сиф.*; бур қозонига оид; *котёлный завод* буғқозон заводи; *котельное желéзо* буғқозон қилинадиган (қозонбоп) тунука; 2. *суц.* *котельная ж* буғқозонхона, буғқозон ўрнатилган хона.

**КОТЁЛЬЩИК** *м* буғқозон ясовчи шши, уста, буғқозон мутахассиси.

**КОТЁНОК** *м (мн. котята)* мушук боласи, мушук бола.

**КО́ТИК** *м* 1. кот сўз. *кичр., эркл. айт.*; мушукжон, мушукча; 2. = *морскóй кот* қ. кот; 3. *котик* (денгиз мушугининг мўйнаси).

**КО́ТИКОВЫЙ**, -ая, -ое 1. *кóтик* 2 ва 3 сўз. *сиф.*; денгиз мушугига ва денгиз мушуги мўйнасига оид; денгиз мушуги мўйнасидан, котикдан қилинган; *кóтиковая шуба* котик пўстини; *кóтиковский прóмысел* денгиз мушуги овлаш.

**КОТ́ИРОВАТЬ** *сов. и несов. мл.* курсини белгиламоқ, четэл пуллари, қимматбаҳо қоғоз ёки товарларнинг биржадаги баҳосини, курсини, аниқламоқ.

**КОТ́ИРОВАТЬСЯ** *несов.* 1. *мл.* курси ма'лум бўлмоқ, биржадаги баҳоси, нархи ма'лум бўлмоқ (четэл пуллари, қимматбаҳо қоғозлари ҳақида); 2. *мл.* биржада айланмоқ, юрмоқ, муомаллада бўлмоқ; 3. || *с. т. ҳазл.* жамият ўртасида ма'лум қадр-қимматга, обрўга эга бўлмоқ; қадр топмоқ; 4. курс аниқланмоқ, биржа баҳоси қўйилмоқ, нархи белгиланмоқ.

**КОТИРÓВКА** *ж мл.* 1. курсини белгилаш, четэл пуллари, қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларнинг биржа нархини, курсини белгилаш; 2. қимматли қоғоз ёки товарларнинг биржада айланиши, юриши, муомаллада бўлиши; 3. биржа нархлари тўғрисидаги расмий э'лон.

**КОТИРÓВОЧНЫЙ**, -ая, -ое *коти́ровка* сўз. *сиф.*; *коти́ровочная комиссия* баҳо (нарх) қўючи комиссия.

**КОТ́ИТЬСЯ** *несов.* 1. болаламоқ (мушук ҳақида); 2. қўзиламоқ (қўй ҳақида).

**КОТЛÉТА** *ж* котлет; *рубленные котлéты* қийма гўштан пиширилган котлет; *отбивнóе котлéты* тўқмоқланган қовурга гўштан пиширилган котлет; *пожáрские котлéты* бузоқ ёки товук гўшtidан пиширилган котлет; *картóфельные котлéты* картошка котлет; *рисовые котлéты* гуруч котлет.

**КОТЛÉТНЫЙ**, -ая, -ое *котлéта* сўз. *сиф.*; қ. *котлéта*.

**КОТЛОВÁН** *м тех.* котлован (пойдевор ётқизиш учун қазилган чуқур).

**КОТЛОВИ́НА** *ж* котловина (гиратрофи баланд, товоқсимон чуқур ёр товоқсой, ҳанза).

**КОТЛОВÓЙ**, -ая, -бе котёл 2 сүз. *сиф.*; котловбе довольствие (*харб.*) иссиқ овқат блан та'минлаш, та'минланиш; **находиться на котловом довольствии** иссиқ овқат блан та'минланмоқ.

**КОТЛОВЫЙ**, -ая, -ое котёл 3 сүз. *сиф.*; қ. котёл 3.

**КОТОМҚА** *ж эск. маҳл.* елкага осиладиган халта, елкахалта.

**КОТОНИЗАЦИЯ** *ж т. с.* котонивация, момиқлаш (кендир, каноп, зигирпоя ва нашапоя толаларини момиқдек майин қилиш).

**КОТОНИЗИРОВАТЬ** *сов. и несов. т. с.* котонизация қилмоқ, момиқламоқ; қ. котонизация.

**КОТОНИЗИРОВАТЬСЯ** *сов. и несов. т. с.* котонизация қилинмоқ, момиқланмоқ; қ. котонизация.

**КОТОНИН** *м. мн. нят т. с.* 1. котонин, момиқдек майин тола, котонивация қилинган тола; 2. шундай толадан тўқилган газмоқ.

**КОТОРЫЙ**, -ая, -ое *мест.* 1. қайси, қайсиси, қайсиниси, қайси бири, қайбири; **котóрый из них?** уларнинг қайсиси, қайси бири?; в котóром дóме? қайси уйда?; 2. неча, нечанчи; **котóрый час?** соат неча?; **котóрый раз вы били на этóй пьесе?**—Трётый бу пьесани нечанчи марта кўришингиз?—Учинчи марта; 3. неча-неча, алланеча, бирнеча бор, кўп марта; **котóрый раз я тебé этó говорю, а ты всё забывáешь** (*с. т.*) буни сенга неча марта айтдим, сен ҳадеб эсингдан чиқараверасан; 4. қайсики, я'ини; **дом, в котóром мы жили биз турган уй; этó тот мálьчик, о котóром я вам вчерá говорил** кеча мен сизга айтган бола мана шу; он из таких, котóрые не любят мнóго говорить бу киши кўп гапиришни яхши кўрмайдиган одамлардан; 5. *с. т.* биров, ба'збир ким; бирлари ... бирлари; ба'зилари ... ба'зилари; бирхиллари ... бирхиллари; 6. *с. т.* ба'зилар, ба'зи одамлар.

**КОТОРЫЙ-ЛИБО** *мест. с. т. эск. қ.* котóрый-нибудь.

**КОТОРЫЙ-НИБУДЬ**, -ая-н., -ое-н. *мест.* бирортаси, қайсиниси бўлса-да, бирови; **котóрая-нибудь из этних облигáций выиграла** бу облигация-

ларнинг бирортаси ютган бўлиш керак.

**КОТОРЫЙ-ТО** *мест. қ.* котóрый-нибудь.

**КОТОФЕЙ** *м фольк.* мушуквой, мушук полвон.

**КОТТÉДЖ** *м* кичкина боғ ҳовли.

**КОТУРНЫ:** становиться на котóрны ёки ходить на котóрных (*кест.*) ўзини улур фаҳмламоқ, улурлик гумон қилмоқ.

**КОТЫ** *мн., ед. нет маҳл.* иссиқ кавуш, иссиқ туфли.

**КОТЯТА** *мн. қ.* котёнон.

**КОУПЕР** = каупер (*қ.*)

**КОФЕ** *м и ср нескл.* кофе, қаҳва; молотый кофе янчилган кофе; пить кофе с молоко́м кофега сут қўшиб ичмоқ, кофени оқлаб ичмоқ; ячмённый кофе арпадан тайёрланган сун'ий кофе.

**КОФЕИН** *м мн. нет маҳс.* кофени (кофе уруги ёки чай баргидан олинандиган алкалоид; дори сифатида ишлатилади).

**КОФЕЙНИК** *м* кофе қайнатадиган идиш.

**КОФЕЙНИЦА** *ж* 1. кофе донини янчадиган қул тегирмон; 2. кофе қутиси.

**КОФЕЙНИЧАТЬ** *несов. содд.* қаҳвахўрлик қилмоқ, кофехўрлик қилмоқ.

**КОФЕЙНЫЙ**, -ая, -ое 1. кофе сүз. *сиф.*; кофега, қаҳвага оид, кофели; коф'ейное дёрво кофе дарахти; коф'ейная мёлница *қ.* коф'ейница 1; коф'ейный шоколад кофели шоколад; 2. қаҳваранг, коферанг; суко́ коф'ейного цв'та қаҳваранг мовут; 3. *сущ.* коф'ейная *ж* = коф'ейня (*қ.*);  $\diamond$  **гадáть на коф'ейной гуще** 1) сувга қараб фол очмоқ; 2) йўқ нарсага бош қотирмоқ.

**КОФЕЙНА** *ж эск.* қаҳвахона.

**КОФР** *м* 1. бирнеча хонали сандиқ; 2. *харб. эск.* хандақ остидан қавланган йўлак.

**КОФТА** *ж* кофта (1. хотин-қизларнинг юбка блан қийиладиган кийими; 2. хотин-қизларнинг калта пальтоси).

**КОФТОЧКА** *ж* кофта сўз. *кичр. айт.*; кофточка; қ. кофта.

**КОХИНХИНА** *ж* қ. кохинхинка. **КОХИНХИНКА**, **КОХИНХИНА** *ж* қ. х. бабақ товук, дакан товук.

**КОХИНХИНСКИЙ**, -ая, -ое қ. х. кохинхина сўз. *сиф.*; кохинхинские кўры бабақ товуклар.

**КОЧАН** *м* бот. бош (карам ҳақида); кочан капўсты бир бош карам.

**КОЧАННЫЙ**, -ая, -ое кочан сўз. *сиф.*; карам бошига оид; кочанная капуста бошли карам.

**КОЧЕВАТЬ** *несов.* 1. кўчмоқ, кўчиб юрмоқ; 2. || кўниш топмай жойини алмаштиравермоқ, ҳадеб кўчавермоқ; *кочевать из города в город* шаҳарма-шаҳар кўчиб юрмоқ.

**КОЧЁВКА** *ж* 1. кўчиш, кўчиб юриш; 2. қ. кочёвье.

**КОЧЁВНИК** *м* кўчманчи.

**КОЧЁВНИЦА** *ж* кўчманчи аёл.

**КОЧЁВНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое кочёвник сўз. *сиф.*; кўчманчиларга оид.

**КОЧЕВОЙ**, -ая, -бе кўчманчи, кўчиб юрадиган; *кочевые племена* кўчманчи қабилалар; *кочевой образ жизни* кўчманчилар ҳаёти; *кочевое животноводство* кўчманчи чорвачилик.

**КОЧЕВЬЕ** *ср* 1. кўчманчилар манзили (мазгили, кўниш жойи); 2. кўчманчилар кўчиб юрадиган ерлар.

**КОЧЕГАР** *м* кочегар, ўтёқар; паровозный кочегар паровоз кочегари.

**КОЧЕГАРКА** *ж* *тех.* 1. кочегарка, ўтхона (буғқозонга ўт ёқадиган хона); 2. || кўмир хазинаси, манбаи; *Ангрён—угольная кочегарка* Узбекистана Оҳангарон Ўзбекистоннинг кўмир хазинасиدير.

**КОЧЕГАРНЫЙ**, -ая, -ое кочегарка I сўз. *сиф.*; кочегаркага оид; *кочегарное отделение* кочегарка, буғ қозонига ўт ёқадиган хона.

**КОЧЕГАРНИК**—кочегарка (қ.).

**КОЧЕНЁТЬ** *несов.* 1. тўнгмоқ, совқотмоқ, ушумоқ; қотмоқ, қотиб қолмоқ; *руки коченёют от холода* қўллар совуққа қотиб қоляпти; 2. *совумоқ, қотмоқ* (мурда ҳақида).

**КОЧЕНЬ** *м* маҳл. қ. кочан.

**КОЧЕРГА** *ж* 1. темир косов; 2. || *сўқ. маҳл.* бужур (кампирларга нисбатан айтилади); *стёрая кочерга* бужур кампир; *Они боғу свёчка, ни чёрту кочерга* на раҳмонга чирого, на шайтонга косов, на доп, на сомон.

**КОЧЕРЁЖКА** *ж* *с. т.* кочерга сўз. *кичр. айт.*; косов, кичкина косов.

**КОЧЕРЫЖКА** *ж* карам ўзаги.

**КОЧЕТ** *м* маҳл. хўроз.

**КОЧКА** *ж* дўнг, дўнг ер; пушта-**КОЧКОВАТЫЙ**, -ая, -ое сердўнг ер. ўнқир-чўнқир ер.

**КОЧКОРЁЗ** *м* қ. х. сердўнг ерларни ҳайлайдиган махсус плуг.

**КОЧУЮЩИЙ**, -ая, -е 1. кочевать фе'лининг сифатдоши; 2. кўчиб юрадиган, кўчма; *кочующий миномёт* (ҳарб.) кўчма миномёт.

**КОШ I** *м* 1. кўчманчилар манзили; 2. *тар.* казаклар лагери, қўши; 3. *тар.* Запорожьёда ҳарбий жамоа, қўш; 4. қапа, чайла, ўтов.

**КОШ II** *м* маҳл. гоза (балиқ овлайдиган сават).

**КОШАРА** *ж* маҳл. қўтон, қўй кўраси.

**КОШАТНИК** *м* 1. мўйнаси учун мушук овловчи (мушук сотиб олучи) одам; 2. || *с. т.* мушуквоз одам, мушукни яхши кўрадиган одам.

**КОШАТНИЦА** *ж* мушуквоз аёл, мушукни яхши кўрадиган аёл.

**КОШАЧИЙ**, -ья, -ье 1. кошка сўз. *сиф.*; мушукка оид; *кошачий мех* мушук териси, мўйнаси; *кошачий воротник* мушук ёқа; 2. *суц.* кошачьи *мн.* (ед. кошачье *ср*) зоол. мушуклар (йиртқич сутемарлар туркумининг бир уруғи); *Кошачья лапка* (бот.) оқчайир; *кошачий концёрт* (*с. т.*) 1) мушуклар миёвлаши; 2) || *ҳазл.* шовқин-сурон, қий-чўв.

**КОШЕВОЙ**, -ая, -бе 1. кош I (1, 2, ва 3-нчи ма'носида) сўз. *сиф.*; *кошевой атаман* қўш оғаси (атамани), қўшбоши; 2. *суц.* *кошевой м тар.* қўшбоши.

**КОШЕЛЁК** *м* (*мн.* кошельки) 1. кармон, ҳам'ён, ёнчиқ; 2. || кисса,

хам'ён, бойлиқ; **туго́й кошелён** киссаси дўмпайган, хам'ёни тўла; **трясти кошельнóм** киссани қоқмоқ, бор-йўгини қириштирмоқ.

**КОШЕ́ЛЬ** *м* 1. *эск. қ.* кошелён; 2. *махл.* тўр халта, сават.

**КОШЕЛЬКÍ** *мн. қ.* кошелён.

**КОШЕ́НЬЛ** *ж мн.* нет кошениль (1. *зоол.* қизил буюёк берадиган ҳашарот; 2. шу ҳашаротдан тайёрланган қизил буюёқ).

**КО́ШКА** 1 *ж* 1. мушук (урғочиси); *сибирская* кóшка Сибирь мушуги; 2. мушук териси, мўйнаси; **воротник** из кóшки мушук ёқа; **◇ чёрная кóшка пробежала** (*между кем-н.*) (*с. т.*) орага совуқлиқ тушди; **кóшки скребут на сердце** (*у кого-н.*) (*с. т.*) ични ит тирнапти, юрак ғаш; **как кóшка с собáкой** (*живёт*) (*с. т.*) ит-мушук бўлиб (яшайдилар); **как угорéлая кóшка** (*с. т.*) оёғи куйган товуқдай.

**КО́ШКА** 2 *ж* 1. *денг.* лангар, кичкина лангар; **забросить кóшку** лангар ташламоқ; 2. *мн.* кóшки *спорт.* кошка (муз тоғларига, тепаликларга чиққанда тоймаслик учун тагига миҳ тишлар қоқилган оёқ кийими); 3. *махс.* тирноқ (столбага чиққанда оёққа киядиган махсус тирноқ); 4. *тех.* миҳ сугуралган учи айри асбоб; 5. *тех.* кошка (осма изда юрадиган ва цехда юк ташийдиган тележка).

**КО́ШКА** 3 *ж тар.* дарра.

**КОШКОДА́В** *м махс.* мўйна учун мушук сотиб олуи.

**КОШМА́** *ж (мн. кóшмы)* кигиз, начат.

**КОШМА́Р** *м* 1. босирқиш, босинқи-раш, ёмон туш; 2. *|| с. т.* даҳшат; қут учадиган иш, ҳол; расвогарчилик.

**КОШМА́РНЫЙ**, -ая, -ое 1. қўрқинч-ли, даҳшатли, мудҳиш; **кошмарное** сновидение даҳшатли туш; 2. *|| с. т.* ёмон, расво.

**КОШМÓВЫЙ**, -ая, -ое *махс.* кошма́ сўз. *сиф.*; наматга, кигизга оид; кош-мóвое производство кигиз (намат) босиш; кигиз босадиган ишхона; кош-мóвый материал наматбоп материал.

**КОШТ** *м эск.* харж; рўзгор (тирикчилик) харажатлари; та'минот; **жить на своём коште** ўз ҳисобига

яшамоқ, ўзини ўзи боқмоқ; **жить на казённом коште** давлат та'минотида (давлат ҳисобига) яшамоқ.

**кошú** I, **кёсишь наст.** от **косить** I (*қ.*).

**кошú** II, **косийшь наст.** от **косить** II (*қ.*).

**кошú**, **костышь наст.** от **костить** (*қ.*).

**КОШÉЙ** *м* 1. *фольк.* рус халқ эр-такларида—ўлмас, ниҳоятда бой сиҳр-гар озгин чол; 2. *|| с. т.* ниҳоятда озгин новча одам; 3. *|| с. т.* курум-соқ одам, бахил (зикна, хасис) одам.

**КОШУ́СТВЕННЫЙ**, -ая, -ое 1. *черк.* куфроний, динни ҳақорат қиладиган; 2. ҳақоратомиз, кадр-қимматни ерга урадиган, таҳқир қиладиган, масхара қиладиган.

**КОШУ́СТВО** *ср мн.* нет 1. куфр-лик, динни таҳқир қилиш; 2. *||* кадр-қимматини ерга уриш, ҳақорат (таҳқир) қилиш.

**КОШУ́СТВОВАТЬ** *несов.* 1. дин-ни таҳқир қилмоқ; 2. *||* кадр-қим-матни ерга урмоқ, таҳқир қилмоқ, беҳурмат қилмоқ.

**КОЭФФИЦИЭ́НТ** *м* коэффициент (1. *мат.* бирор математик ифоданинг ўзгармас ёки ма'лум кўпайтиручиси; 2. *физ.* бирор физик ҳоссани миқдор жиҳатидан кўрсатадиган сон; **коэф-фициэнт полёзного действия** фой-дали иш коэффициенти (двигательда қанча энергия фойдали ишга айла-нишини, қанча энергия йўқолишини кўрсатадиган сон; одатда процент блан ифодаланади).

**КПСС** (Коммунистическая партия Советского Союза) КПСС (Совет Иттифоқининг Коммунистлар партия-си).

**КРАБ** *м зоол.* краб (денгиз қис-қичбақаси).

**КРА́ВЧИЙ** *м тар.* дастурхончи, шарбатвор.

**КРА́ГИ** *мн., ед.* нет 1. тугмали ёки тўқали қўнж; 2. қўлқоп қўнжи; **перчаткы с кра́гами** қўнжли қўлқоп.

**КРА́ДЕНЫЙ**, -ая, -ое 1. ўғирлан-ган, ўғирлаб олинган, ўғирлик; 2. *сущ.* краденое *ср мн.* нет *собир.* ўғирлик мол.

**краду́**, **крадёшь наст.** от **красть** (*қ.*).

**КРАДУЧИТЬСЯ** нареч. с. т. яширипча, яшириқча, ўгринча, яшириниб, бекиниб, писиб, билинтирмасдан, сездирибмасдан.

**КРАДУЩИЙСЯ**, -аяся, -еяся яширин, бекитиқча, билинмайдиган, сезилмайдиган; крадущаяся похобда сезилмайдиган юриш.

**КРАЕВЁД** м ўлкашунос, ўлкани ўрганучи.

**КРАЕВЁДЕНИЕ** ср мн. нет ўлкашунослик, ўлкани ўрганиш.

**КРАЕВЁДНЫЙ** = краеведческий (к.).

**КРАЕВЁДЧЕСКИЙ**, -ая, -ое краеведение сўз. сиф.; ўлкашуносликка оид; краеведческий музей ўлкани ўрганиш музейи.

**КРАЕВОЙ**, -ая, -ое край 3 сўз. сиф.; ўлкага оид, ўлка миқ'ёсидаги; краевой исполком ўлка ижроия комитети; краевая газета ўлка газетаси.

**КРАЕУГОЛЬНЫЙ**, -ая, -ое энг муҳим, туб, асосий; краеугольный вопрос асосий масала; **Краеугольный камень** асос, туб, негиз; асосий идея, асосий фикр; пойдевор тош; идея перерастания буржуазной революции в пролетарскую — один из краеугольных камней ленинской теории революции буржуа революциясинг усиб, пролетар революциясига айланиш идеяси—революция ҳақидаги Ленин назариясининг пойдевор тошларидан биридир.

**КРАЁШЕК** м с. т. чет, чекка, уч; присесть на крайшек стула курсининг чеккасига ўтирмақ.

**КРАЙ** жс ўғирлик, ўғирлаш.

**КРАЙ** м (мн. край) 1. чет, чекка, ёқа, қирра; қиргоқ, лаб; уч; этак; на край обр'ва жар ёқасида; дом на край села қишлоқ этагидаги уй; налить стакан до край стаканни лим-лим тулдирмоқ; по край-м четлаб, ёқалаб; пер'дний край обороны му-дофаанинг оддинги қиргоғи; край стола стол чети; край раны яранинг чети; 2. томон, тараф, ёқ, ўлка, юрт; он уехал в родной край у ўз юр-тига жўшаб кетди; теплые край ис-сиқ томонлар, иссиқ ўлкалар; 3. ўлка; Дальневосточный край Узоқ Шарқ ўлкаси; **Край света** дун'енинг бир

бурчаги; **краем уха (слышать)** (с. т.) чала-чулпа эшитмоқ, чала-чулпа эшитиб қолмоқ; қулоқча чалинмоқ; **конца-краю нет** (с. т.) 1) бепоён, беҳаду поён; охир поёни йўқ; 2) узундан узоқ; **хватить че-рез край** (с. т.) ҳаддан ошириб юбормоқ; **быть на краю могилы (гроба, гробели)** ҳалок бўлаёзмоқ, ўла-ёзмоқ, жар ёқасида турмоқ; **из края в край** уёқдан буёққа; **толстый край (махс.)** тўш; **тонкий край (махс.)** қовурга гўшт; **моя хата с краю, ничего не знаю (манф.)** пақир киши панада, ҳечнима блан ишим йўқ.

**КРАЙКОМ** (краевой комитет) м крайком, ўлка комитети.

**КРАЙНЕ** нареч. жуда ҳам, ғоят, ниҳоятда, ҳаддан ташқари, ортиқ даражада; я крайне удивлен мен жуда ҳайратда қолдим; крайне полезное дело ниҳоятда фойдали иш; это край-не важно бу жуда муҳим.

**КРАЙНИЙ**, -ая, -ее 1. четдаги, чек-кадаги, энг четдаги, этакдаги, охири-даги; крайний дом по улице кўча-нинг энг охиридаги уй; крайние дома в селе қишлоқнинг четидаги (этаги-даги) уйлар; 2. узоқ, энг узоқ, энг узоқ-даги; крайний север узоқ шимол; 3. жуда, ғоят, сўнг даражада, ҳаддан таш-қари, қаттиқ, бениҳоят; крайнее на-пряжние сил қаттиқ зўр бериш; крайнее возмущение ҳаддан ташқари газаб, сўнг даражада газаблан-иш; крайняя необходимость бориб турган зарурат; 4. учига чиққан, ўта-кетган, бориб турган, ашадди, гирт; крайний реакционер ўтакетган ре-акционер; 5. ўта, жуда ҳам; 6. охирги, сўнгги, кейинги, бўладигани; крайний срок энг охирги (сўнгги, кейинги) муддат; крайняя цена бўладиган баҳоси; бўлари; 7. энг кескин, энг қаттиқ; крайние меры энг кескин чоралар, энг қаттиқ чоралар; 8. сўз. крайний м спорт. футболда энг чек-кадаги ўйинчи; крайний левый чап томондаги энг чекка ўйинчи; крайний правый ўнг томондаги энг чекка ўйинчи; **по крайней мере** ақал-ли, лоақал, ҳеч бўлмаганда, жуда бўл-маганда, жила бўлмаси, жила қу-риса, йўқ деганда; крайой; **в край-нем случае** жуда бўлмайдиган бўл-

са, иложи топилмаса, бошқа иложи бўлмаса.

**КРАЙНОСТЬ** *жс* 1. сўнги чек, охириги чек, энг кейинги чек; 2. ҳаддан ошиш, ҳаддан ошиб кетиш, чегарадан чиқиб кетиш; ошириб юбориш; **впа-дять в крайность** ҳаддан ошмоқ; 3. қарама-қарши, терсма-терс икки ҳол; **бросётся из одной крайности в другую** ўзини гоҳ уёққа, гоҳ буёққа урмоқ; 4. *только ед.* ноилжлик, зарурат, огир аҳвол; 5. *только ед. с. т.* муҳтожлик, бечоралик; **◇ до крайности** (*с. т.*) жуда, жуда ҳам, учига чиққан, ўтакетган, гирт; **ребёнок до крайности избалован** бола жуда тантиқ бўлиб кетган (кетипти); **в крайности** (*с. т.*) зарур бўлган тақдирда, жуда бўлмаса, жуда нари борса, иложи бўлмаса.

**КРАКОВЯК** *м* краковяк (1. по-лякча ракс; 2. шу ракс музикаси).

**КРАЛЯ** *жс маҳл.* 1. сулув аёл, чиройли (хушрўй, соҳибжамол) хотин-киз; 2. мотка (ўйин қартасида).

**КРАМОЛА** *жс эск. расм.* фитна, ис'ён (революциядан илгариги расмий доиралар томонидан революцион ҳаракатга берилган ном).

**КРАМОЛЬНИК** *м эск. расм.* ис'ёнчи, фитначи (революциядан илгариги расмий доиралар томонидан революцион ҳаракат қатнашчиларига берилган ном).

**КРАМОЛЬНИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *эск. расм.* крамольник сўз. *сиф.*; *қ.* крамольник.

**КРАМОЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *эск. расм.* крамола сўз. *сиф.*; *қ.* крамола.

**КРАН** I *м* жўмрак, чумак; **водо-проводный кран** водопровод жўмраги.

**КРАН** II *м тех.* кран (огир юкларни кўтарадиган ва бир жойдан иккинчи жойга кўчирладиган машина); **пловучий кран** сузғич кран (сузиб юрадиган кран); **мостовой кран** кўприк кран (кўприк шаклидаги кран); **электромагнитный кран** электромагнит кран (юкни магнит куввати блан тортиб олиб кўтарадиган машина).

**КРАНИОЛОГИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое *антр.* краниология сўз. *сиф.*; кра-

ниологияга оид, краниологик; **краниологические исследования** краниологик текширишлар; *қ.* краниология.

**КРАНИОЛОГИЯ** *жс мн. нет антр.* краниология (антропология ва зоологиянинг бош суягини ўрганадиган бўлими).

**КРАНИОМЕТРИЯ** *жс мн. нет антр.* краниометрия (бош суягининг катта-кичиклигини ўлчаш).

**КРАНОВЩИК** *м* кранчи, кранда ишловчи (кранни идора қилучи) ишчи; *қ.* кран II.

**КРАНОВЩИЦА** *жс* кранчи аёл, кранда ишловчи (кранни идора қилу-чи) аёл; *қ.* кран II.

**КРАНОВЫЙ** I, -ая, -ое кран I сўз. *сиф.*; жўмракка, чумакка оид.

**КРАНОВЫЙ** II, -ая, -ое кран II сўз. *сиф.*; кранга оид; **крановая тележка** кран тележкаси.

**КРАП** I *м* 1. *махс.* зираҳол; хол-хол гул ёки доғ; **белый мрамор с чёрным крапом** қора ҳоллари бўлган оқ мрамор; 2. ўйин қартасининг орқасидаги гули; 3. ўйин қартасининг орқасига билинар-билимас қилиб солинган белги.

**КРАП** II, **КРАПП** *м* рўяннинг илдизидан олинадиган қизғиш бўёқ; *қ.* марёна.

**КРАПАТЬ** *несов. с. т.* томчиламоқ, севаламоқ, томчилаб турмоқ, майдалаб ёғмоқ; **дождь крапает** ёмғир томчилаяпти, томчилаб турипти.

**КРАПИВА** *жс мн. нет бот.* қичитқи ўт, газанда ўт.

**КРАПИВНИК** *м* қичитқи ўт босган ер.

**КРАПИВНИЦА** *жс* 1. *зоол.* қичитқи ўт капалаги; 2. *с. т.* эшак еми (касаллик).

**КРАПИВНЫЙ**, -ая, -ое 1. крапива сўз. *сиф.*; қичитқи ўтга оид, қичитқи ўт солинган, қичитқи ўтдан тайёрланган; **крапивный куст** бир туп қичитқи ўт; **крапивный суп** қичитқи ўт солинган шўрва; 3. *сущ.* **крапивные ян.** (*ед. крапивное ср*) *бот.* қичитқи ўтлар оиласига кирадиган ёввойи ўсимликлар; **◇ крапивная лихорадка** = крапивница 2 (*қ.*); **крапивное семя** (*эск. нафр.*) поракўр

тўралар, амалдорлар тоифасидан бўлган киши.

**КРА́ПИНКА, КРА́ПИНА** *ж* майда хол, зирахол; галстук с кра́пинками хол-хол галстук; голуби́ное яйцо́ в кра́пинках каптарнинг хол-хол тухми.

**КРАПЛА́К, КРАППЛА́К** *м* махс. очқизил бўёқ.

**КРАПЛЕ́НЫЙ, -ая, -ое, КРА́П-ЛЕНый, -ая, -ое** белги солинган, белгили қилиб қўйилган (ўйин қартаси ҳақида).

**КРАПП** = кrap II (*қ.*).

**КРАППЛА́К** = краплéк (*қ.*).

**КРА́ПЧАТЫЙ, -ая, -ое** с. т. холдор, хол-хол, осл-чпнор, чавкар.

**КРАСА́** *ж* *мн. нет* 1. *эск. қ.* красота; 2. ҳусн, кўрк, зийнат; **герои социалистического труда** — краса и гóрдость колхоза социалистик меҳнат қаҳрамонлари колхознинг кўрки ва ифтихоридир; 3. *эск. поэз. қ.* красáвица; дéвица-красá гўзал (сулув) қиз; **♦ во всей (своей) красé** 1) бутун гўзаллиги блан; 2) *кест.* ўзининг қиёфасини кўрсатиб; **для красы́** (*с. т.*) хўжа кўрсинга, қуруқ зийнат учун, кўз-кўз қилиб.

**КРАСА́ВЕЦ** *м* (*мн.* красáвцы) чиройли киши, хушрўй (барно) киши; кўркем, гўзал (нарса, шаҳар ва ш. к.); красáвец-гóрод кўркем шаҳар.

**КРАСА́ВИЦА** *ж* гўзал аёл, барно (сулув, чиройли, хушрўй, зебо, соҳибжамол, нозанин) аёл; кўркем (нарса, дар'ё ва ш. к.); красáвица-река кўркем (чиройли) дар'ё.

**КРАСА́ВЧИК** *м* с. т. 1. *қ.* красáвец; 2. *ж* *кест.* олифта, ўзига зеб берган.

**КРАСИ́ВО** *нареч.* чиройли, гўзал, чиройли қилиб, ўхшатиб; красиво пи-сать чиройли ёзмок.

**КРАСИ́ВОСТЬ** *ж* *мн. нет* сохта гўзаллик, ясама гўзаллик.

**КРАСИ́Вый, -ая, -ое** 1. чиройли, кўркем, гўзал, хушрўй, барно, соҳибжамол, сулув, ҳусндор, зебо; красíвое лицó чиройли юз; 2. келишган, бичими (қадди-қомати) келишган, бежирим, хушбичим; 3. ёқимли, хуш келадиган. ширин; красíвая мýзыка ёқимли музика; красíвый гóлос ши-

рин овоз, ёқимли овоз; 4. олижаноб, чиройли; красивый постúпок олижаноб иш, чиройли иш; 5. *манф.* зеб берилган, қуруқ; красивые слова́ (**фразы**) қуруқ гап.

**КРАСИ́ЛЬНЫЙ, -ая, -ое** бўёқчиликка оид, бўяйдиган; красíльный цех бўёқчилик цехи; красíльное вещество́ бўёқ модда, бўёқ.

**КРАСИ́ЛЬНЯ** *ж* бўёқчилик; бўёқ-хона.

**КРАСИ́ЛЬЩИК** *м* бўёқчи.

**КРАСИ́ЛЬЩИЦА** *ж* бўёқчи аёл.

**КРАСИ́ТЕЛЬ** *м* *хил.* бўёқ модда бўёқ, ранг.

**КРАСИ́ТЬ** *несов.* 1. бўямок, сирламок, ранг бермок; 2. ҳусн бермок, беэамок, безатмок, зийнатламок; труд красít человека меҳнат кишининг зийнатиدير.

**КРАСИ́ТЬСЯ** *несов. с. т.* 1. упа-элик суртмок, пардоз қилмок; 2. ранги юқмок, ранги урмок; **эта матэрия силъно красítся** бу матанинги ранги жуда юқади; 3. бўялмок, бўял қўйилмок.

**КРА́СКА** *ж* 1. бўёқ, ранг; сир; рангвор; красáка осыпáется (со стéны, óкон и т. п.) (девор, дераза ва ҳ. к. нинг) сирни кўчиб тушяпти; мáсляная красáка *қ.* мáсляный; аква-рельная красáка *қ.* аква-рельный; 2. *только ед.* бўяш, сирлаш; бўёқ; от-дáть костю́м в красáку костюмини бўёққа бермок; 3. ранг, тус; 4. *ж* шира; ма'нодорлик, та'сирчанлик; в яркнх красáках ёки бркими красáками рассказáть (описáть, изобра-зítъ) чиройли ифодалар блан (чиройли қилиб)айтиб бермок (баён этмок, тасвирламок); 5. *только ед.* юз қизили; красáка стыдá уятдан юзи қизариш; вогнáть (*кого-н.*) в красáку уялтирмок, қизартирмок; красáка (емý, ей) брóсилась в лицó юзи қизариб кетди; красáка сошла с лицá ранги кетиб қолди; ранги қув ўчди; **♦ сгу-щáть красáки** (*с. т.*) *қ.* сгушáть.

**КРАСКОВА́Р** *м* махс. бўёқ тайёрловчи ишчи, рангворчи.

**КРАСКОВА́РНЯ** *ж* махс. бўёқ тайёрлайдиган ишхона.

**КРАСКО́ТЕР** *м* махс. 1. ранг эзучи ишчи; 2. ранг эзадиган тош.

**КРАСКОТЁРКА** *ж тех.* ранг эзадиган ҳовонча ёки машина.

**КРАСНЕНЬКАЯ** *ж с. т. эск.* чор Россиясида ўн сўмлик қизил қоғоз пул.

**КРАСНЁТЬ** *несов.* 1. қизармоқ, қизил тортмоқ; қип-қизариб кетмоқ; клубника ужё краснеет кулупнай қизарабошлади; рўки краснели от мороза совуқдан қўллар қип-қизариб кетарли; 2. || қизармоқ, уялиб қолмоқ, ўсал бўлмоқ; краснеть за когó-н. биров учун қизармоқ; краснеть от стыда уялганидан қизариб кетмоқ; 3. қизариб турмоқ, қизариб кўринмоқ; среди зелёни краснели тюльпаны кўкатлар орасида лолалар қизариб кўриарди.

**КРАСНЁТЬСЯ** *несов. қ.* краснеть 3: вдаль на зданиях краснеются флэги узокда. бинолар тепасида байроқлар қизариб кўринади.

**КРАСНО** *нареч. с. т.* яхши, чиройли; ўхшатиб, келиштириб; красно говорит чиройли гапирмоқ.

**КРАСНОАРМЕЕЦ** *м (мн. красноармёйцы) тар.* қизил аскар.

**КРАСНОАРМЕЙСКИЙ**, -ая, -ое *тар.* красноармёец ва Красная Армия сўз. *сиф.*; қизил аскарга ва Қизил Армияга оид: красноармейская пёсня қизил аскар қўшиғи.

**КРАСНОАРМЕЙЦЫ** *мн. қ.* красноармёен.

**КРАСНОБАЙ** *м с. т. манф.* қизилсўз; сергап, гапдон; маҳмадона, қақилдоқ.

**КРАСНОБАЙСТВО** *ср мн. нет с. т. манф.* қизилсўзлик; сергаплик, гапдонлик; маҳмадоналик, қақилдоқлик.

**КРАСНОБУРЫЙ**, -ая, -ое қўнғир-қизил, қизғиш-қўнғир; краснобурая лиса қизғиш-қўнғир тўлки.

**КРАСНОГВАРДЕЕЦ** *м тар.* қизил гвардиячи.

**КРАСНОГВАРДЕЙСКИЙ**, -ая, -ое *тар.* красногвардеец ва Красная гвардия сўз. *сиф.*; Қизил гвардияга ва қизил гвардиячиларга оид; красногвардейские отряды Қизил гвардия отрядлари.

**КРАСНОДЕРЕВЦЕ, КРАСНОДЕРЕВЕЦ** *м макс.* қимматбаҳо мебель ишловчи уста.

**КРАСНОДЕРЕВЩИК** = краснодерёвец (*қ.*).

**КРАСНОДЕРЕВЫЙ**, -ая, -ое *макс.* қимматбаҳо ёғочдан ишланган; краснодеревая мебель қимматбаҳо ёғочдан ишланган мебель.

**КРАСНОДОНЦЫ** *мн. (ед. краснодонец м)* краснодончилар (Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашист босқинчиларининг даҳшатли жабр-зулмларига қарамасдан ўз шаҳрида яширнн „Молодая гвардия“ ташкилотини тузган ва гитлерчиларга қарши курашда ватанпарварлик, мардлик на қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган краснодонли коммунист ва комсомол ёшлар); бессмысленная слёва краснодонцев краснодончиларнинг ўлмас шухрати.

**КРАСНОЗВЁЗДНЫЙ**, -ая, -ое қизилюлдузли.

**КРАСНОЗЁМ** *м мн. нет* қизилтупроқ.

**КРАСНОЗНАМЕННЫЙ**, -ая, -ое Қизил Байроқ орденли, Қизил Байроқ ордени блан мукофотланган; краснознаменный завод Қизил Байроқ орденли завод.

**КРАСНОКОЖИЙ**, -ая, -ее 1. қизилтан; 2. *суц.* краснокожие *мн. (ед. краснокожий м)* қизилтанлилар, ҳиндлар (Шимолий ва Жанубий Американинг туб халқи).

**КРАСНОЛЁСЬЕ** *ср мн. нет* нинабаргли дарахтлар ўсадиган ўрмон.

**КРАСНОЛЫЦЫЙ**, -ая, -ое қизил юзли. юзи қизил.

**КРАСНОЛОМКИЙ**, -ая, -ое *тех.* ўтга мўрт (пўлатнинг қизиган ҳолатда мўрт бўлиши; бу хусусият пўлатда олтингугуртнинг қўплигидан келади); хладноломкий сўз. *тақ. кўринг.*

**КРАСНОЛОМКОСТЬ** *ж мн. нет тех.* ўтга мўртлик (пўлатнинг қизиган ҳолда мўртлиги; бу хусусият пўлатда олтингугуртнинг қўплигидан келади); хладноломкость сўз. *тақ. кўринг.*

**КРАСНОНОСЫЙ**, -ая, -ое қизилбурун, қизилтумшуқ, бурни (тумшуги) қизил.

**КРАСНОПЁРЫЙ**, -ая, -ое қизилқанот, қизил пат, қаноти (пати) қизил; красноперая птица пати қизил қуш;

краснопёрый бунь қизил қанот балиқ.

**КРАСНОРЕЧИВОСТЬ** *ж мн. нет* 1. гапга чечанлик, гапдонлик, гапга усталик; 2 || мазмундорлик, ма'нодорлик.

**КРАСНОРЕЧИВЫЙ**, -ая, -ое 1. гапга чечан, гапга уста, чиройли гапирадиган, нотик; красноречивый оратор гапга уста нотик; 2 || мазмундор, ма'нодор, та'сирли, чиройли, гўзал; чуқур ма'ноли; красноречивое письмо та'сирли хат; красноречивый взгляд ма'нодор қараш; красноречивый жест ма'нодор имо; 3 || очик кўриниб турган, яққол, очик-ойдин, равшан; красноречивый факт яққол факт; красноречивое свидетельство ёки доказательство яққол далил.

**КРАСНОРЕЧИЕ** *ср мн. нет* гапга усталик (чечанлик), нотиклик.

**КРАСНОРЫБНЫЙ**, -ая, -ое қилтаноқсиз балиққа оид; краснорыбные промыслы қилтаноқсиз балиқ овлаш; қ. красный (красная рыба).

**КРАСНОРЯДЕЦ** *м тар.* читфуруш, баззоз.

**КРАСНОТА** *ж мн. нет* қизиллик, қизариб туриш; краснота в горле томоқнинг қизарганлиги.

**КРАСНОТАЛ** *м бот.* қизил тол.

**КРАСНОФЛОТЕЦ** *м (мн. краснофлотцы)* ҳарб. қизил флотчи.

**КРАСНОФЛОТСКИЙ**, -ая, -ое Красный флот ва краснофлотец сўз. сиф.; қизил флотчига ва Қизил флотга оид.

**КРАСНОЩЕКИЙ**, -ая, -ое қизил мағиз, қизил юз, юзи қизил; краснощёкий мельчик қизил юз бола.

**КРАСНУХА** *ж мн. нет мед.* қизилча (болалар касаллиги).

**КРАСНЫЙ**, -ая, -ое 1. қизил; красный галстук қизил галстук; 2. фольк. чиройли, ясанган, безанган, ясамол; 3. очик; ёруғ; красный день ёруғ кун; красное лето ёруғ ёз; 4. сущ. красные *мн. тар.* қизиллар; красные зиняли город қизиллар шаҳарни ишғол қилдишар;  $\diamond$  Красная гвардия қ. гвардия; Красная Армия Қизил Армия; Орден трудового Красного знамени Меҳнат Қизил байроқ ордени; красная доска қизил тахта (хурмат тахтаси);

красный крест қ. крест; красный полумесяц қ. полумесяц; Красная площадь қизил майдон; красный обóz қизил қарвон; красный уголок қизил бурчак (сиёсий ва маданий оқартув ишлари олиб бориш учун белгиланган уй, жой); красное дерево (*махс.*) қимматбаҳо жиҳозлар тайёрланадиган ёғоч; красный лес нина баргли дарахтлар: қарағай, қора қарағай; красный перец қалампир. гармдори; красная девица 1) фольк. чиройли қиз; 2) || уятчан (тортинчок) одам; красный угол уйнинг тўри; красные дети (*махл.*) бир ўғил, бир қиз; красный петух ёнғин, ўт; пустить красного петуха (*с. т.*) ўт қўймоқ; красные ряды (*эск.*) баззолик (читфурушлик) растаси; красный товар (*эск.*) газлама, газмол; красный звон (*эск.*) черковда энг катта қўнғироқдан бошқа ҳамма қўнғироқларнинг бирдан чалиниши; красная цена (*с. т.*) бориб турган нарх, энг юқори нарх; красное словцо (*с. т.*) чиройли гап, қочриқ, пайров; ради красного словца не пожалет и родного отца (*матал*) гап келганда отасини ҳам аямайди; красной нитью ёки линией (*проходить*) очик кўриниб турмоқ, яққол кўринмоқ (фикр, ғоя, майл ҳақида); красная строка 1) сатр боши, хат боши; 2) полигр. саҳифанинг ўртасида келган сарлавҳа; красный гриб = подосиновик (қ.); красный железняк қ. железняк; красный фобсбор (*хим.*) қизил фосфор (соф фосфорнинг бир тури); красное вино қизил вино (қора узумлардан тайёрланган вино); красная дичь овчиликда ботқоқ қушлари; красный зверь овчиликда айиқ, бўри, тулки каби ҳайвонлар; красная рыба қизил балиқ, қилтаноқсиз балиқ; красное каленние (*физ. тех.*) қ. каленние; на миру и смерть красна (*матал*) қ. мир I; долг платежом красен (*мақол*) олмоқнинг бермоғи бор.

**КРАСОВАТЬСЯ** *несов.* 1. чиройли (қуркам) бўлиб кўриниб турмоқ, мапан деб турмоқ; в центре Ташкента красуется новое здание театра имени Навои Навоий номидаги янги театр биноси Тошкент марказида қуркам бўлиб турипти; 2. *с. т.* савлат қилмоқ, кўз-кўз қилиб юрмоқ,

мақтаниб кўрсатмоқ; **красоваться** **верхом** на конё савдатга от миниб турмоқ; **3. с. т. кест.** бежирим бўлиб турмоқ, бежаб турмоқ.

**КРАСОТА́** *ж* (*мн.* красóты) 1. гүзаллик, чиройлилик, барнолик, кўркамлик, сулувлиқ; ҳусн, кўрк, чирой, латофат; **красотá** **веснiй** баҳор кўрки, баҳорнинг гўзаллиги; **2. только мн.** гўзал манзара, чиройли кўриниш; **красóты** **Кавкáза** Кавказнинг гўзал манзаралари; **3. с. т. межд.** жуда соз, хўб яхши, хўб; **я** **видел** **его** **рабóту** — **прямо** **красотá!** мен унинг ишини кўрдим — жуда соз экан!; **◇ во** **всей** (**своей**) **красотé** = **во** **всей** **своей** **красé**; **для** **красоты** = **для** **красы**; *қ.* красá.

**КРАСОТКА** *ж с. т.* 1. *қ.* красá-вица; **2. эск. манф.** хуштор, ма'шуқа.

**КРАСОЧНО** *нареч.* чиройли қилиб, ранг-баранг қилиб, та'сирли равишда; чиройли, кўркам, порлок, ёрқин; мазмундор; **красочно** **рассказáть** та'сирли қилиб айтиб бермоқ; **красочно** **сдéлано** чиройли ишланган.

**КРАСОЧНЫЙ**, -ая, -ое 1. **краска** **сўз. сиф.**; бўёққа оид, бўёқ ишлаб чиқарадиган; **красочная** **промýшленность** бўёқ саноати; **2. рангоранг**, ранг-баранг, ёрқин, кўркам, чиройли, хуш'ёқим, порлок; мазмундор, та'сирли; **красочный** **язык** та'сирли тил; **красочная** **оркестровка** чиройли оркестровка.

**КРАСТЬ** *несов. с. т.* ўғирламоқ, ўғирлаб олмақ.

**КРАСТЬСЯ** *несов.* секингина бормоқ, оёқ учи блан бормоқ, бекиниб (яшириниб, писиб, биқиниб) келмоқ, сездирмай, билдирмай яқинлашмоқ; пойлаб бормоқ; кóшка **кредётся** **к** **мóши** мушук сичқонни пойлаб бормоқда.

**КРАСЯЩИЙ**, -ая, -ее 1. бўяётган, бўёвчи; **2. махс.** бўяйдиган, бўёги бор; **красящие** **вещества** бўёқ моддалар.

**КРАТ:** **во** **сто** **крат** (*эск.*) юз марта, юз қарра, юз баравар, юз бош.

**КРАТЕР** *м* кратер [1. *геол.* вулкан (ёнартоғ) оғзи; **2. эл.** электр ёй ҳосил қиладиган кўмир электродлардан бириринг учида ҳосил бўладиган чуқурча].

**КРА́ТКА** *ж с. т. эск.* „й“ ҳарфи устидаги қисқалик белгиси.

**КРА́ТКИЙ**, -ая, -ое 1. қисқа, калта; қисқача; **краткий** **курс** **истóрии** **ВКП(б)** **ВКП(б)** тарихи қисқа курси; **краткий** **срок** қисқа муддат; **краткий** **звук** қисқа товуш; „и“ **краткое** **қисқа** „и“, „й“ ҳарфи; **краткие** **прилагательные** ёки **краткие** **фóрмы** **прилагательных** қисқа сифат, сифатларнинг қисқа формаси (*мае.:* **красив**, **богáт** **ва** *қ. к.);* **2. яқин; краткий** **пути** **яқин** йўл; **◇ в** **кратких** **словах** қисқача, икки оғиз сўз блан; лўнда қилиб; **быть** **кратким** қисқа қилиб гапирмоқ.

**КРА́ТКО** *нареч.* қисқа, қисқача, қисқача қилиб; лўнда; **кратко** **отвё-тить** қисқача жавоб бермоқ, лўнда жавоб қилмоқ.

**КРАТКОВРЕ́МЕННОСТЬ** *ж мн.* **нет** қисқа муддатлилик, вақтнинг озлиги, қисқалиги.

**КРАТКОВРЕ́МЕННЫЙ**, -ая, -ое оз вақт давом этадиган, қисқа муддатли; **кратковре́менный** **óтпуск** қисқа муддатли **óтпуск**.

**КРАТКОСРО́ЧНЫЙ**, -ая, -ое қисқа муддатли, қисқа вақтга мўлжалланган; **краткосрочные** **курсы** қисқа муддатли курслар; **краткосрочный** **кредит** қисқа муддатли кредит.

**КРА́ТКОСТЬ** *ж мн. нет* 1. қисқалик; **знак** **краткости** (*лингв.*) қисқалик белгиси; **2. яқинлик.**

**КРА́ТНОСТЬ** *ж мн. нет мат.* қарралилик (бирор сонга қолдиқсиз бўлиниш).

**КРА́ТНЫЙ**, -ая, -ое *мат.* 1. қаррали, қолдиқсиз бўлинадиган; **2. суш.** **кратное** *ср* қаррали сон; **дéвять** — **кратное** **трёх** тўққиз учга қарралидир (учга қолдиқсиз бўлинадиган); **óбщее** **наимéньшее** **кратное** **умуний** **энг** **кичик** қаррали сон (берилган бирнеча сонга қолдиқсиз бўлинадиган энг **кичик** сон).

**КРАТЧА́ЙШИЙ**, -ая, -ее **краткий** **сўз.** *орт. дар.*; энг қисқа, энг яқин; **прямáя** — **кратча́йшее** **рассто́яние** **между** **двумя** **то́чками** **тўғри** **чизик** **икки** **нуқта** **орасидаги** **энг** **қисқа** **масофа**дир; **кратча́йший** **срок** энг қисқа муддат.

**КРАФТ-БУМАГА** *ж махс.* қоп қилинадиган пишиқ қоғоз.

**КРАХ** *м* 1. синиш, барбод бўлиш (буржуа жамиятида); **крах** банка банкнинг синиши; 2. ҳалокатга учраш. емирилиш, қулаш, ҳалокат; **крах** капитализманеизбэжең капитализмнинг ҳалокати муқаррардир; 3. || пучга чиқиш, муваффақиятсизликка учраш. муваффақиятсизлик; **потерпѣть** крах 1) ҳалокатга учрамоқ; 2) пучга чиқмоқ.

**КРАХМАЛ** *м* *мн. нет хим., бот.* крахмал, нишаста, оҳор; *технический* крахмал техника крахмали; *рисовый* крахмал гуруч крахмали.

**КРАХМАЛИСТЫЙ**, -ая, -ое крахмалли, оҳорли, серкрахмал, сернишаста; **крахмалистый** картофель серкрахмал картошка.

**КРАХМАЛИТЬ** *несов.* крахмалламоқ, оҳорламоқ.

**КРАХМАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. крахмал *сүз. сиф.*; крахмалга оид; **крахмальный завод** крахмал заводи; 2. оҳорланган, оҳор берилган, қотирма; **крахмальный воротничок** қотирма ёқа.

**КРАШЕ** красивый *сүз. қиёс. дар.*; гўзалроқ, чиройлироқ, кўркамоқ, яхшироқ; с *каждым днём* наша жизнь становится всё лучше, всё краше ҳаётимиз кундан-кунга яхшироқ. гўзалроқ бўлиб бормоқда; **♦ краше в гроб кладут** (матал) мурдан ҳам хароб, рамақижон (қуруқ силаси қолган жуда ориқ одам ҳақида).

**КРАШЕНИЕ** *ср мн. нет* бўяш, ранг бериш, сирлаш.

**КРАШЕНИНА** *ж мн. нет маҳл.* қўлда тўқилган ва бўялган дағал газлама.

**КРАШЕНЫЙ**, -ая, -ое 1. бўялган, ранг берилган, сирланган, бўяма, сирли; **крашенный пол** бўялган пол; **крашенная ткань** бўялган мата; 2. *с. т. мафр.* упа-элик суртган, чаплаган; **крашенная девица** упа-элик қўйган қиз.

**крашу**, **красишь** *наст. от красить* (қ.).

**КРАЮХА** *ж с. т.* парча нон; думалоқ булка ноннинг четидан қирқиб олинган парча.

**КРАЮШКА** *ж с. т.* краюха *сүз. кичр. айт.*; қ. краюха.

**КРАЙ** *мн. қ.* край.

**КРЕАТУРА** *ж мафр.* обрўли кишилар қаноти остида мартаба қозонган одам, бировнинг одами, арзандаси.

**КРЕВѢТКА** *ж зоол.* денгизда яшайдиган майда қисқичбақанинг бир тури.

**КРЕДИТ** *м бухг.* кредит (кирим-чиқим дафтарларининг чиқимлар, унадиган пуллар ёзилган ўнг томони); бу сўзнинг акси дэбет (қ.).

**КРЕДИТ** *м* 1. *только ед. мл.* кредит, қарз, насия; *долгосрочный* кредит узоқ муддатли кредит; *отпустить товар в кредит* қарзга мол бермоқ; 2. *только мн. м.л.* кредит (ма'лум харажатлар учун чиқарилган пул, маблағ); *кредиты на народное образование* халқ маорифи учун ажратилган маблағ; 3. || *только ед. э'тибор, обрў, ишонч*; **терять кредит** (*перед кем-н.*) обрўсинин йўқотмоқ; **пользоваться кредитом** (*у кого-н.*) ишонч қозонмоқ, ишончига сазовор бўлмоқ.

**КРЕДИТИВ** = аккредитив (қ.).

**КРЕДИТИВНЫЙ** = аккредитивный (қ.).

**КРЕДИТКА** *ж с. т. эск.* = кредитный билет; қ. кредитный.

**КРЕДИТНЫЙ**, -ая, -ое кредит *сүз. сиф.*; кредитга, қарзга оид; **кредитные операции** кредит операциялари; **♦ кредитный билет** қоғоз пул; **кредитное письмо** = аккредитив (қ.).

**КРЕДИТОВАНИЕ** *ср мн. нет мл.* кредит бериш, маблағ ажратиш, қарз бериш, қарзга бериш; **кредитование строительства** қурилишга маблағ ажратиш, қурилиш учун кредит бериш.

**КРЕДИТОВАТЬ** *сов. и несов. мл.* 1. қарз бермоқ, қарзга бермоқ, кредит бермоқ, маблағ ажратмоқ; 2. *бухг.* кредит ҳисобига ёзиб қўймоқ.

**КРЕДИТОВАТЬСЯ** *сов. и несов. мл.* 1. қарз олмоқ, қарзга олмоқ, кредит олмоқ; **кредитоваться в банке** банкдан қарз олмоқ; 2. маблағ ажратилмоқ, қарз, кредит берилмоқ, қарзга берилмоқ.

**КРЕДИТОВЫЙ**, -ая, -ое *бухг.* кредит *сүз. сиф.*; кредитга оид; **кре-**

дитовые операции кредит операция-лари.

**КРЕДИТОР** *м* кредитор, кредит беручи, қарз беручи.

**КРЕДИТОРСКИЙ**, -ая, -ое кредитор сўз. *сиф.*; кредиторга оид; **кредиторский счёт** кредитор счёти.

**КРЕДИТОСПОСОБНОСТЬ** *жс мн.* *нет эк.* қарзни тўлашга кучи етиш, қарзни тўлай олиш.

**КРЕДИТОСПОСОБНЫЙ**, -ая, -ое *жс.* қарзни тўлашга кучи етадиган, қарзни тўлайоладиган; қарз бериб бўладиган; **кредитоспособное предприятие** қарзни тўлай оладиган корхона.

**КРЕДО** *ср нескл.* маслак, э'тиқод, ақида; дун'ёқараш; **научное кредо** илимий дун'ёқараш.

**КРЕЗ** *м* ошиб-тошиб кетган бой, қорун.

**КРЕЗОЛЫ** *мн. (ед. крезол м) хим.* крезоллар (тошкўмир, торф ёки ёғоч смоласидан олинадиган ва креолин сингари дезинфекция дориворлари тайёрлаш, бакелит ишлаб чиқариш, ёғоч буюмларга сингдириш ва ш. к. лар учун ишлатиладиган моддалар).

**КРЕЙСЕР** *м ҳарб. денг.* крейсер (катта тезюар ҳарбий кема); **тяжёлый крейсер** оғир крейсер; **линейный крейсер** линия крейсери (льнкордан кўра енгилроқ, лекин линкор қатори қурулланган тезюар ҳарбий кема); *қ.* линкор.

**КРЕЙСЕРСКИЙ**, -ая, -ое *ҳарб. денг.* крейсер сўз. *сиф.*; крейсерга оид; **крейсерская скорость** (*денг. ав.*) олдий тезлик, нормал учуш (самолётнинг) ёки сузиш (кеманинг) тегилиги.

**КРЕЙСИРОВАТЬ** *несов. денг.* 1. қатнаб турмоқ (денгиз параходлари ҳақида); 2. *ҳарб.* қўриқлаб ёки разведка қилиб бормоқ, юрмоқ (ҳарбий денгиз кемалари ҳақида).

**КРЕЙТОН** *м т. с.* крейтон (пахта титадиган машина).

**КРЕЙЦЕР** *м тар.* крейцер (Австрияда гульденнинг юздан бир қисмига тенг бўлган майда пул).

**КРЕКИНГ** *м тех.* 1. крекинг, крекинглаш установкаси; 2. = крекинг-процесс (*қ.*).

**КРЕКИНГ-БЕНЗИН** *м тех.* крекинг-бензин (крекинглаш усули блан олинган бензин); *қ.* крекинг-процесс.

**КРЕКИНГ-ПРОЦЕСС** *м тех.* крекинг-процесс, крекинглаш (оқори температура ва катта босим остида ёки юқори температура ва катализатор та'сири блан нефть махсулотларини парчалаб бензин, газ ва х. к. лар олиш).

**КРЕКИРОВАНИЕ** *ср* = крекинг-процесс (*қ.*).

**КРЕКИРОВАТЬ** *сов. и несов. тех.* крекингламоқ (крекинг установкада бензин, газ ва х. к. ажратиб чиқармоқ).

**КРЕМ** *м крем* (1. қанд, қаймоқ, мева шираси қўшиб тайёрланган нишолдасимон ширинлик; 2. ёғупа; 3. этик мойн).

**КРЕМАТОРИЙ** *м* крематорий (ўлик куйдириладиган бино).

**КРЕМАЦИОННЫЙ**, -ая, -ое кремация сўз. *сиф.*; кремацияга оид; **кремационная печь** кремация печи, ўлик куйдириладиган печь.

**КРЕМАЦИЯ** *жс* кремация (махсус печьларда ўлик куйдириш).

**КРЕМЁНЬ** *м 1. мин.* чақмоқтош; **кремни для зажигалок** заживалка тоши; 2. *|| с. т.* саботли, иродали одам; 3. *|| с. т.* қаттиқ, қурумсоқ одам.

**КРЕМЁШОК** *м* кичик чақмоқтош, чақмоқ.

**КРЕМЛЁВСКИЙ**, -ая, -ое кремль сўз. *сиф.*; кремльга оид; **кремлёвские куранты** кремль куранти; **кремлёвские звёзды** кремль юлдузлари.

**КРЕМЛЬ** *м* кремль (қадимги рус шаҳарларида ички қал'а, қургон, арк); **Московский Кремль** Москва Кремли; **стены кремля** кремль дсворлари.

**КРЕМНЁВКА** *жс тар.* чақмоқ милтиқ.

**КРЕМНЁВЫЙ**, -ая, -ое 1. **кремёр** сўз. *сиф.*; чақмоқтошдан қилинган, **кремнёвые орудия** қаннонго века тош даврида чақмоқтошдан қилинган қурооллар; 2. чақмоқтош блан ёнадиган, отадиган, чақмоқли; **кремнёвое ружьё** чақмоқ милтиқ; 3. *|| жс.* саботли, иродали (одам); 4. *қ.* кремниевый.

**КРЕМНЕЗЁМ** *м. мн. нет хим. мин.* кремнезём, кремнекислота (кремний блан кислороднинг кўпгина минерал ва тоғ жинслари составига кирадиган бирикмаси).

**КРЕМНЕЗЁМИСТЫЙ**, -ая, -ое *хим. мин.* кремнезёмли, кремнекислотали; **кремнезёмистая** почва кремнезёмга бой тупроқ.

**КРЕМНИЕВЫЙ**, -ая, -ое *хим. кремний сўз. сиф.*; кремнийга оид; **кремниевая кислота** силикат кислота (кремний кислотаси).

**КРЕМНИЙ** *м. мн. нет хим.* кремний (химик элемент; кварц, чақмоқтош ва ш. к. минераллар составига кирадиган модда).

**КРЕМНИСТЫЙ** I, -ая, -ое *эск.* тошлоқ, тошли; **кремнистая доро́га** тошлоқ йўл.

**КРЕМНИСТЫЙ** II, -ая, -ое I. кремнезёмдан иборат бўлган; 2. кремнийли; **кремнистая сталь** кремнийли пўлат (кремний қўшилган пўлат); **кремнистый слёнец** кремнийли сланец.

**КРЕМОВЫЙ**, -ая, -ое I. крем I сўз. *сиф.*; кремли; **кремовое пирожное** кремли пирожний; 2. очсариқ, сарғиш; **кремовый шёлк** очсариқ шойи; **кремовый цвет** очсариқ тус.

**КРЕМ-СОДА** *жс* крем-сода (ичимлик).

**КРЕН** *м* I. қийшайиш, оғиш (кема, самолёт ҳақида); **дать крен** қийшаймоқ, оғмоқ; 2. *II сифс.* оғиш, оғмачилик.

**КРЕНДЕЛЬ** *м* ўрама нон;  $\diamond$  **свернуть́ся кренделем** (*с. т.*) кулала тушиб ётмоқ, икки букланиб, букчайиб ётмоқ; **крендель писать** ёки **выделять, выводить (ногами)** (*с. т.*) гандираклаб юрмоқ, алпон-талпон қадам босмоқ (мастликда); **ни за какие крендели** = ни за какие коврижки; *қ.* коврижка; **подставить руку кренделем** (*кому-н.*) (*с. т.*) қўлтиқлаб олиш учун қўлини эгиб тутмоқ.

**КРЕНДЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *крендель сўз. сиф.*; *қ.* крендель.

**КРЕНИТЬ** *несов.* I. қийшайтирмоқ, оғдирмоқ; 2. қийшаймоқ, оғмоқ (кема, самолёт ҳақида); **сильные порывы ветра** кренйли самолёт қаттиқ шамол самолётни оғдирар эди.

**КРЕНИТЬСЯ** *несов.* қийшаймоқ, энгашмоқ, оғмоқ (кема, самолёт ҳақида).

**КРЕЗО́Л** *м* *қ.* крезолы.

**КРЕЗО́Т** *м. мн. нет хим.* креозот (ёғоч ёки тошқўмир смоласидан олиннадиган ўткир ҳидли сарғиш суюқ модда).

**КРЕО́Л** *м* креол; *қ.* креолы.

**КРЕОЛ’ИН** *м* *хим.* креолин (крезол блан совун кўпиги аралашмаси; дезинфекция мақсадлари учун ишлатилади).

**КРЕО́ЛКА** *жс* креол аёл; *қ.* креолы.

**КРЕО́ЛЫ** *мн.* (*ид.* крео́л *м*, крео́лка *жс*) креоллар (1. Испания ва Португалия мустағлакачиларининг Латин Америкасида туғилган авлодлари; 2. умуман Латин Америкасида туғилган европалилар; 3. икки ирқдан туғилган бола, дурагай).

**КРЕО́ЛЬСКИЙ**, -ая, -ое *крео́л сўз. сиф.*; креолларга оид; *қ.* креолы.

**КРЕП** *м* *креп* (1. *т. с.* ип ёки ипакдан тўқилган юпка гижим газлама; 2. *й* мотамда қўлга боғланадиган қоралента; 3. табиий каучукнинг бир тури).

**КРЕПДЕШ’ИН** *м* крепдешин.

**КРЕПДЕШ’ИНОВЫЙ**, -ая, -ое *крепдешинга оид, крепдешиндан тикилган; крепдеш’иновое пла́тье* крепдешин кўйлак.

**КРЕПЕ́ЖНЫЙ**, -ая, -ое I. *кон.* шахтани мустаҳкамлашда ишлатиладиган; **крепёжный лес** шахтани мустаҳкамлашда ишлатиладиган ёғоч-тахта; 2. *тех.* маҳкамлайдиган; **крепёжный болт** маҳкамлайдиган болт.

**КРЕП’ИЛЬЩИК** *м* *кон.* шахтани мустаҳкамловчи ишчи.

**КРЕП’ИТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое I. *кон.* шахтани мустаҳкамлаш учун қилинадиган; **крепительные работы** шахтани мустаҳкамлаш ишлари; 2. *мед.* ич қотирадиган; **крепительные средства** ич қотирадиган дори-дармон.

**КРЕП’ИТЬ** *несов.* I. маҳкамламоқ, мустаҳкамламоқ; бириктирмоқ; тортмоқ, тортиб қўймоқ; **крепить бёрег** қирғоқни мустаҳкамламоқ; **крепить болт** болтни тортиб қўймоқ; **крепить детали** деталарни бириктирмоқ; 2. *денг.* маҳкам боғламоқ, боғлаб қўймоқ, тортмоқ; **крепить чалку** кемадан

ташланган арқонни маҳкам боғлаб қўй-моқ; 3. *денг.* йиғмоқ, йиғиб боғламоқ; кrepить парусá елканларни йиғмоқ, йиғиб боғламоқ; 4. || кучайтирмоқ, мустаҳкамламоқ; советские люди крепят могущество своей социалистической Родины совет кишилари ўз социалистик Ватанларининг куч-қудратини оширмоқдалар; крепить оборону страны мамлакат мудофаасини мустаҳкамламоқ; крепить связь науки с производством фаннинг ишлабчиқариш блан алоқасини кучайтирмоқ; крепить лагерь мира тинчлик лагерини кучайтирмоқ; 5. *мед.* ич қотирмоқ.

**КРЕПЬТЬСЯ** *несов.* 1. нафсини тиймоқ, қаноат қилмоқ, сақланмоқ, ўзини тутмоқ; 2. тишни тишга қўймоқ, чидамоқ, тоқат қилмоқ, сабр қилмоқ, бардош бермоқ, дадил бўлмоқ; маҳкам турмоқ; 3. маҳкамланмоқ, мустаҳкамланмоқ; қаттиқ боғланмоқ, маҳкамлаб (мустаҳкамлаб) қўйилмоқ.

**КРЕПКИ:** играть в крепки кrepки ўйнамоқ (оддий тартибда шашка ўйнамоқ); поддавки сўз. *тақ. кўринг.*

**КРЕПКИЙ,** -ая, -ое 1. маҳкам, мустаҳкам, қаттиқ; қалин-қаттиқ; тош-метин; 2. чидамли; чайир, пухта, пишик; крепкое дерево чайир ёғоч; крепкая верёвка пухта арқон; 3. бақувват, кучли, чидамли, соғлом; крепкий организм бақувват организм; 4. || мустаҳкам, кучли, собит қадам; крепкая вера мустаҳкам ишонч; 5. аччиқ, қуюқ, ўткир; крепкий чай аччиқ чай; 6. *с. т.* аччиқ, қаттиқ; зўр; крепкий мороз аччиқ совуқ, қаттиқ совуқ, қаҳратон; крепкий ветер зўр шамол, қаттиқ шамол; ◊ крепкие напитки спиртли ичимликлар; крепкая водка (*эск. х.м.*) азот кислотаси; крепкое слово (*с. т.*) уят гап; крепко на ухо (*с. т.*) қулоғи оғир; он (*ещё*) крепко на ногах (*с. т.*) 1) у (ҳали) тетик; 2) у (ҳали) унчалик маст эмас; крепкий сон қаттиқ уйқу.

**КРЕПКО** *нареч.* 1. маҳкам, қаттиқ; пишик қилиб, қаттиқ туриб; крепко стоять за свои убеждения ўз фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ; крепкожать руку қўлни маҳкам сиқмоқ; крепко спать қаттиқ ухламоқ, донг қотиб ухламоқ; 2. аччиқ,

қилиб, қуюқ, ўткир қилиб; 3. *с. т.* жуда қаттиқ; ◊ крепко-накрепко (*с. т.*) 1) жуда қаттиқ қилиб, жуда мустаҳкам қилиб, чамбарчас; 2) жуда қаттиқ; қат'ий; крепко-накрепко закупорить бутылку бутилкани маҳкамлаб бекитмоқ; крепко приказать қат'ий буюрмоқ; крепко выразиться (*с. т.*) сўкмоқ, уят гаплар гапирмоқ.

**КРЕПКОГОЛОВЫЙ,** -ая, -ое *с. т. кест.* калтафаҳм, бефаҳм, бефаросат.

**КРЕПКО ЛОБЫЙ** = крепкоголовый (*қ.*).

**КРЕПКОНОГИЙ,** -ая, -ое юриб чарчамайдиған, йўл писанда қилмайдиган; илиги бақувват; крепконогий конь илиги бақувват от.

**КРЕПЛЕНИЕ** *ср 1. только ед.* маҳкамлаш, мустаҳкамлаш, ўрнатиш, бириктириш; тортиш, тортиб қўйиш; 2. *только ед. денг.* маҳкам боғлаш, йиғиб боғлаш, йиғиш; боғлаб қўйиш, тортиш; 3. маҳкамланган (бириктирилган, боғланган) жой; проверить крепление маҳкамланган жойларини текшириб кўрмоқ; 4. қайиш, тасма, богич; крепление лыж чанги богичи; крепление парусов (*денг.*) елкан богичи; 5. *кон.* шахталарда қулаш ёки ўпирилишнинг олдини олмақ учун шахта ичига қурилган иншоот.

**КРЕПНУТЬ** *несов.* 1. мустаҳкамламоқ, кучаймоқ; крепнет дружба народов нашей страны мамлакатимиз халқларининг дўстлиги мустаҳкамланмоқда; из года в год крепнет колхозное хозяйство колхоз хўжалиги йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда; 2. кучга кирмоқ, қувватга кирмоқ, соғаймоқ; большой крепнет касал қувватга кирмоқда, соғаймоқда.

**КРЕПОВЫЙ,** -ая, -ое крепдан қилинган; креповое платье креп кўйлак. *қ.* креп.

**КРЕПОСТНАЯ** *жс қ.* крепостной 1 (2-нчи ма'носида).

**КРЕПОСТНИК** *м* крепостник, крепостнойчи (крепостной ҳуқуқни ҳимоя қилучи реакционер, помешчик)

**КРЕПОСТНИЧЕСКИЙ,** -ая, -ое крепостник ва крепостничество сўз. *сиб.*; крепостническое хозяйство дворян-помещиков дворян-помешчикларнинг крепостной хўжалиги.

**КРЕПОСТНИЧЕСТВО** *ср мн. нет тар.* крепостнойлик (1. крепостной муносабатларга ва деҳқонларни шафқатсиз эксплуатация қилишга асосланган ижтимоий тузум; 2. крепостникларга хос қарашлар, фикрлар, хатти-ҳаракатлар).

**КРЕПОСТНО́Й I**, -ая, -бе 1. крепостной хуқуқ (помешчикнинг ўзига қарашли деҳқонларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгалик қилиш хуқуқи; крепостной хуқуқ 1861 йилда бекор қилинган); крепостной крестья́нин крепостной деҳқон (крепостной хуқуқ асосида помещик қўлида қул бўлиб яшаган деҳқон); поднево́льный крепостной труд эрксиз крепостнойлик меҳнати; 2. *сущ.* крепостной *м*, крепостная *ж* крепостной деҳқон.

**КРЕПОСТНО́Й II**, -ая, -бе *ҳарб.* крепость II *сўз. сиф.*; қал'ага оид; крепостные укрепления қал'а истеҳкомлари; крепостная артиллерия қал'а артиллерияси.

**КРЕПОСТНО́Й III**, -ая, -бе *эск.* васиқага оид; васиқа бериш ёки олиш блан боғлиқ бўлган; крепостной акт васиқа.

**КРЕ́ПОСТЬ I** *ж мн. нет I.* маҳкамлик, мустаҳкамлик, қалин-қаттиқлик; 2. чидамлик, чайирлик, пухталиқ, пишиқлик; воло́кно вы́сокой кре́пости юқори даражада пишиқ тола; 3. эритма ва ш. к. нинг аччиқлик, ўткирлик, қуюқлик даражаси; кре́пость соляно́го раство́ра туз эритмасининг қуюқлик даражаси; 4. бақувватлик, чидамлик, соғломлик; кре́пость о́рганизма организмнинг соғломлиги; 5. || мустаҳкамлик, кучлилик, собит қадамлик; кре́пость ду́ха руҳнинг кучлиги.

**КРЕ́ПОСТЬ II** *ж ҳарб.* қал'а, қўрғон; „Нет в мире таких крепостей, которых не могли бы взять трудящиеся, большевики“ (Сталин); „Дун'ёда меҳнатқашлар, большевиклар оломайдиған қўрғонлар йўқ“ (Сталин).

**КРЕ́ПОСТЬ III** *ж тар.* васиқа; кўпчая · кре́пость васиқа, кўпчик; совер́шить кре́пость васиқа олмоқ; васиқа бермоқ.

**КРЕПЧА́ТЬ** *несов.* кучаймоқ, зўраймоқ, куч олмоқ; мороз крепчал совуқ кучаймоқда эди; ветер крепчает с каждым часом шамол соат сайин кучаймоқда.

**КРЕ́ПЧЕ** кре́пкий ва кре́пко *сўз. орт. дар.*; маҳкамроқ, мустаҳкамроқ, қаттиқроқ, кучлироқ, бақувватроқ, чидамлироқ, пишиқроқ, пухтароқ, чайирроқ; ўткирроқ, аччиқроқ, қуюқроқ.

**КРЕПЫ́Ш** *м с. т.* бақувват одам, миқти (кучли, зўр) одам; ма́льчик-крепы́ш миқти бола.

**КРЕПЬ** *ж* = крепле́ние 5 (қ.).

**КРЕСА́ЛО** *ср эск.* чақмоқтошдан ўт чиқарадиган пўлат парчаси.

**КРЕСА́ТЬ** *несов. эск.* чақмоқтош блан ёндирмоқ, чақмоқтош чақмоқ.

**КРЕ́СЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое кре́сло *сўз. сиф.*; креслога оид; кре́сельная ру́чка кресло қўлиғи, қаноти; кре́сельной большо́й (мед.) ўтириб қолган касал.

**КРЕ́СЛО** *ср I.* кресло, таянма курси; плетёное кре́сло сават курси; мя́гкое кре́сло юмшоқ курси; зубо-враче́бное кре́сло тишни кўриш ёки даволаш учун бемор ўтқазиладиган махсус курси; вольте́ровское кре́сло суянчиғи баланд, ўриндиғи чуқур кресло; 2. *только мн. театр.* курсилар (партердағи ўринлар); места́ за кре́слами партер орқасидағи ўринлар.

**КРЕСС** *м бот.* бўлтирик, чачирак; чиртилқоқ;  $\diamond$  *кресс-салат* кресс-салат (барғи ейиладиган бир йиллик ўсимлик).

**КРЕСТ** *м I.* крест (бир-бирини кесишган икки нарса, икки чизиқ); 2. *дин.* крест, хоч; 3. *дин.* крест ишораси (чўқинганда ўнг қўлни пешонага, кукракка ва икки елкага олиб бориш); 4. *эск.* крест (революциягача — крест шаклидағи орден); георгиевский крест за хра́брость мардлик учун Георгий крести; 5. || *эск.* тақдир, кўргилик;  $\diamond$  „Кра́сный крест и Кра́сный полуме́сяц“ „Қизил крест ва Қизил яримой“ (урушда касал ва ярадор бўлганларга ёрдам кўрсатучи жамият); *крест-накрест* бир-бирига кўндаланг қилиб, бир-бирини кесиштириб, чалиштириб; *поставить крест* (на чѐм-н. ёки на ком-н.) хотима

бермоқ, бархам бермоқ, умид узмоқ, воз кечмоқ; қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ; **целовать крест** (комв.-н., на чѣм ёки в чѣм-н.) (тар.) қасам ичмоқ, онт ичмоқ, қасам'ёд қилмоқ; **вышивать крестом** = вышивать крестиком; қ. крестик.

**КРЕСТЁЦ** *м* анат. думғаза.

**КРЕСТИК** *м* крест 1, 2, 4 сўз. *кичр-айт.*, вышивать крестиком ироқи тикмоқ.

**КРЕСТЙНЫ** *мн. ед. нет дин.* янги туғилган болани чўқинтириш маросими ва шу муносабат блан бериладиган зиёфат.

**КРЕСТЙТЬ** *несов. дин.* 1. чўқинтирмоқ; 2. чўқинтириб ота (ёки она) бўлмоқ; 3. крест аломати қўймоқ, крест аломати қўйиб чиқмоқ.

**КРЕСТЙТЬСЯ** *несов. дин.* 1. чўқинмоқ; 2. христиан динига кирмоқ.

**КРЕСТ-НАКРЕСТ** қ. крест.

**КРЕСТНИК** *м* = крестный сын; қ. крестный 1.

**КРЕСТНИЦА** *ж* = крестная дочь; қ. крестный.

**КРЕСТНЫЙ**, -ая, -ое *черс.* крест 1, 2, 3 сўз. *сиф.*; крестга, крест ишорасига оид; крестное знамение крест ишораси; крестное целование (*эск.*) крест ўпиб қасам'ёд қилиш; **крестный ход** черков аҳлининг крест ва салам кўтариб ўтказадиган намойиши.

**КРЕСТНЫЙ**, -ая, -ое *дин.* 1. крестный отец (крестная мать) чўқинтирилган ота (она); крестный сын чўқинтирилган ўғил; крестная дочь чўқинтирилган қиз (чўқинтирилган ота-онага нисбатан); крестные братья (сёстры) бир одам чўқинтиргани учун ака-ука (опа-сингил) бўлган болалар; 2. *сущ.* крестный м = крестный отец (қ.); 3. *сущ.* крестная ж = крестная мать (қ.).

**КРЕСТОВИК** *м* 1. *зоол.* орқасида крест шакли бўлган захарли ўргимчак; 2. *бот.* = крестовник (қ.).

**КРЕСТОВИНА** *ж* крестовина (1. бир-бирига кўндаланг қилиб маҳкамланган икки ёғоч ёки тахта; 2. *т. й.* темир йўл изларининг поездини бир йўлдан иккинчи йўлга солиб юборадиган қисми; 3. *тех.* дифференциалда

ва умуман механизмларда крест шаклида ясалган қисм).

**КРЕСТОВНИК** *м бот.* сариқбош (мураккаб гулдилар оиласига кирадиган бир йиллик ўт).

**КРЕСТОВЫЙ**, -ая, -ое 1. крестсимон, крест шаклидаги, крестга ўхшаш; крестовый паук = крестовик 1 (қ.); 2. *с. т.* чиллик (қарта ўйинида); **крестовые походы** (*тар.*) салиб юришлари (ўрта асрларда Ғарбий Европа рицарьларининг шарқ мамлакатларига, хусусан Палестинага қарши уюштирилган ҳарбий юришлари).

**КРЕСТОВОСЕЦ** *м тар.* салиб юриши қатнашчиси.

**КРЕСТОВОСНЫЙ**, -ая, -ое 1. крест тақиб юричи, крестли; 2. *тар.* салиб юришига ва салиб юриши қатнашчига оид.

**КРЕСТОЦВЕТНЫЕ** *мн. ед. крестоцветное ср*) *бот.* крестгулдилар.

**КРЕСТОЦОВЫЙ**, -ая, -ое *анат.* крестёц сўз. *сиф.*; думғазага оид; крестцовая кость думғаза суяги.

**КРЕСТЬЯНИН** *м* деҳқон; крестьянин-колхозник колхозчи деҳқон.

**КРЕСТЬЯНКА** *ж* деҳқон аёл.

**КРЕСТЬЯНСКИЙ**, -ая, -ое *крестьянин сўз. сиф.*; деҳқонларга оид; крестьянский двор деҳқон хўжалиги, деҳқон хонадони.

**КРЕСТЬЯНСТВО** *ср мн. нет 1. собир.* деҳқонлар; колхозное крестьянство колхозчи деҳқонлар; 2. *эск.* деҳқончилик.

**КРЕСТЬЯНСТВОВАТЬ** *несов. маҳл.* деҳқончилик қилмоқ.

**КРЕСЧЁНДО** = крещёндо (қ.).

**КРЕТИН** *м* 1. *мед.* кретин (кретинизм касалига йўлиққан киши); 2. **||** сўж. эси паст, калтафаҳм, тентак; аҳмоқ.

**КРЕТИНИЗМ** *м мн. нет* кретинизм (1. *мед.* қалқонсимон безларнинг етилмай қолиши патијасида тан ва ақл заифлаиш касали; 2. **||** эси пастлик, калтафаҳмлиқ, тентаклиқ, аҳмоқлик).

**КРЕТИНОИД** *м мед.* кретиноид (ташқи кўриниши кретинга ўхшаш, ammo руҳий жиҳатдан соғлом одам),

**КРЕТОН** *м т. с.* кретон (қалин ип газлама).

**КРÉЧЕТ** *м зоол.* шунқор, италги.

**КРЕЩÉНДО, КРЕШÉНДО** *нареч.* муз. тобора авжга, борган сари баланд.

**КРЕЩÉНИЕ** *ср черк.* 1. чўқинтириш; 2. бут ювиш байрами;  $\diamond$  *бое-всё крещёние* 1) жангга биринчи марта кириш; 2) биринчи синов, биринчи сабоқ; дастлабқи қадам; дастлаб иш бошлаш; боевбе революционное крещёние биринчи революцион жанговар қадам.

**КРЕЩÉНСКИЙ**, -ая, -ое, крещённые 2 *сўз сиф.*; бут ювиш байрамига оид; крещёнские морбзы аймажиз, айём-ажуз (январь ойининг бошида бўладиган қаттиқ совуқлар).

**КРЕЩЁНЫЙ**, -ая, -ое 1. *черк.* чўқинтирилган; 2. *сущ.* крещёный *м эск.* христиан, христиан динидаги киши.

**КРИВАЯ** *ж қ.* кривой 4, 5, 6.

**КРИВДА** *ж мн. нет эск.* фольк. ёлгон, ёлгон-яшиқ; кривдой жить ёлгон-яшиқ блан кун кўрмоқ.

**КРИВЁТЬ** *несов.* бир кўзи тобора хиралашмоқ, кўр бўлмоқ.

**КРИВИЗНА́** *ж 1. только ед.* қийшайганлик, эгилганлик, букилганлик, оққанлик; қийшиқлик, қинғирлик, эгрилик; қинғир-қийшиқлик эгри-бугрилик; 2. қинғир-қийшиқ, эгри-бугри жой; 3. *мат.* эгрилик.

**КРИВИТЬ** *несов.* қийшайтирмоқ, эгри қилмоқ;  $\diamond$  *кривить рот или губы (с. т.)* оғиз қийшайтирмоқ, бурун қийшайтирмоқ, лаб буруштирмоқ (жирканиш, ҳазар, нафрат ма'носида); *кривить душой (с. т.)* виждонни ютмоқ, ёлгон гапирмоқ.

**КРИВИТЬСЯ** *несов.* 1. қийшаймоқ, эгилмоқ, букилмоқ; оғмоқ; қинғаймоқ, бурушмоқ; 2.  $\parallel$  *с. т.* энса қотмоқ; оғиз қийшайтирмоқ, бурун қийшайтирмоқ, лаб буруштирмоқ, афт буруштирмоқ.

**КРИВЛЯ́КА** *м и ж с. т.* манф. қийшанқи; қилиқдор, танноз.

**КРИВЛЯ́НЬЕ** *ср с. т.* қийшанглаш, қилиқ қилиш; таннозлик қилиш, нозланиш.

**КРИВЛЯ́ТЬСЯ** *несов. с. т.* манф. қийшангламоқ, қийпангламоқ, қилиқ қилмоқ; таннозлик қилмоқ, нозланмоқ.

**КРИВО** *нареч. с. т.* қийшиқ қилиб, қинғир қилиб; қия, қиялаб;  $\diamond$  *криво улыбнуться* лабни қийшайтириб кулмоқ; тиржаймоқ.

**КРИВОБО́КИЙ**, -ая, -ое *букри.* бели қийшиқ, бир томонга қийшайган.

**КРИВОГЛАЗЫЙ**, -ая, -ое *с. т.* бир кўзи кўр.

**КРИВОДУ́ШИЕ** *ср мн. нет эск.* ёлгончилик; инсофсизлик; виждон ютиш.

**КРИВОДУ́ШНИЧАТЬ** *несов. с. т.* эск. ёлгончилик қилмоқ; инсофсизлик (виждонсизлик) қилмоқ; виждон ютмоқ.

**КРИВОДУ́ШНЫЙ**, -ая, -ое *эск.* ёлгончи, инсофсиз, виждонсиз, виждон сотар; криводушный человек виждонсиз одам.

**КРИВО́Й**, -ая, -ое 1. эгри, қийшиқ, қинғир, қинғир-қийшиқ, эгри-бугри; *кривая строка* эгри сатр; 2. *с. т.* бир кўзи кўр; 3.  $\parallel$  *эск.* нотўғри, адолатсиз; кривоё толкование нотўғри талқин қилиш; 4. *сущ.* кривая *ж мат.* эгри чизик; *провести кривую* эгри чизик чизмоқ; 5. *сущ.* кривая *ж* кўрсатғич эгри чизик; *кривая роста* производительности труда меҳнат унумининг ўсишини кўрсатадиган эгри чизик; *затухающая кривая* капиталистической экономики капиталистик экономиканинг тобора пасайиб, сўниб бораётганини кўрсатучи эгри чизик; 6. *сущ.* кривой *м*, кривая *ж* *с. т.* бир кўзи кўр (одам ёки ҳайвон);  $\diamond$  *кривоё зёркало* 1) қийшиқ ойна; 2)  $\parallel$  бирор нарсани бузиб кўрсатиш; *видеть (что-н.) в кривом зёркале* нотўғри тушуноқ, янглиш кўрмоқ; *кривая улыбка* ёки *усмешка* суп'ий кулги, зўрма-зўраки кулиш; *кривая вывезет (с. т.)* бир гап бўлар, бўлганча бўлар, таваккал; *на кривой не объедешь* (козб-н.) (с. т.) сра алдайолмайсан, қўлга тушираолмайсан.

**КРИВОЛА́ПЫЙ**, -ая, -ое *оёғи* қийшиқ (ҳайвон).

**КРИВОЛИНÉЙНЫЙ**, -ая, -ое, *мат.* эгри чизикли; *криволинейное движение* эгри чизикли ҳаракат.

**КРИВОНОГИЙ**, -ая, -ое с. т. қий-шиқоёқ, қинғироёқ, маймоқ.

**КРИВОНОЖКА** м и ж с. т. қий-шиқоёқ одам.

**КРИВОНОСЫЙ**, -ая, -ое с. т. қий-шиқбурун, бурни қийшиқ.

**КРИВОРОГИЙ**, -ая, -ое эгри шохли, шохи эгри; криворогая коро́ва эгри шохли сугир.

**КРИВОРОТЫЙ**, -ая, -ое огзи қий-шиқ, қийшиқоғиз.

**КРИВОРОУКИЙ**, -ая, -ое с. т. қий-шиққұл, құли қийшиқ.

**КРИВОТОЛҚА** мн., ед. нет с. т. бұлмағур гаплар, бехуда (ножу́я) гап-лар; миш-миш хабарлар.

**КРИВОШЕИЙ**, -ая, -ее қийшиқ бүйин, бүйин қийшиқ.

**КРИВОШЕЯ** ж мн. нет мед. бүйин қийшиқлик касали.

**КРИВОШІП** м тех. кривошип [тўғри чизиқли ҳаракатни айланма ҳаракатга айлантирадиган механизмларнинг зет (Z) симон қисми].

**КРИВУЛЯ** содд. 1. ж букри нарса, қийшиқ (эгри-бугри, қинғир-қийшиқ) нарса; 2. м и ж қ. криво́й б.

**КРИЗИС** м 1. эк., сиф. кризис, танглик; кризис перепроизводства маҳсулотни ортиқча ишлаб чиқариш кризиси (капиталистик мамлакатларда аҳолининг ҳарид қобилиятига нисбатан ортиқча мол ишлаб чиқарилиши ва бозорнинг касод бўлиши орқасида вақт-вақт такрорланиб турадиган иқтисодий танглик; кризислар капиталистик хўжаликни изидан чиқариб, ишсизликни авж олдиради, меҳнат-кашлар оммасини қашшоқликка олиб боради); периодические экономические кризисы капиталистического хозяйства капиталистик хўжаликда вақт-вақт бўлиб турадиган иқтисодий кризислар; общий кризис капитализма капитализмнинг умумий кризиси; 2. кризис, танглик, танг аҳвол, қийин аҳвол; политический кризис сиёсий кризис; правительственный кризис ҳукумат танглиги; 3. мед. кризис (касалнинг кескин, ё уёқлик, ё буюқлик бўлиш пайти); 4. с. т. ҳазл. танг аҳволга тушиб қолиш, пулсизлик.

**КРИҚ** м 1. қичқариқ, қийқариқ; бақариқ, ҳайқариқ, шовқин, шовқин-

-сурон, дод, дод-фар'ёд; 2. бақариш, ўшқариш, жекириш, дўқ қилиш; 3. || овоз, садо; криқ радости шодлик садоси; ♢ последний крик мбды (с. т.) энг сўнгги мода.

**КРИКЕТ** м мн. нет спорт. крикет (тўп ўйиннинг бир тури).

**КРИКЛИВО** нареч. 1. бақариб, ҳайқариб, жар солиб; манманлик блан; 2. || манаман деб турадиган қилиб; серҳашам; крикливо одеваться серҳашам кийим киймоқ.

**КРИКЛИВЫЙ**, -ая, -ое 1. қаттиқ, қулоқ тешадиган; крикливый го́лос қаттиқ овоз, қулоқ тешадиган овоз; 2. бақироқ, вағвақ, шанқи; крикливый ребёнок бақироқ бола; крикливый человек бақироқ одам; 3. || дабдабали, тамтароқли, манаман деб турадиган; серҳашам; мақтанчоқ; крикливый нарід дабдабали (савлатли) либос; крикливая реклама дабдабали реклама.

**КРИКНУТЬ** однокр. қ. крича́ть.

**КРИКУ́Н** м с. т. 1. бақироқ, вағвақ, шанқи; 2. манф. шаллақи; 3. маҳмадона, сергап, қуруқ.

**КРИКУ́НЯ** ж с. т. 1. бақироқ аёл, вағвақ (шанқи) аёл; 2. манф. шаллақи хотин; 3. маҳмадона (сергап, қуруқ) аёл.

**КРИМИНА́Л** м с. т. жиноят.

**КРИМИНА́ЛИСТ** м юр. криминалист (1. криминалистика мутахассиси 2. жинной ишлар бўйича судда кўриладиган ишларга қатнашучи ёки маслаҳат беручи адвокат).

**КРИМИНА́ЛИСТИКА** ж мн. нет юр. криминалистика (ҳуқуқ илмининг жинной ишларни тергаш методларини, ўрганадиган бўлими).

**КРИМИНА́ЛИСТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое юр. криминалистика сўз. сиф.; криминалистикага оид; қ. криминалистика.

**КРИМИНА́ЛЬНЫЙ**, -ая, -ое криминал, жинной, жиноятга оид; криминальный роман бирор жиноят асос қилиб олинган роман; криминальное дело жинной иш; криминальный случай жиноят деб қаралиши мумкин бўлган иш.

**КРИМИНО́ЛОГ** м криминолог, криминология мутахассиси.



**КРИСТАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. кристалл сўз. сиф.; кристалльная форма кристалл шакл; 2. || тиник, соф, тоза, шаффоф, зилол; кристалльная вода тиник сув; кристалльная чистота биллурдек софлик; кристалльной души человек софдил одам, оккўнгил одам.

**КРИТЕРИЙ** м критерий [бирор нарсага баҳо беришда, бирор нарса тўғрисида фикр юритишда ва ш. к. ҳолларда асос қилиб олинган (олинадиган) ўлчов, андаза, белги]; верный критерий тўғри ўлчов; практика — критерий истины тажриба ҳақиқат критерийсидир; служить критерием (чегб.-н.) критерий бўлиб хизмат қилмоқ.

**КРИТИК** м 1. танқидчи; литературный критик адабий танқидчи; музыкальный критик музыка танқидчиси; 2. с. т. = критикан (қ.).

**КРИТИКА** ж 1. толька ед. танқид; критика и самокритика — движущая сила социалистического общества танқид ва ўз-ўзини танқид социалистик жамиятнинг ҳаракатландиручи кучидир; справедливая критика ўринли танқид, ҳаққоний танқид; подвергнуть критике танқид қилмоқ; 2. ад. танқидчилик; история русской критики рус танқидчилиги тарихи; ♦ не выдерживает критики, ниже всякой критики танқиддан тубан, танқидга арзимади.

**КРИТИКАН** м с. т. манф. танқидвоз, тўғри-нотўғриси суритирмай танқид қилаверучи.

**КРИТИКАНКА** ж с. т. манф. қ. критикан.

**КРИТИКАНСКИЙ**, -ая, -ое манф. критикан ва критиканство сўз. сиф.; танқидвозга ва танқидвозликка оид.

**КРИТИКАНСТВО** ср мн. нет с. т. манф. танқидвозлик, тўғри-нотўғриси суритирмай танқид қилавериш.

**КРИТИКАНСТВОВАТЬ** несов. с. т. манф. танқидвозлик қилмоқ, тўғри-нотўғриси суритирмай танқид қилавермоқ.

**КРИТИКОВАТЬ** несов. танқид қилмоқ.

**КРИТИКОВАТЬСЯ** несов. танқид қилинмоқ.

**КРИТИЦИЗМ** м мн. нет 1. танқидий қараш, танқидий назар блан қараш, танқид кўзи блан қараш. 2. филос. критицизм (Кант ва унинг издошларининг материализмга қарма-қарши бўлган реакцион идеалистик философияси).

**КРИТИЧЕСКИ** нареч. танқид кўзи блан, танқидий равишда, танқидий; отнестись критически (к чему-н.) бирор нарсага танқид кўзи блан қарамоқ.

**КРИТИЧЕСКИЙ** I, -ая, -ое 1. танқидий; критическая статья танқидий мақола; критический отдел в журнале журналнинг танқид бўлими; критический реализм қ. реализм; критическая философия = критицизм 2 (қ.); 2. танқид кўзи блан қарайдиган, танқид блан қарайдиган; танқид қилиш (анализ қилиш, текшириш) қобилиятига эга бўлган.

**КРИТИЧЕСКИЙ** II, -ая, -ое 1. критик, кескин, нозик, жиддий; хатарли, хавфли, иккили; критический момент боя жангнинг кескин пайти; критический возраст = переходный возраст; қ. переходный; 2. || танг. огир, мушкул, қийин; критическое положение огир аҳвол.

**КРИТИЧНО** нареч. = критически (қ.).

**КРИТИЧНОСТЬ** ж мн. нет танқид кўзи блан қараш, танқидий қараш қобилияти.

**КРИТИЧНЫЙ** = критический I (2-нчи ма'носида) (қ.).

**КРИЦА** ж тех. крица (чўндан махсус усул блан ҳосил қилинган юмшоқ темир).

**КРИЧАТЬ** несов. 1. қичқирмоқ, қийқирмоқ, бақирмоқ, ҳайқирмоқ; кричать от боли оғриққа чидолмай бақирмоқ; 2. шовқинламоқ, шовқин солмоқ, шовқин кўтармоқ; жар солмоқ, оғиз кўпиртирмоқ, бақириб чақирмоқ; 3. бақириб (вағиллаб, шанқиллаб) гапирмоқ, шовқинлаб гапирмоқ; 4. ўшқирмоқ, жекирмоқ; 5. с. т. чақирмоқ, додлаб чақирмоқ; додламоқ, дод-фар'ёд кўтармоқ; кричать на помощь дод-фар'ёд солиб ёрдамга чақирмоқ.

**КРИЧАЩИЙ**, -ая, -ее 1. кричать фе'лининг сифатдоши; 2. қ. крикли-вый 3.

**КРИЧНЫЙ**, -ая, -ое *тех.* крица сўз. *сиф.*; крицага оид, крица ҳосил қиладиган; **кричный** горн крица ҳосил қиладиган кўра, печь; қ. крица.

**КРОВАТЫ** = хорваты (қ.).

**КРОВ** *м* *мн.* *нет* 1. эск. том; 2. бошпана, уй-жой, макон; *остаться без крова* бошпанасиз (уй-жойсиз) қолмоқ; 3. *поэз.* соя, паноҳ, қучоқ, қанот; под *кровом* но́чи тун қучо-гида, қоронги тунда.

**КРОВАВИТЬ** *несов.* қонга бўямоқ, қонга беламоқ.

**КРОВАВОКРАСНЫЙ**, -ая, -ое қондек қипқизил, қипқизил қондек.

**КРОВАВЫЙ**, -ая, -ое 1. қонли, қонга бўялган, қонга беланган; 2. қон аралаш, қон талаган; **крававый** по-нос қон аралаш ич кетиш; 3. қонли; **крававая** битва қонли жанг; хун-резлик; 4. қонхўр, золим; 5. қондек қипқизил;  $\diamond$  **крававая баня** қ. ба-ня; **крававое воскресенье** (*тар.*) қонли якшанба (1905 йил 9-нчи ян-варьда ишчилар намоийини чор ҳукумати ўққа тутган кун); **крававый бифштекс** сели блан пишган (пиширилган) бифштекс.

**КРОВАТНЫЙ**, -ая, -ое кровать сўз. *сиф.*; каравотга оид, каравот ишлаб чиқарадиган; **краватная ма-стерская** каравот ясайдиган ишхона.

**КРОВАТЬ** *ж* кровать, каравот; **раскладная кровать** йиғиладиган каравот.

**КРОВЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое томга (том ёпишга) оид, том ёпиш учун ишлатиладиган; **кровельное желе́зо** тунука; **кровельные работы** том ёпиш ишлари.

**КРОВЕЛЬЩИК** *м* том ёпучи (томга тунука қоқучи) уста, ишчи.

**КРОВЕНОСНЫЙ**, -ая, -ое *анат.* қон юрадиган; **кравеносные сосу́ды** қон томирлари.

**КРОВООБРАЩЕНИЕ** *ср* эск. қ. **кровообращение**.

**КРОВООСТАНАВЛИВАЮЩИЙ**, -ая, -ее = **кровоостанавливающий** (қ.).

**КРОВЕСОСНЫЙ** = **кравососный** (қ.).

**КРОВИ́НКА** : ни **кравинки** в ли-це (*с. т.*); рангида бир томчи қони йўқ (қолмапти).

**КРОВА́ЛЯ** *жс* том; **железная кровля** тунука том;  $\diamond$  *под кровлей* уйда, уй ичида; **жить под одной кровлей** бирга (бир уйда) яшамоқ.

**КРОВО́НО** *нареч.* 1. жуда, жуда ҳам, гоаят; **я в этом кровно заин-тересован** (*с. т.*) мен бундан жуда ҳам манфаатдорман; 2. томири бир, туғишган, қон-қариндош; **он кровно связан со мной** у мен блан қон-қариндош; 3. қаттиқ, оғир; **кровно обидеть** (*козб.-н.*) қаттиқ ранжитмоқ.

**КРОВО́НЫЙ**, -ая, -ое 1. томири бир, бир ота-онадан туғилган, туғиш-ган, қон-қариндош, жигар; **кравные братья** туғишган ака-ука; **кравное родство** қон-қариндошлик, жигарчи-лик; 2. аслзот, наслдор, зотли; **кравный рысак** наслдор от; **кравные овцы** зотли қўйлар; 3.  $\parallel$  қаттиқ, жуда оғир; **кравная обida** қаттиқ хафа қилиш; 4.  $\parallel$  жонажон, жуда муҳим, ниҳоятда зарур; **борьба за мир** — **кравное дело всех народов** тинч-лик учун кураш ҳамма халқларнинг жонажон ишидир; **наша армия** — **кравное детище Октября** армиямиз Октябрьнинг жонажон фарзандидир; **кравный интерес** зарур манфаат;  $\diamond$  **кравная месьть** хун, қасос (ҳозир йўқ бўли кетган одат); **кравные деньги** (*с. т.*) меҳнат қилиб (пешона тери тўкиб) топилган пул, ҳалол меҳ-нат блан топилган пул.

**КРОВОЖА́ДНОСТЬ** *жс* *мн.* *нет* қонхўрлик, золимлик, бераҳмлиқ.

**КРОВОЖА́ДНЫЙ**, -ая, -ое қонхўр, золим, ваҳший, хунрез, оғзи қон; йирт-қич; **кровожадный тигр** йиртқич йўлбарс; **кровожадный враг** қонхўр душман, йиртқич душман.

**КРОВОИЗЛИ́ЯНИЕ** *ср* *мед.* қон қуйилиш; **кравоизлиание** в мозг мянга қон қуйилиш.

**КРОВООБРАЗО́ВАНИЕ** *ср* *фи-зиол.* қон ҳосил бўлиш.

**КРОВООБРАЩЕ́НИЕ** *ср* *мн.* *нет* *физиол.* қон айланиши; **нарушение кровообращения** қон айланишининг бузилиши.

**КРОВОСТАНАВЛИВАЮЩИЙ**, -ая, -ее *мед.* қон тұхтадагидан; **кровоостанавливающие средства** қон тұхтадагидан дори-дармон.

**КРОВООЧИЩЕНИЕ** *ср мн. нет эск. мед.* ой кўриш, ҳайз.

**КРОВОПЙЕЦ**, **кровопийца** *м қ.*

**КРОВОПЙИЦА** *м и ж нафр.* қонхўр, қон ичучи, қон сўручи; золим, ёвуз, бераҳм; кулаки-кровопийцы қонхўр (золим) қулоқлар.

**КРОВОПОДТЁК** *м* қонталашган (моматалоқ бўлган) жой.

**МОМАПРОЛИТИЕ** *ср* қон тўкиш, хунрезлик, қиргин.

**КРОВОПРОЛИТНЫЙ**, -ая, -ое қонли, қиргинли, кўп қон тўкилган; **кровопротитный бой** қонли жанг; **капитализм — это кровопролитные войны, нищета и эксплуатация масс капитализм** — қонли уруш, қашшоқлик, оммани эксплуатация қилиш демакдир.

**КРОВОПУСКАНИЕ** *ср 1. мед.* қон олиш; қон олдириш; **2. || нафр.** қон тўкиш, хунрезлик, қиргин, ур-йиқит.

**КРОВОПУСКАТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *мед.* кровопускание сўз. *сиф.*; **қ. кровопускание.**

**КРОВОСМЕСИТЕЛЬ** *м* яқин қариндош блан жинсий алоқада бўлган эркак.

**КРОВОСМЕСИТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое кровосмеситель сўз. *сиф.*; **кровосмесительный брак** яқин қариндошга уйланиш.

**КРОВОСМЕСИТЕЛЬСТВО** = кровосмешение (*қ.*).

**КРОВОСМЕШЕНИЕ** *ср* яқин қариндош блан жинсий алоқада бўлиш.

**КРОВОСОС** *м 1. зоол.* қон сўручи кўршапалак (Жанубий Америкада); **2. маҳл. қ.** вампир **1, 3; 3. содд. қ.** кровопийца.

**КРОВОСОСНЫЙ**, -ая, -ое *эск. мед.* қон сўрагидан; қон олиш учун хизмат қиладиган; **кровососная банка** қон оладиган банка; қорик.

**КРОВОТЕЧЕНИЕ** *ср мед.* қон кетиш, қон оқиш; **кровоотечение** из носа бурундан қон оқиш, бурун қо-

наш; **кровоотечение** из лёгких ўп-кадан қон кетиш.

**КРОВОТОЧИВОСТЬ** *жс мн. нет мед.* **1.** қон оқиб туриш, қон кетиб туриш; **2.** бот-бот қон кетиш касали.

**КРОВОТОЧИВЫЙ**, -ая, -ое *мед.* қонаб турадиган, қон оқиб (қон келиб) турадиган; **кровоотчивая рана** қон оқиб турадиган яра, қонаб турадиган яра.

**КРОВОТОЧИТЬ** *несов. мед.* қонаб турмоқ, қон оқиб турмоқ, қон кетмоқ; **рана кровоточит** ярадан қон оқиб турипти (туради).

**КРОВОХАРКАНИЕ** *ср мн. нет мед.* қон тупуриш, қон туплаш, қон ташлаш.

**КРОВОХАРКАТЬ** *несов. мед.* қон тупурмоқ, қон тупламоқ, қон ташламоқ.

**КРОВЬ** *жс мн. нет 1.* қон; **истека́ть кровью** қон оқавериб ҳолсанланмоқ; **пуска́ть кровь (мед.)** қон олмоқ, қон олдириш; **2. ||** ўлдириш, қон тўкиш; **кровью смуть** оскорбление ёки мстить кровью ўлдириб ўч олмоқ; **3. ||** қон; насл, уруғ, авлод, жигар; **узы крови** қон-қардошлик; **го́лос крови** жигарчилик; **4. эхтирос**, мизож; **холодная кровь** совуққонлик; **огирлик**; **у него́ кровь** играёт у ғайратига чидаб тураолмайди (чидаёлмайпти); **◇ порти́ть кровь (ком.у-н.) (с. т.)** қонини бузмоқ, қонини қайнатмоқ, та'бини хира (қир) қилмоқ; **проли́ть кровь** қон тўкмоқ, жонини фидо қилмоқ; **в кровь** ёки **до́ крови (изби́ть, разби́ть)** уриб қонга бўямоқ, қопқора қон қилмоқ; **в крови́** қонида бор, туғма; **отва́га у него́ в крови** ботирлик унинг қонида бор; **кровь с моло́ком (с. т.)** қипқизил олмадек; **плоть и кровь (чьл)** пушти камар; зот-зурриёт; **се́рдце кровью облива́ется (с. т.)** юрак эзилади, юрак (ич) ачийди; **кровь уда́рила** ёки **бросилась в голову́** жон ҳиқилдоққа келди, қон қайнаб кетди; **кровь сты́нет** ёки **ледене́ет (в жи́лах)** қут учади, юрак чиқиб кетаёзади; **пить кровь (чью-н.)** қонини ичмоқ, эзмоқ; **писа́ть кровью́** эскдан чиқариб ёзмоқ; **на крови́** (эск.) ўлдирилган, қон тўкилган жойда.

**КРОВЯНИСТЫЙ**, -ая, -ое қонли, қон талаш, қон аралаш; **кровянистые выделения** из раны ярадан чиқиб турган қон аралаш йиринг.

**КРОВЯНИТЬ** *несов. с. т.* қонга беламоқ, қонга бұямоқ, қон қилмоқ.

**КРОВЯНО́Й**, -а́я, -бе **1.** кровь сўз. *сиф.* қонга оид; **кровяное давление** (*мед.*) қон босими; **кровяные шарики** (*анат.*) қон шариклари; **2.** қонли, қонга бұялган; **3.** қондан қилинган; **кровяная колбаса** қондан қилинган колбаса; **кровяное удобрение** қондан қилинган ўғит; **4.** кип-қизил, қондек қизил; **кровяной рубин** қипқизил ёқут.

**КРОЙЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* **кройка** сўз. *сиф.*; кийим ва ҳ. к. бичишга оид, кийим ва ҳ. к. бичиладиган; **кройльный стол** кийим бичиладиган стол.

**КРОЙТЬ** *несов.* бичмоқ; **кройть латые куйлак** бичмоқ.

**КРОИТЬСЯ** *несов.* бичилмоқ (кийим ва ҳ. к. ҳақида).

**КРОЙ** *м махс.* **1.** *только ед. қ.* **кройка**; **2.** бичим; **3.** танавор; **хромовый край** на сапоги хром этик танавори.

**КРОЙКА** *жс мн. нет* бичиш, бичиқ; **курсы кройки** и **шитья** бичучилик-тикучилик курси.

**КРОКЕТ** *м спорт.* крокет (**1.** ёғоч шарларни тўқмоқ блан думалатиб сим дарвозачалардан ўтказиш ўйини; **играть в крокет** крокет ўйнамоқ; **2.** шу ўйин асбоблари; **купить крокет** крокет сотиб олмоқ).

**КРОКЕТНЫЙ**, -ая, -ое *спорт.* **крокет** сўз. *сиф.*; **крокетга** оид; **крокетная площадка** крокет майдончаси; *қ.* крокет.

**КРО́КИ** *ср нескл.* **1.** *геод.* хомаки план (бирор жойнинг кўз блан чамалаб олинган плани); **2.** *тех.* хомаки чертёж (асбобсиз, қўл блан чизилган чертёж); **3.** *скт.* хомаки сурат.

**КРОКИРОВАТЬ** **I** *сов. и несов. спорт.* крокет ўйинида — ўз шари блан бошқа ўйинчининг шарини урмоқ.

**КРОКИРОВАТЬ** **II** *несов. I. геод.* хомаки план олмоқ (кўз блан чамалаб бирор жойнинг хомаки планини ол-

моқ); **2.** *тех.* хомаки чертёж чизмоқ; **3.** *скт.* хомаки расм олмоқ.

**КРОКИРОВА́ТЬСЯ** *несов. геод.* хомаки планга олинмоқ.

**КРОКИРОВА́КА** *жс спорт.* крокет ўйинида — ўз шари блан бошқа ўйинчининг шарини уриш.

**КРОКОДИ́Л** *м* крокодил, тимсоқ.

**КРОКОДИ́ЛОВЫЙ**, -ая, -ое,

**КРОКОДИ́ЛОВ**, -а, -о **крокодил** сўз. *сиф.*; тимсоқга оид; **крокодиловы яйца** тимсоқ тухуми; **чемодан** из крокодиловой кожи тимсоқ терисидан қилинган чамадон; **О крокодиловы слезы** (*кест.*) ёлғон йиғи, шайтон йиғиси, мунофиқона кўз ёши.

**КРОКУС** *м I. бот.* за'фар, за'фарон; **2.** *тех.* крокус (металларни силлиқлаш учун ишлатиладиган порошок).

**КРОЛЕМА́ТКА** = кроликоматка (*қ.*).

**КРО́ЛИК** *м I.* кролик, уй қуёни; **2.** уй қуёнининг териси, мўйнаси, кролик.

**КРОЛИКОВО́Д** *м* уй қуёни боқучи (қуёнчилик блан шуғуллануучи) киши.

**КРОЛИКОВО́ДСТВО** *ср I. только ед. куёнчилик*, уй қуёнлари урчи-тиш; **2.** қуёнчилик хўжалиги.

**КРОЛИКОВО́ДЧЕСКИЙ**, -ая, -ое **кроликовод** ва **кролиководство** сўз. *сиф.*; **кролиководческое хозяйство** қуёнчилик хўжалиги; **кролиководческие курсы** қуёнчилик курси.

**КРО́ЛИКОВЫЙ** = кроличий (*қ.*).

**КРОЛИКОМА́ТКА** *жс* уй қуёнининг урғочиси.

**КРО́ЛИЧИЙ**, -ья, -ье **кролик** сўз. *сиф.*; **кролика**, уй қуёнига оид; **кроличье мясо** қуён гўшти; **кроличья шапка** қуён телпак.

**КРО́ЛЬ** *м спорт.* қулоч отиб сузиш (тез сузиш усулларидан бири); **кроль на груди** кўкрак бериб қулоч отиб сузиш; **кроль на спине** чалқанчасига ётиб қулоч отиб сузиш.

**КРО́ЛЬЧА́ТНИК** *м қ. х.* **1.** қуёнхона (уй қуёнлари урчитиладиган жой, бино); **2.** қуён боқучи.

**КРО́ЛЬЧИ́ХА** = кроликоматка (*қ.*).

**КРОМАНЬОНЕЦ** *м археол.* кроманьон; қ. кроманьонцы.

**КРОМАНЬОНЦЫ** *мн. (ед. кроманьонец м) археол.* кроманьонлар (Европада палеолит даврида яшаган одамлар).

**КРОМЕ** *предлог* бошқа, ташқари, бўлак; **кроме меня** мендан бошқа; **кроме того** бундан ташқари, бунинг устига; **◇ кроме шуток** (*с. т.*) ҳазили йўқ, чиндан, ростдан; **кроме шуток, я сейчас ухажу** чиндан ҳам мен ҳозир кетаман.

**КРОМЁШНЫЙ:** **тьма** кромёшная (*с. т.*) қопқоронғи, тимқоронғи, зим-зиё, зимистон; **ад кромёшный** (*с. т.*) шўру гавго, тўполон, қий-чув, қирилиш; жаҳаннам, дўзах.

**КРОМКА** *ж 1.* милк, чет, қирғоқ. канор; **кромка** тқани матанинг чети, қирғоғи; **2.** ён, қирра; **кромка** досқи тахта қирраси, ёни.

**КРОМСАТЬ** *несов. 1.* қиймаламоқ. қийқилмамоқ; **кромсать** **материю** газламани қийқилмамоқ; **2.** бурдаламоқ, увоқламоқ; **3.** || чўлтоқ қилмоқ. бузиб ёрмоқ, калта-култа қилмоқ; **ўлда-жўлда қилиб қўймоқ; кромсать** **рукопись** қўлёзмани чўлтоқ қилиб қўймоқ.

**КРОН** *м мн. нет* крон (**1.** *хим.* бирхил сариқ бўёқ; **2.** ба'зи минерал буюқларнинг савдо-сотиқ муомалаларида ишлатиладиган номи; **3.** суваракларни қириш учун ишлатиладиган кўк дори).

**КРОНА I** *ж* дарахт тепаси, дарахт устидаги шох-барг, шох-шабба; шох-бутюк; **подстричь** **крону** бутамоқ; каллакламоқ, каллак урмоқ.

**КРОНА II** *ж* корона (Ғарбий Европадаги ба'зи мамлакатларда пул бирлиги).

**КРОНВЁРК** *м эск. харб.* қал'а атрофидаги истеҳком.

**КРОНГЛАС** *м тех.* оптика асбобларида ишлатиладиган махсус ойна.

**КРОНИСТЫЙ,** -ая, -ое сершоҳ, шохлаб кетган; **кронистая** ёблоня сершоҳ олма.

**КРОНОВЫЙ,** -ая, -ое *хим.* крон сўз. сиф.; **кронвая** **краска** крон бўёқ.

**КРОНПРИНЦ** *м тар.* кронпринц (Германия империясида ва собиқ Австро-Венгрияда — тахт вориси, валиаҳд).

**КРОНЦЫРКУЛЬ** *м тех.* кронциркуль (**1.** кичкина доиралар чизадиган циркуль, паргар; **2.** деталларнинг ички ва ташқи диаметрини ўлчайдиган асбоб).

**КРОНШТЕЙН** *м тех. 1.* = консоль **1** (*қ.*); **2.** кронштейн (девор ёки колоннага узун болтлар блан маҳкамланган тоқча); **кронштейн для лампы** чироқ ўрнатиладиган кронштейн.

**КРОПАТЕЛЬ** *м манф. 1.* имиллаб иш қиладиган одам, бесўнақай иш қиладиган одам; **2.** || уқувсиз ёзучи; **кропатель стихов** уқувсиз шоир.

**КРОПАТЕЛЬСТВО** *ср мн. нет манф.* нўноқ асарлар ёзиш.

**КРОПАТЬ** *несов. с. т. манф. 1.* имилламоқ, имиллаб иш қилмоқ, бесўнақай иш қилмоқ; **2.** || нўноқ асарлар ёзмоқ.

**ЛАПЧАТЫЙ**, -ая, -ое 1. *махс.* туташпанжали; *лапчатый гусь* туташпанжали ғоз; 2. панжасимон, панжага ўхшаш; *лапчатые листья* (*бот.*) панжасимон барглр; *лапчатая борона* (*қ. х.*) панжали мола; 3. ҳайвонларнинг почасидан, оёқ терисидан ясалган; *лапчатый мех* поча (ҳайвон оёғининг мўйнаси);  $\diamond$  *гусь лапчатый* (*созд. манф.*) муғомбир, илон ёғни ялаган.

**ЛАПША** *жс мн. нет I.* угра, увра; *суп с лапшой* угра ош; *молочная лапша* сутли угра ош; *сухая лапша* угра; 2. || *с. т.* чалкашлик, чатоқлик.

**ЛАРГО** *муз. ларго* (1. *нареч.* жуда секин чалишни кўрсатучи белги; 2. *сущ. ларго ср нескл.* музика асарининг жуда оҳиста чалинадиган қисми).

**ЛАРЁК** *м дўқонча.* кичкина дўқон; *ларёк; молочный ларёк* сут дўқони.

**ЛАРЁЦ** *м* чиройли қутича, сандиқча (нафис қилиб ишланган кичкина сандиқ).

**ЛАРИНГИТ** *м мн. нет мед.* ларингит (томоқ, ҳалқум яллиғланиши).

**ЛАРИНГОЛОГ** *м мед.* ларинголог (томоқ ва ҳалқум касаллари врач).

**ЛАРИНГОЛОГИЯ** *жс мн. нет мед.* ларингология (томоқ ва ҳалқум касалликлари ҳақидаги илм).

**ЛАРИГОСКОП** *м мед.* ларингоскоп (томоқ ва ҳалқумни кўрадиган асбоб).

**ЛАРЧИК** *м* қутича;  $\diamond$  *а ларчик прбсто открывался* (*с. т.*) масала

равшан; масала шу қадар равшан эдики, ортиқча бош қотиришнинг ҳожати йўқ эди.

**ЛАРЬ** *м I.* хамба; ун, дон солинадиган яшик; *ларь с мукой* ун солинадиган хамба; 2. ёғоч-тахтадан ясалган дўқон; 3. *махс.* катта яшик, нов (турили мақсадлар учун қўлланиладиган катта яшик, нов).

**ЛАСА, ЛАСИНА** *жс с. т.* ялтироқ доғ.

**ЛАСКА** I *жс I.* эркалаш, силаш, суюш, навозиш, меҳр; *материнская ласка* оналик меҳри; 2. *только ед. с. т.* меҳрибонлик. меҳру муҳаббат; *илтифот, шафқат; спасибо за вашу ласку* қилган меҳрибонлигингиз учун раҳмат.

**ЛАСКА** II *жс зоол.* латча (сувсарлар оиласига кирадиган кичик йиртқиқ ҳайвон).

**ЛАСКАТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое 1. *эск.* эркалатучи; ёқимли; 2. *эск.* хушомадгўй; ноз-карашмали; 3. *грам.* эркалатиб, суйиб айтилган; *ласкательные имена* эркалатиб айтилган номлар, исмлар.

**ЛАСКАТЬ** *несов. I.* эркаламоқ; суймоқ; силамоқ; *ласкать ребёнка* болани эркаламоқ; 2. меҳрибонлик қилмоқ, илтифот қилмоқ, лутф қилмоқ; 3. || *хуш келмоқ, завқ бермоқ; тасалли бермоқ; краски ласкают взор* бўёқлар кўзни қувонтиради; *музыка ласкала мой слух* музика қулоғимга хушёқар эди; 4. *эск.* юпатмоқ, таскин бермоқ; *ласкать себя надеждой* (*на что-н.*) умид қилиб ўзини юпатмоқ.

**ЛАСКАТЬСЯ** *несов. I.* эркаланимоқ, эркалик қилмоқ; *ласкаться к матери* онасига эркалик қилмоқ; 2. *с. т.* бир-бирини юпатмоқ, овунтирмоқ, эркалатмоқ, меҳрибонлик қилмоқ.

**ЛАСКОВЫЙ**, -ая, -ое 1. ёқимли, ёқимтой, суямли; ширин сўз, меҳрибон; *ласковый ребёнок* ёқимтой бола; *ласковое обращение* ёқимли муомала, хушмуомала; *ласковый взгляд* ёқимли қараш; 2. || *майин, мулойим, ёқимли; ласковый ветер* майин шабада; майин шамол.

**ЛАСО** = лассо (*қ.*).

**ЛАССО** *ср нескл.* лассо (овчилар ва отбоқарларнинг от ва бошқа ҳай-

вонларни тутиш учун ишлатадиган сиртмоқли аркони).

**ЛАСТ I** *м. махс.* куракоёқ (сувда сузадиган ба'зи ҳайвонларнинг, мас., морж, тюлень ва ҳ. к. нинг оёқлари).

**ЛАСТ II** *м. махс.* ласт [1. кема юкини ўлчашда қўлланадиган икки тоннага тенг оғирлик ўлчови; 2. кемасозликда ишлатиладиган тахта-ёғоч; 3. пўстлогги шилинмаган ёғочларни ўлчаш учун ишлатиладиган 40 куб. футга баравар ўлчов бирлиги; 4. ун, шакар ва ш. к. сочилучан буюмларни ўлчаш учун ишлатиладиган ва турли мамлакатларда турлича (16 гектолитрдан 32 гектолитргача) бўлган ўлчов бирлиги].

**ЛАСТИК I** *м. ластик* (асосан астарлик учун ишлатиладиган ипгазлама).

**ЛАСТИК II** *м. 1.* резина; каучук; 2. *эск.* ўчирғич (хат ўчирғич резинка); 3. ластик (резинка ип қўшиб тўкилган чўзилучан тасма).

**ЛАСТИКОВЫЙ I**, -ая, -ое *ластик I* сўз. *сиф.*; ластикдан қилинган; *ластиковая подкладка ластик астар.*

**ЛАСТИКОВЫЙ II**, -ая, -ое *ластик II* сўз. *сиф.*; қ. *ластик II*.

**ЛАСТИТЬСЯ** *несов. с. т.* = *ласкаться* (қ.).

**ЛАСТОВИЦА** *ж. махс.* қулфак (эркаклар уст кўйлагининг қўлти-рига бошқа рангдаги ёки бошқа хил материалдан қўйиб тикилган парча).

**ЛАСТОНОГИЕ** *мн. (ед. ластоноегое ср.) зоол.* куракоёқлилар (денгиз ҳайвонларининг бир туркуми).

**ЛАСТОЧКА** *ж. қалдирғоч; бере-говая ласточка соҳил қалдирғочи* (сув бўйида яшайдиган қалдирғоч); *♦ первая ласточка биринчи қалдирғоч, нишона* (бирон нарса ёки ҳодисанинг бошланганидан дарак беручи аломат, белги); *одна ласточка ещё не делает весны* (мақол) бита қалдирғоч келган блан баҳор бўлақолмайди.

**ЛАТАНИЯ** *ж. бот.* латания (барглари елпигичдек ёйилиб турадиган хурмо оиласига кирадиган ўсимлик).

**ЛАТАТЫ:** *задать лататы* (с. т.) ура қочмоқ, қочиб кетмоқ.

**ЛАТАТЬ** *несов. с. т.* ямамоқ, ямоқ солмоқ; *латать одежду* кийимни ямамоқ.

**ЛАТВИЙСКИЙ**, -ая, -ое *Латвия* сўз. *сиф.*; латвиялиларга ёки Латвияга оид.

**ЛАТЕНТНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* яширин; сиртдан билинмайдиган (касалик, иссиқлик ва ш. к. ҳақида); *латентное состояние* пинҳонлик, яширин ҳолат; *латентная теплота* (физ.) яширин иссиқлик.

**ЛАТИНИЗАЦИЯ** *ж. мн. нет*  
1. *тар.* зўрлаб лотин маданиятини киритиш (сингдириш); 2. лотинлаштириш, лотин алфавитига кўчириш. лотин алфавитига кўчиш (ўтиш).

**ЛАТИНИЗИРОВАННЫЙ**, -ая, -ое лотинлаштирилган; *латинизированный алфавит* лотинлаштирилган алфавит, лотин алфавити.

**ЛАТИНИЗИРОВАТЬ** *сов. и несов.*  
1. *тар.* зўрлаб лотин маданиятини киритмоқ (сингдирмоқ); 2. лотинлаштирмоқ, лотин алфавитига кўчирмоқ.

**ЛАТИНИЗМ** *м. лингв.* лотинизм (лотин тилидан олиб ўзлаштирилган сўз ёки ибора).

**ЛАТИНИСТ** *м. лотинист* (1. лотин тили ва адабиёти мутахассиси; 2. с. т. лотин тили ўқитучиси).

**ЛАТИНЦА** *ж. лингв.* лотин алфавити; лотин ёзуви.

**ЛАТИНСКИЙ**, -ая, -ое 1. *тар.* қадимги Рим тарихи ва маданиятига оид; *латинский язык* лотин тили; 2. *эск.* католик черковига оид; *латинская церковь* католик черкови; 3. роман маданияти ва роман миллатларига оид; *Латинская Америка* Лотин Америкаси (Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари).

**ЛАТИФУНДИЯ** *ж. тар. эк.* латифундия (заминдорга қарашли катта ер-мулк).

**ЛАТНИК** *м. тар.* совутдор, совутдор аскар (совут кийган аскар).

**ЛАТНЫЙ**, -ая, -ое *тар.* латы сўз. *сиф.*; совутга оид; *латные доспехи* совут-қалқонлар.

**ЛАТЎК** *м. мн. нет бот.* сутчўп (мураккабгуллилар оиласига мансуб сариқгулли ўсимлик; барглари овқат учун истеъмол қилинадиган кўкат); *салатный латук* салат латук; *ядовитый латук* коҳу (ширасы)

медицинада беҳушлантириш учун ишлатиладиган гиёҳ).

**ЛАТУКОВЫЙ**, -ая, -ое *бот.* латук сўз. *сиф.*; латукка оид; сутчўпдан ясалган.

**ЛАТУННЫЙ**, -ая, -ое *махс.* лату́нь сўз. *сиф.*; жезга оид; жездан қилинган; лату́нная про́волока жез сим.

**ЛАТУ́НЬ** *ж мн. нет махс.* жез (мис ва рух қотишмаси).

**ЛАТЫ** *мн. ед. нет тар.* совут.

**ЛАТЫ́НЬ** *ж мн. нет с. т.* лотин тили.

**ЛАТЫ́Ш** *м* латиш, латвияли.

**ЛАТЫ́ША** *мн. ед. латы́ш м, латы́шка ж*) латишлар, латвиялилар (Латвия ССР нинг халқи).

**ЛАТЫ́ШКА** *ж* латиш аёл.

**ЛАТЫ́ШСКИЙ**, -ая, -ое латы́ш ва Лату́вия сўз. *сиф.*; латвияли, латишларга ёки Латвия ССР га оид; латы́шский язы́к латиш тили.

**ЛАУ́Н-ТЕННИ́С** *м мн. нет эск. спорт.* қ. теннис.

**ЛАУРЕА́Т** *м* лауреат (1. фан, сан'ат ёки халқ хўжалиги соҳасидаги жуда зўр хизматлари учун махсус белгиланган олий мукофот олган киши; лауреа́т Ста́линской пре́мии Ста́лин мукофоти лауреати; лауреа́т ко́нкурс пианистов пианистлар ко́нкурсининг лауреати; 2. *тар.* қадимги Римда — дафна бутогидан ясалган ва ҳурмат аломатини билдирган чамбарак блан мукофотланган киши; мусобақада энгиб чиққан киши).

**ЛАФА́** *в знач. сказ. содд.* бахт, омад; муваффақият; маза; яхши; ему тепе́рь лафа! энди унинг омади келди; энди унинг иши маза!

**ЛАФЕ́Т** *м харб.* лафет (тўп ўрнатилган станок); пу́шечный лафе́т тўп лафети; ко́лёсный лафе́т гилдирафет лафет.

**ЛАФЕ́ТНЫЙ**, -ая, -ое лафе́т сўз. *сиф.*; лафетга оид; қ. лафе́т.

**ЛАФИ́Т** *м мн. нет* узумдан қилинган қизил винонинг бир тури.

**ЛАЦКА́Н** *м махс.* қайтарма ёқа (устки кийимларнинг қайтарма ёқаси).

**ЛАЧУ́ГА** *ж* қапа, кулба, хароба уй; бе́дная лачу́га кулба, хароба уй.

**ЛАЧУ́ЖКА** *ж* лачу́га сўз. *кичр. айт.*; кулбача, қапача.

**ла́щусь, ла́стишься наст.** *от ла́ститься* (қ.).

**ЛА́ЮЩИЙ**, -ая, -ее 1. вовуллаётган, акиллаётган, ҳураётган (ит ҳақида); 2. хириллаган, тутлиққан, бўғиқ (овоз, товуш); ла́ющий кашель хириллаб йўталиш.

**ЛА́ЯТЬ** *несов.* 1. вовулламоқ, акилламоқ, ҳурмоқ; соба́ка лаёт, ве́тер но́сит (*матал*) ит ҳураб, қарвон ўтар; 2. *эск. содд.* сўкмоқ, койймоқ; жаврамоқ, валдирамоқ.

**ЛБЫ́** *мн. қ.* лоб.

**ЛГАНЬЕ́** *ср мн. нет с. т.* 1. ёлгон гапириш, алдаш; 2. ёлгон, уйдирма.

**ЛГАТЬ** *несов.* 1. ёлгон гапирмоқ (алдамоқ); лжёт и не краснеёт (*с. т.*) кўзингга қараб туриб алдайди, уялмай-нетмай ёлгон гапиряпти; 2. тухмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ.

**лгу, лжёшь наст.** *от лгать* (қ.).

**ЛГУ́Н** *м* ёлгончи, алдамчи; ёлгон гапириш, қаллоб, қазооб.

**ЛГУ́НИШКА** *м с. т. манф.* лгун сўз. *кичр. айт.*; қ. лгун.

**ЛГУ́НЯ** *ж* ёлгончи (алдамчи) аёл.

**ЛЕБЕДА́** *ж мн. нет бот.* олабўта; шўра.

**ЛЕБЕДЕ́НОК** *м (мн. лебе́дята)* оққуш боласи.

**ЛЕБЕДИ́НЫЙ**, -ая, -ое 1. лебе́дь сўз. *сиф.*; оққушга оид; лебе́дые перья́ оққуш патлари; 2. || оппоқ; басавлат; виқорли; лебе́диная шёя оппоқ бўйин; лебе́диная по́ступь (*поэз.*) виқор блан юриш; фоз юриш; ♠ *лебе́диная пе́сня* энг сўнгги асар, охириги марта кўрсатилган исте'дод.

**ЛЕБЕ́ДКА I** *ж маҳл. зоол.* мода оққуш.

**ЛЕБЕ́ДКА II** *ж тех.* лебе́дка (юк ва оғир нарсаларни кўтарадиган чигир).

**ЛЕБЕ́ДЬ I.** *м* оққуш; 2. *ж фольк.* гўзал хоним, нозанин.

**ЛЕБЕ́ДЯТА** *мн. қ.* лебе́дено́ч лебежу́, лебези́шь наст. *от лебези́ть* (қ.).

**ЛЕБЕЗЫТЬ** *несов. с. т. манф. тил'* - ёғламалик қилмоқ; хушомад (мулозимат) қилмоқ; сипориш қилмоқ; **лебезить** пёред кем-н. бировга мулозимат қилмоқ.

**ЛЕБЯЖИЙ**, -ья, -ье **лѐбедь** сўз. *сиф.*; оққушга оид; **лебяжий** пух оққуш пари, момик пар.

**ЛЕВ I м** (*мн. лѐвы*) *зоол.* арслон, шер;  $\diamond$  *морской лев* (*зоол.*) денгиз шери (куракоёқ, шалпанқулоқ денгиз жонивори); *созвѣзdie Льва* (*астр.*) Асад, Асад буржи (юлдузлар туркуми).

**ЛЕВ II м** (*мн. лѐвы*) лев (Булғория пули).

**ЛЕВА́ДА** *ж* 1. *махс.* СССР нинг Европа қисмида — тошқин вақтида сўв босадиган дарахтзорлар; 2. *махл.* чорбоғ; ҳовли ёнидаги майсазор майдон.

**ЛЕВА́ЦКИЙ**, -ая, -ое *сифс. нафр.* сўлларга оид; сўлларча; **лева́цкий** зағиб сўлларча қинқайиш; **лева́цкая демаго́гия** = "лѐвая" демаго́гия; *қ. лѐвый* 5.

**ЛЕВА́ЧЕСТВО** *ср мн. нет сифс. нафр.* сўллик (Узининг марксизмга қарши фикр ёки ҳаракатини "сўл" сўзлар блан яшириш).

**ЛЕВѐТЬ** *несов. сифс.* сўллашмоқ (фикр ва маслак жиҳатидан сўл сиёсий партияларга ёндошмоқ, яқинлашиб бормоқ).

**ЛЕВИАФАН** *м* 1. *миф.* левиафан (тавротда — баҳайбат денгиз ҳайвонининг номи); 2.  $\parallel$  жуда катта, баҳайбат; 3. *тех.* левиафан (юнгни совунлаб ювадиган машина).

**ЛЕВИЗНА́** *ж мн. нет сифс.* сўллик; работа Ленина "Дѐтская болѐзнь "левизни́" в коммунизме" написана в 1920 году́ Лениннинг "Коммунизмда болаларча "сўллик" касали" деган асари 1920 йилда ёзилган.

**ЛЕВКО́Й** *м бот.* левкой (крестгуллилар оиласига мансуб хушбўй ўсимлик).

**ЛЕВОБЕРЕ́ЖНЫЙ**, -ая, -ое чап қирғоқдаги, чап қирғоққа жойлашган; **левоберѐжная Украина** чап қирғоқдаги Украина (Украинанинг Днепр чап томонидаги қисми).

**ЛЕВОБЕРЕ́ЖЬЕ** *ср мн. нет дар'ѐ* ва сойларнинг чап қирғоғидаги (чап томонидаги) ерлар.

**ЛЕВОФЛАНГО́ВЫЙ**, -ая, -ое 1. чап томондаги, чап қанотдаги; 2. *суц.* левофланго́вый *м* сафда чап томонда туручи аскар ёки қисм.

**ЛЕВРѐТКА** *ж* левретка (хонаки кичик ит).

**ЛЕВША́** *м* и *ж* чапақай.

**ЛѐВЫЙ**, -ая, -ое 1. чап, сўл; **лѐвая** рука чап қўл; **лѐвый** глаз чап кўз; 2. чап томондаги; чап; **лѐвый борт** корабля кеманинг чап ёни; **лѐвая стена** чап томондаги девор; 3. *сифс.* сўл; **лѐвые партия** парламента парламентдаги сўл партиялар; 4. *суц.* лѐвые *мн. сифс.* сўллар (сиёсатда радикал ёки бошқаларга қараганда радикалроқ кишилар); в парла́мент избрано 30 лѐвых парламента сўллардан 30 киши сайланди; 5. *сифс.* "сўл" (юзакчи сўл кўринса ҳам, ҳақиқатда майда буржуазия моҳиятига эга бўлган; бундай ҳолда кўпинча қўштирноқ орасида ёзилди); "лѐвая" демаго́гия "сўл" демаго́гия; "лѐвый" уклон *қ. уклон*;  $\diamond$  **лѐвая сторона́** (*матѐриш или оде́жды*) газлама ёки кийимнинг терси (тескариси, орқаси).  
лѐг, лѐглá *прош. от лечь* (қ.).

**ЛЕГА́ВЫЙ**, -ая, -ое *махс.* 1. *исковуч*; 2. *с. ш.* лега́вая *ж* *исковуч* (овчи) ит.

**ЛЕГАЛИЗА́ЦИЯ** *ж мн. нет* легаллаштириш, қонунлаштириш (қонуний тусга киргизиш ёки кириш, расмий тус олиш).

**ЛЕГАЛИЗІ́РОВАТЬ** *сов. и несов.* легаллаштирмоқ, қонунлаштирмоқ, қонуний тусга киргизмоқ, қонуний деб билмоқ.

**ЛЕГАЛИЗІ́РОВАТЬСЯ** *сов. и несов.* 1. легаллашмоқ, қонунашмоқ, қонуний (расмий) тусга кирмоқ; қонуний деб топилмоқ; 2. легаллаштирилмоқ, қонунлаштирилмоқ.

**ЛЕГАЛИЗОВА́ТЬ** = легализі́ровать (қ.).

**ЛЕГАЛИЗОВА́ТЬСЯ** *сов. и несов.* = легализі́роваться (қ.).

**ЛЕГА́ЛЬНО** *нареч.* легал равишда, қонуний суратда (тартитба); *очиқ, ошқора*; **действовать лега́льно**

очиқ ҳаракат қилмоқ, ошкора иш тутмоқ.

**ЛЕГАЛЬНОСТЬ** *ж мн. нет* легаллик, ошкоралик.

**ЛЕГАЛЬНЫЙ**, -ая, -ое легал, қонун йўл қўйган; расмий, ошкора; очиқ (ошкора ишлайдиган); **◆** *легальный марксизм* (*тар.*) легал марксизм (ўтган асрнинг 90-нчи йилларида рус буржуа интеллигенцияси ўртасида пайдо бўлган ва ишчилар ҳаракатини буржуазия манфаатларига бўйсундириш учун марксизмни бузишга уринган оқим).

**ЛЕГАТ** I *м* легат (*1. тар.* қадимги Римда — сиёсий топшириқлар блан чет мамлакатларга юборилган элчи; саркарда ёрдамчиси; вилоят ҳокими, нойиб; *2. черк.* католик динида — папа вакили).

**ЛЕГАТ** II *м юр.* легат (васиятнома блан муайян бир шахсга маълум миқдорда маблағ ёки мол-мулк беришни ворисларга юклаш).

**ЛЕГАТО** *нареч. муз.* легато (музика асарини чалганда бир нотадан ккинчи нотага тўхтовсиз ўтиш, бир нотани ккинчи нотага уйғунлаб боғлаш).

**ЛЕГАШ** *м махс.* легаш (*1.* овчи итлар наслидан бўлган ит; *2.* калта юнгли ит).

**ЛЕГГОРН** *м махс.* леггорн (кўп тухум қиладиган оқ тусли зотдор товуқ).

**ЛЕГЕНДА** *ж* *1.* афсона; средневековые легенды ўрта асрафсоналари; *2. махс.* матн, танга, чақа (пул) устига ёзилган хат; *3. махс.* изоҳ; шарҳ (сурат, план, харита ёки схемага ёзилган шарҳ); *4.* || уйдирма, ҳайратда қолтирадиган гап; *о нём рассказы* легенды у ҳамманинг тилида дoston бўляпти.

**ЛЕГЕНДАРНЫЙ**, -ая, -ое *1.* афсонавий; легендарный рассказ афсонавий ҳикоя; *2.* || одатдан ташқари, тилларда дoston бўлган, мисли кўрилмаган, афсонавий; легендарная храбрость мислсиз мардлик; легендарные подвиги советских людей совет кишиларининг мисли кўрилмаган қаҳрамонликлари; легендарная личность мислсиз шон-шуҳратларга сазовор бўлган киши.

**ЛЕГИОН** *м 1. тар.* легион (қадимги Римда — йирик аскарий қисм; отряд); *2.* легион (ба'зи мамлакатларда махсус ҳарбий қисмларнинг, қўшилмаларнинг номи); **иностранный легион** ажнабий легион (ба'зи чет мамлакатларда, мас., Францияда, Испанияда синфсизлашган элементлардан ҳамда четэл кишиларидан тузилган махсус ҳарбий қўшилма; бу қўшилмалар кўпинча мустамлакаларда ишлатилади); *3.* || сон-саноқсиз, беҳисоб; **имя им легион** улар сон-саноқсиз, беҳисоб. бениҳоя кўп.

**ЛЕГИОНЁР** *м* легионер, легион солдати.

**ЛЕГИРОВАНИЕ** *ср тех.* қотиштириб яхшилаш (бирор металл ёки қотишмага бошқа металл қўшиб унинг сифатини яхшилаш; масалан пўлатга хром, никель ва ҳ. к. қўшиб юқори сифатли пўлат ҳосил қилиш).

**ЛЕГИРОВАННЫЙ**: **легированные стали** (*махс.*) қотиштириб яхшиланган пўлат (никель, хром, вольфрам сингари металллар қўшиб, сифати яхшилланган пўлат).

**ЛЕГИРОВАТЬ** *несов. махс.* қотиштириб яхшиламоқ (бирор металл ёки қотишмага бошқа металл қўшиб унинг сифатини яхшиламоқ; масалан, пўлатга хром, никель ва ҳ. к. қўшиб юқори сифатли пўлат ҳосил қилмоқ).

**ЛЕГИТИМИЗМ** *м мн. нет тар. сиёс.* легитимизм, подшопарастлик (XIX асрда Францияда революция натижасида ағдариб ташланган монархлар династияси, подшо хонадони тарафдорларининг реакцион — монархистик ҳаракати).

**ЛЕГИТИМИСТ** *м тар. сиёс.* легитимист (легитимизм тарафдори; подшопараст).

**ЛЕГИТИМИСТКА** *ж қ.* легитимист.

**ЛѢГКИЕ** *мн. қ.* лёгкое.

**ЛѢГКИЙ**, -ая, -ое, лёгок, легка, лёгко *1.* енгил; лёгкая ноша енгил юк; *2.* осон, енгил; жүн, кулай, ўнгай; лёгкая работа енгил иш; лёгкая задача осон вазифа; осон масала; лёгкая дорога ўнгай йўл; *3.* осонгина, осонлик блан, машаққатсиз бў-

ладиган; лёгкая побѣда машаққатсиз қўлга кирган ғалаба; 4. енгил-елпи, сал-пал, салгина, андак, сезилар-сезилмас; лёгкое наказáние енгил-елпи жазо; лёгкая простúда сал-пал шамоллаш; лёгкий ветерóк шабада; лёгкое прикосновѣние салгина тегиш; лёгкая усмѣшка сал илжайиш; 5. хатарсиз, хавфсиз; енгил; лёгкое ранѣние енгил ярадор бўлиш; 6. кучсиз, унча маст қилмайдиган; лёгкое вино кучсиз вино; 7. наридан-бери; юзаки; енгилтак, енгилтаклик блан қилинган; лёгкие нравы енгилтаклик одати, енгилтаклик; 8. мулойим, юмшоқ; хушфе'л; киришимли; лёгкий характер юмшоқ характер, мулойим хулқ; лёгкий человек хушфе'л одам; 9. равон, енгил, осойишта, текис; лёгкая походка енгил юриш, осойишта юриш; **◇ лёгкая промышленность** енгил саноат (исте'мол молларн ишлаб чиқарадиган саноат); **лёгкая артиллерия** енгил артиллерия (оғир тўплари бўлмаган артиллерия); **лёгкая атлетика** енгил атлетика (чопиш, сакраш, сузиш найза отиш ва ш. к. лардан иборат спорт тури); **лёгкие сплавы** (тех.) енгил қотишмалар (солиштирма оғирликлари катта бўлмаган металлар қотишмаси, мас., дюралюмин, кольчугалюмин ва ш. к.); **лёгкая рука** (с. т.) қўли енгил; барақали қўл; **с вáшей лёгкой руки** қўлингиз енгил келди; **лёгко на помíне** (с. т.) йўқлаганда—ўзи ҳозир (бирор киши тўғрисида гапирилаётганда шу кишининг ўзи келиб қолганда айтиладиган гап); **жѣнщина лёгкого поведѣния** енгил оёқ хотин; **с лёгким сѣрцем** беташвиш, хотирижамлик блан; қурқмасдан, ўйламай-нетмай, дадил; **лёгкий слог** енгил услуб; **варить на лёгком огнѣ** паст оловда пиширмоқ; **лёгкая пища** енгил овқат, ҳазми енгил овқат.

**ЛЕГКО́** 1. нареч. осон, енгил, қулай, ўнғай, жўн, осонлик блан, тез, бемалол; **это ему легко даётся** бу иш унинг учун осон; бу унга ўнғай; **легко коснуться** (чезо-н.) сал тегиб кетмоқ, тегиб ўтмоқ; **легко ступить** қадамни енгил ташламоқ; бемалол қадам ташламоқ; 2. в знач. сказ. с. т. осон; **легко сказать, да не легко сделать!** айтиш осону, қилиш қийин!

**ЛЕГКОАТЛѢТ** м спорт. енгил атлетика блан шугулланучи спортчи.

**ЛЕГКОАТЛѢТИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое спорт. лёгкая атлѣтика сўз. сиф.; **легкоатлетические упражнѣния** енгил атлетика машқлари.

**ЛЕГКОВѢРИЕ** ср мн. нет лақмалик, соддалик, ҳар нарсага ишонаверришлик.

**ЛЕГКОВѢРНЫЙ**, -ая, -ое лақма, содда, ҳарнарсага ишонаверадиган; **легковѣрный человек** бировнинг айтганига тез ишонадиган киши.

**ЛЕГКОВѢС** м спорт. жуссаси енгил спортчи (кураш, бокс ва ш. к. оғир атлетика блан шугулланучи ва гавдаси размин бўлмаган спортчи).

**ЛЕГКОВѢСНОСТЬ** ж мн. нет 1. енгиллик, вазни камлик; 2. || манф. юзакилик; юзаки (қалта) ўйлаш; суюқлик. каммазмунлик, қиммати камлик.

**ЛЕГКОВѢСНЫЙ**, -ая, -ое 1. эск енгил; вазни кам; юнқа; **легковѣсная монѣта** енгил танга (чақа); 2. || манф. юзаки, каммазмун; қиммати (бурди) кам; енгилтак; **легковѣсное суждѣние** юзаки муҳокама, юзаки фикр.

**ЛЕГКОВО́Й**, -ая, -ое енгил; **легковой автомобиль** енгил автомобиль; **легковой извозчик** (эск.) извош.

**ЛЕГКОВОСПЛАМЕНЯЮЩИЙСЯ**, -аяся, -еся **макс.** тез ўт оладиган; **легковоспламеняющийся вещества** тез ўт оладиган моддалар.

**ЛЕГКОЕ** ср (мн. лёгкие) **анат.** ўпка; **воспалѣние лёгких** (мед.) ўпка яллиғлиниши. зотилжам; **туберкулѣз лёгких** ўпка сили, сил; **задѣта верхушка правого лёгкого** ўнг ўпканинг уст томони зарарланган, касалланган.

**ЛЕГКОКРЫЛЫЙ**, -ая, -ое **поэз.** эск. 1. тез, енгил қанот, тезучар, тезюрар, тезэсар; **легкокрылый ветерок** фир-фир шабада; тезэсар шамол; 2. || **поэз.** ҳавойи; **легкокрылая любовь** ҳавойи ишқ.

**ЛЕГКОМОТО́РНЫЙ**, -ая, -ос ав. енгил моторли; **легкомоторный самолѣт** енгил моторли самолѣт.

**ЛЕГКОМЫ́СЛЕННОСТЬ** ж мн. нет енгилтаклик, калтафаҳмлик, калта ўйлаш, мулоҳазасизлик, беандишалик; фаросатсизлик.

**ЛЕГКОМЫСЛЕННЫЙ**, -ая, -ое  
1. енгилтак, калтафаҳм, бефаҳм, бефасот; беандиша; легкомысленный постўпук енгилтаклик блан қилинган иш; легкомысленный человек енгилтак одам, бетайин киши; 2. енгилтаклик блан қилинган, юзаки; бема'ни; легкомысленный совет бема'ни маслаҳат, ўйламай берилган маслаҳат.

**ЛЕГКОМЫСЛИЕ** *ср мн. нет*  
1. енгилтаклик; андишасизлик; беандишалик, мулоҳазасизлик; 2. ҳавойилик.

**ЛЕГКОПЛАВКИЙ**, -ая, -ое *тех.*  
тез эрийдиган, осон эрийдиган; легкоплавкий металл тез эрийдиган металл; легкоплавкое стекло тез эрийдиган шиша.

**ЛЕГКОПЛАВКОСТЬ** *ж мн. нет физ.* тез эручанлик (металлар ҳақида).

**ЛЕГКОПРОНИЦАЕМЫЙ**, -ая, -ое *тех.* тез ўтказучан (мас., газни, сувни).

**ЛЕГКОРАСТВОРИМЫЙ**, -ая, -ое *хим.* тез эручан (бирор эритучида, мас., сувда тез эрийдиган нарса, мода).

**ЛЁГКОСТЬ** *ж мн. нет* 1. енгиллик; осонлик, жўнлик, лёгкость дёла ишинг осонлиги; 2. қулайлик, ўнғайлик; бемалоллик; 3. енгилтаклик; лёгкость нравов хулқ (фе'л-атвор) да енгилтаклик; 4. чаққонлик, эпчиллик; равонлик; лёгкость поҳодки юришдаги чаққонлик; лёгкость рёчи нутқнинг, гапнинг равонлиги (соддалиги):  $\diamond$  лёгкость в мыслях (ҳазл.) қисқа ўйлаш, юзаки фикр юргизиш.

**ЛЕГКОУСВОЯЕМЫЙ**, -ая, -ое  
1. тез ўзлаштириладиган, тез ўрганиладиган, ўрганиш осон бўлган; 2. тез ҳазм бўладиган (овқат ҳақида).

**ЛЕГОНЬКО** *нареч. с. т.* 1. енгилгина, осонгина, секингина, астагина, оҳистагина; она легонько вздохнула у оҳистагина уҳ тортди; 2. салгина, сал-пал; эҳтиёт блан, авайлаб; легонько приподнять (что-н.) сал кўтариб қўймоқ; авайлаб кўтармоқ; легонько ударить секингина урмоқ.

**ЛЁГОЧНЫЙ**, -ая, -ое *анат. мед.* лёгкое сўз. сиф.; ўпкага оид; лёгочные болезни ўпка касаликлари.

**ЛЕГЧАТЬ** *несов. содд.* 1. енгиллашмоқ, бўшашмоқ, юмшамоқ; мороз легчает совуқ бўшашмоқда; 2. безл. яхшиланмоқ, тузалабошамоқ, енгил тортмоқ; больному не легчает беморнинг дарди тузалмаяпти.

**ЛЁГЧЕ** *лёгкий сўз. киш. дар.* енгилроқ, осонроқ, қулайроқ, ўнғайроқ, жўнроқ; водород лёгче воздуха водород ҳаводан енгилроқ;  $\diamond$  час от часу не лёгче (с. т.) тобора қийинлашмоқда, борган сари оғирлашмоқда; ему (мне и т. д.) от этого не лёгче (с. т.) унга бу фойда бермайди, бу блан унинг мушуқли осонлашмайди; лёгче на поворотах! (с. т.) оғзингга қараб гапир!; ўйлаб гапир!

**ЛЁД** *м (мн. льды)* 1. муз, ях; лёд сковал реку дар'ёни муз қоплади; газированная вода на льду муздак газсув; дрейфующий лёд кўчма муз (сузиб юручи муз); лёд идёт муз оқаяпти; ставить на лёд музга солиб қўймоқ (овқат ҳақида); сплошной лёд сидирга муз; 2.  $\parallel$  совук, бемехр; 3. только мн. музлик; вечные льды доимий музлар (музликлар);  $\diamond$  лёд разбит биринчи қадам қўйилди (иш бошланди); на языке лёд, а в сердце лёд (мақол) тили ширин, дили совуқ; кулиб туриб жон олади (тили ширину, ўзи бемехр).

**ЛЕДЕНЁТ** *несов.* 1. музламоқ, яхламоқ; тўнгмоқ; вода начинает леденёт сув музлайбошлади; 2. совқотмоқ, қотиб қолмоқ, таёқдай қотмоқ; у меня леденёт рўки қўлим совқотаяпти;  $\diamond$  кровь леденёт қ. кровь.

**ЛЕДЕНЁЦ** *м (мн. леденцы)* обаки (шаффоф) конфета.

**ЛЕДЕНИСТЫЙ**, -ая, -ое муз, музлаган, яхлаган.

**ЛЕДЕНИТЬ** *несов.* 1. музлатмоқ, яхлатмоқ, тунгдирмоқ; вётер леденит лицо шамол юзни музлатиб юбораяпти; 2.  $\parallel$  қотирмоқ, тўхтатмоқ, қарахт (беҳуш) қилмоқ; ужас леденит сердце даҳшатдан юрак қинидан чиқазеди, даҳшатдан юрак орзиқиб кетади.

**ЛЕДЕНЦОВЫЙ**, -ая, -ое леденёц сўз. сиф.; қ. леденёц.

**ЛЕДЕНЯЩИЙ**, -ая, -ее 1. музлатиған, яхлатадиган, тунгдирадиган; 2. дахшатли, кўрқинчли; эсанкиратадиган; **его охватил леденящий ужас** уни дахшатли ваҳима босди.

**ЛЕДЕРЫН** *м макс.* ледерин (мукова, сумка, мебель ва ш. к. учун ишлатиладиган терисмон қоплама материал; ип газламадан локланиб тайёрланади).

**ЛЁДИ** *ж нескл.* 1. лорд хотини; 2. **л хоним** (Англияда буржуа доираларида хотинларга мурожаат қилганда „хоним“ маъносида ишлатилади).

**ЛЁДНИК**, **ЛЕДНИК** I *м музхона*; музшкаф (озик-овқат сақлаш, ташиш учун муз солинган ёки бошқа йўллар блан муздак тугиладиган махсус шкаф. бино. вагон ва ш. к.).

**ЛЕДНИК** II *м геол.* музтоғ, музхарсанг.

**ЛЕДНИКОВЫЙ**, -ая, -ое *геол.* ледник II *сўз. сиф.*, музликка оид; **ледниковый период** музлик даври (Ер тарихида ер юзининг анчагина қисми муз блан қопланган давр).

**ЛЕДОВИТЫЙ**: **Северный Ледовитый океан** Шимолий Муз океани; **Южный Ледовитый океан** Жанубий Муз океани.

**ЛЕДОВОЙ**, -ая, -ое, **ЛЕДОВЫЙ**, -ая, -ое музга оид; муз устида бўлган, музликдаги, музлар орасидаги; **ледовое поббише** (*тар.*) муз устидаги жанг (1242 йилда новгородлилар томонидан Чудской кўли музлари устида немис босқинчи рицарларнинг тормор қилиниши); **ледовые плаванья** музлар орасида сузиб юриш (кемалар ҳақида).

**ЛЕДОГЕНЕРАТОР** *м макс.* музгенератор (сун'ий муз ясайдиган машина).

**ЛЕДОК** *м лёд сўз. кичр., эркл. айт.*; юпқа муз, ях.

**ЛЕДОКОЛ** *м* 1. ледокол, музёраар (музёраар катта кема); 2. *макс.* муз ёручи (ишчи).

**ЛЕДОКОЛЬНЫЙ**, -ая, -ое ледокол *сўз. сиф.*; ледоколга, музёраарга оид; **ледокольный флот** музёраар кемалар флоти.

**ЛЕДОРЁЗ** *м* 1. музкесар устун (оқиб келаётган музларни кесиб, пар-

чалаб юбориш учун кўприклар остига ўрнатилган уч қиррали устун); 2. ледорез, музкесар кема (кичкина музёраар, музларни кесиб, парчалаб бошқа кемаларга йўл очиб берадиган кема)

**ЛЕДОРЁЗНЫЙ**, -ая, -ое ледорёз *сўз. сиф.*; қ. ледорёз.

**ЛЕДОРУБ** *м спорт.* ледоруб, музўяр (музлик тоғларга чиққанда оёқ қўйиш учун музни синдириб зина қиладиган болта).

**ЛЕДОСТАВ** *м макс.* дар'ёнинг музлаши (дар'ёнинг яхлаб, бутунлай муз блан қопланиши).

**ЛЕДОХОД** *м* шовуш, муз оқиш, муз кўчиш (дар'ёларда кеч кузда ёки баҳорда муз оқиши, муз кўчиши).

**ЛЕДОХОДНЫЙ**, -ая, -ое ледоход *сўз. сиф.*; муз оқишига, шовушга оид; **ледоходная поря** шовуш оқадиган маҳал.

**ЛЕДЫШКА** *ж с. т.* 1. муз парча, бир парча муз. ях; 2. **л хазл.** совуқ одам.

**ЛЕДЯНОЙ**, -ая, -ое 1. муздан иборат, музли; музга, яхга оид; **ледяная кора** муз қатлаи; **ледяная гора** 1) музтоғ; муз тоғи; 2) яхмалак отиладиган тепалик; **ледяная сосулька** сумалак; 2. муз босган, муз блан қопланган; **ледяные вершины** музлик чўққилар; муз блан қопланган чўққилар; 3. жуда совуқ, муздек совуқ; **ледяной вóздух** муздек совуқ ҳаво; **ледяная вода** муздек сув; **ледяной ветер** изгирик, изгирик; 4. **л муздек** қотиб қолган; **ледяные ноги** муздек қотиб қолган оёқлар; 5. **л совуқ, совуққонли**; тошбағир; **ледяной взгляд** совуқ қараш; **ледяное спокойствие** пинагини бузмай туриш; **ледяное молчание** чурқ этмай, индамай туриш; **разговаривать ледяным тоном** совуқ муомала қилмоқ.

**ЛЁЕР** *м денг.* леер (кемада тарап қилиб тортилган арқон).

**ЛЕЖАК** *м* 1. *с. т.* тўр таянчли курси (санаторияларда очиқ ҳавода дам олиб ётиш учун ясалган узун курси); 2. *махл.* тагсинч.

**ЛЕЖАЛЫЙ**, -ая, -ое 1. туриб қолган, ётиб қолган; **лежалый товёр** туриб қолган мол; **лежалый хлеб**

суви қочган нон; **2.** *махс.* туриб стилган; *леж*альде плодъ туриб стилган мевалар (дарахтдан узиб олгач, етилиб қолган мевалар).

**ЛЕЖАНКА** *ж* гишт печка устига ётиш учун қилинган жой.

**ЛЕЖАТЬ** *несов.* **1.** ётмоқ; *леж*ать на траве майса устида ётмоқ; кўкалмаздорда ётмоқ; *леж*ать на боку ёнбошлаб ётмоқ; *леж*ать на спине чалқанчасига ётмоқ; **2.** оғриб ётмоқ; бетоб бўлиб ётмоқ; *леж*ать в больнице касалхонада ётмоқ; *леж*ать с поспалением лёгким ўпка яллиғлапиши (зотилжам) блан оғриб ётмоқ; *леж*ать в лихорадке иситмалаб ётмоқ; **3.** турмоқ; китаб *леж*ит на столе китоб стол устида турипти; ковёр *леж*ит на полу гилам ерга солиғлик; дёньги *леж*ат в сберкэссе пул омонат кассада турипти; **4.** мавжуд бўлмоқ, бор бўлмоқ; *ключ леж*ит в кармане калит чўнтакда (турипти); **5.** жойлашмоқ, солинмоқ; *город леж*ит на берегу мýря шаҳар денгиз бўйида (денгиз бўйига) жойлашган; **6.** тушмоқ, йўл тушмоқ; *путь мой леж*ел в Фергану мен Фарғонага қараб йўл олган эдим; **7.** зиммасига тушмоқ; юкланмоқ; *это дело леж*ит на его обязанности бу иш унинг зиммасига юкланган; *это леж*ит на мой отвéтственности бу менинг жавобгарлигимда турипти; **8.** || кўриниб (сезилиб) турмоқ; на его лице *леж*ит отпечаток большой усталости жуда ҳам чарчаганлиги унинг юзидан сезилиб турипти; **9.** сра силжимасдан (ишлатилмасдан) ётмоқ; *рукопись давно леж*ит в издательстве қўлёзма анчадан буён нашриётда ётипти; **○ лежать в основе қ. основа; *леж*ать на боку ёки *леж*ать на пещи (*с. т.*) бекор (ёнбошлаб) ётмоқ, оёқни узатиб ётмоқ, дангасалик (танбаллик) қилмоқ; *душ* не *леж*ит қ. душ; *сердце не леж*ит юрак бетламайди; кўнгил тортмаяпти; *взять, что плохо леж*ит очиқда қолган нарсани сўрамасдан олиб кетмоқ, ўғирлаб кетмоқ; *леж*ать в дрейфе (*денг.*) = дрейфовать **2** (қ.).**

**ЛЕЖАЧИЙ**, -ая, -ее ётган, ётиқ, ётадиган, ётиб қолган; *леж*ачий больной ётадиган касал, ётиши керак бўлган бемор; *леж*ачее поло-

жение ётиш, ётган ҳол; в *леж*ачее положение ётиб, ётган ҳолда; **○ леж**ачего не *бьют* (мақол) йиқилганни тепмайдилар; *под леж*ачий камень вода не течёт (мақол) тик турган тош тағига сув оқмас; юрган—дар'ё, ўтирган—бўйра.

**ЛЕЖБИЩЕ** *ср махс.* **1.** соҳилда денгиз ҳайвонлари кўп тўпланадиган жой; **2.** ваҳший ҳайвоннинг ўт устида ётиб қолдириб кетган ноти.

**ЛЕЖЕБОКА** *м* и *ж* *с. т. манф.* ялқов, ишёқмас, танбал, дангаса.

**ЛЕЖКА** *ж* **1.** *только ед. с. т.* узоқ ётиб қолиш, ётавериш; муқд от *лэж*ки испóртилась ун туриб қолиб бузилди; **2.** *только ед. махс.* асраш (маҳсулот ҳақида); *отложить в лэжку* асраш учун олмаларни ажратиб қўймоқ; олмани қишга сақлаб қўймоқ; **3.** *махс.* уя (ваҳший ҳайвонлар ётадиган жой); *убить звёря на лэжке* йиртқич ҳайвонни уясида топиб ўлдирмоқ; **○ лежать в *лэжку* (*с. т.*) узоқ ётиб қолмоқ; бетоб бўлиб ётмоқ (касал ҳақида).**

**ЛЕЖМЯ:** *леж*ать (*с. т.*) туролмайдиган бўлиб ётмоқ, узоқ ётиб қолмоқ.

**ЛЭЗВИЕ** *ср* **1.** тиг, дам, қирра; *лэз*вие ножá пичоқ дами (тиғи); **2.** писка, лезвия; *лэз*вие к безопáсной бритве хавфсиз устара пискаси.

**ЛЕЗГИН** *м* лезгин, лэзгин; қ. лезгины.

**ЛЕЗГИНКА** *ж* **1.** лезгин аёл; қ. лезгины; **2.** лезгинка (кавказча шўр рақс ва шу рақс музикаси).

**ЛЕЗГИНСКИЙ**, -ая, -ое лезгины сўз. сиф.; қ. лезгины.

**ЛЕЗГИНЫ** *мн. (ед. лезгин м. лезгинка ж)* лезгинлар (Доғистон АССР даги бир гуруҳ халқларнинг умумий номи).

**ЛЕЗТЬ** *несов.* **1.** чиқмоқ, тирмашиб (ўрмалаб) чиқмоқ; *лезть на дерево* дарахтга чиқмоқ; **2.** кирмоқ, суқилиб, энгашиб кирмоқ; *лезть в окно* даразадан кирмоқ; **3.** тушмоқ; *лезть в воду* сувга тушмоқ; *лезть в ёму* ўрага тушмоқ; **4.** || *с. т. дағл.* аралашмоқ, орага суқилмоқ, қотишмоқ; *лезть не в своё дело* бировнинг ишига аралашмоқ; **5.** *с. т.* қўл солмоқ.

қўл солиб (тиқиб) олмоқ; олмоқ; лезть в шкаф за книгой шкафдан китоб олмоқ; 6. с. т. бош қотирмоқ, жонга тегмоқ, безор қилмоқ, ёпишмоқ; лезть с пустяками (к кому-н.) бекорчи гаплар блан бировнинг бошини қотирмоқ; чего ты ко мне лезешь? бошимни қотириб, нима қиласан?; нега менга ёпишасан?; 7. с. т. тўкилмоқ (соч ҳақида); волосы лезут соч тўкилиб кетяпти; 8. с. т. ситилмоқ, ситилиб йиртилмоқ; шёлл на платёе лезет илак қўйлак ситилиб йиртилмоқда; 9. с. т. сигмоқ, лойиқ келмоқ; сапоги не лезут (на ноги) этик сифмаяпти;  $\diamond$  лезть на рождён (с. т.) ўзини ўққа-чўққа урмоқ, хатрли ишга уринмоқ; лезть из кожи вон (с. т.) жон-жаҳди блан тиришмоқ, ҳаракат қилмоқ; лезть в драку муштлаимоқ, уришмоқ; не лезть в карман за словом гапга чечан бўлмоқ; лезть на стену жиғи-бийрони чиқмоқ; (хоть) в петлю лезть (с. т.) мушкул аҳволда қолмоқ.

**ЛЕЙ** м қ. лéя.

лей пов. накл. от лить (қ.).

**ЛЕЙБ-ГВАРДЕЙСКИЙ**, -ая, -ое тар. лейб-гвардия сўз. сиф.; лейб-гвардейский полк лейб-гвардия полки; қ. лейб-гвардия.

**ЛЕЙБ-ГВАРДИЯ** ж тар. лейб-гвардия (имтиёзли махсус гвардия қўшини; подшони ва қасрни қўриқлаш шу лейб-гвардиянинг вазифаларидан бири ҳисобланарди).

**ЛЕЙБ-МЕДИК** м тар. лейб-медик, қаср врач (подшо хонадонига хизмат қиладиган имтиёзли врач).

**ЛЕЙБОРИСТ** м сифс. лейборист, лейбористлар партиясининг а'зоси.

**ЛЕЙБОРИСТКА** ж сифс. лейбористка, лейборист аёл; қ. лейборист.

**ЛЕЙБОРИСТСКИЙ**, -ая, -ое сифс. лейборист сўз. сифс.; лейбористская партия лейбористлар партияси (ўзини „ишчилар“ партияси деб атайдиган, амалда эса ишчилар синфи ўртасида буржуа идеологиясини ўтказиб, Англия ҳамда Америка Қўшма Штатлари империалистларининг агентлари сифатида иш кўраётган инглиз реакцион партияси); лейбористское правительство лейбористлар ҳукумати.

**ЛЕЙДЕНСКИЙ**: лейденская банка (физ.) лейден банкиси (электр энергияси тўплайдиган асбоб, конденсаторнинг бир тури); лейденская батарея (физ.) лейден банкълари батареяси.

**ЛЕЙКА I** ж лейка (1. ўсимлик ёки гулларга сув селиш учун ишлатиладиган тешик-тешик жўмракли челақча; 2. махс. қайиқ ичига кириб қолган сувни чиқариб ташлайдиган чўмич).

**ЛЕЙКА II** ж лейка (махсус лентага сурат оладиган фотоаппарат).

**ЛЕЙКЕМИЯ** ж мн. нет мед. лейкемия (оққонлик касали, қонда оқ қон шарикларининг кўпайиб кетишидан иборат бўлган касаллик).

**ЛЕЙКОМА** ж мед. лейкома, оқ (кўзга тушадиган оқ).

**ЛЕЙКОЦИТ** м физиол. лейкоцит (оқ қон шариклари).

**ЛЕЙКОЦИТОЗ** м мед. лейкоцитоз (қонда лейкоцитлар, я'ни оқ қон шарикларининг кўпайиши).

**ЛЕЙТЕНАНТ** м харб. лейтенант (1. СССР қуроли кучларида—младший офицерларга бериладиган махсус ҳарбий унвон; младший лейтенант младший лейтенант; старший лейтенант старший лейтенант; 2. тар. чор Россияси флотида—иккинчи даражали офицерлик мансаби; 3. ба'зи мамлакатларнинг армияларида—биринчи даражали офицерлик мансаби).

**ЛЕЙТЕНАНТСКИЙ**, -ая, -ое лейтенант сўз. сифс.; лейтенантское звание лейтенант, лейтенантлик унвони.

**ЛЕЙТМОТИВ** м 1. муз. лейтмотив (бирон музика асарининг бошланшидан то охиригача такрорланиб борадиган асосий куйи темаси; лейтмотив симфонии симфониянинг лейтмотиви; 2. || асосий фикр; лейтмотив кнйги китобдаги асосий фикр.

**ЛЕКАЛО** ср тех. лекало (1. эгри чизиклар чизиш учун ишлатиладиган махсус чизғич; 2. мураккаб шаклдаги буюмларни яшаш учун ишлатиладиган махсус андаза, қолип).

**ЛЕКАРСКИЙ**, -ая, -ое лекарь сўз. сифс.; лекарский помощник (эск.) доктор ёрдамчиси, фельдшер.

**ЛЕКАРСТВЕННЫЙ**, -ая, -ое дори бўлаган, доривор; лекарственные растения доривор ўсимликлар.

**ЛЕКАРСТВО** *ср* дори, дори-дармон, даво; лекарство от кашля йутал дори.

**ЛЕКАРЬ** *м* эск. и нафр. табиб.

**ЛЕКСЕМА** *ж* лингв. лексема (луғавий бирлик—ҳамма шакл ва ма'нолари блан бир бутунни ташкил этадиган таркибий сўз ёки айрим сўз; мас., 'йўл' сўзи айрим лексема бўлгани сингари, „темир йўл“ сўзи ҳам алоҳида лексема ҳисобланади).

**ЛЭКСИКА** *ж* *мн.* нет лингв. лексика (бирор тил, шева ёки асарнинг луғат состави, сўз бойлиги); русская лексика рус тилининг лексикаси; лексика Пушкина Пушкин лексикаси, Пушкиннинг сўз бойлиги.

**ЛЕКСИКОГРАФ** *м* лингв. лексикограф, лексикография мутахассиси, луғатшунос.

**ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое лингв. лексикография сўз, сиф.; лексикографик; луғатчиликка оид; лексикографические работы лексикография ишлари; луғат тузиш ишлари.

**ЛЕКСИКОГРАФИЯ** *ж* *мн.* нет лингв. лексикография (1. луғатшунослик, луғат тузиш назарияси ва луғат тузиш иши; 2. нашр этилган луғатлар ёки луғат типдаги босилиб чиққан асарлар мажмуи).

**ЛЕКСИКОЛОГ** *м* лингв. лексиколог, лексикология мутахассиси.

**ЛЕКСИКОЛОГИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое лексикология сўз, сиф.; лексикологические занятия лексикология ишлари; лексикология машғулоти.

**ЛЕКСИКОЛОГИЯ** *ж* *мн.* нет лингв. лексикология (тилшуносликда—тилнинг лексикасини, луғат составини ўрганадиган бўлим); труды по лексикологии лексикологияга доир асарлар.

**ЛЕКСИКОН** *м* лингв. лексикон (1. эск. луғат; 2. сўз бойлиги, сўз запаси, лексика); его лексикон очень богат у сўзга жуда бой; торгашевский лексикон буржуазии буржуазиянинг савлогарчилик лексикони.

**ЛЕКСИЧЕСКИЙ**, -ая, -ое лингв. лексика сўз, сиф.; лексик, луғавий; луғатга, сўз составига оид; лексическое богатство русского языка рус тилининг сўз бойлиги, рус тилининг лексик бойлиги.

**ЛЕКТОР** *м* лектор (лекция ўқучи).

**ЛЕКТОРИЙ** *м* лектория [1. оммабоп лекциялар уюштирадиган ташкилот; 2. оммабоп лекциялар ўқиладиган жой; колхозный лекторий колхоз лекторияси (колхозчилар учун лекциялар ўқилиб турадиган жой)].

**ЛЕКТОРСКИЙ**, -ая, -ое лектор сўз, сиф.; лекторга ёки лекторликка оид; лекторский стаж лекторлик стажи.

**ЛЕКЦИОННЫЙ**, -ая, -ое лекция сўз, сиф.; лекцияга оид; лекционный зал лекция зали; лекционный метод преподавания лекция йўли блан ўқитиш усули; лекционные часы лекция соатлари.

**ЛЭКЦИЯ** *ж* 1. лекция; читать лекцию лекция ўқимоқ, лекция қилиб бермоқ; посещать лекции лекцияга қатнашмоқ; цикл лекций по истории ВКП(б) ВКП(б) тарихидан лекциялар цикли (лекциялар тўплами); лекция-концерт лекциялар концерт; публичная лекция оммавий лекция, кўпчилик ўртасида ўқиладиган лекция; 2. только *мн.* лекциялар, ўқилган лекциялар тўплами; литографированные лекции по литературе адабиётдан литография усули блан босиб чиқарилган лекциялар тўплами.

**ЛЕЛЭЯТЬ** *несов.* 1. эркаламоқ, ордоқламоқ, арзанда қилиб ўстирмоқ; ордоқлаб парвариш (тарбия) қилмоқ; мать лелējяла и баловала ребёнка она боласини ордоқлар ва эркалатар эди; 2. || умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ; орзу (ният, ҳавас) қилмоқ; лелējять мечту орзу (хаёл) қилмоқ; орзуманд бўлмоқ; лелējять надежду умидвор бўлмоқ; умид боғламоқ.

**ЛЕМЕХ, ЛЕМЕХ** *м* қ. х. лемех, тиш (плуг тиши).

**ЛЕМЕШНЫЙ**, -ая, -ое лемех сўз, сиф.; лемехга, плуг тишига оид; лемешный болт лемех болти (лемехни маҳкамлайдиган болт).

**ЛЁММА** *ж мат.* лемма (бошқа теоремани исбот этиш учунгина зарур бўлган ёрдамчи теорема).

**ЛЕМУРЫ** *мн. (ед. лемур)* м. лемурлар [1. *миф.* қадимги римлилар э'тиқодича — арвоқлар; 2. *зоол.* лемурлар (ярим маймунлар туркумининг бир оиласига кирадиган ҳайвонлар)].

**ЛЕН** *м тар.* лен (1. ўрта асрларда — ҳарбий хизматни ўташ ва бошқа мажбуриятларни бажариш шарти блан мулкдор-феодал томонидан ўз вассалига берилган мол-мулк, ер-сув ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи; 2. шу мол-мулк, ер-сувдан олинадиган солиқ).

**ЛЕН** *II м* Швецияда ма'мурий бўлинма, округ.

**ЛЁН** *м бот.* зиғир; зиғирпоя; диккий лён ёввойи зиғир; лён-долгунёц узун толали зиғир;  $\diamond$  *гёрный лён* (*мин.*) = асбёст (*қ.*); *волосы, как лён* мулоим (майин) соч; очсариқ соч.

**ЛЁНД-ЛИЗ** *м махс.* ленд-лиз (иккинчи жаҳон уруши даврида иттифоқдош давлатларга курул-аслаҳа, ўқ-дори, хомаш'ё, озиқ-овқат ва ш. к. маҳсулотларни қарзга бериб туриш тўғрисида 1941 йилда Америка Қўшма Штатлари конгресси чиқарган қонун; ленд-лиз бўйича қарз бериш америкали йирик монополиячиларга катта фойда келтирди).

**ЛЕНДЛОРД** *м* лендлорд (Англияда ўз ер-мулкини фермерларга ижарага беручи катта ер эгаси).

**ЛЕНІВЕЦ** *м I.* дангаса, танбал, ялқов; 2. *зоол.* ленивец (Жанубий Америкада — дарахтларда ўрмалаб юриб барглар блан овқатланадиган, катталлиги мушукдай сутэмар ҳайвон).

**ЛЕНІВИЦА** *ж қ.* ленивец 1.

**ЛЕНІВЫЙ**, -ая, -ое 1. ялқов, дангаса, танбал, эринчоқ, ишёқмас; 2. эринчоқликни билдирадиган; оғир, тепса-тебранмас; *ленівая* похóдка эринчоқ юриш;  $\diamond$  *ленівые щц* (*махс.*) карам шўрва.

**ЛЕНИНГРАДЕЦ** *м* ленинградли.

**ЛЕНИНЕЦ** *м (мн. ленинцы)* *ленинчи*, Ленин йўлидан боручи, Ленин — Сталин ишига содиқ одам.

**ЛЕНИНИЗМ** *м мн. нет* ленинизм [„Ленинизм — империализм ва пролетар революцияси даврининг марксизмидир. Анїқроғи: ленинизм умуман пролетар революциясининг назария ва тактикаси, хусусан пролетариат диктатурасининг назария ва тактикасидир“ (Сталин)].

**ЛЕНИНСКИЙ**, -ая, -ое Ленин яратган, ленинча; Ленин та'лимотига ва уни изчил равишда амалга оширишга оид; *ленинский комсомол* Ленин комсомоли; *ленинские заветы* Ленин васиятлари; *ленинские дни* Ленин кунлари (Ленин хотираси кунлари); *ленинский стиль в работе* ленинча иш услуби; *ленинский призыв* (*тар.*) Ленин чақириғи; *идти по ленинскому пути* Ленин йўлидан бормоқ.

**ЛЕНИНСКО-СТАЛИНСКИЙ**, -ая, -ое ленинча-сталинча; *ленинско-сталинская национальная политика* ленинча-сталинча миллий сиёсат.

**ЛЕНИТЬСЯ** *несов.* дангасалиқ қилмоқ, ялқовланмоқ, эринмоқ; он *лениется* написатъ вам у сизга хат ёзишга эринаётир; *этот ученик стал лениться* бу ўқучи ялқов бўлиб қолди.

**ЛЕНИК** *м тар.* лендан фойдаланучи вассал (мулкдор-феодал ерини ижарага олиб ишловчи вассал).

**ЛЁННЫЙ**, -ая, -ое *тар.* *лен сўз. сиф.*; *лённые подати* лен солиғи; *лённое право* лен ҳуқуқи (феодал блан вассаллар ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган ҳуқуқ); *лённая зависимость* ижарага олинган ердан фойдаланишда феодалга қарамлик.

**ЛЁНОВЫЕ** *мн. (ед. лёновое ср)* *бот.* зиғиргуллилар.

**ЛЁНОСТЬ** *ж мн. нет* ялқовлик, танбаллик, дангасалиқ, эринчоқлик.

**ЛЁНСКИЙ**: *лёнские соби́тия* (*тар.*) Лена воқчалари (1912 йил 4 апрельда Сибирьдаги Лена дар'ёси районида бўлган ишташаш вақтида ишчиларнинг чор жандармалари томонидан ўққа тутилиш воқяси).

**ЛЁНТА** *ж I.* лента, тасма; *шёлковая лента* шойи лента, ипак тасма; *орденская лента* орден лентаси; 2. *тех.* лента, тасма; кинематогра-



гипс, мум ва ш. к. дан ясалган нарса ва шундай нарсаларнинг сифати; **3. махс.** бадийи сураткашликда қуюқ бўёқлар блан расм чизиш.

**ЛЕПНО́Й**, -ая, -бе лепка сўз. *сиф.*; лой, гипс, мум ва ш. к. дан ясалган; наққошликка оид; зийнатли, безакли, нақшли; **лепные украшения** ганчбанд безаклар; **лепной потолок** нақшли (ганчбанд) шип.

**ЛÉПРА** *ж мед.* мохов (касал).

**ЛЕПРОЗО́РИЙ** *м мед.* лепрозория (моховларни даволайдиган махсус касалхона).

**ЛÉПТА** *ж* 1. Грецияда — танга, чақа (пул); 2. || қўлдан келган қадар ёрдам, улуш, хисса, иона; **внести свою лепту** (*во что-н.*) ўз хиссасини қўшмоқ (қўлидан келганча ёрдам бермоқ).

**ЛЕС** *м (мн. лесá)* 1. ўрмон, дарахтзор; **густой лес** қалин ўрмон; **хвойный (красный) лес** нинабаргли дарахтзор; **лиственный (чёрный) лес** қора ўрмон (яроқли дарахтлар ўрмони); **дремучий лес** жуда қалин ўрмон; **лес на корню** ўсиб турган дарахтзор; **дévственный лес** одам оёқ босмаган (қўл тегмаган) ўрмон; **2. толькó ед.** ёғоч, тахта материаллари; **строевой лес** иморатбоп ёғочлар, бинокорлик ёғочлари; **корабёльный лес** кемабоп ёғочлар (кемалар ясаш учун ишлатиладиган ёғочлар); **подбёлочный лес** ишлатишга яроқли ёғоч материаллар; **дуралгорлик ёғоч**; **мáчтовый лес** мачта ёғочи; **устунбоп ёғоч**; **сплавлять лес** сол (ёғоч) оқизмоқ; **3. || толькó ед.** кўп миқдор, сон-саноксиз, беҳад; қатор-қатор; **на Красной площади** қоллйшета лес знамён Қизил майдонда сон-саноксиз байроқлар ҳиллираб турпти; **лес заводских труб** заводларнинг қатор-қатор трубалари; **О как в лесу** (*с. т.*) ўрмонга кириб қолгандай ҳечнарсани тушунмай (англамай, фаҳхламай) иш кўриш; **я в этом деле, как в лесу** менга бу иш ўрмондай қопқоронғи; **кто в лес, кто по дрова́ (матал)** қ. кто 3; **лес рубят, щепки летят** (мақол) бирон катта ишни бажаришда майда-чуйда блан ҳисоблашмаслик; **волков бояться — в лес не ходить** (матал) буридан

қўрққан ўрмонга кирмас (чумчуқдан қўрққан тариқ экмас).

**ЛЕСА́** I *мн., ед. нет блнк.* ҳовоза (баланд иншоотлар, бинолар қуриш ёки уларни ремонт қилиш учун вақтинча ўрнатилган қурилмалар); **строительные леса** бино ҳовозаси.

**ЛЕСА́ II, ЛÉСА** *ж (мн. лбсы, лбсы)* *махс.* ипга боғланган қармоқ; **закинуть лесу в воду** сувга қармоқ ташламоқ.

**ЛÉСЕНКА** *ж с. т.* лэстница сўз. *кичр. айт.*; кичкина нарвон, нарвонча, зинача.

**ЛЕСИ́НА** *ж махс.* хода.

**ЛЕСИ́СТЫЙ**. -ая. -ое сердарахт; **лесистая мýстность** ўрмонли, сердарахт жой.

**ЛÉСКА, ЛЁСКА** = лесá II (*қ.*)

**ЛЕСНИ́К** *м* 1. ўрмон қоровули; ўрмонazorатчиси; 2. ўрмон саноати ходими.

**ЛЕСНИ́ЧЕСТВО** *ср* ўрмон хўжалиги (аирим ўрмон участкаси ва унинг бошқармаси).

**ЛЕСНИ́ЧИЙ** *м* ўрмон хўжалигининг ходими, мудири.

**ЛЕСНО́Й**, -ая, -бе лес сўз. *сиф.*; ўрмонга ёки ўрмончиликка оид; ўрмондаги; **лесное хозяйство** ўрмон хўжалиги; **лесной склад** ёғоч склади; **лесной санаторий** ўрмонда жойлашган санатория; **лесные богатства** нашего Севера оғромны мамлакатимизнинг Шимолида ўрмонзор бойликлари жуда кўп; **лесной материал** ёғоч материаллар (ёғоч-тахта ва ш. к.); **лесной питомник** қ. лесопитомник; **лесные насаждения** қ. лесонасаждение; **лесная промышленность** ёғоч (ўрмон) саноати; **лесной институт** ўрмончилик институти; **защитные лесные полосы** ихота дарахтзорлари; **лесная сёлка** дарахт уруғи экадиган сёлка.

**ЛЕСОВÉДЕНИЕ** *ср* қ. лесоводство.

**ЛЕСОВÓД** *м* ўрмоншунос (ў м энчилик мутахассиси); **учёный лесовод** ўрмоншунос олим.

**ЛЕСОВО́ДСТВО** *ср* *мн. нет* 1. ўрмоншунослик (ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни кўпайтириш йўллари-

дан баҳс этадиган илм); преподавать лесоводство ўрмоншуносликдан дарс бермоқ; 2. ўрмончилик (ўрмонларни парвариш қилиш ёки уларни сақлаш ишлари).

**ЛЕСОВОДЧЕСКИЙ**, -ая, -ое лесоводство сўз. *сиф.*: лесоводческая бригада ўрмончилик бригадаси.

**ЛЕСОВОЗ** *м махс.* ёғоч-тахта ташийдиган кема, автомашина ва ш. к.

**ЛЕСОВОЗНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* ёғоч ташийдиган; лесовозная железнодорожная ветка ўрмондан ёғоч ташиб чиқиш учун қурилган темир йўл тармоғи; лесовозные автомашины ёғоч ташийдиган автомашиналар.

**ЛЕСОЗАВОД** *м* ёғоч заводи (ёғоч-тахта материаллари тайёрлайдиган завод).

**ЛЕСОЗАГОТОВИТЕЛЬ** *м махс.* ёғоч тайёрловчи.

**ЛЕСОЗАГОТОВИТЕЛЬНЫЙ**, -ая, -ое *махс.* ёғоч тайёрлашга оид; ёғоч тайёрлайдиган; лесозаготовительная компания ёғоч тайёрлаш кампанияси.

**ЛЕСОЗАГОТОВКИ** *мн.* (*ед.* лесозаготовка *ж*) ёғоч тайёрлаш.

**ЛЕСОЗАЩИТНЫЙ**, -ая, -ое дала-ларни ихота қилиб ўтқазилган; дала-ларни ихота қилучи (шамол, қор, намгарчилик ва ш. к. дан тўсучи); лесозащитные насаждения 1) дала-тўсқич дарахтзорлар, ихота дарахтзор-лари (ихота қилиб ўтқазилган дарахт-лар); 2) ихота қилиб дарахт (кўчат) ўтқазиб; лесозащитная полоса ихота дарахтзорлари (ихота учун ўтқазилган қатор дарахтлар); лесозащитная станция ихота дарахтзорла-ри станцияси, дала-тўсқич дарахтзор-лар станцияси (далаларни ихота қилиб дарахт ўтқазиб иши блан шугуллан-учи станция).

**ЛЕСОИСТРЕБЛЕНИЕ** *ср мн.* нет ўрмонларни йўқ қилиш; дарахтларни кесиб ташлаш.

**ЛЕСОК** *м* кичкина ўрмон, ўрмонча, кичик дарахтзор.

**ЛЕСОМЕЛИОРАТИВНЫЙ**, -ая, -ое лесомелиорация сўз. *сиф.*: қ. лесомелиорация.

**ЛЕСОМЕЛИОРАЦИЯ** *ж мн.* нет ўрмон мелiorацияси (экин экиш учун яроқсиз ерларга дарахт ўтқазиб, экин-

боп қилиш, шамол ва қорларни тў-сиш йўли блан ернинг намини сақлаш ва унумдорлигини орттириш ишлари).

**ЛЕСОНАСАЖДЕНИЕ** *ср 1. только ед.* дарахт ўтқазиб; кўчат ўтқазиб; дарахтзорлар барпо этиш; полез-ащитное лесонасаждение 1) далалар-ни ихота қилиб дарахт ўтқазиб; 2) да-латўсқич дарахтзорлар; 2. дарахт-зор; экилган дарахтлар; дарахтлар кўчати; лесонасаждения оградя-ют посевы от суховея дарахтзор-лар экинларни гармселдан сақлайди; уход за лесонасаждениями дарахт-зорларга қараш, кўчатларни парва-риш қилиш.

**ЛЕСООХРАНЕНИЕ** *ср* ўрмонни, дарахтзорларни сақлаш, қўриқлаш.

**ЛЕСОПИЛКА** *ж 1. тех.* тахта тиладиган машина; 2. *с. т. қ.* лесопильня.

**ЛЕСОПИЛЬНЫЙ** -ая, -ое тахта тиладиган; лесопильный завод тахта заводи.

**ЛЕСОПИЛЬНЯ** *ж* кичкина тахта заводи (тахта тиладиган кичкина завод).

**ЛЕСОПИЛЬЩИК** *м* тахта тилучи, арраловчи, арракаш.

**ЛЕСОПИТОМНИК** *м* кўчатхона, кўчатзор (дарахтзорлар учун кўчат ўстирадиган махсус жой, ўрмон да-рахтлари кўчатзори).

**ЛЕСОПОЛОСА** *ж* қатор дарахт-зорлар, ихота қилиб ўтқазилган да-рахтлар; полезашитная лесополоса далаларни ихота қилучи дарахтзор.

**ЛЕСОПОСАДКИ** *мн.* (*ед.* лесопо-садка *ж*) дарахт ўтқазиб, дарахт кўчатлари ўтқазиб; дарахтзор барпо қилиш.

**ЛЕСОПОСАДОЧНЫЙ**, -ая, -ое дарахт ўтқазадиган; лесопосадочный материал дарахт кўчатлари; лесопо-садоочная машина дарахт кўчати ўт-қазадиган машина.

**ЛЕСОПРОМЫШЛЕННИК** *м* капита-листик мамлакатларда—ўрмонзор-лар ва ёғоч материаллардан фойдала-ниб даромад топучи.

**ЛЕСОПРОМЫШЛЕННОСТЬ** (лес-ная промышленность) *ж мн.* нет ўрмон саноати (дарахтларни кесиб,

ёғоч тайёрлаш ва ундан тахта, фанер ва ш. к. қилиш саноати).

**ЛЕСОРАЗВЕДЕНИЕ** *ср мн. нет* ўрмонзор (дарахтзор) қилиш; дарахтларни парвариш қилиш; полезайтное лесоразведение далаларни ихота қилучи дарахтзорлар барпо қилиш.

**ЛЕСОРАЗРАБОТКА** *мн. (ед. лесоразработка ж)* дарахт кесиш; ёғоч тайёрлаш.

**ЛЕСОРУБ** *м махс.* дарахт кесучи, ёғоч кесучи.

**ЛЕСОРУБНЫЙ**, -ая, -ое, **ЛЕСОРУБОЧНЫЙ**, -ая, -ое ёғоч кесадиған, дарахт кесадиған; лесорубный инструмент дарахт (ёғоч) кесадиған асбоблар.

**ЛЕСОРУБОЧНЫЙ**, -ая, -ое = лесорубный (*қ.*).

